

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД  
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Каримов С.А.*

# ТИЛ ТАЪЛИМИ ВА МЕЪЁР

(ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА)

Мазкур ўқув қўлланмаси В –  
220100 ва 5 – 220100 – филология  
(ўзбек тили ва адабиёти) – бака-  
лаврлик йўналишида таҳсил ола-  
ётган талабалар учун тайёрлан-  
ган

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси  
нашриёти  
Тошкент – 2002

Каримов С.А. Тил таълими ва меъёр. Ўқув қўлланма. — Тошкент : Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002. - 267 б.

Мазкур ўқув қўлланмаси В – 220100 ва 5 – 220100 – филология (ўзбек тили ва адабиёти) – бакалаврлик йўналишида таҳсил олаётган 3-курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, Давлат таълим стандартларига мувофиқ келадиган ва танлама фан сифатида ўтиладиган «Ҳозирги ўзбек тилининг меъёрий муаммолари» курси дастури асосида ёзилган.

Қўлланмани яратишда ва меъёр ҳодисасининг лингвистик тушунча эканлиги, унинг предмети, мақсад ва вазифалари, меъёр масаласининг ўзбек тилшунослигида ўрганилиш тарихи, адабий тилга муносабати, умумий ва хусусий меъёрлар, меъёрларнинг тилдаги имло, талаффуз, лексик-фразеологик, грамматик ва услубий кўринишлари, меъёр ва лугатчилик, меъёр ва нутқ маданияти масалаларини ёритишда мустақиллик даврида ўзбек тили ва уни тадқиқ этишда юз берган ўзгаришлар ҳамда эришилган ютуқларга таянилган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди,  
доцент Ж.Ҳамдамов.

Тақризчилар: филология фанлари доктори,  
профессор Б.Ўринбоев;  
филология фанлари доктори,  
профессор Б. Йўлдошев.

4602000000-380

К-----гриф - 2002

M361(04)-2002

ISBN 5-56484-013-0

© С.А. Каримов, 2002.

## С Ў З - Б О Ш И

Тарихдан шу нарса маълумки, ҳар бир давр, ижтимоий тузум инсоният олдига у яшаб турган ҳаётни реал идрок қилиш, мавжуд ижтимоий-сиёсий, моддий-маънавий салоҳиятдан янгича, ўз истиқболи манфаатларидан келиб чиқиб фойдаланиш, турлича мазмундаги анъаналарни замон талабларига мослаб ислоҳ қилиш масалаларини кўндаланг қилиб кўяди.

Ўзбекистон Республикаси XX асрнинг охириги ўн йиллиги бошида кўлга киритган мустақиллик халқимизнинг ҳар томонлама ривожланган, камол топган, ўз тарихий ва миллий анъаналаримизни янгича бир тарзда ривожлантиришга имкон берадиган, ўзбек миллатини дунёдаги маънавияти энг юксак халқ даражасига кўтаришга шароит яратадиган келажагимизни барпо қилишга замин яратди.

Ислоҳот деб аталадиган кўп қиррали ва ўта мураккаб жараён ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг, шубҳасиз, барча жаҳдаларини қамраб олади. Жумладан, баркамол авлод тарбиясини миллий истиқлол ғоясига йўғрилган аниқ мақсадларга йўналтириш, яхлит бир бутунликни ташкил қиладиган узлуксиз таълим жараёнини ана шу вазифаларга бўйсундириш ҳам юқорида тилга олинган ислоҳотлар доирасида қаралади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тарққиётининг пойдевори» мавзусида сўзлаган нутқида истиқболимиз, умидимиз бўлган ёш авлодни тарбиялаш стратегиясини аниқ ва равшан белгилаб берди. Бинобарин, ижтимоий ҳаётнинг ана шу мураккаб жаҳҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир зиёли, педагог уни ўзига дастур сифатида қабул қилиши, ўз иш режасини ундаги ғоялар, тақлиф ва

мулоҳазалар асосида тузиб, иш кўрмоғи лозим бўлади. Зеро, ёш авлод тарбияси бизнинг истиқболимиз учун не чоғлик муҳим эканлигини ҳеч биримизнинг унутишга ҳаққимиз йўқ.

Президентимиз таъкидлайдиларки, «ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш» зарур<sup>1</sup>. Бинобарин, таълим жараёнини, ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш давлатимиз олиб бораётган кўп қирралли сиёсатда асосий вазифалардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Уни амалга ошириш учун эса маълум мавзу доирасида кенг ва атрофлича билим берадиган ҳамда бу билимларни миллий истиқлол гоёлари билан, миллий мафкура ва дунёқараш ҳамда узоқ йиллар давомида шаклланган маънавиятимиз билан узвий боғлай оладиган дарсликлар, ўқув қўлланмалари зарур.

Табиийки, ана шу зарурият билан боғлиқ дунёқараш тилшунослик илмини ўқитиш жараёнида ҳам эътиборга олинishi лозим. Гарчи бу фанни ўрганишдаги кўплаб қонунқоидалар, тил материали доирасидаги ўзгаришлар жуда секинлик билан юз берса-да, тилнинг социолингвистик жиҳатлари, уни амалда қўллаш жараёнининг янгича, замонавий талабларга мувофиқлаштирилиши ҳаёт талабидир. Бу, даставвал, тил материалидан нутқ жараёнида самарали фойдаланиш, нутқ маданиятини янада такомиллаштириш борасида меъёрий муаммоларни маълум даражада ҳал қилиш ва бунга оид билимлардан талабаларни, жамоатчиликни хабардор қилиб бориш билан боғлиқ.

Негаки, кўп асрлар давомида шаклланган маънавий-маърифий қадриятларимизга таянган, бугунги кунда янги истиқлол мафкураси билан озиқлантирилаётган, шу билан бирга, бизни умумбашарий улуғ маънавият сари етаклаётган

---

<sup>1</sup> *Каримов И.А.* Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. ЎзР Олий Мажлиси IХ сессиясида сўзланган нутқ, 1997 йил 29 август. – Тошкент, 1997, 4-бет.

миллий онгимиз, шууримиз ва дунёқарашимиз ўзбек нутқи маданиятини, она тилимизнинг амалий жиҳатларини замон талабларига мос равишда ўрганиш барчамиз учун зарурдир.

Ана шу олижаноб вазифанинг ҳеч бўлмаганда маълум қисмини амалга ошириш йўлида яратилган ушбу ўқув қўлланма нутқ маданиятини идрок қилишда ёрдам беради, бинобарин, унинг таркибий қисми бўлган ўзбек тилининг меъёрий муаммоларини ўрганишда филолог талабаларга кўмаклашади, деб умид қиламиз.

## МЕЪЁР ҲОДИСАСИНING ЛИНГВИСТИК ТУШУНЧА ЭКАНЛИГИ

Р е ж а:

1. Тил ва нутқнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги.
2. Меъёр – тил тизимининг объектив реаллашуви.
3. Нутқий эҳтиёж ва унинг даврийлиги ҳамда уни белгиловчи омиллар.
4. Тил меъёрининг миллий характери.
5. Меъёрдаги тарихийлик ва анъанавийлик.
6. Нутқнинг индивидуал жараён эканлиги.
7. Нутқий шарт-шароитлар ва улардан келиб чиқадиган нутқий услублар.
8. Узус ва адабий меъёр.

*Таянч сўз ва иборалар : Тил – алоқа воситаси. Нутқ тилнинг ҳаракат шакли. Оғзаки ва ёзма нутқ. Тил – тизим. Фонетик, лексик ва грамматик бирликлар ва нутқ. Меъёр – тил тизимини назорат қилиш воситаси. Нутқ инсоннинг маънавий-маърифий, ижтимоий-фалсафий дунёқарашини акс эттирувчи омил. Нутқ кўринишлари, нутқ услублари. Узус – кўникмалар йиғиндиси. Адабий меъёр.*

Меъёр тушунчасига тил нуқтаи назаридан муносабат билдиришдан аввал талабаларга I- курсда танишилган баъзи бир тил атамаларини эслатиб ўтиш мақсадига мувофиқ бўлади. Бу, энг аввало, тил ва нутқ тушунчалари, улар ўртасидаги диалектик, чамбарчас алоқа масаласидир.

Табиийки, инсон табиат ва жамият маҳсули сифатида уларнинг қуршовида яшайди. Айни пайтда, уларнинг олий маҳсули ҳам саналиб, ана шу қуршовни нарса ва предмет шаклида, воқеа ва ҳодиса тарзида миясида акс эттиради, ид-рок қилади, фикрлайди. Бу жараёнда материал ҳисобланган тилнинг аҳамиятини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Шунинг

учун ҳам тил тафаккур қуроли деб бежиз айтилмайди. «Тил билан тафаккур бир-бирини тақозо этадиган ажралмас ҳодисадир. Тилсиз тафаккур бўлмаганидек, тил ҳам тафаккурсиз бўлмайди».<sup>1</sup>

Тилнинг инсон учун фикрлаш воситаси бўлишини, моддий асос сифатида хизмат қилишини ҳали биринчи босқич дейишимиз мумкин. Иккинчи босқичда эса фикрлаш натижасида, тафаккур маҳсули реаллашмоғи, яъни фикрлаш маркази бўлган миёдан ташқарига чиқиши лозим. Бунда эса тилга бўлган эҳтиёжнинг иккинчи босқичи бошланади - у коммуникатив вазифани бажаришга киришади.

Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг турли тилларда турлича номланишидан қатъий назар, мана шу жараёнда у инсонлар фаолиятида фикрлаш ва ўзаро ижтимоий муносабат - муомала воситаси, материали бўлиб қолаверади. Аммо тил муомала воситасига айландими, унинг табиий равишда имконият доираси ҳам кенгайиб боради. Энди у нутқ, нутқий жараён қуролига айланади.

Бу ҳолни учинчи босқич деб аташ мумкин. Босқичлар сони ортиб боравергани сари тилнинг ижтимоийлик имконияти ҳам тобора кенгайиши маълум бўлиб қолади. Яъни, инсон нутқий фаолиятида коммуникатив вазифани бажарётган тил кўмагида суҳбатдош ёки тингловчига маълум ахборот ҳам етказилади. Демак, тилга бўлган муносабатда тўртинчи босқич юзага келади.

Шу ўринда акад. В. В. Виноградовнинг муҳим бир фикрини эсласлик асло мумкин эмас. У тилнинг учта энг муҳим вазифаси мавжудлигини таъкидлаган эди: алоқа, хабар, таъсир этиш.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Содиқова А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1981, 20-бет.

<sup>2</sup> Виноградов В. В. Сталистика. Теория поэтической речи. Поэтика. - М., 1963, с. 6.

Тил инсонлар ўртасида алоқа воситаси бўлиши, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида хабар беришдан ташқари суҳбатдош ёки тингловчига маълум таъсир ўтказиш, ҳиссиётини кўзгатиш кучига ҳам эга. Агар бу ҳолатни шартли равишда бешинчи босқич деб атайдиган бўлсак, таъкидлаганимиздек, тилнинг босқичма-босқич тақомиллашиб, мукаммаллашиб ва имкониятлари ҳам аста-секинлик билан кенгайиб боришини кузатамиз.

Мана шу ўринда тилнинг ҳеч бир имконияти нутқсиз, нутқий жараёнсиз амалга ошмаслиги, юзага келмаслигига амин бўламиз. «Тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма ҳолда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни ҳиссий идрок этиладиган шаклга киради ва шу тариқа у энди бир шахсга эмас, балки жамиятга тегишли бўлиб қолади.»<sup>3</sup>

Маълум бўладики, тил нутқнинг ўта муҳим унсури сифатида алоқа, хабар, таъсир этишдек, шу билан бирга, имкониятлари ниҳоятда кенгайиб бориши натижаси ўлароқ кишилик жамияти тўплаган тажриба ва билимларни келажак авлодларга етказишдек улугвор ижтимоий вазифани бажаради.

Асл муддаомиз - тилдаги меъёр масаласини англаб олишга қараб бораётган эканмиз, тилнинг амалда бўлиш жараёнидаги яна бир муҳим жиҳатга эътибор қилишимиз зарурияти туғилади. Ўз шаклланиши ва ривожланиб бориши давомида узоқ тарихий йўл ва муддатни ўтайдиган тил ана шу жараёнда, аста-секинлик билан бўлса-да, тақомиллашиб ҳам боради. Бу ҳолни унинг ички қурилишида, амалда бўлиш қоидаларининг маълум бир тизимга кела боришида кузатамиз. «Ички қурилиш нуқтаи назардан тил маълум миқдордаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тил

---

<sup>3</sup> *Хайруллаев М., Ҳақбердиев М.* Мантиқ, – Тошкент, 1993, 31-бет.



бирликларининг йиғиндиси ва ана шу бирликлардан фойдаланиш қоидаларидан ташкил топган мураккаб системадир». <sup>4</sup>

Тилнинг такомиллашиб бориши ва нутқ жараёнидаги босқичларини таниқли тилшунос олимлар Х.Неъматов ва Р.Расуловлар систем тилшунослик «тил-меъёр-нутқ» тарзида ажратишини таъкидлашиб, қайд қиладиларки, «Тил бевосита кузатишда берилмаган. У жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар йиғиндиси сифатида қаралади.

Нутқ тилнинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиш, воқеланиш шакли бўлиб, у бевосита кузатишда берилган, моддий (табiiй, физик) шаклга эгадир.

Меъёр (норма) - тил бирликларини нутқнинг у ёки бу кўринишида ишлатиш қонуниятлари ва имкониятлари бўлиб, улар жамият томонидан белгиланган ва аниқлангандир». <sup>5</sup>

Айтилганлардан англашилаяптики, тил ва нутқ тизи-мида меъёр ҳам ўз ўрнига эга. Бинобарин, тил материал сифатида нутқ жараёнида хизмат қила бошлаган лаҳзаларданоқ уни меъёрлаштириш жамоа, жамият эҳтиёжига айланган, меъерий муаммолар кун тартибига қўйилган. Мана шу ўринда юқорида номлари тилга олинган олимларимизнинг қуйидаги фикрларини келтириш муҳим: «Меъёр таърифида «жамият (ижтимоий) томонидан белгиланган, аниқланган қонуниятлар ва имкониятлар» тушунчаси мавжуд. Бу тушунча қуйидаги изоҳларни талаб этади. Биринчидан, тилнинг моддий томони ҳақидаги бизнинг тасаввуримиз нутқда юзага чиқар экан, у қандай шакл ва кўринишда воқеланиши жамият

---

<sup>4</sup> Содиқова А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш, 22-бет.

<sup>5</sup> Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 7-бет.

томонидан муайян меъёрлар билан белгиланган бўлади. Масалан, «бу ёққа кел» тушунчасини имо-ишора билан ифода-ламоқчи бўлсак, кўрсаткич бармоқни ёки қўлни ишора қилинаётган кишидан ўзимиз томон ҳаракатлантиришимиз лозим. Оғзаки нутқда эса жамиятимиз томонидан қабул қилинган махсус товушлар тизмаси мавжуд бўлиб, биз уларни талаффуз этишимиз - айтишимиз шарт. Айтилганларнинг барчаси меъёрнинг таркибий қисмларидир. Шунга кўра тил имкониятлари меъёр дарчасидан ўтиб, нутқда юзага чиқади».<sup>6</sup>

Жамият тараққиёти билан баб-баравар аҳоли сони, бинобарин, уларнинг тилга бўлган эҳтиёжи ҳам ўсиб бораверади. Бу эҳтиёжларни қондириш зарурати эса ўз навбатида тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги табиатини, моҳиятини, вазифасини ўрганишни тақозо қилади, нутқ жараёнидаги истеъмолда бўлиш хусусиятларини кузатишни келтириб чиқаради. Агар мана шу айтилганларни бошқачароқ тарзда изоҳлаш мумкин бўлса, тил ва нутқ меъёрини ўрганиш, таҳлил қилиш кузатувчиларнинг асосий муддаосига айланиб қолади.

Бунда маълум тилнинг истеъмолчиси бўлган халқ, бу халқ яшаган ва яшаб келаётган тарихий шароит, унинг маиший, маънавий-маърифий турмуши, ижтимоий-фалсафий ва эстетик дунёқараши, урф одатлари сингари қатор омилларни ҳам эътиборда сақлаб туриш лозим бўлади. Чунки инсон фаолиятининг муҳим қисми саналган тилни ва унинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ана шундай қуршовда ўрганишгина атрофлича хулосалар чиқаришга кўмаклашади. Шу билан бирга, тил ҳодисаларини, унинг меъёрий жиҳатларини тадқиқ этишда ана шу тилнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олмаслик асло мумкин бўлмайди. Ўз она

---

<sup>6</sup> Невматов Х., Расулов Р. Юқоридаги асар, 27-бет.

тили - барча ўзига хослиги билан шаклланган тили бўлгани учун ҳам у миллат саналади. Шундай экан тил тарихини, унинг меъёрий нуқтаи назардан шаклланиш жараёнини, кўламини миллат тарихидан ажратиб олиб ўрганиб бўлмайди.

Ана шу маънода меъёр миллийлик ва тарихийлик мазмунини касб этади, неча юз, минг йиллар давомида шаклланган анъанавийликка эга бўлади. Инсон тафаккурининг борлиқни идрок этиши жуда мураккаб ва узоқ давом этувчи жараён эканлиги, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг тилда тегишли атамалар билан номланиши инсоннинг фикрлаш жараёнида кўмаклашиши барчамизга аён. Бир хил предмет, нарса ва ҳодисанинг турли тилларда турлича ном олиши эса тилнинг ижтимоий-тарихий-миллий ҳодиса эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шу билан бирга, бу номланишларнинг ҳар бир ҳолатда ўзига хос тарзда меъёр эканлигини ҳам кўрсатиб туради.

Бундан ташқари, тилдан фойдаланишдаги тарихий жараён шуни исботлайдики, маълум бир тилда бир тушунчани ифода этадиган сўз мавжуд бўлиши билан бирга унинг бошқа бир тилдан ўзлаштирилган мустақил варианты ҳам баравар ишлатилиб келинади. Ҳатто даврлар ўтиб, улар ўзаро синонимик нозикликлардан ҳам жудо бўлиб қолиши, баб-баравар лингвистик қийматга эга бўлиши мумкин. Бу ҳолатни ҳам тилдаги меъёрий қонуният сифатида қабул қилишга мажбур бўламиз.

Миллатлараро ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ҳамкорликлар тил бирликларидан шу тарзда фойдаланишни келтириб чиқарганлиги тушунарли. Мавжуд тил меъёрларининг ана шундай сабаблар билан ўзгариши, ўз навбатида янги гича бир меъёрларнинг юзага келиши узоқ давом этадиган жараёндир. Демак, тилдан фойдаланишдаги анъанавий меъёрларнинг даврлар ўтиши билан ўзгариб, янгилашиб туришини ҳам тарихий жараён сифатида қабул қилишга тўғри

келади. Шу ўринда А.Бердиалиевнинг «Сўз ва атамалар ҳосил қилишнинг баъзи назарий масалаларига доир» номли мақоласида келтирилган айрим мисоллардан фойдаланамиз: «...маънодошлик парадигмаларида муқобил «эшдош» (аъзо)лар саналувчи *меҳнат*, *машаққат* сўзлари XI аср ўзбек тилида *қўк* (*кок*) шаклида ишлатилган. *Уй*, *хона* ҳамда турмушга чиқмаган *қиз* сўзлари *эв* шаклида ҳам учраган. *Яхшилик*, *эзгулик* маъноларидаги лисоний бирлик *азз* шаклида қўлланган. (Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Тошкент, 1967)».<sup>7</sup>

Бу каби даврий меъёрий ўзгаришларни тилдаги ҳар бир меъёрий жараёнга татбиқ этиш тўғри бўлмайди, албатта. Меъёр ўзгаришидаги ҳар қайси аниқ ҳолат алоҳида таҳлил қилиниши ва ана шу асосда умумий назарий хулоса чиқарилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Англашиладики, тил меъёрини белгилаш муаммоларини ҳал қилиш ҳар бир миллий тил маданиятини ривожлантиришнинг узвий қисмига айланади. Шунинг учун ҳам меъёр масалаларининг нутқ маданияти доирасида ўрганилиши бежиз эмас. «... нутқ маданияти проблемасининг ўрганилиши ... икки аспектга эга дейиш мумкин: биринчиси, ўзбек адабий тили нормаларини, имконият доираларини янада силлиқлаш, стабиллаш билан боғлиқ бўлган нутқ маданияти проблемалари; иккинчиси эса ўзбек адабий тилидан бу тилда гапирувчи жамият аъзоларининг (ҳатто конкрет шахсларнинг) тўғри, изчил ҳамда намунали фойдалана олишлари учун ёрдамла-

---

<sup>7</sup> *Бердиалиев А.* Сўз ва атамалар ҳосил қилишнинг баъзи назарий масалаларига доир // «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга оширишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислари. – Навоий, 1993, 23-бет.

шиши билан алоқадор бўлган нутқ маданияти проблемалари».<sup>8</sup>

Афсуски, тилдаги меъёрий муаммоларни, қийинчиликларни қисқа муддатлар ичида ҳал қилишнинг имкони йўқ. Агар бунинг аксини айтсак, тилимизнинг амалда бўлиш қонунларига, бугунги реал ижтимоий ҳаётимизга зид фикр бўлиши мумкин эди. Бир тарихий ҳолатни эслайлик. 1989 йилда «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида» қабул қилинган Қонунини катта қувонч билан кутиб олдик ва уни амалда татбиқ этишга иштиёқ билан киришдик. Аммо унинг ҳамма моддаларини бирданига ва тезликда бажаришнинг имкони бўлмади. Ўша пайтда қонуний бўлмасида, амалдаги иш юритиш тили рус тили эканлиги, бир қисм ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг шароит тақозоси билан рус тилида савод чиқарганлиги, фарзандларини ҳам боғчалар ва мактабларда ана шу тилда таълим-тарбия олишга жалб қилганлиги, бунинг устига республикамызда кўпмиллатли аҳолининг биргаликда яшашлари ана шундай табиий тўсиқлардан бўлиб турди. Оқибатда маълум муддат муомала жараёнида, расмий иш қоғозларини юритишда, турли даражадаги анжуманларни ўтказишда рус тилидан фойдаланишдаги мавжуд анъаналар ўз кучини сақлаб турди. Тўғриси айтганда, орадан ўн тўрт йилдан ортиқ вақт ўтса ҳам бу нуқсонлардан тўлалигича қутила олган эмасмиз. Ўзбек тилидан фойдаланишдаги қийинчиликларнинг кўплари баргараф этилганлигини, тил амалиётига оид масалаларнинг босқичма-босқич ҳал бўлиб бораётганини ҳам кузатамиз. Бунинг объектив ва субъектив омиллари ҳам бор, албатта. Ҳарқалай ўтган вақт мобайнидаги тилдан фойдаланиш

---

<sup>8</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент: Фан, 1973, 168-бет.

жараёни бир нарсани исботлади - тил меъёрий муаммоларининг талқин этилиши ва ижобий ҳал қилиниши вақт деган ҳакамга ҳам боғлиқлиги маълум бўлди.

Шиддат билан давом этаётган ижтимоий тарихий жараён тил тараққиётига қандай таъсир кўрсатса, унинг амалий меъёрларига ҳам шундай таъсир қилади. Демак, ана шу тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, меъёр даражасини ҳам доимо кузатиб бориш ва тартибга солиб туриш лозим бўлади.

Тил элементларининг маълум бир меъёрга келтирилиши, бир томондан, тил мутахассислари томонидан бошқариб борилса, иккинчи томондан, табиий равишда ҳам юз беради. Аммо, фикримизча, бир нарса маълум - тилнинг амалда бўлиш ҳолатларига тазйиқ ўтказиб бўлмайди. Лекин тегишли йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, тавсиялар берилиб борилиши зарур. Бу меъёрий тавсияларнинг қанчалик ҳаётий эканлигини эса амалдаги нутқий жараённинг ўзи белгилайди. Иккинчидан, ана шу меъёрий ҳужжатларсиз, йўл-йўриқларсиз ҳам тил ва нутқ ривожини тасаввур этиб бўлмайди. Қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун буни яққол исботлади. Кейинги йилларда тилимиз ривожини, тараққиёти ва нутқ маданиятида юз берган ўзгаришларни нафақат ўзбек тили мутахассислари, балки шу тилда сўзлашувчи барча инсонлар, ҳатто республикамиз ҳудудида яшовчи она тилиси бошқа бўлган кишилар ҳам кузатиб, билиб, эришилган ютуқларни эътироф этиб туришибди.

Шу билан бир қаторда, ўзбек тили ва нутқи маданияти учун олиб бораётган ишларимиз талаблар даражасида эмаслигидан, бизни қаноатлантирмаётганлигидан ҳам кўз юмә олмаيمиз. Хулоса шу бўладики, бу борадаги ишларимизни изчил ва доимий ҳолатга келтиришимиз керак. Биз Президентимиз И.А.Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонидан ҳам

жиддий имконият сифатида фойдаланиб, бу шарафли вазифани йўлга қўйиш ишига ҳисса қўшишимиз лозим.

Бунинг учун, энг аввало, адабий тил меъёрини белгилашнинг амалий жиҳати билан жиддий шуғулланишимиз керак. Хўш, меъёрни белгилашнинг амалий жиҳати нимадан иборат? Бу савол ҳам худди тилни илмий жиҳатдан ўрганиш нима учун керак, деганга ўхшайди. Йиллар давомида олиб борилган ёки олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва кузатишлар натижасида тил элементларида қандай мазмуний ва шаклий имкониятлар мавжудлиги синхроник ва диахроник йўналишда, матний жиҳатдан таҳлил қилинади. Лингвистик имкониятлари очиб берилади ва улардан нутқ жараёнида фойдаланиш йўллари тавсия қилинади. Маълум маънода бу ҳам уларнинг меъёрни белгилаш ва тил бирликларининг ишлатилишига оид тавсиялар бериш деган гапдир.

Шу мазмунда тил мутахассислари, зиёлилар ўзларининг тўғри маслаҳатларини, тавсияларини беришлари, бу борада жонкуярлик қилишлари мумкин. Бунинг ҳам эжобий жиҳатлари кўп, албатта. Аммо ҳал қилувчи гапни бу тилдан фойдаланувчилар айтади. Бунинг устига, ҳар бир тил элементининг меъёр ҳолига келгунича маълум вақт ўтиши ҳам лозим бўлиб қолади.

Биз ўрганаётганимиз меъёр масаласи ижтимоий ҳаётимиз учун янгилик эмас. Тил ва жамият мавжудки, бу масала ҳам ўртада. Аммо, ҳар бир давр ўз тараққиёти билан боғлиқ равишда тилдан фойдаланишнинг ўз муаммоларини, долзарб вазифаларни келтириб чиқараверади. Масалани ана шундай тушуниш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Аммо, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдек суронли бир даврни бошдан кечириб турган пайтимизда тил маданияти билан шуғулланиш шартмикан, иқтисодий қийинчиликлар ҳал бўлгач, бу масалалар билан шуғулланишга ўз-ўзидан им-

коният пайдо бўлади, дегувчилар халқ орасида, ҳатто зиёлилар, раҳбарлар ўртасида ҳам топилади.<sup>9</sup>

Назаримизда, бу тушунча янглишдир, ҳатто кейинчалик тузатиб бўлмайдиган хатодир. Жамиятимизга ҳамма касбдаги кишилар ва уларнинг меҳнати керак. Аммо ҳар бир миллат дунё илми ва маданиятида қайси бисоти билан фахрлана олиши мумкинлигига бугун ҳаммамизнинг ақлимиз етиб турибди. Муҳтарам Президентимизнинг, юқорида тилга олганимиз, маънавият ва маърифий ишларни янада такомиллаштириш борасидаги фармони ана шу маънода узоқни кўзлаб қабул қилинган ҳужжатдир. Бинобарин, тил - маънавият кўзгуси, маърифат чироғи, билим калити экан унга ҳеч қачон иккинчи даражали нарса деб қарашга ҳаққимиз йўқ.

#### *Адабиётлар:*

1. *Абдуллаев М.* Маънавият ва иқтисодий тафаккур // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2000 йил 28 июль.

2. *Бегматов Э.* Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент: Фан, 1973.

3. *Бердиялиев А.* Сўз ва атамалар ҳосил қилишнинг баъзи назарий масалаларига доир // «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга оширишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислари. – Навоий, 1993.

4. *Виноградов В.В.* Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963.

---

<sup>9</sup> Бу ҳақда яна қаранг: *Абдуллаев М.* Маънавият ва иқтисодий тафаккур // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2000 йил 28 июль.



5. *Неъматов Х., Расулов Р.* Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

6. *Содиқова А., Абдуазизов А., Ирисқулов М.* Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.

7. *Хайруллаев М., Ҳақбердиев М.* Мантик, – Тошкент, 1993.

## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА МЕЪЁРИЙ МУАММОЛАР- НИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

**Р е ж а:**

1. Тил тараққиёги босқичлари ва меъёр.
2. Меъёрлашувда зиёлиларнинг роли ва хизматлари.
3. Ўзбек тилшунослигида меъёр масаласини ўрганишнинг илмий асосга қўйилиши.
4. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг умумий таҳлили.

*Таянч сўз ва иборалар: Алоҳида соҳа. Тадқиқотларнинг бошланиши. Меъёрлаштириш жараёнининг илк даври. Ёзув. Луғатлар. Имло. Талаффуз. Изоҳли. 20-йиллардаги ислоҳотлар. Ўзбек алифболари тарихи. Нутқ маданияти. 60-70-йиллар. Конференциялар. Таълим жараёни, педагогика, адабиёт ва санъат. Тадқиқотчилар ва уларнинг асарлари. Э.Бегматов ва А.Маматов. Адабий норма назарияси. «Давлат тили ҳақида»ги Қонун ва қарорлар. Услубий меъёр.*

Тил меъёрларини ўзбек тилшунослигининг алоҳида соҳаси сифатида ўрганиш ўзбек нутқи маданияти масалаларини тадқиқ этишнинг бевосита давоми бўлиб, бу жараёнинг бошланиши ХХ асрнинг 60-70-йилларига тўғри келади.

Ўша даврларда, ўзбек тилшунослиги тараққиётининг навбатдаги босқичида нутқ маданияти соҳасининг текшириш объектини, тадқиқ кўлами ва чегарасини, мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш лозим эди. Табиийки, бу масалаларни меъёр, хусусан адабий тил меъёри муаммоларига аниқлик киритмасдан туриб ҳал қилиб бўлмасди. Чунки тил адабийлиги даражасининг асосий белгиларидан бири ана шу меъёр

ҳисобланиб, «Нутқ маданияти назариясининг асосий предмети нормадир»<sup>1</sup> деган қараш кенг тарқалган эди.

Аммо айтилганлардан ўзбек тилини меъёрлаштириш яқин йиллардан бошланган экан-да, деган хулоса асло келиб чиқмайди. Чунки тил пайдо бўлиб, жамиятга хизмат қила бошлаган пайтларданоқ, унинг амалда бўлишининг маълум меъёрлари юзага келган. Тил бирликларининг жамият аъзолари томонидан фаол ишлатила бошлаши уларнинг меъёрлашувини тезлаштирган. Ёзув эса ана шу жараёнда муҳим босқич саналган. Шу маънода туркий тилларнинг, жумладан ўзбек тилининг меъёрлаша боришида «Девону-луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Хиба тул ҳақойиқ» ва бошқа илмий-тарихий ёзма манбаларнинг хизмати катта бўлганлигини эслаб ўтиш kifоя.

Аммо, бу ўринда гап тил элементларининг меъёрлашуви ҳақида эмас, балки ана шу масалаларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши ҳақида бораётганлиги учун ўзбек адабий тили меъёрларини ўрганиш тарихи яқин йилларнинг маҳсули эканлиги ҳақидаги фикрни эътироф этамиз.

Ўзбек нутқи маданияти ва меъёрини ўрганишнинг тадқиқотчиси ва назарийчиси проф. Э. Бегматовнинг қайд этишича, XX асрнинг бошларида ўзбек адабий тили тараққиётининг янги бир босқичида у учун асос бўлган диалектал негизни белгилаш, ёзув ва алифбо масалаларини ҳал қилиш, имло қоидаларини ишлаб чиқиш, имлодаги мавжуд камчиликларни тузатиш, умуман тил бирликларини қўллашдаги иккиланиш ва беқарорликни бартараф этиш, атамаларни такомиллаштириш, грамматикалар яратиш, ўқиш-ўқитиш ишларини йўлга қўйиш сингари вазифаларини амалга ошириш йўлидаги саъй ҳаракатлар ҳам нутқ мадания-

---

<sup>1</sup> Вопросы языкознания, 1966, №5, с. 10.

ти муаммоларини ҳал қилишнинг таркибий қисми эди.<sup>2</sup> Бинобарин, бу масалаларни ҳал этишга киришишни ўзбек тили меъёрий муаммоларини тадқиқ этишнинг бошланиши, деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Бундан эса ўтган давр мобайнида ўзбек тилини тадқиқ этишга бағишланган кузатишларнинг маълум қисми шу тилнинг меъёрий муаммоларини ҳал этишга хизмат қилган, деган ҳулоса келиб чиқади.

«Адабий норма назарияси» асарининг муаллифлари Э. Бегмагов ва А. Маматовлар жаҳон тилшунослигида тил меъёрларини ўрганиш бўйича асосан тўртта – Прага тилшунослик мактабининг, Э. Косериунинг; америка, инглиз, немис ҳамда собиқ Иттифоқ тилшунослигининг марказлари шаклланди. Дунёдаги барча тилшуносликлар, жумладан ўзбек тилшунослигида ҳам меъёрий муаммоларни ҳал қилиш ана шу марказларда тўпланган илмий-назарий қарашларга таянган ҳолда ривожланган, дейиш мумкин.

Юқорида номи тилга олинган асар муаллифлари ҳам ана шу қарашларга таянган ҳолда тил меъёрларининг туркологияда, жумладан ўзбек тилшунослигида ўрганилиш тарихини бирмунча батафсил ёритиб беришганки, талабаларга мавзу атрофида билим беришда бевосита ана шу манбага таянамиз.

XX асрнинг 60-йилларида нутқ маданияти масалаларини ўрганиш ҳозирги замон ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири сифатида кун тартибига қўйилгандан сўнг республикада бу борада жиддий ишлар амалга оширила бошлади. 1966 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида Нутқ маданияти сектори ташкил этилди. Сектор жамоаси турли

---

<sup>2</sup> Бегмагов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973, 166-167-бетлар.

йўналишларда мукаммал лугатлар яратиш, айниқса орфографик ва орфоэпик меъёрларни қайта ишлаб чиқиш, изоҳли лугатлар яратиш вазифаларини амалга оширишга жилдий қиришдилар. Нутқ маданиятига бағишланган илмий анжуманлар ўтказила бошланди, шу муаммога доир илмий ишлар тўпламлари нашр қилинди, катта-кичик ҳажмдаги рисоалар чоп этила бошладди. Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммоларига бағишлаб 1969 йилда Тошкентда, 1990 ва 1993 йилларда Термизда республика илмий-амалий конференциялари ўтказилди. Соҳани кузатишга бағишланган тадқиқотлар анжуман материалларида ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Тил ва адабиёт институти ҳамда республика олий ўқув юртларида филологик йўналишда нашр этилаётган тўпламлардан жой ола бошлади.<sup>3</sup>

Кейинги 20-25 йил ичида республика университетлари, педагогика, театр, санъат ва маданият йўналишларида олий ўқув юртларида нафақат ўзбек тили ва адабиёти, айни пайтда услубшунослик ва нутқ маданиятини ўқитишга ҳам эътибор берила бошлаганлиги тилимизнинг айрим меъёрий муаммоларини ҳал этишга ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Таълим жараёнини такомиллаштириш йўлида қилинган саъй ҳаракатлар жараёнида профессор-ўқитувчилар катта илмий-амалий тажриба тўладилар. Услубшунослик ва нутқ маданияти ўқитишни методик жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қатор дастурлар, тавсиялар ва қўлланмалар майдонга келди. Р. Қўнғуровнинг «Нутқ маданияти асослари» (Самарқанд, 1983), Н. Маҳмудов, А. Шерматовларнинг «Ўзбек нутқи маданияти асослари» курси про-

---

<sup>3</sup> Бу ҳақда қarang: Қўнғуров Р, Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 1984; Каримов С, Жўраев Т. Ўзбек тили услубияти ва нутқи маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 2001; Бегматов Э, Мамитов А. Адабий норма назарияси, 1 қисм – Тошкент, 1997, 56-бет.

граммаси» (Тошкент, 1987), Э. Бегматов, Ё. Тожиевларнинг «Нутқ маданияти ва стилистика асослари» (Тошкент, 1987), А. Шомақсудов, И. Расуловларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг практик стилистикаси» (Тошкент, 1971), Ж.Омонтурдиев, Б.Умуркуловларнинг «Нутқ маданияти асослари практикуми программаси» (Тошкент, 1990) сингари ўқув дастурлари, Э. Бегматов, А. Аҳмедовларнинг «Ўзбек алфавити, графикаси, орфографияси ва пунктуацияси. Адабиётлар кўрсаткичи» (Ўзбек тилининг имло лугати. - Тошкент, 1976, 618-632-бетлар), Р. Қўнғуров, С. Каримовларнинг «Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти» (Самарқанд, 1984), С. Каримов, Т. Жўраевларнинг «Ўзбек тили услубияти ва нутқ маданияти» (Самарқанд, 2001), А. Мамаатовнинг «Библиографический указатель работ по культуре речи и языковой норме, часть I и II» (Ташкент, 1990) нашрлари шулар жумласидандир.

Ўзбек нутқи маданияти ва тил меъёрлари масалаларига бағишлаб нашр қилинган ишларнинг салмоқли қисми ҳам ана шу профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув жараёнини сифат жиҳатдан мустақкамлаш мақсадида юзага келтирилган асарлар саналади. А. Шомақсудовнинг «Ўзбек тили стилистикаси, I-Ш қисмлар» (Тошкент, 1974), А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Х. Рустамовларнинг «Ўзбек тили стилистикаси» (Тошкент, 1983), Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбоновларнинг «Нутқ маданияти асослари I, II, III қисмлар» (Самарқанд, 1984, 1985, 1986), шу муаллифларнинг «Ўзбек тилининг функционал стиллари» (Самарқанд, 1985), Э. Қиличевнинг «Ўзбек тилининг практик стилистикаси» (Тошкент, 1985) ва «Ўзбек тилининг амалий стилистикаси» (Тошкент, 1993), Т. Қудратовнинг «Нутқ маданияти асослари» (Тошкент, 1993), Э. Бегматов, А. Бобоева, М. Асомиддинова, Б. Умуркуловларнинг «Ўзбек нутқи маданияти очерклари» (Тошкент, 1988), Э. Бегматов, М. Турсунпўлатовларнинг «Ўзбек нутқи маданияти асослари» (Тошкент, 1992),

Р. Кўнгулов, Э. Бегматов, Ё. Тожиевларнинг «Нутқ маданияти ва услубият асослари» (Тошкент, 1992) ва бошқа алоҳида нашрлар бу фикрни тасдиқлайди.

Бу каби нашрлар орасида ўзбек тили меъёрларининг назарий муаммоларини ҳал қилишда Э.Бегматов, А.Бобоева, М. Асомиддиновларнинг «Адабий норма ва нутқ маданияти» (Тошкент, 1983) ҳамда Э.Бегматов, А. Маматовларнинг «Адабий норма назарияси. I, II, III қисмлар» (Тошкент, 1997, 1998, 1999) асарлари алоҳида мавқега эга.

Дарҳақиқат, Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддиновларнинг «Адабий норма ва нутқ маданияти» асари ўзбек адабий тили меъёрлари катта қамровда ўрганилган биринчи йирик тадқиқот бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотчилар ўртага қўйилган масалани ёритишда «Нутқ маданияти назариясидаги марказий тушунча нормадир», деган қарашга асосланган ва «адабий тил нормалари, ундаги муҳим қонуниятларни очиш ўзбек адабий тили норматив системасидаги тўғри, намунавий ҳолатларни белгилаш билан бирга ундаги ноадабий ҳодисаларни, яъни хатолик ва нуқсонларни ҳам аниқлашга, уларнинг асосий сабабларини очишга кўмаклашиши»<sup>4</sup>дан келиб чиқиб, ўзбек тили материалларини таҳлил қилган ҳолда маълум назарий хулосаларга келган.

Ушбу асарни ёзиш билан олимларнинг хизмати шу бўлдики, ўзбек тилшунослигида биринчи марта тил меъёри тушунчаси кенг ва асосли таърифланади. Тил меъёри тил тилимидан жамоа бўлиб фойдаланиш маҳсули эканлиги, унинг тарихийлик, анъанавийлик, миллийлик хусусиятлари, барча тиллар учун хос бўлган умумий ва айнан бир тилга тегишли бўлган хусусий меъёрлар мавжудлиги аниқ ва равшан асослаб берилади. Таъкидланадики, тил ўз ижтимоий вазифасига

---

<sup>4</sup> Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1983, 6 – бет.

кўра меъёрий тизим бўлиб, ҳар қандай тил маълум меъёрларга эга бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам меъёрий жараён тил қадар қадимийдир ва у тилнинг доимий йўлдошидир. Меъёр тилнинг барча яшаш шакллари учун хос бўлиб, у дастлаб адабий ва адабий бўлмаган меъёрларга бўлинади. Адабий тил тилнинг яшаш шаклларида биридир ва меъёрийлик унинг асосий моҳияти ҳамда сифатий белгиси саналади. Адабий меъёр тилнинг бошқа меъёрларидан фарқ қиладиган муҳим белгиларга эга. Онгли бошқарилиш ва ишланиши, реал ва объективлиги, кодификациялашганлиги (онгли аралашув туфайли танланганлиги), барқарорлиги, консерватив ва айни пайтда динамиклиги, анъанавий ва замонавийлиги, типиклиги, жамоа томонидан кенг қўлланилиши, вариантдорлиги, услубий тармоқланганлиги, ёзувда мустаҳкамланганлиги, турғунлиги, айни пайтда давр ўтиши билан ўзгариши мумкинлиги, намунавий ва халқчиллиги, тилнинг амалда бўлиши учун зарурийлиги меъёрнинг ана шу муҳим хусусиятлари сифатида баҳоланади.

Шундай қилиб, китоб муаллифларнинг фикрича, ўзбек адабий тили ҳамда унинг меъёрий хусусиятларини чуқур билиш зарур ва бу нарса ўзбек адабий тилини янада такомиллаштириш, унинг меъёрлари ривожига онгли ва илмий асосларда аралашингга имкон яратади. Она тилимиз қанчалик меъёрлашган, сиқиллашган ва сайқалланган, турғунлашган ва соддалашган бўлса, кишиларнинг адабий тилни ўзлаштириши, ундан фойдаланиши шунчалик осонлашади.

Мазкур асарда ўзбек тили меъёрий муаммоларининг назарий асосга қўйилиши ҳозирда юқоридаги масалаларнинг ижобий тарзда ҳал этилишига хизмат қилмоқда ва бу нарса, эътироф этишимиз адолатдан бўлар эдики, ўзбек тилшунослигида проф. Э. Бегматов номи билан боғлиқ.

Олимнинг проф. А. Мамамов билан ҳамкорликда яратган, уч қисмдан иборат «Адабий норма назарияси» (Тошкент, 1997, 1998, 1999) китоби эса ўзбек тили меъёрларига оид на-



зарий қарашларнинг умумлашмаси ҳисобланади. Асар илмий ва амалий жиҳатдан юқори баҳоларга лойиқ. Чунки унда тилшунослигимизда биринчи бўлиб меъёр масалаларининг чет эл тилшунослиги, рус ва туркий тилшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида ўрганилиш тарихига назар ташланган, таҳлил қилинган, эришилган ютуқ ва камчиликларга муносабат билдирилган, турли қарашлар илмий жиҳатдан умумлаштирилган. Адабий меъёр тушунчаси, унинг ўзига хос ўлчовлари, кўринишлари, меъёр, хусусан адабий меъёрнинг шаклланиш ва яшаш шарт-шароитлари сингари жиҳатларнинг талқини жараёнида баён қилинган фикрларни бевосита «Адабий норма ва нутқ маданияти» асарида ўртага ташланган қарашларнинг изчил давоми ва мукамаллашган, тўлдирилган, илмий жиҳатдан асосланган давоми дейиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида тил меъёрларини соҳалар бўйича ўрганиш борасида гап кетганда шуни таъкидлаш юзимки, фонетик меъёрлар хусусидаги кузатишлар камчиликни ташкил этади. Х. Дониёровнинг «Фонетик стилистикага оид баъзи мулоҳазалар» («Ўзбек тили стилистикасидаги кузатишлар» тўплами.- Самарқанд, 1983), А. Маҳмудовнинг «Тилнинг фонетик ва лексик хусусиятлари» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1963, 6-сон), М. Миртожиевнинг «Товушлардаги маънолар» (Тошкент, 1982), Х. Шарафиддиновнинг «Поэтик фонетика» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1978, 2-сон), А. Абдуазизовнинг «Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, 2-сон), Х. Неймагов, А. Фуломовларнинг «Фонетиканинг нутқ ўстиришдаги роли» (Тил ва адабиёт таълими, 1994, 2-3-сонлар), Г. Яхшиеванинг «Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар» (Тошкент, 1996) ва шу мавзудаги номзодлик диссертацияси (Тошкент, 1997), Э. Қиличев, Г. Яхшиеваларнинг «Фонографик стилистика» («Ўзбек тилини синхрон ўрганиш масалалари» тўплами.-Тошкент, 1987) ва бошқа тадқиқотларда кузатиш-

дан кўзда тутилган вазифаларни ҳал қилиш билан биргаликда ўрни билан меъёр масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Проф. А. Ғуломовнинг «Адабий тил нормалари» («Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами.-Тошкент, 1973) ва «Фонетик вариантлар ва адабий нормалар» (Ўзбек тилининг морфем дугати. – Тошкент, 1977) мақолаларида эса бевосита фонетиканинг меъёрий масалалари акс этган.

«Адабий тил нормалари» олимнинг 1969 йилдаги ўзбек тили нутқ маданияти масалаларига бағишланган конференцияда қилинган маъруза материаллари бўлиб, унда тилнинг турли йўналишларида, жумладан, фонетик меъёрлар соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ўртага ташланган. Масалан, бирдан ортиқ бўгинли сўзларнинг охиридаги (унлидан кейин келган) *қ* товушининг адабий талаффузи (*қ* →) *ғ* : *шундоқ* – *шундоғ*, *ўртоқ* – *ўртоғ*, *қишлоқ* – *қишлоғ* каби), фонетик ўзгариш натижасида сўз аслидан узоқлашиб, уни эсламайдиган даражага келиши (*арит* : *кетказиш*, *дарди ариди*; *арт* : *юзингни арт*), *Абдулло*, *Барот* эмас, *Абдулла*, *Барат*; *боргил*, *ўқигали* эмас *боргин*, *ўқигани*; *газет*, *газетхон* эмас *газета*, *газетахон*, *ара* эмас *ора* шакллари катъий меъёр тусига киритиш, - *ирла* / -*урла*, - *илла* аффикслари таркибидаги товушлар, *от-ата*, *сона-сана* (о →) а тарзидаги доимий бўлмаган ўзгаришлар хусусидаги мулоҳазалар шулар жумласидандир.

А. Ғуломов «Фонетик воситалар ва адабий нормалар мақоласида» «фонетик ўзгаришларнинг сабаби талаффузга қулай қилиш, гапиришни енгиллаштириш, сўзлаш органларининг, мускулларнинг ҳаракатини ва вақтни тежаш – қулайлик ва экономия принцили»<sup>5</sup> эканлигини таъкидлаб, бу ўзгаришлар талаффузда қандай ҳолатларда учраши мумкинлиги ҳамда меъёрий ва номеъёрий ҳолатларнинг адабий

---

<sup>5</sup> Ғуломов А. Тихонова А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем дугати. – Тошкент, 1977, 366-бет.

меъёрларга, услубий мақсадларга, сингармонизм ҳодисасига мослик даражаси хусусида она тилимиз табиати билан келиб чиқиб бой мисоллар асосида ғоятда аниқ илмий кузатишлар натижаларини баён қилгай.

Ўзбек имлосини меъёрлаштириш ва такомиллаштириш ҳам ўзига хос тарихга эга.

Халқимиз 1929 йилларгача араб, 1929-1940 йилларда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш кўрганлиги маълум. Эътиборлиси шундаки, собиқ Иттифок ҳудудида яшайдиган туркий халқлар ўзлари учун ягона алифбони яратиш гоясини илгари сурдилар ва бу гоянинг ташаббускорлари Самад Оғамали, Бақир Чўпонзода, Маннон Раъз, Маҳмуд Ҳодиев – Боту, Фитрат, Е. Д. Поливановлар эди.<sup>6</sup> Ана шу умумий гоядан келиб чиқиб, 1928 йилининг мартида Самарқандда бўлиб ўтган янги алифбо марказий кўмитасининг I пленуми «Янги ўзбек алифбосини амалга оширишнинг иш режаси» ни тасдиқлади.

Кўмитанинг 1928 йил декабрь ойида яна Самарқандда бўлиб ўтган II пленумида имломизни тартибга келтириш йўлида қабул қилган қарори ғоятда ибратлидир. Жумладан унда шундай дейилган: «Ўзбек адабий тили» масаласи бир қанча вақтлардан бери майдонда кўндаланг турган бўлса ҳам, шу йўлда баъзи ишлар қилинган бўлса ҳам, асосли кўн ишлар ҳалигача бутунлай бажарилган эмас, бу албатта ҳозирги давримиз руҳига мувофиқ бўлмаган ҳолдир. Меҳнаткаш омма сидаги маданий юксалыш ўзбек адабий тили масаласидаги қарама-қаршиликларни, чатоқликларни тез ҳал қилишни кескин талаб қилади. Буларнинг гўғри ҳал этилиши чуқур илмий тадқиқ ва таҳлил қилишни олға суради.

Ўзбек адабий тили масаласи ҳал бўлмагунча, янги имло масаласининг ҳам асосли суратда ҳал бўлиши мумкин

---

<sup>6</sup> Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун қarang: Abdullayev Y. Sovg'a. – Toshkent, 1996, 4-12 – betlar.

эмас. Буни бир неча йилги ўз тажрибаларимиз ҳам очик кўрсатадирлар. Имломиздаги чатоқликларни тезроқ йўқотиш жуда зарурдир.

Истилоҳ (атамалар) масаласига келсак, бунда ҳам жуда зўр етишмасликларимиз бор. Маданий юксалишимиз истилоҳ масалаларини ҳам тезла бир ёқли қилиш лозимлигини майдонга отади. Истилоҳ масаласидаги қатъий йўлсизлик илм-китобларимизнинг қимматига катта зарар бермоқдадир. Шунинг учун бу масалага ҳам тездан жиддий эътибор этиш лозим».<sup>7</sup>

Ушбу мазмундаги ишларни олиб боришда юқорида номлари тилга олинган кишилар билан бир қаторда Ғози Олим Юнусов, А. К. Боровков сингари олимларнинг жонбозлик кўрсатганликлари маълум. Уларнинг бу кураши 1939 йилгача давом этган. Аммо уринишлар беҳуда кетиб, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги барча туркий халқлар, жумладан ўзбек халқи ҳам ўзларининг рус графикаси асосидаги янги алифбосига ўтишга мажбур бўлишган.

1940 йилнинг 8 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети сессияси кирилл алифбоси асосидаги ўзбек имлосини қабул қилган ва бу имло «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1956 йил 4 апрель Фармони билан қонун кучига киритилиб, ундан ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда. «Бу қоидалар ўз даври имкониятлари доирасида яратилган бўлиб, ундаги бир қатор қоидалар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етарли асосланмаган ёки эскирган эди. Шу сабабли бу қоидаларни, шунингдек, ўзбек алифбосидаги нуқсонларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ҳам узлуксиз давом этаверди».<sup>8</sup> Баён қилинган таклиф ва му-

---

<sup>7</sup> *Abdullaev Y.* Юқоридаги асар, 8-9-бетлар.

<sup>8</sup> *Бегматов Э., Маматов А.* Адабий норма назарияси. 1 қисм, 77-бет.

лоҳазалар нашр этилган ишларнинг маълум қисми сифатида Э.Бегматовнинг «Имломизнинг такомил учун» (Ўқитувчилар газетаси, 1983 йил 2 апрель), К. Мусаев билан ҳамкорликда ёзилган «Қайта куриш даври ва ўзбек тилининг баъзи масалалари» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 6-сон), М. Валиевнинг «Ўзбек алифбосининг такомил учун» («Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. –Тошкент, 1973), М.Зокировнинг «Ҳозирги ўзбек алифбосидаги камчиликлар» («Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. –Тошкент, 1973), С. Иброҳимовнинг «Ўзбекский алфавит и вопросы его совершенствования» («Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР». –М., 1972), «Орфография узбекского языка» («Орфография тюркских литературных языков СССР». - М., 1973), «Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар» («Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. –Тошкент, 1973), «Ўзбек имлосидаги баъзи қийин ҳолатлар» (Тошкент, 1970), «Эллик йил ичида ўзбек ёзуви маданиятининг ривож ва унинг янада такомиллашувига оид масалалар» («Юбилейная научная сессия, посвященная 50-летию Советской власти. Тезисы докладов». – Ташкент, 1967), «Ўзбек миллий ёзувининг ривожланиши» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 2-сон), «Имлони пухта ўрганайлик» (Совет мактаби, 1973, 2-сон), А. Ишаевнинг «Алифбомизни такомиллаштиришга оид таклифлар» («Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973), Н. Маматовнинг «Ўзбек нутқи маданияти имло ва алифбони такомиллаштиришни талаб қилади» («Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами – Тошкент, 1973), М. Мирзаевнинг «Тезроқ ҳал этайлик» (Ўзбекистон маданияти, 1973 йил 9 январь), К. Назаровнинг «Имломиз такомил учун» (Ўқитувчилар газетаси, 1983 йил 2 апрель), Ш. Раҳматуллаевнинг ««Имло»мизнинг истиқболи ҳақида ўйлар» (Ўқитувчилар газетаси, 1974 йил 2 март), «Орфография қоидалари саводхонлигимиз асоси» (Тошкент, 1980), А. Ҳожиёвнинг «Ўзбек орфографияси асо-

сий қоидалари лойиҳасининг муҳокамасига доир» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1983 йил 18 март) сингариларни кўрсатиш мумкин.<sup>9</sup>

Жараён натижаси ўлароқ 1981 йилнинг августида «Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари» лойиҳаси эълон қилинди. Лойиҳани такомиллаштириш борасидаги ишлар узоқ давом этди ҳамда таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, 1988 йилнинг январида «Асосий қоида» нинг янги лойиҳаси муҳокамага ҳавола қилинди.

Аммо бу пайтга келиб, собиқ тузумга дарз кета бошлаган ва бу нарса янги бир инқилобдан – Иттифоқнинг парчаланиб кетишидан дарак бераётган эди. Ана шундай вазиятда табиий равишда лойиҳани қонун кучига киритиш борасидаги ишлар тўхтаб қолди. Вужудга келган сиёсий вазият, ўзбек халқининг хоҳиш иродаси мутлақо янги бир тадбирнинг амалга оширилишига шароит яратди. 1989 йилнинг 21 октябрида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди ва бу тадбир ўзбек тилининг амалда бўлиши учун янги истиқболларни очиб берди. Она тилимиз кўлланиш кўламининг, таълим-тарбия жараёнидаги мавқеининг кенгайиши, айни пайтда, рус тили тазйиқининг сусайиб бориши ана шу истиқбол йўлидаги имкониятлар эди.

1991 йилининг 1 сентябрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қонуний мустаҳкамланиши билан бу имкониятлар доираси янада кенгайди. Оқибатда тилимизнинг орфографик меъёрларини белгилашдаги муаммоларни ҳал қилиш янгича мазмун касб этди. 1993 йилнинг 2 сентябрида мустақил Ўзбекистон Республикасининг «Латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги

---

<sup>9</sup> Бу ҳақда яна батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: *Бегматов Э., Аҳмедов А.* Ўзбек алфавити, графикаси, орфографияси ва пунктуацияси масалалари. Адабиётлар кўрсаткичи // Ўзбек тилининг имло луғати. - Тошкент, 1976, 618-632-бетлар.

Қонуни қабул қилинди. 1995 йил 6 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» қарор қабул қилинди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» қарори чиқди. Ўзбек тилининг имловий меъёрларини белгилаш ая шу қонуний ҳужжатларга таянилган ҳолда олиб борилмоқда.<sup>10</sup>

Ўзбек адабий тилини меъёрлаштиришдаги энг оғир вазифалардан бири оғзаки нутқ меъёрларини белгилашдир. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Шулардан бири - она тилимиздаги лаҳжа ва шеваларнинг кўпчилиги бўлса, иккинчиси - оғзаки нутқ маданиятининг халқимиз орасида талаблар даражасида ривожланмаганлиги деб ҳисоблаш мумкин.

Мавжуд нуқсонларни тузатиш борасида ўзбек тилига нослигида бир қатор ишлар амалга ошириб келинаётганигини таъкидлаймиз. С. Иброҳимовнинг «Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида» (Тошкент, 1972), Ў.Усмоновнинг «Талаффуз нормаларини белгилаш масаласига доир» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, 6-сон), «Талаффуз ҳақида» (Тошкент, 1972), «Талаффуз маданияти» (Тошкент, 1976), Э.Бегматовнинг «Адабий талаффуз маданияти» (Тошкент, 1982), Х.Узоқовнинг «Ўзаро муомала ва орфоэпик нормалар» (ТошДУ илмий асарлари, №586 - Тошкент, 1979) сингари асарларини, М.Асомиддинова, Э.Бегматов, А.Бобоева, С.Иброҳимов, Ў.Усмонова томонидан тузилган «Ўзбек адабий талаффузи лугати» (Тошкент, 1984) ни шу

---

<sup>10</sup> Мазкур «Имло қоидалари» нинг афзалликлари, уни ҳаётга тўлиқ тадбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида ишнинг «Имло ва талаффуз меъёрлари» қисмида сўз юритилди.

соҳага, унинг меъёрий муаммоларини ҳал қилишга бағишланган махсус ишлар сифатида кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, «Тил ва адабиёт таълими» журналида ўқувчилар нутқини ўстириш ва ривожлантириш бўйича мунтазам таълим бериб борилаётган илмий ва илмий-методик мақолалар ҳам ана шу тадқиқотлар сирасига киради.

Оғзаки нутқ маданиятини такомиллаштириш, бу борада адабий тил меъёрларини қатъий белгилаш масалалари ҳамон етарли даражада ҳал қилинмасдан қолмоқда. Тўғри мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз орасида рус тилининг мавқеи бироз пасайиб, таълим тизимининг барча босқичларида она тилимизнинг қатъий амал қила бошлаши талаффуз маданиятига бироз ижобий таъсир ўтказаётганлигини ҳис қилаяпмиз. Аммо бу ҳали етарли эмас. Халқимиз, миллий маданиятимизнинг вакиллари бўлган зиёлилар олдида, айниқса, педагоглар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида бу борада амалга оширилаётган вазифалар талайгина.

Ўзбек тилининг лексик меъёрларини белгилаш ҳам меъёрий муаммолар билан шугулланиш жараёнида муҳим ўрин тутди. Нашр этилган айрим ишларни кўздан кечириш шундан далолат берадики, 70-йилларда лексик ва фразеологик меъёрларни белгилашнинг муҳим масалалари кун тартибига қўйилиб, уларни ҳал этишнинг йўл-йўриқлари кўрсатилиб берилган бўлса, 90-йилларда ушбу масала маълум маънода ўз ечимини топганлиги кўринади.

Масалан, С. Иброҳимовнинг «Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар» мақоласида<sup>11</sup> адабий тил тизимида лексик бирликларнинг мавқеи, унинг меъёрлашуви лексиканинг ривожланиш анъаналари билан чамбарча боғлиқлиги, лексик меъёрларнинг изоҳли ва терминология

---

<sup>11</sup> «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. - Тошкент, 1973. 17-37-бетлар.



луғатларда акс этиши айтиб ўтилади. Шу билан бирга, илмий атамаларнинг илмий-назарий жиҳатдан етарли асосланиб берилмаганлиги, матбуотда, оғзаки нутқда сўз ва ибораларни ишлатишда турлилик ва чалкашликлар давом этиб келаётганлиги, айрим лексик бирликлар ўринсиз ишлатилаётганлиги сингари муаммолар кўрсатиб ўтилади.

Ш.Шоабдурахмонов «Ўзбек адабий тилининг лексик нормалари» мақоласида тил меъёрларини мукамаллаштириш, тил маданиятини кўтариш долзарб масалалардан бирига айланганлигига эътиборни қаратиб, «бу соҳадаги ишларни яқунлаш учун изохли, синонимик, этимологик, орфографик луғатлар, норматив грамматикалар, тўғри ёзиш ва тўғри тапаффуз ҳақида қўлланмалар яратиш керак»<sup>12</sup> дейди. Орадан ўтган 30 йилга яқин вақт мобайнида бу масалалар ўзининг ижобий ечимини топди.

О. Усмонов «Нутқ маданиятининг баъзи масалалари» ишида «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг ҳолати ва нормаларини субъектив қарашлар асосида эмас, балки тил тараққиётининг тарихий қонуниятларини, ҳозирги ҳолати ва ундаги тенденцияларни таҳлил қилиб, объектив баҳолаш асосидагина ҳал этиш мумкин»лигини таъкидлайди<sup>13</sup> ва собиқ Иттифоқ давридаги миллий тилларнинг келажақда қўнилиб кетиши ҳақидаги назарияни қоралайди. Ўза даврларда ўзбек тилида бемалол истъомол қилиниб келган жуда кўп сўзлар «арабизм», «форсизм», «архаизм» тамгаси остида истъомолдан чиқариб юборилганлиги, бу эса маълум даражада тилнинг қашшоқлашишига олиб келганлигини, аммо 60-йиллардан бошлаб ўзбек тили тараққиётида тилнинг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга ва ноҳақ ишқор этилган тил аъёналарини қайтадан тиклашга интилиш пайдо бўлганлигини қайд қилади. Ана шу интилишнинг XXI

<sup>12</sup> Юқоридаги тўплам, 37-47-бетлар.

<sup>13</sup> Юқоридаги тўплам, 47-бет.

асрга келиб, мустақиллик даврида янгича мазмун касб этган-  
лигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Турли йилларда майдонга келган У. Турсунов, Б. Ўринбоевларнинг «Навой асарлари тилида лексик ва грамматик нормаларнинг белгиланиши» (СамДУ асарлари, янги серия, №188. - Самарқанд, 1971), М. Содиқованинг «Бошқа тиллардан кирган сўзларнинг қўлланиши» («Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973), Э.Бегматов, Ф. Сатторовларнинг «Ўзбек ономастик терминологияси ва уни нормалаш проблемалари» («Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективлари» тўплами. – Тошкент, 1986) номли мақолаларида, А. Мадвалиевнинг «Ўзбек химия терминологияси ва унинг нормалашуви масалалари» мавзусидаги номзодлик диссертацияларида (Тошкент, 1986) ҳам лексик меъёرنинг у ёки бу муаммолари ўртага қўйилган ва ҳал қилинган.

Ўзбек тилининг лексик ва фразеологик меъёрлари муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган энг катта ҳажмдаги тадқиқот проф. А. Маматов қаламига мансуб. Олим ўзининг «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари» (Тошкент, 1991) номли монографиясида мавзуга оид муҳим масалаларни ҳал қилиб берган.

Ўзбек тили лексик ва фразеологик меъёрларининг илмий таҳлилини беришдан олдин тадқиқотчи тил меъёри муаммоларини ўрганиб келаётган дунёдаги чех, америка, инглиз, немис ва рус тилшуносликларидаги, туркологиядаги қарашларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, бу муаммонинг назарий асосларини белгилаб олади. Умумий ва хусусий меъёрлар, оғзаки ва ёзма нутқ меъёрлари, адабий меъёр типларини аниқлаб, адабий тил билан адабий меъёр ўртасидаги боғлиқликни далиллаб олгандан кейингина ўзбек адабий тилидаги лексик ва фразеологик меъёрлардан четга чиқишларнинг сабабларини аниқлашга, уларнинг рўй беришининг объектив ва субъектив жиҳатларини аниқлашга ки-

ришади. Тўпланган жуда катта ҳажмдаги фактик материалларни таҳлил қилиш орқали А. Маматов «адабий тил» ва «адабий меъёр» тушунчалари мазмуни ва ижтимоий вазифасига кўра диалектик алоқадорликда эканлиги, меъёр тушунчаси тил, нутқ, тил тизими, қурилиш, узус, кодификация (танлаш) сингари мураккаб тушунчалар билан боғлиқлиги, адабий тил меъёрларини характерлайдиган ўнлаб ўлчовлар мавжудлиги тўғрисида муҳим хулосаларга келади ва таъкидлайдики, «оғзаки ва ёзма нутқда ҳар хил лексик норма бузилишлари ва ундан четга чиқишлар содир бўлиб туради ва уларни қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: сўз маъноларини тушунмасдан туриб, сўзларни маълум матнда нотўғри қўллаш, сўз маъноларининг чегарасини ҳаддан ташқари кенг тушуниб, сўзни бошқа лексик бирликлар билан нотўғри бириктириб ишлатиш, сўзлар стилистик дистрибуциясининг бузилиши, яъни бир-бирига мос келмайдиган стилистик белгиларга эга бўлган сўзларни бир матнда қўллаш, чет тиллар ва рус тиллардан кириб келган сўзларни ноўрин, кераксиз жойларда ишлатиш ва уларни ҳадеб такрорлаш, муайян бир тилда пароним сўзларни аралаштириб ишлатиш, контаминация ҳодисаси, яъни икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг қисмларини бир-бири билан бириктириб ишлатиш, кераксиз ўринларда диалектизм, окказионализм, какофомизм, канцеляризм, тавтологик сўзларни ишлатиш ва шунга ўхшашлар».<sup>14</sup> Муаллиф, айти пайтда, фразеологизмлар маъносининг бузилиши, фразеологизмларнинг нотўғри бириктириши натижасида содир бўлган бузилишлар, фразеологизмлар шаклининг ҳар хил усулдаги бузилишлари сингари тип-

---

<sup>14</sup> Маматов А. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.- Тошкент, 1991, 121-122-бетлар.

ларини ҳам санаб ўтган.<sup>15</sup> Тадқиқотлар натижаси ўлароқ муаллиф 1991 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.<sup>16</sup>

Ўзбек тили фразеологияси, жумладан унинг илмий тадқиқи ва меъёрлашуви борасида профессорлар Ш. Раҳмагуллаев, Б. Йўлдошев ва Абдифофир Маматовларнинг хизматларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.<sup>17</sup>

Юқорида қайд этганимиздек, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун мустақиллик даврига келиб ўзбек тили меъёрларини янгича бир мазмунда белгилашга асос бўлди. Қонунни бажариш йўлида 1989 йилнинг декабрь ойидаёқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атамалар кўмитасининг ташкил этилиши жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлди, атамаларни меъёрлашнинг илмий асослари ишлаб чиқилди.<sup>18</sup> Кўмита раҳбарлигида деярли барча соҳалар атамалари қайта кўриб чиқилди, янги луғатлар нашр этила бошланди. А. Ҳожиевнинг «Тилшунослик атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати» (Тошкент, 1993) ана шундай луғатлар сирасига киради.

Қонун топонимик ислоҳотлар ўтказиш – жой номларини қайта кўриб чиқишга ҳам туртки бўлди. Бу борада иккита муҳим ҳужжат қабул қилинди: 1. 1996 йилнинг 31 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори; 2. Ўзбекистон Республикасининг

---

<sup>15</sup> Маматов А. Юқоридаги асар, 224-бет.

<sup>16</sup> Маматов А. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. – Тошкент, 1991.

<sup>17</sup> Бу борада уларнинг қаламига мансуб асарлар ҳақида Р. Қўнгуров, С. Каримов, Т. Жўраевлар томонидан тузилган ва юқорида номи келтирилган библиографик кўрсаткичларга қаранг.

<sup>18</sup> Ҳожиев А. Термин таялаш мезонлари. – Тошкент, 1996.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги 1996 йил сентябрдаги Қонуни.

Уларни бажариш юзасидан биргина Самарқанд шаҳрида олиб борилган ишларнинг ўзи ҳам эътиборга лойиқдир. *Карл Маркс, Энгельс, Фуунзе, Наримонов, Коммунистик, Красноармейск, Красногвардейск* деб юритиб келинган юзлаб кўчалар *Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Шароф Рашидов* сингари алломаларимиз ва атоқли кишиларимиз номлари билан аталадиган бўлди.

Кейинги йилларда, шубҳасиз, ўзбек тили грамматик меъёрларини такомиллаштириш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Она тилимиз морфологияси ва синтаксисини тадқиқ этишга бағишланган ўнлаб диссертацион ишлар, монографиялар ва дарсликлар шулар жумласидандир. Айниқса, икки томдан иборат «Ўзбек тили грамматикаси»нинг академик нашри (Тошкент, 1975), Н.Маҳмудов ва А. Нурмонов томонидан яратилган «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис» (Тошкент, 1995) ҳамда А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Д.Набиеваларнинг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология» (Тошкент, 2001) асарлари ўзбек тилшунослигининг жиддий ютуғи саналади.

Шунга қарамасдан, грамматик меъёрларга нутқ жараёнида, айниқса орзаки нутқда жиддий эътибор қилинмаётгани тил маданиятининг раванқига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Нутқда «фикрни реализаштириш учун тилда мавжуд ва янгидан пайдо бўлган гап (жумла) шакллари билиш ва улардан тўғри фойдаланиш, сўнгра гап (жумла) да сўз-ўзак, негиз ва қўшимчалар ўртасидаги муносабатнинг тўғри бўлишига, эга-кесим мослиги, иккинчи даражали бўлакларнинг хусусиятларига яхши эътибор берилиши, гапда

сўзлар тўғри жойлаштирилиши»<sup>19</sup> лозимлигига ҳамма ҳам эътибор бераётгани йўқ.

Кўшимчалар синонимиясига эътибор бермаслик, уларнинг адабий ва диалектал вариантларини фарқламастик, келишикларнинг белгили-белгисиз қўлланиши, уларнинг кўмакчилар билан синонимияси, сўз шакллариининг бузилиши сингари морфологик чалкашликлар, гап бўлаклари орасидаги грамматик муносабатларни етарли даражада пайқамаслик, поэтик матнда улар ўртасидаги мазмуний боғланишларни жимжимадорликка, қофиябозликка қурбон қилиш сингари синтактик ғализликлар ўчраши ҳамон давом этмоқда. «Нутқ маданиятига оид масалалар» (Тошкент, 1973) тўпламидан жой олган А. Фуломовнинг «Адабий тил нормалари», С. Иброҳимовнинг «Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар», Ф.Исҳоқовнинг «Эътиқодимиз ҳам бор, эътирозларимиз ҳам» номли мақолаларида ўзбек тили грамматик меъёрларининг ана шу муаммолари кўтарилган.

Тилшунослигимизда услубий меъёрларни белгилашда ҳам маълум тадқиқотлар амалга оширилган. Бунга Ғ. Абдурахмоновнинг «Стилистик нормалар ҳақида» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, 6-сон), «Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари» («Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973), Э. Бегматовнинг «Сўзлашув нутқи ва норма» («Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари» тўплами.– Самарқанд, 1972), А. Абдусайидовнинг «Газета тили ва адабий норма» (Самарқанд, 1986), А. Мамажонов, У. Мамажоноваларнинг «Ўқувчиларга стилистик норма қоидаларини ўргатиш» (Совет мактаби, 1988 йил), А. Маматовнинг «Окказионал сўзлар ва тил нормаси» («Ўзбек нутқининг актуал проблемалари» тўплами. – Тош-

---

<sup>19</sup> *Иброҳимов С.* Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973, 31-бет.

кент, 1990), И. Тошалиевнинг «Стилистик норма муаммолари» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 5-сон), «Стилистик норма ва унинг асосий белгилари» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 2-сон) сингари ишларни кўрсатиш мумкин.

Услубий меъёрлар хусусидаги мулоҳазалар орасида акад. Ф. Абдурахмоновнинг қарашлари диққатга сазовордир. Олим, энг аввало, нутқнинг энг яхши ва энг мувофиқ воситасини тавсия этишда, меъёр қилиб белгилашда, нутқнинг турли стилистик қатламларида қўлланадиган воситаларини ажратишда стилистиканинг аҳамияти алоҳида эканлигини таъкидлаб ўтади. «Стилистика фанида ўрганиладиган масалалар, - дейди у, - сўзнинг метафорик қўлланиш усули ва сўз танлаш услуби, эмоционал-экспрессив сўзлар, синонимларнинг стилистик турлари, фразеологизмларнинг стилистик роли, сўзни ўз ўрнида ишлатиш ва сўз танлаш услуби, турли синонимик воситаларнинг функцияларини аниқлаш, адабий тилнинг лексик чегарасини белгилаш, яъни диалектал сўзлар, жаргон, эмоционал тус олган сўзлар, терминларнинг адабий тилда қўлланиш қонуниятларини белгилаб бериш, сўзларнинг бирикма ташкил қилиш йўллари ва нормалари, чет сўзларни ишлатиш нормалари ва она тилининг тозалиги масаласи, айрим сўз туркумлари ва морфологик категорияларнинг стилистик роли, синтактик синонимика ва бошқа масалалардан иборат.

...Стилистиканинг кўрсатиб ўтилган объектлари, проблемалари назарий жиҳатдан ишланиб, маълум форма ва конструкциялар топилгач, тажрибада синаб кўриб тасдиқлангач, стилистик нормалар келиб чиқади, ана шундай форма ва конструкциялар норма сифатида тавсия этилади».<sup>20</sup>

---

<sup>20</sup> *Абдурахмонов Ф.* Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973, 53-54-бетлар.

Шундан сўнг олим ўзбек тили услубий меъёрларини белгилашнинг муҳим манбалари лаҳжа ва шева материаллари, мумтоз адабиёт намуналари эканлигини алоҳида таъкидлайди ҳамда услубий меъёрларни белгилашда таянишни лозим бўлган омишлар ҳамда йўлларни кўрсатиб ўтади.

Ўзбек тилининг услубий меъёрлари ҳақидаги эътиборга лойиқ ишлардан бири И. Тошалиевнинг «Стилистик норма муаммолари» мақоласи саналади.<sup>21</sup> Муаллифнинг таъкидлашича, айрим тадқиқотларда услубий меъёрлар адабий меъёрга қарама-қарши қўйилади ва ноадабий меъёр деб баҳоланади. Аммо бу қарашлар илмий асосга эга эмас. Услубий меъёр ҳам умумадабий меъёрнинг бир кўриниши ҳисобланади. Айни пайтда, услубий меъёрларга умумадабий меъёрлар ўлчовини, умуммажбурийлик талабини қўйиш ҳам тўғри эмас. Бу чалкашликни келтириб чиқариши мумкин. Чунки адабий меъёрий нутқнинг ҳар бир соҳаси, ҳар бир вазифавий нутқ типини бошқасидан фарқлайдиган услубий меъёрлар ва мезонлар мавжуд. «Стилистик нормалар ҳам, дейди у, - энг аввало, адабий нормаларга, узун нутқ фактларига асосланади ва шу асосда қарор топади».<sup>22</sup>

И. Тошалиевнинг мақоласидаги диққатга сазовор жиҳат шундаки, унда ўзаро алоқадор ҳамда умумий меъёрнинг бошқа кўринишлар билан оппозицияда бўлган икки асосий гиши: 1) умумадабий (структур) ва стилистик (функционал услубий) меъёрларни фарқлаш лозимлиги тўғрисида фикр баён қилинади. «Умумадабий нормалар моҳият эътибори билан коммуникатив умумийликни – барча учун ягона ва яроқли норматив воситалар наборини танлаш принципи асосида тайин этилади». Айни пайтда муаллиф услубшуносликдаги мавжуд қарашларга таяниб, услубий меъёрнинг ўзи

---

<sup>21</sup> Тошалиев И. Стилистик норма муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 5-сон, 26-31-бетлар.

<sup>22</sup> Тошалиев И. Юқоридаги мақола, 27-бет.



ҳам: 1) тил (структур) стилистик нормалари ва 2) нутқ стилистик нормаларига ажратилишини кўрсатиб ўтади.

Муаллиф бу мақоланинг давоми сифатида ёзган «Стилистик норма ва унинг асосий белгилари» номли иккинчи мақоласида<sup>23</sup> юқорида баён этилган мулоҳазаларини давом эттиради ва услубий меъёрни белгиловчи асосий омил вазилавий услублар ва тилдан фойдаланиш стратегияси, деган фикрни назарий жиҳатдан асослаб беради.

Услубий меъёрларга оид муҳим фикрлар «Адабий норма ва нутқ маданияти» (Тошкент, 1983) асарининг Э. Бегматов томонидан ёзилган «Норма ва услуб» бобида ҳам айтилганки, бу ҳақда ишнинг «Услубий меъёрлар» қисмида апрофлича тўхталамиз.

Шундай қилиб, юқорида номлари тилга олинган тадқиқотлар гуфайли ўзбек тилшунослигида меъёрий муаммоларни ўрганиш ўз йўналишига, назарий асосига, айни пайтда, ўз тарихига эга бўлди. Бу юмушларнинг амалга оширишида А. Фуломов, С. Иброҳимов, О. Усмонов, Ш. Шоабдурахмонов, Ғ. Абдурахмонов, Х. Дониёров, Ш. Раҳматуллаев, Э. Бегматов, А. Ҳожиёв, А. Шомақсудов, Р. Кўнғуров, Ё. Тожиёв, А. Маматов, Э. Қиличев ва бошқа олимларнинг хизматлари катта бўлди.

Олиб борилган ишларнинг кўлами нечоғлик кенг бўлмасин, республикамиз мустақиллиги шарофати билан тил илми ва маданиятини янада такомиллаштириш ва юксалтиришга қаратилган қонунлар ва ҳукуматимиз қарорлари, чора ва тадбирлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» зиммамизга янада улкан вазифаларни юклайди.

---

<sup>23</sup> Тошалиев И. Стилистик норма ва унинг асосий белгилари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 2-сон, 27-33-бетлар.

## Адабиётлар:

1. *Abdullaev Y. Sovg'a.* – Toshkent, 1996.
2. *Абдурахмонов Ф.* Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.
3. *Бегматов Э.* Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.
4. *Бегматов Э., Аҳмедов А.* Ўзбек алфавити, графикаси, орфографияси ва пунктуацияси масалалари. Адабиётлар кўрсаткичи // Ўзбек тилининг имло лугати. – Тошкент, 1976.
5. *Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М.* Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1983.
6. *Бегматов Э., Маматов А.* Адабий норма назарияси, 1 – қисм. – Тошкент, 1997.
7. *Иброҳимов С.* Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.
8. *Каримов С., Жўраев Т.* Ўзбек тили услубияти ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 2001.
9. *Маматов А.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991.
10. *Маматов А.* Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. – Тошкент, 1991.
11. *Тошалиев И.* Стилистик норма муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 5-сон.
12. *Тошалиев И.* Стилистик норма ва унинг асосий белгилари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 2-сон.

13. Қўнғуров Р, Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 1984.

14. Фуломов А., Тихонова А., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем лугати. – Тошкент, 1977.

15. Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент, 1996.

## АДАБИЙ ТИЛ ВА АДАБИЙ МЕЪЁР

Р е ж а:

1. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.
2. Ўзбек тилининг бойиб боришида ички ва ташқи омиллар.
3. Диалект ва шевалар умумхалқ тилининг таркибий қисми.
4. Адабий тил ва унинг тараққиёт даврлари.
5. Адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари.
6. Адабий тил ва адабий меъёр.
7. Адабий меъёрнинг типлари.

*Таянч сўз ва иборалар : Адабий тилни даврлаштириш масаласи. Тил шакллари: оғзаки ва ёзма. Ижтимоий вазифаси : алоқа, хабар, таъсир. Умумий ва хусусий меъёр. Умумий - ёзма нутқ, ёзма адабий тил, ёзма услуб. Хусусий – лексик-семантик, талаффуз, акцентологик, фонетик, грамматик, сўз ясалиши, орфографик, график, пунктуацион, услубий.*

Неча асрлар давомида сайқал топиб, силлиқлашиб, мукаммаллашиб, бугунги ҳолатга келган ўзбек адабий тили халқимизнинг умумхалқ тили негизида шаклланган ва тараққий топган. Туркий тиллар тизими ва олтой тиллар оиласига кирувчи ўзбек тили ҳозирги ҳолатга келгунга қадар узоқ тарихий тараққиёт даврини бошидан кечирганлиги маълум.

Барча тилларда бўлгани каби ўзбек тилининг бойиб боришида ҳам ички ва ташқи омилларнинг таъсири катта. Бу ҳақда талабалар она тилимизнинг «Лексикология» курсидан сабоқлар тинглаганларида маълумот олишган. «Ўзбек тилининг бевосита ўзиники бўлган асосий лексик қисмини шу тилнинг тараққиёти процессида унинг ички имкониятлари,

Ўзига хос қонун-қоидалари асосида ҳосил этилган ясама сўзлар ташкил этади».<sup>1</sup>

Бинобарин, янги сўзлар ясалишининг ёки мавжуд сўзларнинг янги-янги маънолар англатишининг ўзбек тилида имкониятлари кенгдир.

Шу билан бирга, тилимиздаги лексик бирликлар жуда оз бўлса-да, грамматик воситалар орасида ташқаридан олинган, жумладан, ҳиндча, юнонча, арабча, мўғулча, форсча-тожикча, русча-байналмилал бирликлар учрайди. Бу халқимизнинг ўтган жуда кўп асрлик давр мобайнида бошқа халқлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқадорликда бўлганлиги, бунинг устига, айрим давлатлар ва уларнинг бошлиқларининг Ўрта Осиё худудида олиб борган босқинчилик урушлари ва ҳаракатлари билан боғлиқ. Қандай бўлганда ҳам тилимизга чет сўзлар кириб келганлигини инкор қилиб бўлмайди ва унинг, юқорида таъкидлаганимиздек, объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Бу бирликлар бугунги кунда тилимиз луғавий бойлигининг таркибий қисми саналади.

Тил меъёрининг адабий тилга муносабати ҳақида мулоҳаза юритишни мақсад қилиб қўйган эканмиз, дастлаб тилимизнинг ана шу бойиб бориш йўллариغا, тараққиёт-давларига, қисқача бўлса-да, кўз югуртириш лозим бўлади.

Ушбу масалага қизиқиш қадимги даврлардаёқ, ҳатто XI асрдан - М.Кошғарий замонидан бошланганлигини олимларимиз эътироф этишади. Аммо бу қизиқиш ва тилимиз тараққиёт босқичларини даврлаштириш ҳамда унинг мукамал таъсифи билан шуғулланиш XIX асрдан бошланган.

---

<sup>1</sup> Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1980, 121-бет.

Туркий тилларни даврлаштириш бўйича В.В. Радлов, А.Н.Самойлович, С.Е.Малов, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.Р.Решетов, Н.А. Баскаков, В.А. Багородицкий каби рус туркийшунос олимларининг хизматлари катта бўлган. Кейинчалик, уларнинг илмий қарашларига таянилган ҳолда ўзбек тили тарихини даврлаштириш масаласи ҳам кун тартибига қўйилган. Бу борада Теша Салимов, Фахри Камолов, А.М.Шчербак, Олим Усмонов, Ғани Абдурахмонов, Шамсиддин Шукуров, Эргаш Фозилов, Фаттоҳ Абдуллаевлар ўз қарашларини баён қилишган<sup>2</sup>.

Бу қарашлар бир қадар батафсил таҳлил қилинган ва умумлаштирилган илмий манбалар ўзбек адабий тили тарихи ўрганишининг энг кейинги ютуқларини мужассам қилган, дарслик ва қўлланма сифатида тавсия этилган У.Турсунов, Б.Ўринбоев, А.Алиев ҳамда А.Мухторов, У.Санақуловларнинг асарлари ҳисобланади<sup>3</sup>.

Бу китоблардаги ҳар иккала таснифни ҳам келтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

У.Турсунов, Б.Ўринбоев, А.Алиевлар таснифи:

1. Қадимги туркий халқлар даврида адабий тил (V-X асрлар).

Илк давр ўзбек халқ тили (X-XIV асрнинг ярми).

Ўзбек халқ тилининг такомиллашиш даври (XIV аср охири XIX асрнинг II ярми).

---

<sup>2</sup> Бу ҳақда қarang: *Турсунов У., Ўринбоев Б.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1982, 30-33-бетлар. *Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1995, 19-26-бетлар.; *Мухторов А., Санақулов У.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1995, 21-26-бетлар.

<sup>3</sup> *Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А.* Юқоридаги асар; *Мухторов А., Санақулов У.* Юқоридаги асар.

Миллий тил унсурларининг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ривожланиш давридаги ўзбек адабий тили (XIX асрнинг II ярмидан ҳозирги кунгача бўлган давр).<sup>4</sup>

А. Мухторов ва У. Санакуловлар таснифи:

Қадимги туркий адабий тил даври (VII - XIII асрлар).

Эски ўзбек адабий тили даври (XIII - XX аср бошларигача).

3. Ҳозирги ўзбек адабий тили даври (XX аср бошларидан кейинги давр)<sup>5</sup>.

Бу таснифларнинг қайси бири нисбатан мукамал ва илмийлигини таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Аммо адабий тил меъёри масаласини бир қадар кенгрок ўрганишимиз учун таснифлардан хабардор бўлишимиз зарур. Бу ўринда хулоса сифатида фақат шунини таъкидлаш лозим бўладики, она тилимиз тарихи қандай тартибда даврлаштирилганидан қатъий назар унинг ривожидagi ҳамма босқичларда ҳам тил бирликларини бир меъёрга келтириш масаласи хоҳ онгли, хоҳ стихияли тарзда бўлсин, муомала жараёнида эътиборда бўлган. Аммо шу нарса ҳаётий, илмий ҳақиқатга яқинки, адабий меъёрнинг шаклланишидаги дастлабки босқич стихияли равишда юз берган.

Маълум тил бирлигининг жамоа ўртасидаги маълум шакл ва ҳолатда кўп истеъмолда бўлиши меъёрий кўринишларнинг турғунлик касб этишига асос бўлди. Тилда юз, балки минг йиллаб давом этган дифференциация - ажралиш, тарқалиш жараёни бу меъёрнинг маълум бир тил доирасида бир йўналишда умумтил-адабий, иккинчи бир йўналишида эса умумхалқ тилининг таркибий қисми бўлган диалект ва шевалар ҳам маҳаллийчилик шаклида мустақамланиб боришига олиб келди.

---

<sup>4</sup> *Турсунов У., Ўринбоев Б., Алнев А.* Юқоридаги асар, 24-26-бетлар.

<sup>5</sup> *Мухторов А., Санакулов У.* Юқоридаги асар, 24-бет.

Табиийки, жамият тараққиёти билан баб-баравар тил, жумладан ўзбек тили ҳам ривожланиб, мукамаллашиб, илмий жиҳатдан ўрганилиб борилди. Натижада унинг барча тармоқларида меъёрий томонлар анчагина барқарорлашди. Бу ерда ҳам тил меъёрларининг мустаҳкамланишида нутқ жараёнининг катта аҳамият касб этганини эсдан чиқармаган ҳолда, унинг тараққиёти тобора онгли бошқарила борганлигини, тилшунослик илмининг таъсири сезиларли даражада кенгайганлигини кузатиш қийин эмас.

Ана шу омиллар таъсири ва натижаси ўлароқ тил қатламларидаги мавжуд бирликларга белгилаб қўйилган меъёрий ҳолатлар тилдан фойдаланувчи барча вакиллар учун мажбурий кўринишга келтирилди ва бу мажбурийлик тегишли ҳужжатларда, луғатларда ўз ифодасини топди<sup>6</sup>.

Мазкур ўқув қўлланмаси талабаларимизга - умидимиз бўлган келажагимизга, ёшларимизга мўлжаллаб ёзилгани сабабли, шу ўринда уларни, назаримизда, бир ҳақиқатдан хабардор қилиб қўйишга эҳтиёж сезилади. Барча тилдан фойдаланувчилар учун меъёрий ҳолатларнинг мажбурий эканлиги тайин гап. Аммо унга амал қилишимиз қай аҳволда? Тилимиздан фойдаланишдаги барча талабларни бир четга қўйяйлигу, сўрайлик: фойдаланувчиларнинг ҳамма вакиллари ҳам, айниқса, ёшларимиз ўз она тилларида саводли ёза оладиларми, адабий тил меъёрларига мос тарзда сўзларни талаффуз этадиларми? Бу саволлар ҳар бир ватанпарвар ва миллатсевар инсон қалбидаги оғриқ нуқталардир.

Шунинг учун ҳам мустақиллик ва фақат мустақиллик шарофати билан яқин пайтларда оғизда «шаклан миллий,

---

<sup>6</sup> Бугунги кунда амалда бўлган ҳужжатлар ва луғатлар куйидагилар : Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари. – Тошкент, 1956; Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. – Тошкент, 1995; Ўзбек тилининг имло луғати. – Тошкент, 1976; Ўзбек адабий талаффузи луғати. – Тошкент, 1984; Ozbek tilining imlo lugati. – Toshkent, 1998.



## «Филологик милициялар»

мазмунан социалистик» деб аталган, аслида ўшанда ҳам кўпчилигимизга кўзда тутилган мақсади аён бўлган мафкурадан бутунлай кутулиб, ўз миллий мафкурамизни, истиқлол ғоямизни шакллантира бораётган пайтимизда она тилимизга бўлган муносабатимизни ҳам миллий манфаатларимизга мос келадиган янгича қараш асосига қурмоғимиз шартдир. Зеро, тил тарбияси ҳам миллат тарбиясининг таркибий қисми саналади. Шу ўринда буюк Абдулла Авлонийнинг асримиз бошларида айтган қуйидаги сўзлари беихтиёр эсга келади: «Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур»<sup>7</sup>.

Дарҳақиқат, Авлонийнинг «ўқиш, ўқитиш, тарбия ишларида давр талаби асосида ислохотни амалга ошириш ниҳоятда зарур» деган фикри ўз замони учун ҳам, бугунги кун учун ҳам қимматлидир.

Проф. Э.Бегматовнинг «Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши» мақоласида эътиборли бир факт келтирилган. «Советская Россия» газетасининг 1965 йил 31 январь сонида ёзилишича, бир вақтлар рус тилининг «ғамхўрлари» рус тилида тўғри гапиришни йўлга қўйиш мақсадида «филологик милициялар», «рус тили ўқитувчиларидан тузилган ихтиёрий дружиначилар» ташкил қилишни, шунингдек, нотўғри қўлланган сўз учун маъмурий усулда жарималар ундирилишини таклиф қилишган.<sup>8</sup>

Албатта, таклиф қулгили. Аммо қандай йўл тутилса, адабий тил меъёрлари сақлаб қолинади ва уларга амал қилинади, деган мазмунда бош қотириш, бу вазифанинг йўллари топишга ҳаракат қилиш эса эътиборга молик.

<sup>7</sup> Ўзбек адабиёти, 11 синф учун дарслик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1997, 37-бет).

<sup>8</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами - Тошкент, 1973, 156-бет.

Хўш, ўзбек тилига ҳали ҳам шеваларнинг таъсири кучли бўлиб турган, рус тилининг исканжасидан тўлалигича қутула олмаётган бир пайтда она тилимизнинг маданийлиги учун ким курашяпти, ким фидойилик қилаяпти? Саволлар ана шу тарзда қўйилса, юқоридаги таклифларда ҳам жонкуярлик учқунлари борлигини кўрамиз. Ватанни севиш ҳар бир имонли кишининг бурчи экан, тил ҳам ана шу улуг муҳаббатнинг бир четида туради. Адабий тил ҳақида, унинг меъёрий қоидаларига амал қилиш ҳақида қайгуриш нафақат филологларнинг, балки миллатнинг ҳар бир вакили, ўзбек тилини ҳурматлайдиган ҳар бир олижаноб инсоннинг вазифасига айланади.


Проф. С.Иброҳимов ҳам бир вақтлар мана бу таклифни бекорга ўртага ташламаган эди: «Адабий тил нормаларидаги камчилик, ноаниқлик ва чалқашликларни ўрганиб, муҳокама қилиб, турлиликларни бартараф қиладиган «нормалаш комиссияси» ташкил этилиши, унинг қарор ва тавсиялари қонун кучига эга бўлиши лозим. Шунингдек, нутқ маданиятидан консултациялар берадиган марказий ва маҳаллий консултация бюролари тузиш зарур»<sup>9</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил этилган Атамалар қўмитаси маълум маънода ана шундай вазифаларни бажариб келмоқда.

Маълумки, адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Агар тилимизнинг, адабийлик даражасига кўтарилгунга қадар умумхалқ, умуммиллий кўринишда бўлганлигини инобатга олсак, адабий тилимизнинг оғзаки шаклини англаш бирмунча осонлашади. Шу ўринда А.Мухторов ва У.Санақуловларнинг китобида келтирилган

---

<sup>9</sup> *Иброҳимов С.* Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973, 38-бет.

жадвалининг маъзани чақсақ, тасаввуримиз яна ҳам кенгайд<sup>10</sup>ди.



Жадвалдан маълум бўладики, ўзбек миллий тили доирасида оғзаки шаклнинг қамрови кенг. Бу доира таснифнинг «жонли халқ тили», «оддий сўзлашув тили» ёки «жаргонлар тили», «диалектлар тили» тарзида майдалаштирилиб юборилганлигини инобатга олмаган ҳолда ҳам бу фикр тўғри бўлиб чиқади.

Аmmo бу ўринда биз нимага эътиборимизни қаратишимиз лозим? Назаримизда, тил ва нуқта<sup>нинг</sup> ушбу кўринишларининг фарқли ва умумий, афзал ва мушкул жиҳатларига, пайдо бўлиш даври ва имкониятларига. Шунда ҳам бу жиҳатларга адабий меъёр нуқтага назаридан муносабат билдирилиши тўғри бўлади.

<sup>10</sup> Мухторов А., Санахулов У. Ўзбек адабий тили тарқи. — Тошкент, 1995, 9-бет.

Шу маънода тил ва нутқнинг оғзаки шакли вақт нуқтаи назаридан ёзма нутққа қараганда анча илгари пайдо бўлганлиги, ундаги меъёрлашиш жараёнининг стихияли тарзда кечганлигини таъкидлаш жоиз. Бунинг устига ўзбек тилидаги диалект ва шеваларнинг кўнлиги, уларнинг бири-биридан баъзан жиддий фарқ қилиши тилнинг оғзаки меъёри ҳақида мулоҳаза билдиришни ниҳоятда чигаллаштиради. Шунинг учун ҳам проф. Ф.Абдуллаев адабий тилнинг қонунқоидаларини, меъёрларини белгилашда бу хусусиятни ҳисобга олмаслик қутилган натижани бермаслигини таъкидлаган эди.<sup>11</sup>

Зеро, тилимизнинг меъёри бузилишидаги асосий камчилик худди ана шу оғзаки кўринишда кўп содир бўлади ва уларни бартараф этиш ҳам қийин кечади.

Инсон муомаласида, ўзаро фикр алмашиш жараёнида ёзув деган бир нодир неъматнинг пайдо бўлиши кишилик жамияти учун буюк инқилоб бўлгани аниқ. Бу жараён жуда қадимдан ўз ёзувига эга бўлган айрим туркий халқлар, жумладан ўзбек тили учун ҳам тегишлидир. Юқорида бир неча бор таъкидлаганимиздек, меъёр адабий тилнинг асосини таъкид қилар экан, у «миллий адабий тилни таърифлашда (ҳам) марказий тушунча бўлиб, худди ана шу асосий белги янги даврда мисли кўрилмаган даражада ривожланади ва адабий тилнинг ёзма турида юзага келиб ривожланаётган бирлик унинг оғзаки турига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Бу ҳодиса адабий тилнинг орфоэник нормасини ихчамлаштиради ва борган сари унинг адабий тилнинг ёзма турига яқинлашувида марказлаштирувчи роль ўйнайди».<sup>12</sup>

---

<sup>11</sup> *Абдуллаев Ф.* Ўзбек миллий адабий тили ва уни ўрганишга оид масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973. 43-бет.

<sup>12</sup> *Абдуллаев Ф.* Юқоридаги мақола, 39-бет.

Ф.Абдуллаевнинг айтганларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, меъёр масаласидаги бугунги илмий амалий вазифамиз ҳам ойдинлашади. Бу - оғзаки нутқни ёзма нутққа яқинлаштириш. Хўш, бунда уларнинг қайси жиҳатлари асосий эътиборга олинаши лозим? Галаффузми, нутқ қурилишими ёки тил бирликларининг эмоционал-экспрессив имкониятими? Фикримизча, бу саволларга бир томонлама жавоб бериб бўлмайди. Негаки, биз тилимизнинг қанчалик адабий, меъёрий ва маданий бўлишига интилмайдик, оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзига хос хусусиятларидан кўз юмиб бўлмайди.

Кўпчилик ўзбек тилшунос олимлари «миллат ривожланган сари миллий тил билан жонли сўзлашув ўртасида айирма ҳам аста-секин заифлашиб бораверади»,<sup>13</sup> деган фикрда эдилар. Дарҳақиқат, шундай бўлиши лозим эди. Чунки ана шу мақсад йўлида зиёлиларимиз, филолог олимларимиз, адибларимиз, журналистларимиз томонидан жуда кўп ишлар амалга оширилди. Тилнинг назарий жиҳатларини асослашдан тортиб турли характер ва ҳажмда бўлган луғатлар яратилди, тилдан амалда фойдаланишга оид тавсияномалар берилди. Аммо умумўзбек нутқи маданиятида нега жиддий ўзгаришлар сезилмаяпти? Нега белгилаб қўйилган меъёрларга амалиётда тўла риоя қилинмаяпти? Нима учун адабий тил миллатнинг ҳамма вакиллари, ундан барча фойдаланувчилар учун эмас, балки фақат зиёлилар учун тегишлидай бўлиб қолаяпти?

Албатта, тил маданияти миллий ва умуминсоний маданиятнинг, кадриятларнинг, маънавиятимизнинг ажралмас қисми саналади. Унинг даражаси қайси бир маънода иқтисодий омилларга бориб тақалиши мумкин. Президентимиз И.А.Каримов томонидан маънавият масалалари билан шуғулланиш давлатимиз юритаётган сиёсатда устувор

---

<sup>13</sup> Абдуллаев Ф. Юқоридаги мақола, 39-бет.

йўналишлардан бири деб эълон қилинган бир пайтда республикамиз иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиб бўлгандан кейин тил маданияти масалалари билан шуғулланамиз, деган фикрда бўлиш нодонликдан бошқа нарса эмас.

Тилдаги меъёрий ҳолатларни белгилашда, тилнинг адабийлик даражасини таъминлашда илмий асосланган имло ва талаффуз қоидаларининг мавжуд бўлиши, улар ваколатли ташкилотлар томонидан расмийлаштирилиб, маълум маънода тил истеъмолчилари учун мажбурий бўлиши, қонуний ҳужжат ҳолига келтирилишининг аҳамияти катта, албатта. Аммо тил истеъмолчиларининг ҳаммасида ҳам ана шу қонунқоидалардан етарли даражада хабардор бўлиш имкони бўлавермайди. Улар тил меъёрини асосан эшитиш ва кўриш натижасида ўзлаштирадилар ҳамда шу асосда гапириб ва ёзиб кетаверадилар. Бунда тилдан фойдаланувчининг, айниқса, ёш пайтидаги, тилни энди ўзлаштира бошлаган чоғларидаги оила қуршовининг, атроф муҳитнинг - боғчанинг, мактабнинг, умуман, бундан кейинги таълим ва тарбия манбаларининг аҳамияти катта бўлади. Шунинг учун ҳам кўпчилигимиз шевачилик иллатларидан қутула олмаймиз, айримларимизнинг саводхонлигимиз ўзига яраша бўлади. Аслида бу жараён инсоннинг бутун умрида давом этиши мумкин.

Ҳарқалай, ҳозирги даврда бизга тилимизнинг меъёрини белгилаб берувчи, уларни ўзлаштириб олишимизга, кўникма ҳосил қилишга ёрдам берувчи оммавий ахборот, бадий адабиёт сингари кучли воситалар ҳам борки, уларни, айниқса, бадий адабиёт намуналарини, ана шу маънода ўзига хос кўзгу дейиш мумкин. Чунки уларнинг тилни қамраш имкониятлари бошқа манбаларга нисбатан кенгдир.

Шунинг учун ҳам тил ва нутқ маданиятидаги ҳақиқий аҳволга, вазиятга баҳо берувчи, мавжуд камчиликларни танқид қилувчи, уларни бартараф этиш йўлларини

кўрсатувчи чиқишлар оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилиши ва бу масъулиятли вазифани амалга оширувчи шу соҳа ходимларига, журналистларга, адибларга таяниб иш кўрилиши лозим.

Биз эса нутқий маданиятимиздаги камчиликлар тўғрисида гап бошлашимиз билан дарҳол матбуот, театр, кино, телевидение, радио ходимларини танқид қилишга ўтамыз. Ваҳоланки, инсоф билан айтганда, адабий тил меъёрларига асосан ўшалар риоя қилиб келишмоқда-ку! Омма билан кўпроқ ишлайдиган, уларга фаолият ва бурч юзасидан яқин бўлган кўпчилик тарбиячилар, ўқитувчи-педагоглар, маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари фаоллари ва оқсоқоллари армияси ҳам мавжуд. Афсуски, ҳаётнинг ўзидан бошқа уларнинг нутқини назорат қиладиган, камчиликларини кўрсатадиган тил масъулиятини эслатадиган куч ҳам, сўзлашиш маданиятини, нотиклик санъатини ўргатадиган мактаблар ҳам йўқ.

Рус тилшуноси Г.В. Костомаров шундай деган экан: «Кишилар атайлаб ёмон сўзламайдилар, балки бошқача гапиришга ўрганмаганликлари учун ҳам шундай сўзлайдилар».<sup>14</sup> Демак «бошқача гапиришга» ўрганиш учун ҳам эътибор, ҳам тил саводхонлиги зарур бўлади. Шу маънода меъёр тарзида шаклланган, бизга ёзиш ва сўзлашда андоза бўла оладиган намуналар ва тавсиялар керак.

Гап шундаки, тилдан фойдаланишда эътиборсизлик билан бир қаторда масъулиятсизлигимиз ҳам бор. Ваҳоланки, «сўзни адабий тилда қабул қилинган нормаларга мувофиқ - адабий формаларда қўллаш.... нутққа қўйиладиган умумий талабларнинг биринчисидир».<sup>15</sup> Бу ҳол қачонгача давом этишини айтиш қийин. Аммо шу пайтга қадар тил илмини

---

<sup>14</sup> Абдуллаев Ф. Юқоридаги мақола, 39-бет.

<sup>15</sup> Фуломов А.Ф. Адабий тил нормалари // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973, 59-бет.

Ўрганишда тўплаган тажрибаларимиз, олиб борилаётган илмий кузатишлар, уларнинг ҳаётга, ўқув жараёнига бевосита татбиқи, кун сайин қалбимизда равшанлашаётган миллий ўзлигимизни англаш, халқнинг маданий ва маънавий баркамоллиги эртами-кечми барчамизни адабий тил меъёрларига етарли даражада амал қилишга олиб келади, деган умиддамиз.

Гарчи она тилимиз - ҳозирги ўзбек адабий тилини Э.Бегматов таъкидлаган «ўз норматив системаларининг юқори даражада шакллانганлиги, такомил ва бойлиги жиҳатдан юксак даражадаги маданий тил» сифатида фахрланиб тилга олсак-да, уни янада юксалтириш борасидаги ишлар кенг кўламда, изчиллик билан давом эттирилиши лозим. «Эндиликда ўзбек адабий тилининг маданий норматив имкониятларини ўрганиш ва бу имкониятлардан амалий нутқда ўринли ва эффектив равишда фойдалана олиш йўлларини тадқиқ қилиш, шунингдек, ўзбек адабий тили нормаларини такомиллаштириш, уларнинг янада стабиллашуви, ўткирлашуви ҳамда ривож учун кўмаклашиш муҳим вазифадир».<sup>16</sup>

Тил тарбияси ҳам фарзанд тарбиясига ўхшайди. Интизом озроқ бўшашган жойда у ҳам албатта ўзининг салбий натижасини кўрсатади. Бу борадаги ишларда стихияга, компаниячиликка йўл қўйиб бўлмайди. Аксинча, бу фаолиятни марказлаштириш ва мувофиқлаштириш, уни давлат аҳамиятига эга бўлган, кенг жабҳада олиб бориладиган, одат тусига кирган иш даражасига олиб чиқиш лозим.

Адабий тил умумхалқ тилининг яшаш шаклларида бири экан, унга миллат учун нафақат ягона алоқа воситаси сифатида, шу билан бирга, қалбимиздаги энг нозик ҳис-туйғуларни ифода эта оладиган қимматбаҳо бойлик сифатида

---

<sup>16</sup> Бегматов Э. Ўзбек нутқи маданияти масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, № 4, 54-бет.




муносабатда бўлмоғимиз, унинг ўсиши, ривожланиши учун доимо ғамхўрлик қилишимиз, парваришлашимиз зарур бўлади. Нутқ жараёнида, айниқса, сўзлашув ва бадий ижод жараёнида унинг шундай бир имкониятлари очиладики, биз уни пайқашимиз ва бир лаҳза бўлса-да, очилган бу хазина бойликларидан лаззатлана ва ҳузурлана олишимиз лозим.

Тил учун белгилаб қуйилган меъёрий ҳолатлар доирасидан чиқиб, унинг ҳар бир вазифавий услуб доирасида ҳар бир нутқий вазиятда ифода этаётган нозик маъноларини илғай олиш, таҳлил қилиш ва уни турли йўллар ҳамда воситалар билан халққа етказиш тил билимдонларининг бурчи ва вазифасидир.

Адабий тилимизнинг яшовчанлигини, обрўсини, мартабасини сақлаб қолиш эса унда белгиланган меъёрларга қатъий риоя қилишни тақозо этади. Чунки замонлар силсиласида тобланган ўзбек тили, бир томондан, ўз маромида сайқал топиб, силлиқлашиб борган бўлса, иккинчи томондан, ўзбек тилшунослиги ҳам фан сифатида кўплаб олимларимизнинг саъй ҳаракатлари туфайли ўзининг юксак тараққиёт босқичига кўтарилди. У тил бирликларининг жуда кўп жиҳатларини илмий асосида меъёрлаштиришга кўмаклашди. Бошқача айтганда, бугунга келиб тил меъёрлари илмий хулосаларга таянилган ҳолда онгли бошқарила бошланди. Шунинг учун ҳам ўзбек адабий тилининг ҳозирги меъёрларини, мавжуд камчиликлардан кўз юммаган ҳолда, қатъий қоида ва тартибга солинган, ёзувда мустаҳкамланган, намуна бўла оладиган, унинг истеъмолчилари учун тушунарли ва маъқул бўлган, улар томонидан баб-баравар фойдаланиладиган, умуммажбурий бўлган, маълум маънода турғунлашган ва барқарорлашган, шу билан бирга, аста-секинлик билан ўсиб, ривожланиб борувчи, ўрни билан вариантлари кўпаювчи, услублараро тармоқланиб, кенгайиб борадиган, айти пайтда анъанавийликни ҳам сақлаб қолиши мумкин бўлган меъёрларга айланди, деб бемалол айта оламиз.

Ўзбек адабий тили меъёрлари хусусида тўпланган билим ва тажрибаларга таяниб яна шуни айтиш мумкинки, унинг умумий ва конкрет кўринишлари мавжуд. Умумий тарзда уни оғзаки ва ёзма нутқ меъёрларига ажратамиз. Ўз навбатида, ёзма адабий нутқ меъёри, ёзма адабий тил меъёри ва ёзма услуб меъёрига, оғзаки нутқ меъёри оғзаки адабий тил, оғзаки услуб меъёрига бўлинади. Конкрет тарзда эса, тилимизда лексик - семантик, талаффуз, график, пунктуацион, фонетик, грамматик, сўз ясашичи, орфографик ва услубий меъёрлар мавжудлигини қайд қиламиз ва уларнинг Э.Бегматов томонидан қилинган таснифини ўзгарилсиз келтирамиз<sup>17</sup> ҳамда кейинги мавзуларни ёритиш жараёнида ўрни билан уларга тўхталиб ўтамиз.



<sup>17</sup> Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983, 76-бет.

## Адабиётлар:

1. *Абдуллаев Ф.* Ўзбек миллий адабий тили ва уни ўрганишга оид масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.

2. *Бегматов Э.* Нутқ маданияти проблемасининг айдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.

3. *Бегматов Э.* Ўзбек нутқи маданияти масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980.

4. *Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М.* Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983.

5. *Иброҳимов С.* Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.

6. *Мухторов А., Санақулов У.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1995.

7. *Турсунов У., Ўринбоев Б.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1982.

8. *Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1995.

9. *Шоабдурахмонов Ш.* ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1980.

10. *Фуломов А.Ф.* Адабий тил нормалари // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.

## УМУМИЙ МЕЪЁР ВА ХУСУСИЙ МЕЪЁР

Режа:

1. Умумий меъёр тушунчаси.
2. Умумий меъёрни белгилаш усуллари.
3. Хусусий меъёр тушунчаси.
4. Хусусий меъёр кўринишлари: адабий тил, диалект ва шевалар, ижтимоий тармоқлар.
5. Хусусий меъёрнинг индивидуал кўринишлари.
6. Ўзбек тили меъёрларини ўрганиш йўллари ва баҳолаш мезонлари.

*Таянч сўз ва иборалар: Тил воситалари. Тил тизими. Жамоа кўникмалари. Умуммеъёр ўлчовлари. Қардош ва қардош бўлмаган тиллар. Хусусийлик. Нутқ типлари ва шакллари. Намоён бўлиш. Адабий тил. Диалект ва шевалар. Сўзлашув нутқи. Ижтимоий тармоқлар. Индивидуаллик ва меъёр. Ёзувчилар, журналистлар, дикторлар нутқи. Меъёрни ўрганиш йўллари. Умумтил меъёри. Адабий тил меъёри. Диалектал меъёр. Социал типлар меъёри.*

Ўтилган дарслардан меъёр ҳақида, унинг умуман тиллар, хусусан, миллий тил доирасида амал қилиш қонуниятлари тўғрисида тушунчага эга бўлинди. Э.Бегматов ва А. Мамаатовлар миллий тил қамровидаги бу меъёрларнинг қуйидаги кўринишларни кўрсатиб ўтишади:

1. Ўзбек тилининг умумий меъёри ёки ўзбек умумтил меъёри.
2. Ўзбек адабий тили меъёри.
3. Ўзбек тилининг лаҳжавий меъёри (лаҳжа ва шевалар меъёри).

4. Ўзбек тилининг ижтимоий диалектлари меъёри (касб-хунар тили, жаргонлар, ижтимоий арголарнинг бошқа кўринишлари, типлари меъёрлари).<sup>1</sup>

Ана шу меъёрларни иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Тилнинг умумий меъёри, яъни умумий меъёр.

Тилнинг хусусий меъёри, яъни хусусий меъёр.

Меъёрга нисбатан қўлланиладиган умумийлик ва хусусийлик тил меъёрларининг фаолият доираси, қамрови ва уларнинг бири иккинчисига нисбатан олинганда англашиладиган тушунчалардир. Шу маънода юқорида номлари тилга олинган олимлар таснифлаган меъёрий кўринишларнинг биринчисини умумий ҳамда иккинчи, учинчи ва тўртинчиларини хусусий меъёрлар сифатида қабул қилиш мумкин.

Умумий меъёр дейилганда барча тилларга, ҳеч бўлмаганда қардош тилларга тегишли меъёрларни тушуниш лозим, деган гап, фикримизча, анча мавҳумдир. Умумий тилшунослик қарашлари нуқтаи назаридан тиллардаги маълум қоидаларгина бир-бирига мос келиши мумкин. Аммо бу гапларни тил элементларининг барча тиллар учун умумий бўлган кўринишлари ҳақида қардош тиллар доирасидан ташқарида айтиш қийин.<sup>2</sup> Шунинг учун умумий меъёр тушунчасининг мазмунини мавҳумлаштирмасдан, уни бир тил доирасида изохлаш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Ўзбек тили меъёрларини туркий тиллар меъёрларига нисбатан олиб қараб, уни хусусий дейиш шартлидир.

---

<sup>1</sup> Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, II қисм.- Тошкент, 1998, 82-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда Э. Бегматов ва А. Маматовнинг «Адабий норма назарияси» асарида кенгроқ маълумот берилган. Қаранг: Шу муаллифлар. Шу асар, II қисм, 75-78 – бетлар.

Шундай қилиб, бир томондан, ўзбек тилига тегишли бўлган барча меъёрлар йигиндисини умумий меъёр деб тушунамиз. Иккинчи томондан эса, қўлланиш доираси чегараланмаган ҳамда тилнинг ҳамма истеъмолчилари ва тилдаги барча вазифавий услублар учун барабар бўлган бирликлар мажмуини англаймиз. «Умумий норма тушунчаси ўзбек миллий тилининг барча ижтимоий вазифавий кўринишлари, нутк типлари ва услублари учун муштарак бўлган воситалари тизими маъносини ҳам англатади».<sup>3</sup>

Э. Бегматов ва А. Маматовлар адабий тил меъёрларининг умуммажбурийлигини ҳам умумий меъёр тарзида тушунишади.<sup>4</sup>

«Ўзбек тили лексикологияси» китобида бу каби кенг истеъмолдаги сўзларнинг барча сўз туркумларида учраши қайд қилиб ўтилган. Масалан отларда – *дарё, сув, осмон, ер, тош, тоғ, боғ, дарахт, уй, девор, кўча, водий, сахро, қум* каби; сифатларда – *оқ, қизил, сариқ, қора, катта, кичик, кенг, тор, узун, қисқа, чиройли, ақли, доно, барно* каби; сонларда – *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йиғирма, ўттиз, қирқ, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион* каби; олмошларда – *у, бу, шу, ана, мана, сиз, биз* каби; феълларда – *бор, кел, кет, юр, тур, ўтир, ухла, ёт, айт, кўй, ўт* каби; равишларда – *тез, секин, оз, кам, кўп* каби; боғловчиларда – *ва, ҳам, аммо, лекин, бироқ, гоҳ, ёки, ёинки* каби; юкламаларда – *-у, -ку, -да, -ю* каби; ундовларда – *оҳ, воҳ, вой, дод, уҳ, ура* каби.<sup>5</sup>

Келтирилган сўзлар адабий тилда ҳам, тилнинг ноадабий шакли – умумхалқ тили доирасида қараладиган лаҳжа ва сўзлашув нутқида ҳам қўлланилаверади. Бу эса ана шу тил

<sup>3</sup> Бегматов Э., Маматов А. Юқоридаги асар, 78- бет.

<sup>4</sup> Бегматов Э., Маматов А. Юқоридаги асар, 79- бет.

<sup>5</sup> Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент, 1981, 11-12- бетлар.

воситаларини бир тилнинг умумий меъёрлари қуршовида қарашга асос бўлади.

Хусусий меъёр маълум тил умумий меъёрларининг яшаш шаклидир. Шундай экан, юқорида санаб ўтилган ўзбек адабий тили, лаҳжа ва шевалари ҳамда ижтимоий тармоқларининг меъёри хусусий меъёр саналади. Хусусий меъёрларни янада аниқроқ тасаввур қиладиган бўлсак, ҳар бир шахснинг тилдан фойдаланиш меъёрини ҳам, ўзбек тилида мавжуд бўлган бешта – расмий, илмий, оммабол, бадиий, сўзлашув услублари доирасида амал қиладиган меъёрларни ҳам хусусий меъёрлар деб тушунишимизга тўғри келади. Адабий тил умумхалқ тилининг яшаш шаклларида бири бўлиб, унинг бошқа кўринишларидан мукамаллиги билан бир қадар фарқ қилади. Унинг қамров доираси умумхалқ тилининг бошқа шаклларига нисбатан кенг. У бутун бир миллатга олий даражада хизмат қилишга мўлжалланган. Шунинг учун чегара билмасдан, халқ орасига чуқур кириб боради ва кенг тарқалади.

Миллат манфаатига ва маданиятининг юксалишига хизмат қиладиган адабий тилнинг ўзига хос хусусияти, унинг умумхалқ тилидан фарқ қилувчи жиҳати кўп бўлиб, улар орасида меъёрийлик марказий ўринда туради. Э.Бегматов ўзбек адабий тилининг ўзбек халқи учун умуммажбурийлиги, кўпвазифалилиги ва услубий тармоқланганлигини кўрсатиб ўтиб, бу хусусиятларнинг биронтаси меъёрийликсиз амалга ошмаслигини алоҳида таъкидлайди.<sup>6</sup>

Адабий тилнинг меъёрийлиги умумхалқ тилининг бошқа хусусий меъёрларидан тубдан фарқ қилади. Олдинги дарсларда таъкидлаганимиздек, тадқиқотчиларнинг адабий тил меъёрлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб, уни тавсифлайдиган ва фарқлайдиган муҳим белгилар.

<sup>6</sup> Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1983, 21-23 - бетлар.

сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: кодификацияланганлик — онгли аралашув йўли билан танланганлик ва онгли бошқариш, онгли ўзлашганлик ва анланганлик, эгалланганлик ва тушунилганлик, қатъий қоидага ва тартибга солинганлик, ёзувда мустақкамланганлик, халқчиллик ва умумқўлланувчанлик, умуммажбурийлик ва намунавийлик, турғунлик ва барқарорлик, айни пайтда уларнинг нисбийлиги, аъъанавийлик ва изчиллик, замонавийлик ва типиклик, динамиклик ва тарихан ўсувчанлик, вариантлик ва услубий тармоқланганлик, реаллик ва объективлик кабилар. Бу хусусиятларнинг ҳар бири Э.Бегматов томонидан ўзбек тили материаллари асосида атрофлича таҳлил қилинган.<sup>7</sup>

Меъёрлар ҳақида гап кетганда кўпинча «онгли танлаш» тушунчаси эсга олинади. Ҳақиқатдан ҳам тил меъёрлари фақат онгли танлаш маҳсулими? Тилдаги элементларнинг меъёрлашувида танлашнинг аҳамияти катта, албатта. Жамият аъзолари орасида бу жараён худди табиий танланиш сингари амалга оширилади, лекин у онг ёрдамида бошқарилади. Кишилар нутқ жараёнида ўзлари учун тушунарли, муддаосини, фикр-мулоҳазаларини маъқул тарзда ифодалай оладиган, ҳатто талаффузда ҳам қулай бўлган вариантларни танлаб ишлата бошлайдилар ва бу вариант аста-секинлик билан меъёрий кўриниш сифатида эътироф этилади.

Айтилганлардан бир нарса англашилаяптики, танланиш учун вариантлар бўлиши лозим. Аммо вариантларнинг пайдо бўлиши тил тараққиётида маълум вақтнинг ўтишини тақозо қилади. Демак унгача, ҳақиқий маънода меъёрлашгунга қадар тил бирликлари нутқда яна қандайдир босқичларни босиб ўтади ва танланиш жараёни тилнинг меъёрлашувида кейинги босқичлардан бири саналади.

---

<sup>7</sup> Бу ҳақда қаранг: Адабий норма ва нутқ маданияти, 27-71-бетлар.



Нутқ жараёнидаги одат ва кўникмаларни ана шундай босқичлар деб тушунсак тўғри бўлади. Чунки маълум предмет ёки тушунчанинг ифодаси, атамаси бўлган бирлик тилда пайдо бўлар экан, ундан фойдаланишга тил вакиллари дастлаб ўрганиши, одатланиши лозим. Бу бирликларни қандай талаффуз қилишдан тортиб, у англаган маънони фахмлаш, англаб етишгача бўлган жараён юз бериши керак. Шундай экан, киши онги ва амалиётида тил бирлиги меъёрлашишининг биринчи босқичи одатланиш бўлиб ҳисобланади. Бу элементлар тинимсиз, такрор-такрор ишлатилавериши оқибатида жамоа орасида кўникма ҳосил бўлади. Кўникмалар эса меъёрлашишни бир қадар мустаҳкамлайди, деб бемалол айтиш мумкин. Ана шунинг учун ҳам танлаш имконияти тилнинг амалда бўлишининг кейинги давларига – тил ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойиган, адабийлик даражасига кўтарилган пайтларга тўғри келади.

Унғача эса тил, олимлар таъбири билан айтганда, «содда тил», «хом тил», «ишланмаган тил» кўринишларида бўлади. Тилнинг шева ва лаҳжавий шакллари ана шу кўринишлар сифатида баҳолашимиз мумкин. Аммо «соддалик», «хомлик», «ишланмаганлик» сўзлари нисбий эканлигини, улар лаҳжавий элементларнинг адабий тилга нисбатан бўлган ҳолатини акс эттиришини унутмаслигимиз зарур. Адабий тил меъёри тадқиқотчилари унинг кўринишлари ҳақида ҳам мулоҳаза юритганлар. Э. Бегматов рус тилшунос олимлари Р.А. Будагов, А.И. Ефимов, В.И. Кодухов, Т.А. Дегтерева, Ю.С. Степанов, Н.А. Бельчиков ва бошқаларнинг қарашларини таҳлил қилиб ва умумлаштириб, ўзбек адабий тили меъёрининг қуйидаги кўринишлари мавжудлигини кўрсатиб беради:

«1. Умумий тарзда: 1) ёзма нутқ нормаси – ёзма адабий тил нормаси – ёзма услуб нормаси; 2) Оғзаки нутқ нормаси – оғзаки адабий тил нормаси – оғзаки услуб нормаси.

II. Конкрет олинганда:

1) лексик-семантик нормалар – лексик (сўз қўллаш) нормалари;

2) талаффуз (орфоэпик) нормалари;

3) акцентологик (сўз ва формаларда урғунинг тўғрилиги) нормалар;

4) фонетик нормалар;

5) грамматик (морфологик ва синтактик) нормалар;

6) сўз ясалиш нормалари;

7) орфографик нормалар;

8) график (графика) нормалар;

9) пунктуацион нормалар;

10) стилистик нормалар »<sup>8</sup>

Адабий меъёр кўринишларининг муҳимлик даражасидан келиб чиқиб, улардан имло, талаффуз, лексик, фразеологик, грамматик ва услубий меъёрлар ишнинг бундан кейинги қисмида таҳлил қилинади.

Энди бир неча оғиз сўз хусусий меъёр сифатида қараладиган лаҳжа ва шева меъёрлари ҳақида. Улар умум-халқ тили таркибида қаралади ва адабий тил доирасига кирмайди. Лаҳжа ва шевалар меъёрларини хусусий меъёрларнинг бошқа турлари билан солиштириб, биринчи навбатда уларнинг адабий тил меъёрларидан жиддий фарқланишини таъкидлаш ўринли бўлади. Маълум маънода кишиларнинг хоҳиш-иродасидан ташқарида шаклланиши, истеъмолчилар томонидан идора қилинмасдан, табиий равишда, ўз ҳолича меъёрлашиб бориши ва авлоддан-авлодга ўтиши ана шу фарқлардан асосийсидир. Ундаги элементларни айнан шу тарзда қўллаш мажбурланмайди, балки у табиий йўсинда қабул қилинади ва фойдаланилади. Қайта ишлашнинг зарурати йўқ. Турғун қолиплар кимларнингдир томонидан тавсия қилинмайди ва қонун-қоидалар, қарорлар кўмагида мустаҳкамлаб қўйилмайди. Агар адабий тилнинг меъёрлашувга

<sup>8</sup> Адабий норма ва нутқ маданияти, 75 – бет.

жиддий таъсир қиладиган ёзма ҳамда оғзаки шакллари мавжуд бўлса, лаҳжа ва шеваларда нутқнинг фақат оғзаки шакли амалда бўлади. Лаҳжа ва шева элементларининг амалда бўлишида олий ҳакам тақлид ва анъанавийлик, одатланиш ва кўникма бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, ундаги бирликларнинг меъёрлашувида ҳам ана шу хусусиятлар устун туради.

Шундай экан, лаҳжа ва шевалар меъёрларига адабий тил меъёрларига хос бўлган белги хусусиятларнинг фақат маълум қисмигина тегишли бўлиши мумкин. Масалан, анланганлик ва тушунилганлик, анъанавийлик ва изчиллик, реаллик ва объективлик кабилар шулар жумласидандир. Қолган ҳолатларда эса, маълум маънода, адабий тилга зид қонунқондалар асосида амал қилаверади.

Биргина фактга муносабатимизни билдирайлик. Р.Р. Гельгардт лаҳжа ва шевалардаги турғунлик адабий тилдагига кўра ожиз ҳамда кучсиздир<sup>9</sup>, деб ҳисоблайди. Назаримизда, бу фикрни ўзбек тилига тадбиқ этиб бўлмайди. Агар шундай бўлганда эди 92 боғли ўзбек қавмларининг ўзига хос тили неча юз йиллар давомида яшаб келмаётган, ўрнини адабий тилдаги меъёрий кўринишларга бўшатиб берган, ўзбек тили аллақачонлар тўлиқ маънодаги адабийлашган тилга айланган бўлар эди.

Тугилган боланинг тили унинг ота-онаси гапирадиган шева тилида чиқиши ва миясида мустаҳкамланиши бу шеваларнинг яшовчанлигини юзага келтиради. Адабий тил меъёрларини ўрганиш ва кўникиши унинг бир неча йил кейинги фаолияти - боғча, мактаб сингари таълим муассасалари ва у яшаётган муҳит билан боғлиқ бўлиб қолади. Ҳатто бир шева вакили бўлган оддий деҳқон, чорвадор, ишчи ҳамда зиёли, айниқса, ўқитувчи оиласида тарбияланган боланинг тилида ҳам фарқланишлар сезилади.

---

<sup>9</sup> Гельгардт Р.Р. О языковой норме // Вопросы культуры речи, вып. 3, 1961, с.38.

«Адабий норма назарияси» асари муаллифлари Э.Бегматов ва А. Маматовларнинг таъкидлашича, «маълум шева вакили ёки шева жамоаси ўз шевасини энг тўғри тил деб билади. Ушбу тасаввур шевада гаплашувчиларнинг ички ва ташқи таъсирланиши (реакцияси) да ёрқин кўринади. *Ички таъсирланиш* – сўзлаганда ўйлаш, нутқ жараёнида сўзларни ахтариш, ёш болага тил ўргатиш, суҳбатдош нутқидаги «нуқсонлар»ни тўғрилаш, унга нутққа дахлдор саволлар бериш, сўзловчининг нутқидаги баъзи қўлланишларга қўшимча изоҳ бериши, шева акцентидан кутула олмаслик ва бошқаларда кўринади. *Ташқи таъсирланиш* – ўзга (кўшни) шева вакиллари сўзлаганда улар нутқида қўлланган баъзи воситаларга ҳайратланиш, уни тушунмаслик ҳолларида, ёш шева вакилига изоҳ талаб қилувчи саволлар бериш, қўшни шева вакили нутқидан кулиш, адабий тилни махсус таълим орқали эгаллаш, адабий тилга хос баъзи норматив воситаларга тезда кўникиб кета олмаслик ёки уларнинг баъзиларини хатолик деб билиш, шевага хос диқция ва акцентлардан тамоман кутулиб кета олмаслик ва бошқаларда намоён бўлади».<sup>10</sup>

Мана шу тарзда тилнинг лаҳжавий кўринишлари ўз имконияти доирасида вақтлар ўтиши билан меъёрлашиб боради. Худди ана шу фикрни она тилимизнинг луғат бойлигини ташкил қиладиган касб-ҳунар лексикаси, ижтимоий-коммуникатив тармоқлари (жаргонлар ва бошқалар) лексикаси ва ҳаггто алоҳида адабий жанр сифатида шаклланган халқ оғзаки лексикаси хусусида ҳам айтиш мумкин. Буларнинг барчаси тил меъёрлари доирасида хусусий меъёр сифатида қаралади.

Бир умумий қонун-қоида ва меъёрларга бўйсунадиган «қариндош» хусусий меъёрлар сифатида амал

---

<sup>10</sup> Бегматов Э, Маматов А. Адабий норма назарияси, II қисм, 71-72-бетлар.

қиладиган тил кўринишлари нутқ жараёнида бир-бирига таъсир ўтказиб туриши табиий ҳол ҳисобланади.

«Ёшлик» журнаlining 1991 йил № 4-сонida «Тил сандиғи» рукнида Бухоро вилоятининг Олот туманилик Фулом Каримов тўплаган шевага хос сўзни таҳлил қилиб кўрдик: *Адармон – ишбилармон, азаланмоқ- илтимос қилмоқ, ўтиниб сўрамоқ; аззик - сўлак; акана - хон қизи; беспири – ва- рақи; бештош - болалар ўйини; битан - келишган, қоматдор; бикир - бутун; билгишли - атайин, жўртага; бўғат - кичик дамба; бўймас – ўсмирлик даврида чаноқ-сон бўғинида кўзгаладиган оғриқ ва ҳоказо.*

Мана шу тарзда келтирилган 96 та сўзнинг 10 тасигина «Имло луғат»да<sup>11</sup> келтирилган. Улар қуйидагилар: *гулмих – миҳсимон темир қозиқ, доримоқ- ёпиралмоқ; дўққи – данакнинг мағзи; дўлама – биринчи соғилган сутнинг пиширилгани; дўлоб – тўполон, шовқин-сурон; ертут – қулупнай; ёвоқ - паншаха, айри; кашкаш – тегирман; нури - гўнг, қушжийда - жийданинг меваси, майда бир тури. Келтирилган мирза боши – қирқоёқ, патта-қайрағочнинг бир тури; учқур – иштонбоғ; қарта – пластинка сўзлари «Имло луғат»да бор, ammo бу ерда назарда тутилган маъноларда берилмаган. Ушбу факт, биринчидан, иловалардаги барча сўзлар ҳам адабий тил луғатларида ўз аксини топмаганлиги ва топishi ҳам шарт эмаслигини, иккинчидан, уларнинг маълум қисми вақт ўтиши билан адабий тилда меъёрлаша бораётганлигини кўрсатади. Ҳар қалай, бу фактларнинг ўзи ҳам тилнинг бойишида шеваларнинг таъсири катта эканлиги ҳақидаги қарашни мустаҳкамлайди.*

Тилда бунинг акси бўлмиши, лаҳжа ва шевалар вакиллари нутқининг тобора такомиллашиб ва маданийлашиб боришида адабий тил меъёрларининг таъсири сезиларли

<sup>11</sup> Ўзбек тилининг имло луғати. -- Тошкент, 1976.

бўлиши ҳам мумкин. Буни биз кейинги йилларда ўзбек тили тараққиёти мисолида кузатаймиз.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида эслатиб ўтиш зарурки, маълум шева учун тушунарли бўлган ва меъёр ҳисобланган тил бирлиги иккинчиси учун бунинг акси бўлиши ёки бир шевада бошқа, иккинчисида яна бошқа маъноларни англатиши мумкин. Буни шевашунос Б.Жўраевнинг таҳлилидан ҳам билсак бўлади: «...ағнамоқ сўзи Фарғона, Андижон шеваларида *думаламоқ* маъносини англатса, Шаҳрисабз шевасида *англамоқ (тушунмоқ)* деган маънони беради, *дўппи* сўзи Андижон шевасида бош кийимни билдирса, Шаҳрисабзда *копток* деган маънони англатади, *қопчиқ* сўзи Тошкент ва шунга ўхшаш бошқа шеваларда *кичкина қоп* маъносида ишлатилса, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ шеваларида русчадаги *бумажник, кошелок* маъносида қўлланади ёки *беда* сўзи Тошкент шевасида *йўнғичқа* маъносини берса, Қарши группа шеваларида у *йўнғичқанинг қуритилгани* ёки *хашак* маъноларидагина ишлатилади. Шунга ўхшаш *жаз* сўзи Тошкент ва бошқа шеваларда *гўштнинг қовурилгани* маъносини ифодаласа, Қарши группа шеваларида у *думба ёғининг эритилганидан чиққан жизза* маъносини беради ёки *лаган* сўзи Тошкент шевасида *палов сузиладиган идишни* англатса, Шаҳрисабз, Китоб шеваларида *катта ва чуқур идишни* билдиради ва ҳоказолар».<sup>12</sup>

Шундай экан, лаҳжа ва шева меъёрлари умумхалқ тили меъёрларига нисбатан хусусий ҳисобланса ҳам, ўзаро яна умумий ва хусусий меъёрларга ажралади, яъни улар бири иккинчисидан фарқ қилишларига кўра хусусий саналса-да, ўзаро мос келадиган томонлари билан ўзбек лаҳжа ва шеваларининг барчаси учун амал қиладиган умумий меъёрларга бўйсунди. Масалан найман, жўш ва ғаллаорол шевалари-

---

<sup>12</sup> Жўраев Б. Ўзбек адабий тили ва ўзбек диалектлари. – Тошкент, 1963, 36 – бет.

нинг ўз хусусий меъёрлари мавжуд бўлиши билан бирга, улар учун қипчоқ лаҳжасининг умумий меъёрлари ҳам амал қилади. Қарлуқ лаҳжаси таркибидаги Тошкент ва Фарғона шевалари хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Алоҳида иккита лаҳжа таркибига кирадиган Хоразм ва Тошкент шевалари қиёсида хусусий ва умумий меъёрлар муносабати яна ҳам ойдинлашади.

Бадий адабиёт ўқиш жараёнида шева элементларига дуч келамиз. Уларнинг персонажлар тилини индивидуаллаштириши, маҳаллий ва миллий руҳни бериши, ҳудудий хусусиятни акс эттириши сингари гаплар ўз йўлига. Бу ўринда уларнинг миллий тил, унинг ўзлиги манфаатини кўзлаб, меъёрлашуви масаласини мулоҳаза қилиб кўрайлик. Таҳлил учун кўз югуртирганимиз Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссалар тўпламида (Тошкент: Шарқ, 1994.) бир қатор диалектал сўз ва иборалар қўлланган: *адоқламоқ* (209), *баримиз* (123), *бубак* (267), *бундайчикин* (65), *галагов* (26), *губалак* (137), *дустаман* (78), *дўржи* (24), *кўганламоқ* (19), *майзамоқ* (216), *мом* (17), *олиш* (10), *поянак* (19), *чиғана* (23), *шуйтиб* (13), *қабат* (14), *қайирмоқ* (25), *араз урмоқ* (124), *бўй бермоқ* (340), *оёқ илмоқ* (124), *селдананг отмоқ* (122), *тарвузи ёрилмоқ* (236), *юз солмоқ* (11), *ўров тортмоқ* (245), *қора бермоқ* (7) каби.

Уларнинг маълум қисми имло ва изоҳли луғатларда (баъзан айрим ўзгаришлар билан) акс этган: *бубак* / *бувак*, *бундайчикин* / *бундайин*, *губалак* / *капалак*, *олиш* / *олишини*, *шуйтиб* / *шундай қилиб*, *майзамоқ* / *менгзамоқ*, *қабат* / *кават* тарзида. Бу сўзларнинг яна бир қисмининг юқорида номлари тилга олинган луғатларда вариантлари ёки синонимлари мавжуд: *адоқламоқ* / *охирламоқ*, *дустаман* / *юзтубан*, *дўржи* / *кўп*, *мўл*; *қайирмоқ* / *қайтармоқ* сингари. Аммо асар матнида *галагов*, *кўганламоқ*, *мом*, *поянак* сингари сўзлар ҳам учрайдики, улар луғатларда йўқлигидан ташқари бу сўзлар ифода этадиган, масалан, *галагов* – *ҳўкизларни матаб хирмон ян-*

чиш; кўганламоқ – кўй ва эчкиларни боғлаш, мом – даврани қойил қилган голиб, қойил; поянак – мойк, тухумнинг йўгон тарафи; чигана – чана, араванинг бир тури маъноларини англададиган бошқа сўзлар луғатларда акс этмаган. Ваҳоланки, шундай тушунчалар ва уларнинг ифодаси ўзбек умумхалқ тили мулкида мавжуд. Шундай экан улар бугунги кунда тилимизда фаол ишлатилиш-ишлатилмаслигидан қатъий назар меъерий луғатлар саналадиган имло ва изоҳли луғатлар таркибида янашга ҳақли.

Тоғай Муроднинг юқорида номи тилга олинган қиссалар тўпламида қўлланган, аммо Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»да (Тошкент, 1978) учрамайдиган қора бермоқ – кўринмоқ, оёқ илмоқ – тўхтамоқ, араз урмоқ – аразламоқ, селдананг отмоқ (Бир жийрон селдананг отиб келди) сингари иборалар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Ш.Раҳматуллаевнинг «Изоҳли луғат»ида умумий маънода қараш ва эътиборни англаувчи иборалар қаторида кўз солмоқ, кўз ташламоқ, кўз югуртирмақ, кўз қирини ташламоқ, кўздан кечирмоқ, кўз тикмоқ, назар солмоқ, назар ташламоқ, нигоҳ ташламоқ, разм солмоқ, аҳамият бермоқ, эътибор бермоқ сингари бирликларнинг маънолари берилган. Мана шулар қаторидан юз солмоқ ибораси ҳам жой олса ва меъерлашса, у фақатгина тилимизнинг «қараш» ва «эътибор» маъноларини берадиган иборалар доирасини мазмунан янада кенгайтиради, холос :

- Қани, полвон бова, даврага чиқинг!

Одамлар орасида ўтирган Бўри полвон ўрнидан турди.  
Қўлларини кўксига кўйди.

- Одамлар, шунчалик иззат қилдиларинг, қуллуқ! – деди. Энди биз қариб қолдик.

- Полвон бова, элнинг сўзини ташламанг!

Эл атайлаб сизга юз солди – я! (11)



Матндаги *юз солмоқ* шунчаки эътиборни англагаётгани йўқ. У ҳурмат билан йўғрилган қараш ва эътибор. Аммо юқорида санаб ўтилган ибораларнинг ҳеч бири бу маънони *юз солмоқ* даражасида ифодамай олмади. Шундай экан, бу ибора, шубҳасиз, адабий тилда меъёрлашиши лозим.

Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасидаги бир иборага диққат қилайлик.

*Куёв-қайлиқ даҳлизда бир-бирлари бошидан сув куйди. Гуноҳларидан фориг бўлди. ...Қайлиқ рўмоли учини гижимлаб ўйнади. Бармоқларига тикилди. – Энди келмасин, ёмон экан, деди қайлиқ. Куёв кўнгли тонгдай ёришди. ...Куёв катта кўча бўйлаб юрди. Куёв кўзларига жамики олам оилпоқ бўлиб кўринди. ...Куёв тонгни ўпиб-ўпиб олди! Ариқ ёқалаб чопди. ...Рўпарасидан одам келди. Куёв одамзодни илк бор кўрмиш мисол тикилди. Бу одам итидан-ла ёмон кўрмиш Исмат овчи бўлди. ... Куёв умрида биринчи марта Исмат овчига салом берди. Ҳамишагидай салом умиллашмай ўтмиш Исмат овчи хиёл ўтиб оёқ илди. Ҳайрон бўлиб алиқ олди. Кетига қаради-қаради.*

*- Т а р в у з и н г ё р и л и б д и - да... - дея манқаланди (236).*

Инсон, айти пайтда куёв-қайлиқ руҳияти ва жисмидаги енгилланишни бошқа яна қандай сўз ёки ибора бу даражада гўзал, нафис ва ҳиссиётларга тўла тарзда ифодамай олиш мумкин? Демак, Тоғай Мурод қўллаган *тарвузи ёрилмоқ* ибораси ҳам адабий тилимизда ўз ўрнини топишга, меъёрлашишга ҳақли.

Юқорида лексик ва қисман фразеологик бирликлар мисолида лаҳжа ва шевалар меъёрининг адабий тил меъёридан фарқ қилувчи томонлари таҳлил қилинди. Агар бу таҳлиллар доираси фонетик ва грамматик материаллар билан кенгайтирилса, улардаги бу фарқлар яна ҳам равшанроқ эканлиги маълум бўлади. Масалан, қипчоқ шевасида *й* ўрнига *ж* нинг талаффуз қилиниши (*жигит, жўқ*); *ғ* нинг *в*

билан алмашилиши (*тувры, тав*); *п, к, қ* товушларининг *б, г, ғ* га ўтиши (*қабы, кўги, ағар*); *к, қ* товушларининг тушиб қолиши (*киччи, қатты*), кўпلىк кўшимчасининг *-нар* (*қатыннар*), қаратқич келишигининг *-нынг, -тынг, -тинг* (*адамнынг, китэптинг, кичиктинг*); тушум келишигининг *-ды / -ди, -ты / -ти, -ны / -ни* (*атамды, укэмди, пичақты, китапты*); жўналиш келишигининг *-ға / га, -қа / кэ, -а / -э* (*жолға, жергэ, қишлаққа, китапкэ*) тарзида ишлатилиши қипчоқ лахжаси учун меъёр саналади. Ўғуз шеvasида эса бошқа меъерий ҳолатларни кузатамиз: *тоғ – дағ, кураш – гураш, тирик – дири, сариқ – саары, отнинг – отынг, отасига – атасына, келади – гелайатыр, келади – гелэтэк каби.*

Хусусий меъёрлар сифатида қараладиган касб-хунарга оид тил бириклари меъёрлари ҳақида сўз юритиш ҳам аҳамиятли. Бу тил бирликлари турли касблар ва хунармандчиликка доир атамаларни қамраб олган бўлиб, улар тилимизда ҳам ёзма, ҳам оғзаки тарзда меъёрлашган. Уларнинг маълум қисми лахжавий характерда эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Мавжуд луғатларни кўздан кечириб шундан далолат берадики, улардан ўзбекларнинг ижтимоий ҳаёти, касби ва хунармандчилигига оид атамаларнинг маълум қисмигина жой олган. Т. Турсунованинг «Ўзбек тили амалий лексикаси» (Тошкент, 1978) асарида келтирилган айрим мисолларга мурожаат қилиб кўрайлик: *гилам* турларини билдирадиган *жулхирс, зулбарақ, араби, олача, палос, холи / ғоли, шолча, қоқма ёки босма* (1. чакмон. 2. илма, чок тури), *биришим, бўзастар, гулбури, дорпеч, дуг / дук, духоба, дўкон* (1. дастгоҳ, станок. 2. магазин), *дўппи, ёндори, жўйпуш, зардевол / зардевор, зардўзи, зеҳдўзлик, йўрма, йўрмадўзлик, каллапўш, калобтун, каштадўз, кибаз, (пахта), момик, палак, пешонабанд / пешонабоғ, попоп, попопчилик, ресман, тубатой, урчуқ, чойшаб, шамширак, ўрмак, қатим, кўчқоршохи / кўчқорак* ва бошқалар. Улардан *гиламнинг* турларини билдирадиган *араби, палос, шолча* сўзлари ҳамда *чакмон* маъноси-

даги босма, дорпеч, дуг / дук, духоба, дўкон, дўппи, ёндори, жойпули, зардевол / зардевор, зардўзи, зехдўзлик, йўрма, йўрмадўзлик, каллапўш, калобтун, момиқ, палак, попоп, попопчилик, пешонабанд / пешонабоғ, урчуқ, чойшаб, ўрмак, қатим сингари бирликлар луғатларда келтирилган.<sup>13</sup> Аммо гиламнинг турларини билдирадиган жулхирс, зулбарақ, хирс, холи, қоқма; илма, чок тури маъносидаги босма ва биришим (ипак), бўзастар (мато), гулбури (гул кесиш), ресман (сарик, ва оқ, галтак иш), тубатой (гулсиз оддий дўппи), шамширак (нарвон почасига ўхшаш ёғоч), қўчқоршохи / қўчқорак (тўкмачиликда нақш тури) сўзлари эса юқорига тилга олинган луғатларда ўз ифодасини топмаган.

Шундай бўлса-да, улар халқимизнинг, хунармандларнинг оғзаки нутқида сақланиб келинмоқда. ХХІ асрга келиб фан ва техника тараққиёти ўзбек миллий касибчилигининг айрим тармоқлари фаолиятини сусайтириб қўйди. Улар тайёрлаб етиштирадиган маҳсулотларнинг кўпчилиги кундалик эҳтиёжларини қондириши нуқтаи назардан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам эскирди. Бу эса, ўз навбатида, ана шу соҳаларга тегишли бўлган тил бирликларининг қўлланиши даражасини пасайтирди.

«Тўғри, касб-хунар лексикасига оид сўзларнинг семантик структурасига назар ташласак, улар орасида эскирган сўзлар қатори тарихий сўзлар ҳам жуда кўп: чакмон, мурсак, паранжи, чачвон, қозик, лунги, омоч, ёргичоқ, чиғирик, танга, жевак, заркокил, қўлтиқ тумор, чоч полук кабилар шулар жумласидандир. Аммо бундай сўзлар билан бирга касб-хунар тармоқларида босма, санама, чизма, ироқи, чекма, тепа, кизак, ўтқизик, тешчув (каштачиликда); ўрмак, ўрмак қуриш, дўкон югириш, гула чекиш, қоқма, терма, (гиламчиликда);

---

<sup>13</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбек халқ шевалари луғати – Тошкент, 1971; Ўзбек тилининг имло луғати. Тошкент, 1976; Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I – II томлар. – Тошкент, 1981.

ганда, дастгоҳ, ўриш, арқоқ, кудунг, шоҳи, атлас (тўқмачиликда); кошин, косомон, сиркор, меъмор, тўсин, шифт, тоқи, таъмир, ганчин нақш (меъморчиликда) сингари ҳозирги тилимизда ўзгаришсиз қўлланаётган, маъноси ўзи мансуб бўлган соҳалар билан чегараланган, конкрет тушунчаларни англатадиган барқарор сўзлар ва сўз бирикмалари ҳам бор».<sup>14</sup>

Тилимизнинг ҳозирги мавқеи нуқтаи назаридан нутқимизда унумли-унумсизлигидан, меъёрлашган-меъёрлашмаганлигидан қатъий назар бу бирликлар дугатларда қайд этилиши ва келгуси авлодлар учун сақлаб қолиниши лозим.

Маълум бўладики, ўзбек тилида турли фан соҳалари ва касб-хунарга оид кўплаб сўзлар мавжуд ҳамда улар ёзма ва оғзаки кўринишларда меъёрлашган. Бунини, айниқса, тилшунослик, адабиётшунослик, математика, физика, кимё, биология, тиббиёт, иқтисодиёт сингари турли фан соҳаларига оид атамаларда кузатамиз. Айни пайтда, ўзбек тилида шундай воситалар ҳам борки, уларнинг қўлланиш чегарасини бир соҳа ёки бир вазифавий услуб доирасида белгилаб бўлмайди. Улар бир услуб доирасида ёки маълум соҳада бир маъноси билан меъёрлашган бўлса, иккинчи бир маъноси билан бошқа услуб ёки соҳада меъёрлашган. Масалан: *эга, кесим, сув, айлана, замон, асос, ўқ, текислик, сирт* сингари бирликлар умумистеъмолдаги сўзлар бўлиш билан бирга, *эга, сирт, ўқ, текислик* геометрияда, *замон* фалсафада, *асос* қурилиш-меъморчиликда атама сифатида меъёрлашган.

Бир сўз икки услубда, фан соҳасида атама сифатида меъёрлашган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *морфология* : 1. тилшуносликда – тилда сўзларнинг ўзгариш шакллари тизими, грамматиканинг сўз шаклларининг ясалиш усуллари

---

<sup>14</sup> *Гурсунова Т.* Ўзбек тили амалий саъбат лексикаси. – Тошкент, 1978, 21 – бет.

ҳамда сўз ясаш қоидалари ҳақидаги бўлими; 2. ботаникада – тупроқнинг тузилиши ва шаклини ўрганадиган фән сифатида; *ассимиляция*: 1. биологияда – организм фаолияти жараёнида органик моддаларнинг ўзлашиши, сингиши ва ҳазм бўлиши; 2. тилшунослиқда – сўзларнинг талаффузида уларнинг таркибидаги икки товушнинг бир-бирига таъсир қилиш натижасида мувофиқлашуви, бир-бирига сингиб, ўхшаб кетиши; 3. тарих ва этнографияда – бирор халқнинг иккинчи бир халқ урф-одатларини, маданияти ва тилини ўзлаштириши натижасида унга аралашиб қўшилиб кетиши каби.<sup>15</sup>

Тил тараққиётида бунинг акси ҳам кузатилади. Маълум фан соҳаси ёки касб-ҳунарға тегишли бўлган атамаларнинг маъно доираси кенгайди – детерминлашини жараёни рўй беради, яъни улар тор атамаллик доирасидан чиқиб, оммалашади ва барча вазифавий услубларда қўлланила бошлайди. Масалан: *одамни операция қилмоқ – валюта операциясини амалга оширмоқ – ҳарбий операцияни бажармоқ; полк штаби – пахта штаби, ғалла штаби; фалсафа илми – фалсафа ўқимоқ* каби. Улар шу тарих турғун бирикмалар таркибида ҳам қўлланила бошлайди: *гегемонлик қилмоқ, автомат бўлиб кетмоқ, монополия қилиб олмақ, рейтинг баланд, градуси баланд, ишига плюс бўлмақ, ишига минус бўлмақ, қўштирноққа олмақ, зангоря кема капитани* ва бошқалар.

Тилда маълум пайтда пайдо бўлиб, асосан сўзлашувнутқида қўлланилиб ва меъёрлашиб, луғатларга кириб улгурмасданоқ истеъмолдан чиқиб кетадиган бирликлар ҳам учрайди. Аёллар кўйлак қилиб тикадиган турли хил материаллар ва айрим кийим номлари ҳақида шундай дейишимиз мумкин: *келин кийсин, қайнонаси куйсин; марғилон нусха, хосиятхон, барги карам, наманган нусха, намозишомул ча-*

<sup>15</sup> Ўзбек тил лексикологияси. – Тошкент, 1981, 29 – бет.

*мандагул, тохир-зухра, гулбадан, мужла, тунги ёғду, сув парси, скарлет, нозанин, тропиканка, горбачев, путин* кабилар.

Мана шу тарзда ўзбек тилида мавжуд бўлган барча касб-хунарга доир сўзларнинг тил меъёрлари хусусида таҳлилни давом эттириш мумкин.

Касб-хунарга оид бирликлардан ташқари тилимизда бирор ижтимоий гуруҳга ёки тоифага, масалан, талабалар, савдо ходимлари, спортчилар, ўғрилар, безорилар, шофёрлар, милиционерлар сингариларнинг ўзига хос ва бошқалар тўшунмайдиган, жаргон деб аталадиган ясама тили мавжуд. Бу тил ана шу гуруҳлар доирасида амал қилади ва оғзаки шаклда меъёрлашиб, оғиздан оғизга кўчиб яшайди. Шу жараёнда уларнинг айримлари йўқолиб кетиши, айримлари ўзгариши, даврлар ўтиши билан бу қатлам янги бирликлар ҳисобига бойиб бориши мумкин. Маълум қисми эса оммалашиб кетади. *Доллар* маъносининг берадиган *кўк, карам* сўзлари бунга мисол бўла олади.

Бадиий адабиёт матнида жаргонлар махсус вазифа бажаради. Унинг кўмагида асар воқеалари бир қадар ишончли тасвир қилиниши ёки қаҳрамонлар тили индивидуаллаштирилиши мумкин. Масалан, С.Равшаннинг «Чордоқдан отилган ўқ» (Тошкент 1986 йил) қиссаси жиноятчилар олами, уларнинг қиёфалари ва кирдикорларини фош этишга бағишланган бўлиб, унда учрайдиган метафорик элементлар ва жаргонлар юқорида қайд этилган вазифаларни адо этишга кўмаклашган: *гладиатор (45), қопчиқ (69), қовурға (42), кифт (31, 42), қушча (25), мурға (31) - ўғрилар, жиноятчилар гуруҳининг аъзолари, уларнинг лақаблари; қафас (13) - турма, арава (66) - машина; малах (56) - пул; дум (54) - орқадан кузатиб юривчи одам; буюртма, мукофот (36, 45) - ўғирланган мол, нарса; ҳаммол (37) - молни олиб келувчи одам, курьер; соқол (32, 33) - пул каби.*

Яна: *атанда - хавф, хатар* : - *Шеф, а т а н д а, иш чатоқ (54); чўра бўлмоқ - қочмоқ; Шайкамизда ч ў р а бў л*

ганлардан бири (32), У ростдан ҳам чўра бўлган экан (37).

Хулоса қилганимизда, касб-хунарга оид сўзларнинг меъёрлашуви тарихий ва даврий характерга эгалиги туфайли бу каби сўзлар ифода этган предметлар, ҳаракатлар ва тушунчаларнинг эскириши оқибатида унинг ўзи ҳам эскириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳам улар диахроник тарзда ўрганилиши, она тилимизнинг мулки сифатида луғатларда ўз аксини топиши зарур.

Маълум бўладики, тилдаги меъёрлашиш кўп қиралли жараён бўлиб, умумистеъмолдаги сўзлар маълум касб-хунар ёки жаргон доирасида атамалашиши, асосий меъёрлашган ҳолатидан четга чиқиб кетиши ёки бунинг акси – касб-хунар ёки жаргонга оид хусусий меъёрлар қамровидаги атамаларнинг маъноси кенгайиб, улар умумхалқ мулкига айланиши мумкин. Зеро, тил тараққиёти ўлчовларидан бири ҳам ана шу.

### *Адабиётлар:*

1. *Бегматов Э., Маматов А.* Адабий норма назарияси, II қисм. – Тошкент, 1998.
2. *Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М.* Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983.
3. *Жўраев Б.* Ўзбек адабий тили ва ўзбек диалектлари. – Тошкент, 1963.
4. *Турсунова Т.* Ўзбек тили амалий санъат лексикаси. – Тошкент, 1978.
5. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент.
6. Ўзбек халқ шевалари луғати – Тошкент, 1971.

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ МЕЪЁРИЙ  
КЎРИНИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲИМ  
БЕЛГИЛАРИ.**

**ИМЛО ВА ТАЛАФФУЗ МЕЪЁРЛАРИ**

**Р е ж а:**

1. Ўзбек тилининг товуш ва график тизими.
2. Товуш меъёри ва унинг ёзувда акс этиши.
3. Амалдаги рус графикаси, унинг ютуқ ва камчилик-лари.
4. «Давлат тили ҳақида»ги Қонун.
5. Янги ўзбек алифбоси.
6. Орфографик меъёр.
7. Орфоэпик меъёр (талаффуз меъёрлари).

*Таянч сўз ва иборалар :Товушлар тизими. Товуш ва ёзув. Алифбо соҳасидаги муаммолар. Бу соҳага оид қонунлар. Лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзуви. Фонетик ва талаффуз меъёри.*

Ўзбек тилининг товушлар тизими ва уларнинг ёзувдаги ҳарфий ифодаси масаласида талабаларга «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанининг «Фонетика» бўлимида тегишли маълумотлар бериб ўтилган. Ана шу курсни ўқитишга оид дарсликларда ўзбек тилда 6 унли, 25 ундош товуш - фонема мавжудлиги қайд этилади. Унлиларнинг ҳарфий ифодаси 6 та: и , э (е), а, о, у, ў. Ундош фонемалар эса 25 та. Уларни ифода этиш учун 23 ҳарф ва ҳарфлар бирикмаси қўлланилади: б, в, г, д, з, ж, дж, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, х, нг.

Демак, ҳозирги ўзбек тилида 31 та товуш - фонема мавжуд бўлиб, уларни ифодалашга хизмат қиладиган рус графикасига асосланган белгилар сони 35 та. Шу белгилар орасида икки товушнинг йиғиндисидан иборат бўлган е, ё, ю,



я графемалари ҳам мавжуд. Аслида 31 та фонема 33 график белги билан, жумладан 6 та унли, 4 графема ва 23 та ундош-ни ифодаловчи белгилар билан ифода этилади. Утарга ь ва ь белгилари кўшилса, график белгилар сони 35 тага етади.

Ана шу товушлар тизими ва уларнинг ҳарфий ифодасига эга бўлган ўзбек тили бугунги кунга қадар 1956 йил 4 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Фармони билан тасдиқланган ва кучга киритилган «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари»га биноан иш кўриб келмоқда. Бинобарин, ўзбек тилининг имловий меъёрлари ҳозиргача ана шу қоидаларга мувофиқ амал қилмоқда ва бу жараён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг янги таҳририни амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 1995 йил 21 декабрь қарорига асосан 2005 йилгача давом этади.

Ундан кейин эса тўлиғича Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ҳаётга жорий қилиш тўғрисида»ги ҳамда 1995 йил 6 майдаги «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига асосан иш кўрилади.

Ҳозирда ҳам бу қонунлар амалда. Республикамизда таълимнинг барча тизимларида ушбу қонунларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» қабул қилган қарори асосида ўқитилмоқда.

Янги ўзбек алифбосига 26 та ҳарф, 3 та ҳарфлар бирикмаси ва тутуқ белгиси киритилди ҳамда бу билан алифбо тизими анчагина соддалаштирилди. Бу соддалаштириш икки товушни ифода этувчи е, ё, ю, я сингари графемаларни, она тилимизга хос бўлмаган товуш ифодаси - ц ҳарфини ва ь - юмшатиш белгисини олиб ташлаш ҳамда ь - айриш белгиси-

ни - тутуқ белгисига алмаштириш, шунингдек, ч, ш, нг товушларини ифодаловчи ҳарфлар бирикмасини киритиш эвазига амалга оширилди.

Шу билан анча пайтлардан бери алифбomisда, айниқса, унлилар тизимида мавжуд бўлган камчиликлар борасида бўлиб келаётган баҳсу мунозаралар маълум маънода яқунланди.

Ўзбек халқи учун жаҳон миқёсига чиқишдек оламшумул вазифани амалга оширишга катта ҳисса бўлиб қўшиладиган бу тадбирнинг истиқболимизга хизмат қилиши шубҳасиздир. Анъанавий имло меъёрларини сақлаб қолган ҳолда лотин графикаси асосидаги янги ўзбек алифбоси билан иш қўрадиган имло ҳам ўз меъёрий қоидаларига эга ва бу меъёрлар юқорида тилга олинган ҳужжатда ўз ифодасини топган. Ундаги қоидаларга амал қилиш тилимиздан фойдаланувчилар учун бундан кейин мажбурий саналади ва шу тарзда босқичма-босқич амалга ошириладиган тадбирлар натижасида ўзбек тилининг орфографик меъёри йўлга қўйилади.

Англашимизча, ҳозир қулай бир вазият вужудга келди. Бир алифбодан иккинчисига ўтиш давридан тўғри фойдаланиб, орфографик ва орфоэпик меъёрларни бир-бирига яқинлаштириш устида самарали иш олиб боришимиз лозим.

Кези келганда бир мулоҳазани айтиб кетишга тўғри келади. Халқ ўртасида баъзан лотин графикаси асосидаги ўзбек имлосига ўтиш маълум даражада саводхонликка салбий таъсир этиши мумкин, деган фикрлар кулоққа чалиниб қолади. Балки халқнинг ёши маълум бир даражага етган қатлами орасида шундай бўлаётгандир. Аммо ҳозирги ёшлар ва келажак авлод саводхонлиги учун бу муаммо йўқ. Гап уни қай даражада ўзлаштиришда эканлигини тушуниб етсак бўлди.

Масалани бироз бошқачароқ тарзда қўйишимиз ҳам мумкин: рус графикаси асосидаги ўзбек алифбосидан фойдаланишда саводхонлигимиз талаблар даражасидами? Тўғриси,

бу савол кўпчилигимизни таъвишга солади. Кейинги йилларда Самарқанд Давлат университети ўзбек филологияси факультетига тест асосида қабул қилинган талабалар ўртасида ҳар йили, барча курсларда ўтказилаётган синов диктантлари натижалари бу борада жиддий иш олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси ва маорифимиз жонкуярларининг саъй ҳаракатлари билан таълим соҳасида йирик ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабаларни тест синовлари асосида қабул қилиш ана шундай улкан қадамлардан бири бўлди. Аммо негадир бу ислоҳотлар билан ҳам ёшлар саводхонлигининг ошишида жиддий ўзгаришлар сезилмаяпти. Бунинг сабаблари нимада? Мактабдаги она тили ва адабиёт фанларини ўқитиш жараёнида бу масалага эътибор сусайганми? Тест синовларига бўлган бурилиш ёшларимиз учун орфографик меъёрга қатъий риоя қилиш масаласини кейинги ўринга суриб қўйдими? Балки ўтиш давридаги айрим қийинчиликлар ўқитувчилар талабчанлигини сусайтириб, улардаги куч ва имкониятларни бошқа томонларга буриб юбораётгандир? Ҳарқалай, бу масалалар таҳлил талаб, изох талаб масалалардир.

Энди бир неча оғиз сўз орфоэпик - талаффуз меъёри ва унга ҳаётда амал қилиш тўғрисида. Бу ўринда ўрта ва кекса авлод, турли ижтимоий қатламлар нутқини бир четга қўйиб гурайлигу, мулоҳазаларимиз кўпроқ самара бериши мумкин бўлган ёшлар нутқига эътиборимизни қаратайлик. Кўп йиллик тажрибалар, олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бу қатламда ҳам талаффуз меъёрларига риоя қилишни қувонарли деб бўлмайди. «Республикамиздаги кўпгина мактабларда ўқувчиларнинг нутқ маданияти юқори савияда эмас. Бу ҳолат кўпроқ ўқувчиларнинг оғзаки нутқда ўз шеваларига хос сўзларни ва баъзи қўшимчаларини ноўрин ишлатишларида, жумладарни тўла туза билмасликларида,

баъзи аффиксларни тўғри талаффуз эта олмасликлари ва айрим сўзларни ўринсиз такрорлай беришлари каби ҳолатларда кўринади», - деб ёзган эди проф. М.Асқарова.<sup>1</sup> Афсуски, бу ҳолат ҳамон давом этмоқда.

А.Маматов куйидаги мулоҳазаларни баён қилади: «Ёшларнинг адабий тил нормаларига амал қилган ҳолда сўзлашиши, нафақат уларнинг ўқимишлилигидан дарак беради, балки аynи вақтда ақлли ва маданиятлилигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун ёшлар ҳамма вақт нутқ маданияти ва нутқ одобига қатъий риоя қилган ҳолда сўзлашга ҳаракат қилишлари лозим. Талаффуз этилган ҳар бир товуш, сўз, ибора, аниқ ва раvon жаранглаши керак. Ёшларнинг нотик бўлиши шарт эмасдир (балки), лекин фақат фикрини, тушунчаларини тўғри, аниқ иборалар билан ифода қилишлари зарур, чунки она тилимизнинг софлигини сақлаш ҳар бир ёш авлоднинг шарафли бурчидир».<sup>2</sup>

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? «Болалар нутқини ўстириш иши мактабгача тарбия муассасалариданоқ бошланиши керак. Бунинг учун мактабгача тарбия муассасаларида орфоэпик қоидалардан яхши хабардор мутахассислар кичик ва қизиқарли машғулотлар олиб боришлари зарур деб ҳисоблаймиз.

Мактаб ўқувчиларининг нутқини ўстиришда биринчи навбатда грамматик қоидаларни пухта сингдириш ва шу орқали ўзбек адабий тили нормаларини эгаллашларига эри-

---

<sup>1</sup> Асқарова М. Республика мактабларида она тили ўқитиши ва нутқ маданияти «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. - Тошкент: Фан, 1973, 75-бет.

<sup>2</sup> Маматова А.Э. Ёш авлоднинг нутқий маданиятини тарбиялаш хусусида // Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишнинг долзарб муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислари. - Навоий, 1993, 7-бет.

шиш керак. Шунда улар диалектал хатоларни қилмайдиган бўлади, ўқувчиларга адабий тил нормаларини сингдиришда фақат бир қонданинг ўтилишинингга кутиб турмасдан, биринчи синфдалиқ даврдан бошлаб, адабий тил элементар нормаларига риоя қилган ҳолда сўзлатишга одатлантириш лозим».<sup>3</sup>

Шу ўринда қуйидаги мулоҳазаларни келтириш ҳам мақсадга мувофиқ:

«... адабий тилнинг орфоэпик нормалари ҳақида жиддий ўйлаш ва унинг қонун-қондасини белгилаш вақти аллақачон келган. Бунда, биринчидан, диалектологик текшириш натижасини ҳисобга олиш ва нимаики кенг тарқалган ва умумхалқ тусига кириб қолган бўлса, ўша орфоэпик қоидага асос қилиб олиниши зарур; иккинчидан, анъана тусига кириб қолган талаффуз қоидалари ҳам чуқур ва атрофлича ўрганилиши ва қонун асосида мустаҳкамланиши зарур. Бу фикр, айниқса, бошқа тиллардан кирган (араб, форс-тожик ва рус тилларидан олинган) сўзлар талаффузига нисбатан тўғридир. Учинчидан, маълум қоида ичига олиниши қийин бўлган айрим ҳолатларда онгли бошқариш принципига суянган ҳолда иш кўриш керак бўлади. Бунда умуммиллий манфатлар кўзда тутилмоғи, адабий тилнинг функционал вазифаларининг ниҳоят даражада зўр аҳамияти эътиборга олинмоғи керак. Айрим шахсларнинг субъектив мулоҳазалари, шевачилик, «маҳаллийчилик» тенденцияларига йўл қўйилмаслиги керак».<sup>4</sup> Тилимиздаги орфоэпик меъёр ва унинг нутқ маданиятига таъсири борасидаги муаммоларнинг мавжудлиги илмий адабиётларда қайд этиб келинаётган бўлса-да, уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари кўрсатилаётган

<sup>3</sup> Асқарова М. Юқоридаги мақола, 75-76-бет.

<sup>4</sup> Абдуллаев Ф. Ўзбек миллий адабий тили ва уни ўрганишга оид айрим масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. — Тошкент: Фан, 1973, 45-бет.

бўлса-да, ушбу масалаларнинг кун тартибига қўйилганига 20-30 йил вақт ўтганига қарамасдан, бу вазифа батамом ҳал қилинган эмас. Кишида қизиқиш ҳам, ташвишланиш ҳам гўё асосан зиёлилар, тилшунослар орасидагина мавжуддек тасаввур пайдо бўлади.

Афсуски, бу борада айтилган ҳамма фикр-мулоҳазаларни ҳам маъқуллаш қийин. Биргина мисол. С.Отамирзаеванинг «Ўзлаштирилган сўзларнинг орфоэписига доир баъзи масалалар» номли мақоласида араб, форс-тожик ва рус тилларидан кириб келган сўзлар талаффузининг тилимиз ички фонологик системасига мувофиқ келиш-келмаслиги даражаси ўрганилган. Сўз таркибидаги айрим товушларнинг ўзбек тили талаффуз қоидаларига мослашган ҳолда тушиб қолиши, орттирилиши, ўрин алмашиши ҳодисалари, ургунинг кўчиши ва бутунлай ўзгариши ҳолатлари яхшилаб таҳлил қилинган. Мақола пировардида олима ишонарли хулосага келади: «Умуман қайси тилдан сўз қабул қилинишдан қатъий назар, қабул қилувчи тил ҳар бир сўзни ўз «ғалвиридан» ўтказиб, қонун-қоидаларига бўйсундириб олади».<sup>5</sup> Ҳақ гап.

Лекин мақоладаги бир фикрга муносабат билдиришга тўғри келади. Олима ҳам ўзбек тилида сингармонизим ҳодисаси йўқ, деб ҳисоблаш тарафдори. Аммо бу қарашларнинг ҳаётий эмаслигини, айрим қоидаларни тилга зўрлик билан киритиб бўлмаслигини ўзбек тили фактлари, бу фикрлар пайдо бўлгандан кейинги ўтган давр исботлади. С.Отамирзаеванинг «...сингармонизм ҳодисаси ўзбек адабий тилида йўқолишга асосий сабаб тожик тилининг таъсири бўлди»,<sup>6</sup> деган фикрини эса қабул қила олмаймиз.

<sup>5</sup> *Отамирзаева С. Ўзлаштирилган сўзлар орфоэписига доир баъзи масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами, 96-бет.*

<sup>6</sup> *Отамирзаева С. Юқоридаги мақола, 87-бет.*

Биринчидан, у йўқолган эмас. Иккинчидан, демографик шароитга кўра Ўзбекистон ҳудудида, ўзбеклар орасида озчиликни ташкил қиладиган тожик халқининг тили қандай қилиб кўпчилик гаплашадиган тилга бу даражада кучли таъсир ўтказиш мумкин, деган саволга жавоб топиш ҳам керак.

Ж. Ҳамдамовнинг “Тилимизнинг юксак маданияти учун” номли мақоласи ҳам орфоэпик нормалар масаласига бағишланган. Унда а - о, ҳ - х, у - ў, ф - п, н - нг товушларининг талаффузда фарқланмаслиги ишонarli тарзда таҳлил қилинади.

Айтилганларидан, орфоэпик меъёр масаласини, нутқий маданиятимиздаги шевачилик муаммоларини ижобий ҳал қилиш, уларни адабий тил меъёрларига мувофиқлаштириш жараёни ҳаётимизда ҳали узоқ давом этадигандек бўлиб туюлади.

Тўғри, мавжуд вазиятнинг ўз объектив ва субъектив сабаблари бор. Турғунлик деб аталадиган советлар даврида қуйидан тортиб юқоригача ҳужжатлар асосан рус тилида юритилар эди, Республика давлат арбоблари бир йилда фақат бир мартагина - у ҳам бўлса, қишлоқ хўжалиги ходимларининг республика қурултойида ўзбекча нутқ сўзлаш имкониятига эга бўлар эдилар, холос. Қолган пайтларда кўпчилик йиғилишлар, агар унда биргина рус кишиси ўтирган бўлса ҳам, рус тилида олиб борилар эди. 70 фоиздан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқ жойларда эса ўз шевалари асосий муомала воситаси бўлиб қолаверди. Маълум меъёрга солинган адабий тил намуналарини эса фақатгина радио, телевидение орқали эшитдилар, китоблардан ўқидилар.

---

<sup>7</sup> Ҳамдамов Ж. Тилимизнинг юксак маданияти учун // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент: Фан. 1973, 97-100-бет

Тилдан, ўз она тилимиздан фойдаланиш ва рус тилидан фойдаланишда ана шундай тафовутлар мавжуд бўлиб, амалиётда ўзбек тили унинг исқанжасида тобора қисилиб бораётган эди.

Бунинг устига, ўзини зиёлиман деб ҳисоблайдиган, шаҳарда яшовчи кўпчилик ўзбеклар нутқи ҳам намуна бўлиш вазифасини бажара олмай қолган эди. Улар ҳам замонасозлик қилишга, ўз фарзандларининг истиқболини ўйлаб, уларни рус тилида таълим-тарбия берадиган болалар боғчалари ва мактабларда ўқитишга мажбур бўла бошладилар. Ҳаётнинг бу оқими табиий равишда ўз она тилисида муомала қилишни билмайдиган, ёки бўлмаса, рус ва ўзбек тилларини аралаштириб гапирадиган чаламулла ўзбекларни майдонга келтирди. Бу ҳол бир киши, бир оила, бир шаҳар доирасидан чиқиб, бутун муҳитга, тил экологиясига жиддий таъсир қила бошлаган эди.

Ҳаётда шиддат билан ўрчиб, томир отиб келаётган бу иллат мустақиллик туфайлигина чилпарчин қилинган бўлсада, уни асоратларини ҳозир ҳам кўриб, сезиб, билиб турибмиз.

Мана шундай ҳолатда русча ўқиб, муомалада фақат рус тилидан фойдаланиб келаётган ўзбеклар олдида янги муаммо пайдо бўлди. Ўз она тиллари - ўзбек тилида гаплашиш ҳаётини зарурати айланди.

Табиийки, бу нарса осонлик билан амалга ошмайди. Тилни ўрганиш керак. Сўзларни ёд олиш мумкин. Аммо уларнинг маъини чақиш, талаффузи-чи? Артикуляцион базаси рус тили талаффузига мослашган кишини соф ўзбек тили талаффузига ўргатиш осон иш эмас. Бунинг оқибатида, яъни ўзбекча сўзларни рус талаффузига мослаб айтиш туфайли тилимизда бузилишлар содир бўлиб турибди. «Умуман, товуш аъзоларимиз бир-биридан фарқ қилади, - дейди проф. М.Содиқова, - яъни ўзбек тилига хос баъзи тил орқа ёки бўғиз товушлари рус тилида йўқ, шу боис улар бизнинг



К, F, X, каби товушларимизни равон талаффуз қила олмайдилар».<sup>8</sup>

Ана шу сабаб билан боғлиқ талаффуз меъёридаги бузилишлар маълум вақт тилимизда давом этиши мумкин. Аммо унга вақтинчалик ҳодиса деб қараш керак. Чунки ўзбек тилини ўрганишдаги ҳозирги оммавий жараён бу камчиликларни албатта сиқиб чиқаради.

Ҳарқалай, энди фаҳрланиб айтиш мумкинки, тил иқлими, унга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши унинг ҳаётийлик, яшаш шарт-шароитларини белгилаб берди. Ривожланиши ва истиқболи қонун йўли билан кафолатланди.

Энди у борада ҳеч тортинмасдан, иккиланмасдан амалий ишларга ўтиш пайти келди. Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам бир хил тарзда нутқ маданияти билан шуғулланишга қонуний асос, имконият яратилди.

Бу улкан вазифани бирданига ҳал этиб бўлмаслиги ҳам аниқ. Аммо у босқичма-босқич амалга оширилиши, ижобий натижалар қўлга киритилиши лозимлиги замон талабидир. Кўпчиликнинг фикрига таяниб айтамызки, она тилимизга меҳрни болалар боғчасидаёқ уйғотишимиз, адабий тил меъёрларини ўрганишнинг болалар боғчаси → ўрта мактаб → олий мактаб тарзидаги узлуксизлигини таъминлашимиз зарур.

Шу нарсани эътироф этиш адолатдан бўлар эдики, кейинги йилларда тилимиздаги фонетик жараёнларни, ўзбекча талаффуз меъёрларини белгилаб берадиган техник воситаларни биз олий таълим ўқув жараёнида кўрган эмасмиз. Шунинг учун ҳам кўп диалектли ва шевали ўзбек тилининг адабий талаффуз меъёрларини белгилаб бериш қийин

---

<sup>8</sup> С.О.Дикова М. Талаффуз равонлиги – нутқ бойлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998 йил 16 январь.

бўлиб қолаяпти. Бу борада талабаларимизга берган билимларимиз ҳам юзаки, саёз бўлаяпти. Ваҳоланки, улар учун экспериментал фонетика, унинг асосий қуроли бўлган техник воситалар кўмагида биз адабий меъёр тарзида тавсия этиладиган намунавий нутқ андозаларини беришимиз, ҳар бир товуш тембри, амплитудаларини кўрсатишимиз ва шу асосда талабаларни машқ қилдиришимиз, пираворд натижада адабий талаффуз меъёрига мувофиқ келадиган узус - нутқий кўникмалар ҳосил қилишга кўмаклашишимиз лозим.

Э.Бегматов «Ўзбек нутқи маданияти масалаларини номли мақоласида оғзаки нутқ маданиятини ривожлантириш борасида қуйидаги вазифаларни ўртага қўйган эди:

«- Оғзаки нутқнинг моҳиятини ўрганиш. Бу нутқ тилининг адабий-норматив ва нонорматив томонларини аниқлаш.

- Оғзаки нутқнинг услубий, ситуатив кўринишларини ўрганиш.

- Сўзлашув нутқини нормалаш имкониятларини тадқиқ этиш.

- Ўзбек оғзаки нутқининг талаффуз нормаларини экспериментал усулда ўрганишни йўлга қўйиш.

- Адабий оғзаки нутқнинг радио нутқи, телевидение нутқи, лектор (пропагандистлар) нутқи, сахна нутқи сингари кўринишларини тадқиқ қилиш ва уларнинг норматив хусусиятларини белгилаш».<sup>9</sup>

Маълум бўладики, оғзаки нутқнинг тўлалигича адабий ҳолатга келтирилишини таъминлаш талаффуз жараёнига меъёрлаштириш билан боғлиқ. Оғзаки нутқ ишлатиладиган қайси соҳа ва йўналиш бўлмасин, турли услублардаги вазифасини белгилаш бўлмасин, барча ўринларда ҳам тил бир

---

<sup>9</sup> Бегматов Э. Ўзбек нутқи маданияти масалалари// Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, № 4, 58-бет.

ликларини бир меъёрга келтириб қўллаш масаласи биринчи ўринда туради.

Хулоса шуки, орфоэпик меъёрларга риоя қилмаслик нутқимиз маданиятида жиддий нуқсонлардан бири бўлиб қолмоқда. Тилшуносларимиз заҳматлари туфайли ўзбек тилидаги бирликларининг деярлик барчасидаги меъёрий кўринишлар оммага турли қўлланмалар, лугатлар шаклида тавсия этилди. Янги имло қоидаларига ўтишимиз муносабаги билан бу юмушлар давом эттирилмоқда. Нафақат филолог олимлар, балки маорифимиз жонкуярлари, ўз она тилига чуқур ҳурмат билан қарайдиган барча зиёлиларимиз бу меъёрларнинг бузилишига эътироз, тузатиш ва тавсиялар тарзида чиқишлар қилиб туришибди. Шундай бўлишига қарамасдан, талаффуз меъёрларини бузиш, тил маданиятига эътиборсизлик ҳамон давом этмоқда. Йиллар давомида мажлисларни рус тилида олиб борган ёки маърузаларни рус тилида эшитган кўпчилик кишилар ўз нутқларида русча сўз ва ибораларни қўллаш, айрим ҳолатларда рус тили гап қурилиши тартибида ўзбекча жумлалар тузиш исканжасидан чиқиб кета олмаяптилар. Омма учун бу вазиятнинг таъсири салбий бўлаётганини сезиб турибмиз.

Бу камчиликлар ҳатто радио, айниқса, телевидение эшиттиришларида ҳам сезилади. Дастурларни олиб борувчи айрим журналистларнинг ўзлари шевачиликка берилиб кетишлари ноўрин туюлади. Халқимиз шевачиликдан батамом қутула олган эмас. Гарчи кўпчилигимиз адабий тил меъёри талаблари асосида саводли ёзсак-да, талаффузда эътиборсизлик, лоқайдлик, масъулиятсизлик давом этмоқда.

Мавжуд имкониятдан, меъёр қилиб белгилаб қўйилган тил бирликларидан тўғри фойдаланишга ўзимизда бурч сезмас эканмиз, улардан чиройли, жозибали ва таъсирли қилиб фойдаланишни умумхалқ, умуммиллий даражага кўтариш масаласи муаммолигича қолаверади.

Зеро, тил маънавиятимиз ва маданиятимиз кўзгуси экан ундан эҳтиром ва ҳурмат билан фойдаланиш миллий бурчимизга айланмоғи лозим.

### *Адабиётлар:*

1. *Абдуллаев Ф.* Ўзбек миллий адабий тили ва уни ўрганишга оид айрим масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. - Тошкент: Фан, 1973.

2. *Асқарова М.* Республика мактабларида она тили ўқитиши ва нутқ маданияти «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. - Тошкент: Фан, 1973.

3. *Бегматов Э.* Ўзбек нутқи маданияти масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, № 4.

4. *Маматов А.Э.* Ёш авлоднинг нутқий маданиятини тарбиялаш хусусида // Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишнинг долзарб муаммолари мавзuidaги республика илмий-амалий конференцияси тезислари. - Навоий, 1993.

5. *Отамирзаева С.* Ўзлаштирилган сўзлар орфоэпиясига доир баъзи масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами.

6. *Содиқова М.* Талаффуз раволиги – нутқ бойлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998 йил 16 январь.

7. *Ҳамдамов Ж.* Тилимизнинг юксак маданияти учун // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. - Тошкент: Фан, 1973.

## ЛЕКСИК - ФРАЗЕОЛОГИК МЕЪЁР

Р е ж а:

1. Лексик меъёр тушунчаси.
2. Тилдаги лексик бирликлар ва уларнинг адабий меъёрга муносабати.
3. Тилдаги вариантдорлик.
4. Ўзбек тилининг кенг истеъмол сўзлари меъёри.
5. Фразеологик меъёр.
6. Фразеологизмларда окказионал вариантлар ва адабий меъёр.

*Таянч сўз ва иборалар: Луғавий меъёр. Сўз танлаш ва унинг аҳамияти. Тилдаги бирликлар : диалектал қайтариқлар, паронимлар ва адабий меъёр. Вариантдорлик. Синоним ва дублет. Доимий ва матний вариантлар.*

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги тил сатҳлари орасида лексик бирликлар алоҳида ўрин тутади ва уларнинг ўзига хос меъёрий хусусиятлари мавжуд. Ўзбек тилидаги лексик-фразеологик бирликларнинг ана шу хусусиятлари юзасидан А.Э.Маматов илмий тадқиқот ишлари олиб борган ва бу кузатишларнинг натижаси ўлароқ докторлик диссертацияси химоя қилинган ҳамда «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари» номли монография юзага келган. Ушбу қўлланмани ёзишда ҳам бевосита ана шу тадқиқот натижаларидан фойдаланилди.

«Тилшунос-нормалист олимлар, - деб ёзади у, - лексик норманинг мақомини аниқлавида турлича фикрлар айтганлар. Жумладан, О.С.Ахманова лексик нормани «бу муайян бир тилда сўз қўллаш нормасидир», - деб таъриф берса (А х м а н о в а О.С. Словарь лингвистических терминов. -- М., 1961), К.С. Горбачевич эса «сўзни тўғри танлаш ва ҳаммага маълум бўлган ва умумхалқ томонидан қабул қилинган, ўринли сўз

ишлатишдир», - деб ёзади (*Горбачевич К.С.* Изменение норм русского литературного языка.- Л., 1971). Демак, лексик нормаларга риоя қилиш сўзловчи (ёзувчи) ва тингловчи (ўқувчи) томонидан ўзаро мулоқотда бир-бирини тўлиқ тушунишни тақозо қилади.

Лексик нормани таърифлашда эса адабий тилнинг куйидаги белги ва мезонларини назарда тутмоқ лозим: 1) унинг оғзаки ва ёзма шаклда амалга оширилишини; 2) территориал ва ижтимоий қўлланиш доирасини; 3) маълум миллий тилнинг бошқа шакллари билан адабий тил ўртасидаги муносабатлар масаласини инobatга олиш керак. Шундай қилиб, лексик норма бу оғзаки ва ёзув тили оппозицияси доирасида лексик воситаларнинг турлича амалга оширилиши ўртасидаги муносибликлар, тенгликлардир».<sup>1</sup>

Демак, тилда асосий бирлик саналган сўзнинг лингвостилистик бирлик сифатида, айтайлик, кўпмаънолилик, синонимлар ва вариантлар шаклида бир тушунча доирасида маъно аниқлаш ва фарқлаш имконияти тилнинг бошқа сатҳларидагига қараганда кенг экан, лексик меъёрларни белгилаш бирмунча қизиқарли ва мунозарали бўлади. Д.Э.Розенталь ҳам «Қаерда танлаш имконияти бўлса, ўша ерда стилистика бошланади», - деб бекорга ёзмаган.<sup>2</sup>

Лексик бирликлар доирасида танланиш имкониятининг кўплиги унинг хусусий меъёрларининг шаклланишига ҳам сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам тилимиздаги диалектизм, неологизм ва окказионализм, плеоназм ва бошқа лексик бирликларнинг меъёрий хусусиятлари юзасидан мулоҳаза юритиш лексик меъёр тўғрисидаги тасаввуримизни, шубҳасиз, кенгайтиради.

---

<sup>1</sup> *Маматов А.Э.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.- Тошкент, 1991, 117-118-бетлар.

<sup>2</sup> *Розенталь Д.Э.* Практическая стилистика русского языка.- М., 1974, с 11.

Диалектизмлар ва адабий тил меъёри доирасида меъёрни белгилаш тилимиздаги масъулиятли масалалардан бири саналади. Айни пайтда, бу борада меъёрий ҳолатларни белгиловчи ўлчовлар ҳам мавжуд. «Ўзбек адабий тилининг орфографияси, орфоэпияси ва грамматик қурилиши маълум таянч шеваларга (асосан, Тошкент ва Фарғона шеваларига) асосланган бўлса-да, лексик жиҳатдан эса барча ўзбек шеваларига асосланган»лиги қайд этилган «Ўзбек диалектологияси» дарслигида ана шу ўлчовлар кўрсатиб ўтилган. Адабий тил шева лексикасидан уларнинг кўпчилиги учун умумий бўлган сўзларни танлаб олиши ва уни ўз лексик таркибига киритиши (мас., *сигир-сийир-инак; чақалоқ-бувак, тухум-мояк-юмурта, чумоли-мурча-қаринжа-қумурусқа* кабилар) таъкидланган.<sup>3</sup>

Аmmo шеваларимизда шундай лексик бирликлар мавжудки, улар адабий тилимизга кириб ултурмаган ёки шу ҳолича қолиб кетган. Бу каби сўзларнинг адабий меъёрни ҳақида нима дейиш мумкин? А.Ю.Алиев «Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили ҳақидаги қонуни ва ўзбек тили нутқ маданияти» номли маърузасида «Айрим нарса ва ҳодисаларнинг номлари адабий тил ва унинг луғатларида учрамайди. Лекин диалект ва шеваларда мавжуд бўлади. Бундай вақтда аниқ нарса ва ҳодисаларнинг номларини аниқлашувчи сўз ва атамаларни ҳеч иккиланмасдан шевалардан олиб адабий тилга киритишимиз керак». - деган фикрни айтиб, унинг тасдиғи сифатида қуйидаги мисолларни келтирган эди:<sup>4</sup> *чўккала (лаганбардор), ўтик (ўтадиган жой), кечик (ке-*

<sup>3</sup> Решетов В., Шабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. - Тошкент, 1978, 170-171-бетлар

<sup>4</sup> Алиев А.Ю. Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили ҳақидаги қонун ва ўзбек тили нутқ маданияти // «Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари» тўплами. - Тошкент, 1990, 8-бет.

чиб ўтадиган жой), саримсоқ (гўдакнинг номи қўйилгунча бўлган исми), узучак (учта бола тукқан хотинниң болалари ёки қўйнинг қўзилари), маданг (ёғочдан қилинган эшик қулфи, танба), қаланғи-қасанғи (енгил табиат одам), ўмган (кўкрак), арпабодиён (укроп тури), ўймоқ (ангишвона) сингари.

Тадқиқотчининг айтган фикрларига қўшилиш мумкину, келтирган мисолларини маъқуллаб бўлмайди. Чунки кечик, қаланғи-қасанғи, арпабодиён, ўймоқ, ўмган сўзлари «Ўзбек тилининг имло лугати»да бор, демак, аллақачон адабий тилга қабул қилинган, меъёрлашган. Ўтик сўзи ҳам ўтув ва ўтадиган жой тарзида истеъмолда. Чўккала сўзини адабий тилга қабул қилганда ҳам энди унинг лаганбардор сўзини сиқиб чиқариши даргумон, қийин. Саримсоқ сўзини балки ўйлаб кўриш мумкиндир, аммо маданг сўзини адабий тилга олиб кириб бўлмайди. У умумхалқ тили мулки бўлиб қолаверади, аммо илмий техника инқилоби рўй берган ҳозирги замонда ёғочдан қилинган эшик қулфининг - ўзи йўқ бўлиб кетган нарсанинг номини адабий тилга олиб киришга ҳожат йўқ.

Тўғри, умумхалқ тилидаги айрим сўзлар, ҳақиқатдан ҳам, адабий тилга кирмасдан қолган. Бу ҳолни фақат луғатларни тузувчиларнинг камчилиги ёки ана шундай сўз ва тушунчаларнинг мавжудлигидан хабардор эмаслигида деб баҳолаш мумкин. Масалан, янги тукқан сивирнинг сутидан тайёрланган таомнинг килагай/гилагай/галагай, янги тукқан қўй-эчкининг сутидан тайёрланган таомнинг эса қағанок/қоғоноқ дейилиши ўзбек тили вакилларининг ҳаммасига, жумладан, тилшунос-луғатшуносларнинг барчасига ҳам маълум бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам, «Ўзбек тилининг имло лугати»га бу сўзларнинг иккинчиси кирган, биринчиси кирмасдан қолган. Аслида ўзбекларнинг чорвачилик билан шуғулланадиган қисми ёки уйларида сивир, қўй, эчки сақлаб, уларнинг сут-қатиғидаги фойдаланадиганлари ана шу



таомларни тайёрлашади ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Шундай экан, бу сўзларни фақат шева сўзлари деб бир четга суриб қўйиб бўлмади ва улар адабий тилга киришга ҳақли. Шу маънода А. Алиев келтирган *тўтра / тўрта (ёғ қуйқаси)* сўзини ҳам адабий тилга киритиш мумкин. Бу каби лингвистик бирликлар турли касблар ва соҳаларда кузатилади.

Эътироф этиш керакки, ўзбек тилидаги кўп шевашилиқ шароитида лексик меъёрларни белгилашнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Ҳар бир шева вакилида маълум тушунчани ифодаладиган сўзнинг табиий равишда ўз шева-сидаги вариантдан фойдаланишга мойиллик сезилади. Бу ҳолатни ҳатто айрим шева вакиллари бўлган шоир ва ёзувчилар ижодида ҳам кузатиш мумкин. Бунинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бор, албатта. Ижобий томони адибнинг, яъни шева вакили бўлган ижодкорларнинг шарофати билан маълум сўз адабий тилга кириб қолиб, меъёрлашиши мумкин. Агар бу бирлик кўпчилик томонидан қабул қилинмаса, уни энди тил лексик меъёрининг бузилиши деб қарашга тўғри келади.

Ш.Шоабдурахмонов «Ўзбек адабий тилининг лексик нормалари» мақоласида Р.И.Аванесовнинг «Адабий тил нормаларини онгли равишда бошқариб бориш қандайдир йўналиш, қандайдир диалектга суяниш, таянч нуқта бўлишини тақозо қилади» деган фикрини келтирадики,<sup>5</sup> лексик меъёрларни белгилашда унга асосланиш мумкин бўлади.

Ижтимоий муҳитнинг тилдан фойдаланиш жараёнига таъсир кўрсатиши табиий бир ҳолдир. Кишилар нутқларида ўзлари билиб-билмай ёки эътиборсизлик оқибатида бошқа тил элементларидан ҳам фойдаланадилар. Бошқа миллат ва-

---

<sup>5</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тилининг лексик нормалари// «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами - Тошкент: Фан, 1973, 51-бет.

қиллари билан биргаликда яшаш, меҳнат қилиш, таълим олиш, хуллас, муомала жараёнида ана шу ҳол юз беради.

Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш улардан нутқда за-руриятга кўра фойдаланиш салбий ҳодиса эмас. Аммо бундай сўзлар орасида варваризм деб аталувчи шундай бир қатлам мавжудки, уларни нутқда қўллаш-қўлламаслик масаласига адабий тил меъёрлари нуқтаи назаридан муносабат билди-риш лозим.

Гап шундаки, варваризм сифатида қараладиган *ну, так, вот, совсем, вообще, только, только так, естественно, обязательно, конечно, уже, почти, так что, значит, как раз, неужели, тем более, документ, оформить қилмоқ, организо-вать қилмоқ, принимать қилмоқ, разрешение олмоқ, подпись қўймоқ, бо, акун, сони* каби сўз ва бирикмаларининг ўзбек тилида айнан эквивалентлари мавжуд. Бунинг устига улар адабий тилимизга кирган эмас. Демак, бу сўзлар ўзбек тили учун меъёр эмас. Аммо биз уларни, ижтимоий муҳит таъси-ридан бўлса керак албатта, фарқига бормасдан ишлатавера-миз, нутқимизни назорат қилмаймиз. Шу тарзда лексик меъёр ҳам, нутқ ҳам бузилади.

Шунинг учун ҳам тилда варваризмларнинг ишлати-лишини ижобий ҳодиса сифатида эмас, балки меъёрнинг бу-зилиши деб қаралиши ва уларни нутқда қўлламаслик лозим.

Русча сўз ва ибораларнинг, синтактик қурилишларнинг тилимиздан жуда секинлик ва қийинчилик билан чиқиб кетаётганини ҳам тарихий жараён сифатида қабул қилишга тўғри келади.

Жисмоний тарбия ва спорт атамашунослиги бўйича тадқиқотлар олиб борган С.Азизов 1961 йилда Р.Исмоилов ва М.Норкинларнинг «Русча-ўзбекча физкультура ва спорт тер-минлари изоҳли лугати» нашридаги айрим ҳолатларга эъти-роз билдириб, лугатда бу соҳага оид *абсолют чемпион, ар-битр, судья, барьер, боковой судья* сингари атамаларнинг

фақат русча шакли берилганлигини маъқулламайди.<sup>6</sup> Бу мулоҳаза тўғри. Айрим сўзларнинг бу тарзда луғатларда расмийлаштирилиши ҳам уларнинг яшовчанлигига сабаб бўлган бўлса, ажабмас.

Бу каби мулоҳазаларни *энағар, хотинталоқ, қизиталоқ, қанжиқ* сингари вульгар сўзлар хусусида ҳам айтиш ўринли. Бу бирликлар оммабоп луғатларда берилмайди.

Бир неча оғиз гап атамаларга тарихийлик, даврийлик нуқтаи назаридан муносабат хусусида.

Б.Бафоев «Навоий асарлари тилида сўз варианты ва адабий норма» номли мақоласида меъёрнинг тарихийлик томонларига эътибор беради. Таъкидланишича, тилда маълум тушунчани ифода этувчи синонимик вариантларнинг меъёр сифатида танланишида уларнинг бўгин тузилиши ҳамда ҳар бирининг ижод турларида маълум қимматга эга бўлиши эътиборга олинади. Бу хулоса, поэтик асарлар матнига тегишли, албатта.

Сўз вариантларидаги бўгинлар сони, очиқ-ёпиқлиги, чўзиқ-қисқалиги ҳар хил бўлса, бу фикр тушунарли. Агар шу ҳолатлар барабар даражада бўлса-чи? Муаллиф *хизмат/хидмат* сўзини таҳлил қилиб ёзади:

«Алишер Навоийнинг газалиёти ва насрий асарлари тилида иккала вариант ҳам учраса-да, адибнинг газалиёти, «Лисон ут-тайр», насрий асарлари тилида *хизмат* етакчи ва «Хамса» дostonлари тилида эса, асосан *хидмат* варианты актив ишлатилган. Сўзнинг иккала бўгини ҳам ёпиқ бўгин бўлганлигидан назму насрда ва назмнинг турли жанрларида

---

<sup>6</sup> Азизов С. Ўзбек тилининг физкультура ва спортга оид терминологиясидаги ҳар хилликлар // Илмий-амалий конференция тезислари. – Навоий, 1993, 14-бет.

иккала вариант ҳам, деярли бир хил филологик хусусиятга эга».<sup>7</sup>

Энди нима қилиш лозим? Б.Бафоев бу саволга жавоб излаб, «Уларнинг актив-пассивлик сабабларини бошқа поэтик ҳодисалардан излаш керакка ўхшайди», - дейди.<sup>8</sup>

Б.Бафоев мақола охирида яна бир хулоса беради: «Алишер Навоийнинг 90-йилларгача ёзилган асарлари тилида, айниқса, «Хамса» тилида *хидмат* ва ундан кейинги йилларда ёзилган асарлари тилида *хизмат* етакчи вариантдир».<sup>9</sup> Бундан сал олдинроқ «Гул ва Наврўз» да фақат *хидмат*, Бобур шеъриятида эса фақат *хизмат* варианты ишлатилганлиги фактини келтиради.<sup>10</sup>

Бу фикрлардан навбатдаги хулосани чиқариш мумкин бўлади: Эски ўзбек адабий тилида ўзаро вариант ҳисобланган *хидмат* ва *хизмат* бирликларидан *хидмат* тарихан эскироқ, яъни унинг қўлланилиши XV асргача меъёр ҳисобланиб келган ва аста-секинлик билан у *хизмат* сўзига ўз ўрнини бўшатиб берган. Бугунги кунга келиб эса у умуман қўлланилмайди.

Демак, вариантлар орасидан тил бирликларининг меъёр сифатида танланиши ҳам тарихий жараён бўлиб, улардан фойдаланиш ёки фойдаланишдан воз кечиш тилнинг яратувчиси ва истеъмолчиси бўлган халқ ҳукмидадир.

«Эски ўзбек ёзма манбаларида - ... кўпгина сўзлар икки, ҳатто бир қапчаларининг уч-тўрт фонетик вариантларда кенг ишлатилганига дуч келамиз» деб ёзади Б.Бафоев ва

---

<sup>7</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари тилида сўз варианты ва адабий норма // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 1-сон, 32-бет.

<sup>8</sup> Ўша жойда, 32-бет.

<sup>9</sup> Ўша мақола, 35-36-бет.

<sup>10</sup> Ўша мақола, 32-бет.

қўйидаги сўзларни мисол тариқасида келтиради:<sup>11</sup> *япроқ-яфроғ-япурғоқ, тупроқ-тупроғ-туфроқ-туфроғ*. Олим таъкидлайдики, «тарихий лексикологияда бу лингвистик ҳодисани объектив баҳолашда барча ёзма манбалар тилидаги ҳар бир вариант қайтариқлари билан олиб чиқирилиши керак». Бу гаплар тўғри, албатта. Шундай қилинганда бу каби элементларнинг адабий тилдаги ёки бадий услубдаги қўлланиш частотаси ва вазифавий чегараланишини аниқлаш, уларнинг бу жабҳалардаги меъёрий ҳолатларини белгилашга имконият яратилалди. Ҳарқалай, *япроқ* нинг *яфроғ, япурғоқ ва тупроқ* нинг *тупроғ, туфроқ, туфроғ* тарзида бадий, айниқса поэтик нутқда ишлатилиши матннинг оҳангдорли ва мусиқавийлигини, вазн ва ҳатто қофия сингари анъанавий қоидаларга боғлиқлигини ҳам ёдга келтиришимиз зарурати туғилади.

Яна бошқача қарашлар ҳам бор. Айрим олимлар фанлардаги баъзи атамаларнинг ўзбек тилида муқобили йўқ, шунинг учун у ҳозиргача қандай қўлланилиб келинаётган бўлса, шундайлигича қолдирилгани маъқул деган фикрни афзал кўришмоқда. Бу фикрни инкор этиш мумкин эмас..

Аммо фаннинг қайси йўналиши бўлмасин, ундаги тунчаларни ифода этиш учун дунёдаги энг бой тиллардан бири деб фахрланадиган ўзбек тилида сўз топилмаслигига шубҳа ҳам йўқ эмас. Масалан, «Давлат тили ҳақида» ги Қонунни амалга оширишнинг долзарб муаммоларига бағишлаб 1993 йилда Навсий шахрида ўтказилган илмий-амалий конференцияда чиқиш қилган навоийлик математик З.Авлиёқулов қуйидаги фикрни айтган: «Бу соҳада атамаларни муқобили бўлмаса, ўзбек тилидаги атамалар билан

---

<sup>11</sup> *Бафоев Б.* Ўзбек тили тарихида лексик норма масалалари // Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари. Жумҳурият илмий-амалий анжумани маърузаларининг қисқача баёни. – Тошкент, 1990, 17-18-бетлар.

алмаштириш ижобий натижа бермаслиги мумкин. Бу атамалар илгаридан шундай қўлланган экан ўзича қолиши зарур. Жумладан новербал ҳолатдаги айрим математик ишоралар ҳам ўзича қолиши зарур».<sup>12</sup> Шундай. Бунинг устига, математика соҳасини яхши билмаганимиз учун ҳам бу фикрга эътироз билдириб бўлмайди. Бир нарсани кўшимча қилиш мумкинки, нафақат тилимизда пайдо бўлган сўз, балки тушунчанинг ёки нарсанинг ўзи ҳам янгилик. У яратилганда, кашф қилинганда дастлаб шундай номланган. Масалан, *ампер*, *рентген*, *вольт* сингари. Бу атамалар фанда бундан кейин ҳам шундайлигича қолади.

Қолаверса, кўпчилик дунё тилларида бир хил номланадиган атамаларни янгилашга уринавериш ҳам тўғри ҳаракат эмас. Бу ҳам сунъий равишда меъёрни бузишга киряди.

Лексик меъёрнинг бузилиши ҳамма вақт ҳам кўзга яққол ташланавермайди. Мисол: *Жаноб бой, сизни кайфсиз кўраман, мумкинми сабабини билсам*. Асримизнинг бошларида М.Бехбудий ёзган «Падаркуш» фожиасидан олинган бу парчадаги *кайфсиз* сўзи ҳозирда тилимиздаги *кайфият* сўзига тўғри келади. Дарҳақиқат, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам *кайф* ва *кайфият* сўзлари инсоннинг руҳий ҳолати ифодаси сифатида талқин қилинади ва улар ифода этган қатор маъно оттенкалари берилади (ЎТИЛ, 1 том, 358-359-бетлар). Ўзаги бир бўлган бу сўзларнинг бундан юз йиллар аввал ана шу яқинлиги инобатга олиниб, бири ўрнида иккинчиси бемалол қўлланаверган бўлиши ва бу меъёрий ҳолат саналган бўлиши мумкин.

Аммо, ҳозирги кунда бу меъёрий ҳолат ўзгарган. Ҳар иккала сўздаги нозикликни англаган ҳолда, аниқ маъноларда

---

<sup>12</sup> *Авлиёқулов З.* Давлат тилини амалга оширишнинг новербал имкониятлари // Илмий-амалий конференция тезислари. – Навоий, 1993, 13-бет.

ишлатамиз: 1. *Кайф, кайфи бор, кайфи яхши, кайфи баланд, кайфи зўр, кайфи тарақ, кайф қилмоқ, кайф қилиб олган, ширакайф, кайфи. ошмоқ. кайфни кесмоқ* каби ҳолатларда *кайф* сўзи мастликни билдиради ва шу ҳолатда унинг маъноси бир қадар аниқлашиб, *кайфият* билдирган маънодан йироқлашади. Аммо *кайфи чоғ, кайфи учган, кайфини суриб юрибди* сингари ҳолатларда у *кайфият* сўзи англатган маъноларни бериши кузатилади.

Шу билан бирга *кайф қилмоқ* каби ҳолатларда ҳар икки маънони - кайфни ҳам, кайфиятни ҳам матнга қараб англашимиз мумкин.

Бу нимадан далолат беради? Сўз маъноларида бўлган ўзгаришлар, замон тараққиёти ўз навбатида меъёрга ҳам таъсир қилади. Юқоридаги *кайф* сўзи таҳлилидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, бир вақтда маънолари анчагина яқин бўлиб турган сўзларда, вақт ўтиши билан дифференциация - ажралиш, маънолардаги кенгайиш юз берган ва бу ҳолат тилимиз тараққиёти учун меъёрий ҳолат сифатида қаралиши ва белгиланиши керак.

Ушбу парчага ҳам диққат қилайлик: *Хусусан, мана, банклар кўпайди. Катта бойлар ч л е н бўлиб, ҳар ким ч л е н л а р н и, иззат қилур, ҳатто иши тушатурғонлар ч л е н молини қиммат олур, азбаски ч л е н илтифотига олмаган одамларга банклар пул бермайдурки, сўнгра мулкдорлар синиб, майда-чуйда бўлур, билдингизми? (М.Б. Падаркуш).*

Яна «Падаркуш»дан олинган мисолда М. Беҳбудий қўллаган *член* сўзини ўша пайтда ҳам алмаштира оладиган *аъзо* сўзи бўлган. Аммо, *член* ўрнида *аъзо* ни қўллаш нотабийликни, тасвирда кўруқ ифодани келтириб чиқариши мумкин эди. *Член* сўзи гарчи вақтинча бўлса-да, банкка *аъзо* бўлувчиларнинг атамаси сифатида тилимизда қўлланилди, *аъзо* сўзининг маъносини тўла ифода этадиган бирлик - атама, меъёрий ҳолат сифатида тилимизда вақтинча яшаб турди.

Чунки, бу сўз қандай бўлса, халқ уни шундайлигича қабул қилди, қўллаш бошлади, тушунди. Халқимиз, тилимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида эса *аззо* ўрнида *член* сўзини қўллаш тилимизга ҳурматсизлик ва саводсизлик аломати бўлади.

Кейинги йилларда мустақиллик шарофати билан республикамиз миқёсида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тилимиз тараққиётига, хусусан, унинг терминологик ривожига катта таъсир кўрсатди.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг юзага келиши муносабати билан фанларнинг турли йўналишлари бўйича атамашунослик соҳасида ислохотлар ўтказиш, уларни «ўзбекчалаштириш» га имконият яратилди.

Шундай бир вазият юзага келдики, атамаларни «миллийлаштириш» га иштиёқ кучайиб кетди. Тавсиялар ҳам ниҳоятда кўпайди. Жўяли фикрлар билан бир қаторда, ҳазм бўлиши қийин бўлган таклифлар ҳам ўртага ташланди. Бу гапнинг тасдиғи сифатида айрим мисолларни келтирамиз: *математика-риёзиёт, факультет-куллиёт, рассом-мусаввир, газетхон-муштарий; аудитория-сабоқхона, хона, ўқув хонаси; цирк-томошахона, циркуль-паргар, целлофан-сувқоғоз, сейф-зарф, атгестация-кўрик; самолёт-аэроплан, тайёра; аэропорт-тайёрагоҳ, фамилия-наслнома, клуб-даъватхона, титул лист-сарбарақ* ва ҳоказо.

Бу қаби тавсиялар мустақилликдан кейин - «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган, ўртага ташланди. Она тилимизнинг чин фидойилари эрксевар ва миллатсевар жадидлар томонидан эса шу мазмундаги мулоҳазалар асримизнинг бошларида, мустамлакачилик пайтларидаёқ ўртага ташланганлиги тарихдан маълум.

Улуғ маърифатпарвар Фитрат 1921 йилдаги тил, имло қурултойида контрреволюцион «Чигатой гурунги» ташкилотининг дастурини баён этиб, ўзбек тилидан ёт сўзлар (арабча,



форсча, русча) ни чиқариб ташласак, буюк идеалимиз бўлган туркчиликка бирлашамиз, деб очик-ойдин айтди.

Улар (тилнинг софлиги учун курашувчилар - С. К.)... кўплаб қадимий сўзларни тирилтиришни, ўзбек адабий тилига қабул қилишни тавсия қилдилар. Масалан, арабча *захмат, халқ, дуо, насиҳат, раис, олам, китоб, мактуб* сўзлари ўрнига *эмгак, эл, олқиш, ўгут, бошлиқ, очун, битик, ёзоқ* сўзларини, форсча *шаҳар, гувоҳ, тажриба* сўзлари ўрнига *балиқ, таниқ, сипок* сўзларини, русча *паровоз, поезд, революция, пролетар, самовар, почта, агроном, электр, география, ботаника, астрономия, морфология, синтаксис* каби сўзлар ўрнига *ўлхона, оташ арава, ўзгариш, йўқсил, ўзи қайнар, чопархона, экин билгич, симчироқ, ер билиги, ўсимлик билиги, юлдуз билиги, сарф, наҳв* каби сўз ва ибораларни ишлатишни кўтариб чиқдилар.<sup>13</sup>

Бу қарашлар шу маънода диққатга сазоворки, уларда тилни мумкин қадар чет эл унсурларидан тозалаш, умумтуркий бирликларни адабий тил меъёри сифатида белгилаш гоёси ётади. Масаланинг қўйилиши ана шу тарзда тушунтирилган бўлса, юқоридаги *риёзиёт, куллиёт, мусаввир, мушгарий, сабоқхона, паргар, тайёри, тайёрагоҳ, наслнома, давватхона* каби сўзлар бу гоёга мос келмайди. Ўз-ўзидан савол пайдо бўлади: қабул қилишга тавсия этилаётган сўзлар умумтуркий бўлмагач, қандай фарқи бор – русча-байналмилал бўлди нима-ю, арабча ёки форсча-тожикча бўлди нима ?

Масаланинг бошқа бир муҳим томони бор: тавсия этилган бирликлар адабий тилимизга лексик меъёр сифатида қабул қилинмади. Нега? Шунинг учунки, биринчидан, тилдаги ўзгаришлар жараёнига ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий зиддиятларнинг таъсири бўлди. Миллатсеварлик миллатчи-

---

<sup>13</sup> *Турсунов У., Ўринбоев Б.* Ўзбек адабий тили тарихи.

– Тошкент: Ўқитувчи, 1982, 155-бет.

лик деб айбланаётган бир даврда, тилимизга бўлган бу ка  
муносабатлар, янгиликка интилишлар қўллаб-қувватланма  
Иккинчидан, асримизнинг бошларида, ҳатто ҳозирда ҳ  
нарса ва тушунчаларни ифодаловчи бирликларни тавс  
этилган сўзлар шаклида қўллаш ҳали меъёрлашмаган, од  
тусига кирмаган эди ва шундайлигича қолиб кетди.

Тилимизда қўлланилиб келинаётган *автор, архитектор, гуманизм, доклад, идеология, инспектор, интеллигент, ко  
трол, командировка, команировочная, лекция, министр, о  
ласть, остановка, планета, проблема, район, рапорт, редакто  
революция, справка, студент, секретарь, тема, территория  
традиция, форма* сингари сўзлар ўрнини *муаллиф, меъмо  
инсонпарварлик, маъруза, мафкура, нозир, зиёли, назор  
сафар, сафарнома, маъруза, вазир, вилоят, бекат, сайёра, м  
аммо, туман, билдиришнома /хабарнома, муҳаррир, инқило  
маълумот/маълумотнома, талаба, котиб /котиба, мавз  
худуд, анъана, шакл* каби тавсия этилган сўзлар осонлик б  
лан эгаллади. Бунинг сабаби шу бўлдики, улар дублетлар с  
фатида тилимизда озми-кўпми олдиндан ҳам қўлланилиб к  
линаётган эди.

Кўпгина мисоллар таҳлили атамалар, номланишлар  
турғунлиги мураккаб масала эканлигини кўрсатади.  
Ўзбекистон Республикаси собиқ Иттифоқ тасарруфида эка  
лигида, рус тилининг Иттифоқ ҳудудидаги бошқа тиллар  
таъсири кучди бўлган пайтларда биз ҳеч бир иккиланмасда  
*республика, область, район, автор, агитация, пропаганда  
идея, план, форма, процент, процесс, командировка, рапорт  
справка, студент, секретарь, министр* каби кўплаб сўзларни  
гарчи уларнинг тилимизда (олдин қайси тилдан қабу  
қилинган бўлишидан қатъий назар) муқобил вариантлар  
бўлса-да, ишлатаверар эдик. Ватанимизнинг мустақиллик  
эришиши муносабати билан табиий равишда бу сўзларга жа  
моатчилик томонидан муносабат билдирилди. *Жумҳурият  
вилоят, туман, муаллиф, ташвиқот, тарғибот, ғоя, режа, шакл*

*фониз, жараён, сафар, билдиришнома, маълумотнома, талаба, котиб(а), вазир, нозир, назорат* каби муқобил вариантлари ҳам 90-йиллар бошларидан улар билан баб-баравар қўлланила бошланди ва бу параллеллик тилимизда меъёр сифатида маълум муддат сақланиб турди.

Энди орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтгач, бутунлай бошқа манзара кузатилади. Бу ўтган вақт орасида биринчи гуруҳ сўзлар асосан иккинчи гуруҳ сўзларига ўз ўрнини бўшатиб берди, деб бемалол айта оламиз. Нега асосан деб пайтаёмиз? Шунинг учунки, сарағи саракка, пучағи пучакка деганларидек, бу сўзларнинг ҳар бири вақт ғалвиридан ўтди. Айримлари ҳозир ҳам параллелик хусусиятини сақлаб қолди: *республика-жумҳурият, университет-дорилфунун* каби. Уларнинг семантик-услубий маънолари айнан бир хил бўлмагани учун ҳам шундай бўлди.

Бундай параллел қўлланишнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Биз тилшунослигимизда *эпитет - сифатлаш, деривация - сўз ясалиши, аффикс - қўшимча, аббревиатура - қисқартма сўз, анафора - мисра бошидаги товуш такрори, антропснимлар - киши исмлари, топонимлар - жой номлари, атрибут - аниқловчи, аффрикатлар - қоришиқ ундошлар, стил - услуб, стилистика - услубшунослик* каби ўнлаб атамаларни параллел ҳолда ҳозир ҳам ишлатиб келмоқдамиз. Бунинг боиси атамаларнинг биринчиси халқаро термин сифатида барча тилларда қўлланилиб келинаётганлигидадир.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, янги тавсия этилаётган сўзларнинг маъқул келиши ва меъёрлашиши уларни тилда аввал қўлланилиб келаётган ёки келмаётганига ҳам боғлиқ. Бошқача айтганда, уларни кўриш ва эшитишга одатланиш меъёрлашишга кўмаклашади.

Атамалар қўллашда меъёрни сақлаб туриш бошқа сўзлар, масалан, кўп маъноли ёки синоним сўзлар меъёрини турғун ҳолатда ушлаб туришга нисбатан осондек туюлади. Аслида эса бу ерда ҳам ўз муаммолари бор. Мас., шу пайтга-

ча тилимизда фаол ишлатилиб келинаётган *товар сўзи* ўрнида *мол сўзини* ишлата оламиз: *мол, саноат моллари, мол айрибошлаш, мол олиб келмоқ, нархи туширилган моллар* каби. Аммо бундай ишлатиш бемалол эмас. *Саноат моллари* дейиш мумкин бўлган ҳолда *озик-овқат моллари* деб бўлмайди, *мол келтирдим* деганда фақат саноат моллари тушуниладию, *товар келтирдим* деганда фарқланмасданми ёки *промтовари, продтовари* сўзларига асосланибми, ҳар иккаласи ҳам тушунилаверади. *Товар сўзидан товаровед сўзини* ясай оламизу, *мол сўзидан* ана шу маънодаги *молшунос сўзини* ясай олмаймиз. Ясаган тақдиримизда ҳам у *мол сўзининг* асосий маъносига - *ҳайвон* маъносига тортиб кетади ва *ҳайвонни яхши биладиган, ҳайвон билан шуғулланадиган киши* маъноларини англатади. Ўзбек тилида эса бундай маъноларни ифодалашга зарурат бўлмаган. Айтайлик, *инсоншунос*; ҳатто ҳазил тариқасида *эршунос* дейиш ҳам мумкин, аммо *ҳайвоншунос* деб бўлмайди. Шундай экан тилимизда *товаровед сўзидан* фойдаланиб туришга тўғри келади. Бунинг устига мазкур сўз аслида туркийчадир.

Маълум бўладики, тилшунослик илмида, тилшунослар ва бошқа мутахассислар фаолиятида, айниқса, атамалар бобида гилдан фойдаланишдаги вазиятни мувофиқлаштириш, бир хилликни юзага келтириш, осонлик ва қулайлик яратиш, энг муҳими, тушунарли бўлишни таъминлаш мақсадида тавсиялар бериб борилади. Айтайлик, *агропром, агрохимия, акварель, аннотация, археолог, астроном, вакант* сўзлари ўрнига *деҳқончилик саноати, деҳқончилик кимёси, сув буёқ, мухтасар баён, қадимшунос, фалакиётчи, бўш ўрин /бўш лавозим* каби сўз ва бирикмаларни ишлатиш таклифи.<sup>14</sup>

Аммо, бу тавсиялар қанчалик илмий, амалий ва меъёрий асосга эга? Бу вариантларнинг қайси бири тилда яшаб

<sup>14</sup> Мисоллар А. Бердиалиевдан олинди.

қолиши мумкин? Уларнинг қайси бири нарса ва ҳодисанинг, предмет ва тушунчанинг моҳиятини тўлароқ ифода этади? Бу масалани, қайси вариант маъқул бўлишдан қатъий назар, ҳаётнинг ўзи, тил элементларидан фойдаланиш жараёни ҳал қилади, албатта. Лекин бундай тавсияларнинг бериб борилиши, тавсия этилаётган вариантларнинг афзаллик томонлари гушунтириб берилиши мутлақо зарур бўлган фаолиятдир. Фақат шундай йўл билангина тилимиз такомиллашиб, сайқаллашиб, сўз маъноларидаги энг нозик имкониятлар ҳам реаллашиб боради. Айтилганларнинг тасдиғи сифатида бир мисол келтирамиз: психология фанига оид кўплаб атамалар шу соҳа мутахассисларининг тавсиясига биноан ўз ўрнини шарқ илмида қўлланиб келинган атамаларга бўшатиб берди. *Психология-руҳшунослик, психика-руҳият, психик процесс-руҳий жараён, адаптация-мослашиш, нерв-асаб, нерв системаси-асаб тизими, талант-иқтидор/истеъдод, темперамент-мижоз, эмоция-жўшқин ҳолат /жўшқинлик, характер-хулқ*<sup>15</sup> тарзида аталадиган бўлди.

Бундан шундай хулоса қилиб чиқадики, тилдаги меъёрий ҳолатларни тайинлашда ҳар бир тилнинг ўз ички қонун-қоидаларига таяниб, кўпчиликка маъқул бўлиш-бўлмаслик жиҳатлари эътиборга олинсагина асосли бўлади.

Шу ўринда яна бир мисолни таҳлил қилайлик. Кўплаб атамаларнинг муқобилларини излаш жараёнида *район* сўзи ўрнида *ноҳия*, *депара*, *туман* сўзлари ишлатила бошланди. Кейинчалик, гарчи сўзнинг асл моҳиятига унчалик тўғри келмаса ҳам *туман* сўзи меъёрлашди. Аммо, таъкидлаш лозимки, бу сўзнинг биргина маъноси - вилоятнинг бир қисми бўлган, маълум чегарага эга бўлган, маъмурий ҳудуд атамаси сифатида меъёрлашди. Луғатда эса *район* сўзининг умуман жой маъносини англатиш имконияти ҳам кўрсатилган: *бри-*

---

<sup>15</sup> Қ а р а н г: Илмий-амалий конференция тезислари. – Навоий, 1993, 36-бет.

*городный район - шаҳар атрофи райони, промышленный район - саноат райони, заводской район - заводлар райони, район военных действий - уруш ҳаракатлари райони, район боя - жанг майдони, оборонительный район - мудофаа доираси* каби. Бу бирикмаларни қандай меъёрлаштирамиз? Бизнинг онгимизда у ҳозирча маъмурий ҳудуд тарзида шаклланиб турган экан, *шаҳар атрофи тумани, заводлар тумани, уруш ҳаракатлари тумани* тарзида ҳам меъёрлашиб кета оладими?

Бунинг устига, шу сўз ўзагидан ясалган *районирование, районированный - районлаштириш, районлаштирилган* сўзлари бор. Масалан, бирор экин навлари уруғини, яъни бирор жойнинг шароитига энг кўп мослаштирилган навлар уруғини районлаштириш.<sup>16</sup> Буни қандай меъёрлаштирамиз? *Уруғни туманлаштириш* дебми ёки *уруғни жойлаштириш, уруғни жойларга мослаштириш*, дебми? Ҳарқалай, назаримизда, масаланинг ечимини ўтаётган вақт топади.

Атамаларни алмаштириш ва меъёрлаштиришда рўй бераётган жараёнларни таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келиш мумкин : уларнинг бир қисми тезгина алмашди, меъёрлашди ва оммалашди, яна бир қисми эса вариантлар, дублетлар тарзида баравар ишлатилиб келинмоқда. Атама сифатида тавсия қилинган бирликларнинг маълум қисми эса тилда ўз ўрнини топмади, кўпчилик томонидан маъқул кўрилмади.

Демак, мустақилликдан кейинги давр атамаларини меъёрлаштириш хусусида гап кетганда ана шу жиҳатларнинг ҳаётий эканлигини инобатга олишга тўғри келади.

Умуман, Атамалар қўмитасининг бу жараёни мувофиқлаштириб боришда, тартибга солиб туришда хизматлари катта эканлигини қайд қилиш лозим. Қўмита ўз фаолиятида бу борада жуда кўп вазифаларни амалга оширди.

---

<sup>16</sup> Русско-узбекский словарь. – М., 1954, с. 711.

Тилимизда янги нарса ва тушунчаларни ифодалаш ёки нарса ва тушунчаларни янгича ифодалаш билан боғлиқ ҳамда ундаги тайёр моделлар асосида мавжуд нарса ва тушунчаларни биров бошқачароқ, перифрастик тарзда баҳолашга интилиш натижасида юзага келган неологизм ва окказионализм деб аталувчи сўзлар гуруҳи мавжудки, уларга ҳам адабий тил меъёри нуқтаи назардан муносабат билдириш зарурияти бор.

Бу каби сўзларнинг меъёрийлик даражасини аниқлашда ҳам тилимиздаги меъёрийлик ҳолатларини белгилашнинг мавжуд қоидаларига таяниб иш кўрилади. Башарти бу бирликлар неологизм ёки окказионализм сифатида эътироф этилдим, демак улар ҳали тилимизнинг ҳақиқий луғат бирлигига айланиб кетмаган. Фақатгина ўзлари қўлланилаётган матнда нарса ва тушунчани аниқроқ, тўлароқ, балки образлироқ ифода этиш ҳамда бошқа бадиий-эстетик мақсадларни кўзда тутиб қўлланилган. Уларнинг адабий тилимизда меъёр ҳолатига келиши учун маълум вақт ва халқнинг истеъмолда қўллай бошлаши билан боғлиқ бўлган эътирофи лозим бўлади.

Бу туркум сўзларнинг маълум қисми ўзи ифодалаётган предмет ва тушунчалар билан боғлиқ тарзда ўз тилимиз сўзлари бўлиши билан биргаликда чет тиллардан кириб келган бўлиши, бир қисми эса сўзлашув, айниқса бадиий ижод жараёнида яратилган бўлиши мумкинлигини ҳам ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур. Бинобарин, уларнинг яшовчанлиги, оммалашуви, яъни меъёрлашуви айнан ана шу омилларга боғлиқ бўлади. А.Э.Маматов таъкидлаганидек, «улар бадиий асар тилида, матбуотда ва оғзаки нутқда кўп қўлланилса, лексикографик манбаларда ва луғатларда акс этса, у ҳолда окказионал сўзлар жумласидан чиқиб, нормалашган лексик

қатламга айланади».<sup>17</sup> А.Маматов бу каби сўзлар ва ибораларнинг тилимизда мавжуд бўлган мазмунан ва шаклан ўхшаш ёки тескариси бўлган бирликларга нисбатан тақдидан яратилишини таъкидлаб, қуйидаги мисолларни келтирган: *олтинзор* (пахтазор), *чангистон* (гулистон), *йилкувар*, *пулкувар*, *тўқайкувар* (чўлқувар), *райкатгалар* (райгаз, райсо-бес) кабилар.<sup>18</sup>

Ушбу мисоллардан маълум бўлиб турибдики, бу каби сўзларнинг яратилиши индивидуал характерга ва асосан эмоционал-экспрессив маънога эга. «Сўз эстетикаси» асарининг муаллифлари Х.Абдурахмонов ва Н. Маҳмудовлар ҳам ана шу тарзда сўз ясашга мойил бўлган шоир Мақсуд Шайхзода ижодидан яхши намуналар келтиришган: *сийначок* (*сийнаи чок*), *хаёлхона* (*гулхона*, *тўйхона*), *долларшоҳ*, *меҳнатдош* (*меҳнаткаш*), *ойдош*, *илҳомдош*, *юрақдош*, *фазошумул* (*оламшумул*), *бахтсозлик*, *хуристон*, *шеристон*, *жангбозлар*, *нафосатбозлар*, *қишбой*, *ойбачча*, *хоразмлашмоқ*, *калидламоқ* (*кулфламоқ*), *тескариламоқ*, *хаёлланмоқ*, *тундалик* (*кундалик*) сингари.<sup>19</sup>

Аmmo, ушбу сўзларнинг ҳеч бири ҳам меъёрлашган сўз сифатида тилимиз луғат бойлигидан ўрин олган эмас.

Энди фразеологизмлар ва меъёр масаласига қисқача тўхталамиз. Ўзбек тилининг бой лингвистик имкониятларини кўрсатувчи воситалардан бири фразеологизмлардир. Ш.Раҳматуллаев асос солган ўзбек фразеологизмшунослиги кейинги йилларда катта ютуқларга эришди. Турли ҳажмдаги илмий мақолалар, рисоалар, номзодлик диссертациялари

---

<sup>17</sup> *Маматов А.Э.* Окказионал сўзлар ва тил нормаси // «Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари» тўплами. – Тошкент. 1990, 69-бет.

<sup>18</sup> *Маматов А.Э.* Юқоридаги мақола, 68-бет.

<sup>19</sup> *Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н.* Сўз эстетикаси. – Тошкент, 1981. 32-38 бетлар.



билан бир қаторда А.Э.Маматовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик-фразеологик норма муаммолари» (1991), Б.Йўлдошевнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал услубий хусусиятлари» (1994), А.Маматовнинг «Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари» (2000) номли докторлик ишлари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Ш.Раҳматуллаев томонидан 1978 йилда яратилган «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» эса ҳозиргача муҳим қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Хуллас, ўзбек фразеологияси назариясига оид юзага келган назарий қарашлар ва тўпланган бой материаллар фразеологик меъёрлар ҳақида бемалол гапиришга имкон беради. Фразеологик меъёр таърифи масаласида бу ўринда А. Э. Маматов қарашларига таянамиз. Унинг таъкидлашича, «Фразеология тилшунослик фанининг мустақил, алоҳида соҳа эканлигини тан олиш, манتيқан фразеологик норманинг маъжудлигини ҳам тан олишни тақозо қилади.

...адабий нормага тааллуқли бўлган тўрт асосий мезон ва категория: *барқарорлик, кодификациялашганлик, динамиқлик ва вариантдорлик* хусусиятлари фразеологик нормага ҳам бевосита тегишлидир. Демак, ҳулоса қилиш мумкинки, бу алоҳида-алоҳида тўрт мезон ва категория ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, яхлит умумийликни, яъни адабий меъёрни ташкил қилади.

Демак, фразеологик бирликларнинг тил нормаси билан боғлиқлик хусусиятларини шундай изоҳлаш мумкин: *биринчидан*, фразеологизмлар ўз лисоний табиатига кўра, барқарор бўладилар, акс ҳолда, улар фразеологик бирлик деган мақомга эга бўлмас эди ва эркин сўз бирликларига айланиб қолган бўларди, *иккинчидан*, ҳамма фразеологизмлар луғатларда, норматив ва махсус қўлланмаларда, маълумотномаларда қайд қилинган, танлаб олинган, умуммажбурий қўлланиш хусусиятига эга бўлган, кодификацияланган

бўлиши шарт, акс ҳолда, улар турғун фразеологик бирликлар бўлмасдан, балки окказионал ёки потенциал иборалар бўли қолади, *учинчидан*, фразеологизмлар тилнинг бошқа бирликлари сингари ҳар доим ривожланиб, ўзгариб туради, улар динамик хусусиятларга эга, акс ҳолда фразеологизмлар штамп ва қолип бирикмаларга айланиб қолади ва ўзининг семантик-стилистик хусусиятларини маълум даражада йўқотади, *тўртинчидан*, фразеологизмлар ҳам лексик бирликлар каби ўз синоним ва вариант қаторларига эга, бу уларнинг маъноларини ифода қилишда, тил бойлигини оширишда катта аҳамиятга эга».<sup>20</sup>

Фразеологик бирликларни синчиклаб таҳлил қилган А. Мамаатов улардаги меъёрий бузилишлар сифатидан куйидагиларни санаб ўтади:

1. Маъно жиҳатдан бузилиш. Бунда маъносига моҳият келмайдиган матнларда қўллаш (*Хотин киши бўлсаям белли да белбоғи бор эди. Ў. Ҳошимов*), плеонастик ҳолатлар (*Шудай қилганимла борми, бечораларнинг қалбларини чил-чил синдирарканму, кўнгиллари ва айрон қилиб юборарканман-да. Р.Файзий*), шу маънони берадиган сўз ёки сўз бирикмаси билан ёнма-ён қўллаш (*Ўзингиз биласиз, ойижон, мен сиркам сув кўтармай диган, инжиқ боламан. М. Исмоилий*) назарда тутилган.

2. Структурасидаги бузилиш. Бунда эса компонентларнинг алмашиши (*ковушини тўғриламоқ-қийшиқ кийгизи моқ: Ковушини қийшиқ кийгизишдан тоймайди буларинг. Ж.Абдуллахонов*), структурасининг кенгайиши (*Аммо ичидаги фазаб шу тобда машинанин ваққиллаган сувидан ҳам беш баттар қайнара эди. Л.Маҳмудов*), компонентларнинг тушириб қолдирилиши

<sup>20</sup> *Мамаатов А.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.- Тошкент, 1991, 214, 216-217-бетлар.

(...деди Усмонов аввал ўзингга боқдеган маънода), компонентлар бирлаштирилиши-контоминация (оқ бўйрада ўтириб, қип-қизил қасам ичиб қўйибман. Ғ. Ғулом), бутун матн бўйлаб сочилиши-антиципация (У ё - га кетсам, ўртоқ Ваҳобов, ҳарна, ўлан тўшагим тузук. М.М. Дўст) каби ҳолатлар эътиборга олинган.<sup>21</sup>

Айтилган ушбу фикр-мулоҳазалар талабаларга фразеологик бирликлар меъёри ҳақида маълум тасаввур бера олади.

Мустақиллик туфайли юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида табиий равишда тилимизда ҳам жуда кўплаб янги сўз ва иборалар, бирикмалар пайдо бўлаяпти. Бу ҳолатни асосан фан, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, халқаро муносабатлар соҳаларида, қисман маориф, маданият, санъат ва бадий адабиёт соҳаларида кузатамиз. Халқимиз қандай қабул қилишидан қатъий назар, тилшунослар уларни кўллашдаги ҳар бир ҳолатга ўз муносабатларини билдириб боришлари, юқорида айтиб ўтганимиздек, меъёр сифатида тавсия этилаётган вариантларнинг нега шундай тарзда маъқул кўрилганлигини илмий асослаб беришлари зарур бўлади.

### *Адабиётлар:*

1. *Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н.* Сўз эстетикаси. – Тошкент, 1981.

2. *Авлиёқулов З.* Давлат тилини амалга оширишнинг ноқербал имкониятлари // Илмий-амалий конференция тезислари. – Навоий, 1993.

3. *Азизов С.* Ўзбек тилининг физкультура ва спортга оид терминологиясидаги ҳар хилликлар // Илмий-амалий конференция тезислари. – Навоий, 1993.

---

<sup>21</sup> *Маматов А.Э.* Юқоридаги асар, 207-272 бетлар.

4. *Алиев А.Ю.* Ўзбекистон жумхуриятининг давлат тили ҳақидаги қонун ва ўзбек тили нутқ маданияти // «Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари» тўплами. - Тошкент, 1990.

5. *Бафоев Б.* Ўзбек тили тарихида лексик норма масалалари // Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари. Жумхурият илмий-амалий анжумани маърузаларининг қисқача баёни. - Тошкент, 1990.

6. *Маматов А.Э.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.- Тошкент, 1991.

7. *Маматов А.Э.* Окказионал сўзлар ва тил нормаси // «Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари» тўплами. - Тошкент, 1990.

8. *Решетов В., Шоабдурахмонов Ш.* Ўзбек диалектологияси. - Тошкент, 1978.

9. *Розенталь Д.Э.* Практическая стилистика русского языка. - М, 1974.

10. *Гурсунов У., Ўринбоев Б.* Ўзбек адабий тили тарихи. - Тошкент: Ўқитувчи, 1982.

11. *Шоабдурахмонов Ш.* Ўзбек адабий тилининг лексик нормалари// «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами - Тошкент: Фан, 1973.

## ГРАММАТИК МЕЪЁР. МОРФОЛОГИК МЕЪЁР

Р е ж а:

1. Морфологик меъёр тушунчаси.
2. Қўшимчалар синонимияси ва нутқий меъёр масаласи.
3. Грамматик категориялар, субъектив баҳо шакллари-нинг қўлланишида адабий меъёр.
4. Сифат даражалари, келишик шакллари, феъл замонлари, шахс-сон қўшимчаларининг қўлланишида грамматик ва услубий меъёр.

*Таянч сўз ва иборалар: Морфологик бирликлар : кўплик, эғалик, келишик, субъектив баҳо шакллари ва меъёр. Даража, замон, шахс-сон, майл, нисбат кўрсаткичлари ва меъёр.*

Ўзбек тили грамматикаси тилшунослик соҳалари орасида назарий жиҳатдан бир мунча яхши ишланганлиги, сўз шакллари, қўшимчалар, сўз бирикмалари ва гап қурилиши бир қадар мукамал меъёрий тавсияларга эга бўлганлиги билан ажралиб туради. Бу ҳақда илмий адабиётларда, дарсликларда, ўқув қўлланмаларида тегинли мулоҳазалар айтилган.<sup>1</sup>

Морфологик меъёр ҳақида фикр юритилганда гап аслида қўшимчалар қўллашнинг меъёрий ҳолатлари ҳақида боради. Қайси гуруҳ қўшимчалари бўлишидан қатъий назар, улар ўртасида вариантдорликнинг, синонимиянинг мавжудлиги нутқда бу қўшимчалар меъёрлари ёки уларнинг бузи-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т.И. Нутқ маданияти асослари, 1-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1985, 38-40-бетлар; Шомақсудов А. ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983, 75-228-бетлар.

лишлари ҳақида, баъзан эса вазифавий чегараланишлари хусусида мулоҳаза юритишга шароит яратади.

Демак, морфологик меъёр тушунчаси тилнинг ана шу қатламини қамраб олади ва унинг атрофида юритиладиган фикр-мулоҳазалар ҳар бир сўз туркуми доирасидаги кўнимчалар ҳамда уларнинг нутқ жараёнидаги меъёрий кўринишлари, агар улар бузилган бўлса, тузатиш йўллари ҳақида бўлади.

Грамматиканинг узвий қисми бўлган морфология доирасида меъёр муаммоларини англашга интилиш она тилимиз салоҳиятини янада тирайроқ ҳис қилишимизга кўмаклашади. Бу йўналишда меъёрлашиш узоқ давом этадиган тарихий жараён эканлиги маълум бўлиб туради. Яъни тилимизнинг морфологик кўрсаткичлари қатъий бир ҳолатга келгунга қадар узоқ даврни босиб ўтганлиги, ҳатто уларнинг маълум қисми ҳали ҳам меъёрлаша олмаётгани баъзан кўзга ташланади.

Ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар, ўтиб бораётган вақт тилга ўз таъсирини ўтказмасдан, унда ўз аксини топмасдан қолмайди. Масалан, XX асрнинг бошлари Ўрта Осиёга, жумладан, бизнинг юртимизга ҳам ғарбдан саноат, ишлаб чиқариш, савдо, фан ва маданиятга оид янгиликлар шиддат билан кириб келган бир давр эди. Шубҳасиз, бу ҳолатлар нафақат тилимиз лексикасида, балки морфологиясида ҳам ўз аксини топди. Бу ҳақда Ғани Каримовнинг «Совет даври ўзбек адабий тили тараққиёти» номли асаридан яхши маълумотлар оламиз.

Тилимизда сўз ясалиш имкониятлари кенгайиб бораётганлигини таъкидлаб, олим шундай ёзган эди: «...бошқа тиллардан қабул қилинган сўзлар ва от ясовчи *-изм, -ист*; сифат ясовчи *-ик*; фамилия кўрсаткичи *-ов, -ева, -евна* каби аффикслар, рус тилидан қабул қилинган аббревиатура йўли билан от ясалиши кабилар Октябрь революциясининг маҳсули бўлиб, 20- ва 30- йилларда жуда кенг авж олган ва

Ўзбек миллий адабий тилининг бойишига, ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган».<sup>2</sup>

Жараёнга ижобий ҳодиса сифатида баҳо берганда, давр нуқтаи назаридан муаллиф ҳақ. Лекин бу жараён кейинги пайтларда тилимизни ҳар томондан ўраб келиб, сиқувга олаётган эди. Фақат мустақилликкина уни тўхтатиб қолди. тилимиз ривожда бошқа бир муҳит пайдо бўлди. Юқорида келтирилган – *ист* кўшимчасини мисол тарикасида олганимизда, у аста-секинлик билан ўз ўрнини – *чи*, – *навис*, – *шунос* сўз ясовчи кўшимчаларига бўшатиб бераётганини кўзатамиз: *очеркист* – *очеркчи* – *очеркнавис*, *роялист* – *роялчи*, *пианист* – *пианиночи*, *романист* – *романнавис*, *фольклорист* – *фольклоршунос*, *тракторист* – *тракторчи* каби. Шу кўшимча билан қўлланиладиган сўзларнинг кўп қисми эса тилимиздан чиқиб бормокда: *экономист* – *иқтисодчи*, *реформист* – *ислоҳотчи*, *шовинист* – *миллатчи*, *утопист* – *хаёлпараст*, *лингвист* – *тилчи* – *тилшунос*, *юрист* – *ҳуқуқшунос* каби.

Ғ.Каримов китобини варақлар эканмиз, ўша пайтлар меъёр ҳисобланган кўплаб тил элементлари ва сўз шакллари ҳозирги давргача етиб келмаганини кўрамиз. Масалан, – *чи* кўшимчаси билан ясалган *ямоқчи*, *тароқчи*, *ўроқчи*, *ўқчи* сингари сўзлар ҳозирда ҳам шу тарзда ишлатилиб келинаётган бўлса-да, *хунарчи*, *динчи*, *жадидчи*, *чилангарчи* каби сўзларда бу қўлланиш давом этмади. У *хунарманд*, *диндор*, *жадид*, *чилангар* шаклида меъёрлашди. Бир ҳолатда ўзбекча аффикс ўрнини тожикча – *манд*, иккинчи ҳолатда – *дор* эгаллаб олди. Қолган мисоллардаги кўшимчанинг тушиб қолиши эса лексик-грамматик меъёр тарзида турғунлашди.

-*чилик* /- *чилик* кўшимчаси меъёрлашувида ҳам айрим ўзгаришларни сезамиз. У *пахтачилик*, *галлачилик*,

<sup>2</sup> Каримов Ғ. Совет даври ўзбек адабий тили тараққоти ... Тошкент : Фан, 1985, 12- бет.

*деҳқончилик* каби сўзларда давом этаётгани ҳолда *оммачилик*, *идорачилик* сўзларида – *вий* кўшимчасига ўрнини бўшатиб берди: *оммавий*, *идоравий* каби. Ўша пайтларда арабча *-иёт* аффиксининг бир мунча фаоллиги сезилади: *музаффарийёт*, *машгулийёт*, *руҳийёт*, *назариёт*, *механисиёт*, *электриқийёт*, *эластиқийёт*. Вақт ўтиши билан сўзларнинг бу тарзда ясалиши меъёрий тасдиғини топмади.

Шу ўринда синтактик йўл билан ясалган *кўлмингчи*, *октябролди* сингари мисолларга ҳам эътиборимизни қаратсаёмон бўлмайди. Чунки бу сўзлар ҳам юқорида айтилган фикрларни, жумладан сўз ясалиши, ундаги ясовчи унсурларнинг иштирок этили даври билан ҳамоханг эканлигини тасдиқлайди. Бинобарин, бугун ана шу сўзга ёки у ифодалайдиган тушунчаларга мурожаат қилишга эҳтиёж йўқ. Улар бир умрга тарих билан бирга тилимиз хазинасига кўчирилди. *Мингбоши*, *элликбоши* сўзларини олайлик. Булар ҳам шундай. Аммо сўзларни таркибий қисмларга ажратганимизда улар *минг*, *эллик*, *бош* тарзида тилимизда сақланиб турибди. Ҳатто *бош* аффиксоид сифатида ҳамон сўз ясаётги: *юртбоши*, *карвонбоши*, *туркманбоши* каби.

Яна бир ҳолатга эътибор қилайлик. Тилимизга ўзлашган қисқартма отларни ўзлаштираётган тилда қандай бўлса шу ҳолича қабул қилиш одат тусига кирган эди: *СССР*, *КПСС*, *ВЛКСМ* каби. Улар ҳеч қачон *ССРИ*, *СИКП*, *БЛКЎИ* дейилмасди. Деярли барча вазирликлар, кўмиталар, ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларнинг номлари, айниқса оғзаки нутқда, шу тарзда қўлланаверарди: *минвуз*, *минпрос*, *молпром*, *птицепром*, *зердолводхоз*, *педучилище* каби. Ҳозирда эса бу каби сўзлар қўлланилишида ижобий ўзгаришлар аниқ сезилиб, *олий таълим вазирлиги*, *халқ таълими вазирлиги*, *сут саноғи*, *паррандачилик саноати*, *зарводийсув*, *педбилим юрти* тарзида кенг қўлланилмоқда ва уларнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.



Демак, ижтимоий ҳаётда юз берган ўзгаришлар тилнинг барча сатҳларида бўлгани каби морфологик бирликлар меъёрига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Буни биз от сўз туркумининг меъёрий таҳлилида яққол кузатамиз.<sup>3</sup>

Ўзбек тилида кўплик маъносини ифодалашнинг йўллари билан бири – *лар* қўшимчаси эканлиги маълум, Шу билан бирга, бу қўшимчанинг кўплик доирасидан чиқиб, асосан от ва феълларга қўшилганда ҳурмат, киноя, пичинг, ноаниқлик, кучайтириш, такрорлаш, таъкид, предметнинг тури, умумлаштириш, сўзловчи муносабатини алоҳида билдириш сингари турли хил маъноларни ифодалашни унинг грамматик-услубий имкониятларининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Гарчи қўшимчанинг бу каби маъноларни англатиш жараёнидаги сўзларга қўшилиш тарзи морфологик меъёрнинг бузилиши саналса-да, уни услубий меъёрнинг бузилиши деб бўлмайди: *тиллер, юраклар, жигарлар, бурунлар, бошлар, сувлар, қонлар, сутлар, сароблар, барглар, йўқлар, чириблар* каби.

Шундай ҳолатларга ҳам дуч келамизки, унинг айрим отларга қўшилишида гуё морфологик меъёр бузилмагандай

---

<sup>3</sup>Ўзбек тили грамматик, хусусан морфологик услубшунослигининг назарий масалаларини, айниқса, сўз туркумларидан от ва унга боғлиқ категориялар услубини ўрганишга бағишланган йирик тадқиқотлар Р.Қўнуров қаламига мансуб. Бу ҳақда қаранг: Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975; Грамматик стилистика// Ўзбек филологияси. – Самарқанд, 1976; Стилистика имени существительного в узбекском языке. – Тошкент, 1983; Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари – Тошкент, 1980; Семантико-стилистикальные особенности формообразующих морфем имени существительного в узбекском языке: Автореф. дис... д-ра филол. наук. – Баку, 1982; Ўзбек тили стилистикаси (ҳаммуаллифликда). – Тошкент, 1983 кабилар. Биз ҳам морфологик меъёр масалаларини ёритишда шу манбаларга таянамиз.

кўринса-да, услубий меъёрга жиддий путур етгани сезилади: *дадамлар келдилар*. – лар нинг феълга кўшилишининг ўзиёқ хурмат маъносини билдиради. Аммо негадир кейинги пайтларда, айниқса сўзлашув нутқида бу кўшимчани *дада* сўзига кўшиб ишлатиш кучайиб бормоқда. Унга мана бундай ҳолат сабаб бўлиши мумкин: Эшик очилиб, кириб келган одамнинг кимлигини билиш мақсадида янги оила қурган йигит келинчагидан: – *Ким келди?* – деб сўраганида – *Дадамлар...*, + деб жавоб бериши кабилар.

Ҳарқалай, бу ўринда –лар нинг хурмат билдиришга нутқий вазият нуқтаи назаридан баҳо бериш тўғри бўлади.<sup>4</sup> Келинчакнинг ёки бошқа бир фарзанднинг жавобида биргина *дадамлар* сўзи ишлатилганда у хурмат маъносини ўз зиммасига олар, аммо *дадамлар келдилар* гапидаги *дадамлар* сўзи таркибидаги –лар га меъёрнинг ва бундан келиб чиқадиған мантиқнинг бузилиши деб қаралиши тўғри бўлади. Чунки диққат қилган одам *дадамлар* сўзидан гапирувчининг бир неча дадаси борлиги маъносини тушуниши ҳам мумкин.

Афсуски, Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларида айрим журналистларимиз кўшимчадаги бу нозикликни баъзан пайқамасдан, суҳбатдошларини телетомошабинларга таништираётганларида бир кишига нисбатан ҳам *улар, булар* сўзларини (ҳатто *ула, була* шаклида) қўллашиб, «хурмат билдиришмоқдалар». Ёзувчи Саид Аҳмад эса *улар, булар* ўрнида *у киши* жумласини қўллайди ва кўзда тутилган маънони тўлиғича сақлаб қолади: *Аммо Гафур ака ёзишга шошилмасди. Сабабини сўраганимда, у киши шундай деб жавоб берган эдилар* (Назм чорраҳасида). Ҳаммамиз мана шу

---

<sup>4</sup> Илмий адабиётларда «Хурмат маъносини ифодаловчи – лар алоҳида аффикс деб, сон категорияси ва эгалик категорияси системасидан ташқарида турувчи мустақил форма деб қаралиши лозим» деган фикрлар ҳам бор. Қ а р а н г: Ўзбек тили грамматикаси, 1 том – Тошкент, 1975, 187- бет.

тарзда ҳурмат билдирсак, тилимиз меъёрларига тўғри келган бўлар эди.

Яна бир ҳолатга эътибор берайлик. Феълларга қўшилганда –лар қўшимчаси ҳурмат ёки бошқа маъноларни англатар экан, уни мана бу мисолдагидек ишлатиш ҳам меъёрнинг, бинобарин, мантқиқнинг бузилганлиги деб қаралиши керак: *Интеллектуал сўзлар умумистеъмолдаги лексикага хос бўлганликларидан, ҳар қандай жанрда ишлатилмаверадилар ва стилистик жиҳатдан чегараланмаган бўлгандилар. Шунга кўра уларни стилистик нейтрал бўлган лексика деб ҳам атайдилар* (А.Шомақсудов). Мисолдаги уларни, атайдилар сўзлари ҳақида бу гапни айтиб бўлмайди. Улар грамматик-услубий жиҳатдан тўғри қўлланган.

Келишиклар меъёри борасида гап кетганда нималарга эътибор қилишимиз мумкин? Биринчидан, уларнинг турли вариантлари ва бу вариантларнинг вазилавий услублар доирасида қўлланиш чегарасига. Иккинчидан, бу қўшимчаларнинг белгили-белгисиз ҳолатига. Учинчидан эса, уларнинг ўзаро ва келишик қўшимчалари билан синонимиясига.

Шу талаблар нуктаи назаридан қараганда қаратқич келишигининг *-нинг* шакли адабий тилимиз учун меъёр сифатида қабул қилинган. Унинг *-тинг, -тынг, -динг, -дың, -ти, -ты, -ды, -и, -ни, -нунг, -дунг, -инг* шакллари шева ва лаҳжалар учун хос бўлиб, адабий тилда ишлатилиши меъёрнинг бузилиши саналади. Сўзлашув услубида ҳам бу бузилишлар сезилиб туради. Илмий ва расмий услубларда унинг адабий шаклига қатъий риоя қилинади. Бу келишикнинг баддий услубда ишлатилиши эса ўзига хос тарзда кечади. Бу услубда унинг қуйидаги шакллари қўлланилади: *-(и)м : Ё раб, ёзуғим недур м а н и м (О.Ёқубов). Нега м е н и м кулоғимда тун ва кун / Бойқушларнинг шумли товши бақирар (Чўлпон), -н : Қандай кўркам қизлар а в л о д и н /*

*Хассос диди ва шоир дили (Зулфия), -инг : Кўнглуминг маҳзани гул орази гулнора фидо (Жоний) каби. Бундан ташқари, шеърятда қаратқич-қаралмиш бирикманинг сели ашқим, камолингда сенинг тарзида инверсияга учраб қўлланилиши ҳам шу услуб учун меъёр саналади. Кўринадики, бу кўшимчанинг бир услуб учун хос бўлган, меъёр саналган шакли бошқа бир услубда ғализ, ғайриодатий бўлиши мумкин.*

Қаратқич келишиги нутқда баъзан белгисиз қўлланилади, тарихан ҳам шундай бўлган.<sup>5</sup> Барча услубларда ҳам белгили-белгисиз тарзида қўлланаверади. Аммо бундай қўлланишни ҳамма нутқий ҳолатларда ҳам бир хил қабул қилиш, меъёр сифатида белгилаш тўғри бўлмайди. *Университет хиёбони, Самарқанд университети, Навоий кўчаси, зиёлилар уйи, шоирлар боғи* қурилмаларида шундай ҳам қарақчилиқ англашилиб турган бўлса-да, уларни *университетнинг хиёбони, Самарқанднинг университети, Навоийнинг кўчаси, зиёлиларнинг уйи, шоирларнинг боғи* тарзида қўллаш грамматик меъёрнинг эмас, балки нутқий меъёрнинг бузилишига олиб келади, тегишлилик бир қадар ғализ ифода этилади.

Аксинча, бошқа бир ҳолатларда уларни белгисиз қўллаб бўлмайди. Масалан: *менинг китобим, сенинг китобинг, унинг китоби* қурилмаларини *мен китобим, сен китобинг, у китоби* тарзида шакллантириш мумкин эмас.

Нутқда, уюшиқ бўлақлар таркибида бу келишикнинг ўрни алоҳида бўлиши мумкин. «Ўзбек тили стилистикаси» дарслигида шундай ёзилган: «уюшиқ бўлақларнинг қачон қайси бирини белгили, қайси бирини белгисиз ишлатишни билиш керак. Чунки буни билмаслик маънога, айтилмоқчи бўлган фикрнинг аниқлиги ва конкретлигига салбий таъсир

---

<sup>5</sup> *Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси - Тошкент, 1973, 36-бет.*

қилади. Масалан, *Тоҳир, Салим ва Одилнинг отаси келди* га-  
пини бир неча хил тушуниш мумкин. Яъни ота битта бўлиб,  
Тоҳир ва Салим билан бирга келган бўлиши (биргина ота)  
ёки ҳар учала боланинг отаси келган бўлиши мумкин».<sup>6</sup>

Тилдан фойдаланишда эса икки хилликка йўл қўйиб  
бўлмайди. Ифода этилаётган фикр аниқ ва раво, тушунарли  
бўлиши учун ҳам меъёрга эҳтиёж бор. Шундай экан,  
юқоридаги мисолда келишикнинг қўлланишида нутқий  
меъёр бузилган. Вариантлар қуйидагича бўлиши мумкин:  
*Тоҳир ва Салим билан Одилнинг отаси келди*. Аслида гапда  
ҳар учала боланинг отаси келганлиги назарда тутилаётган  
бўлиши керак. Унда: а) *Тоҳирнинг, Салимнинг ва Одилнинг*  
*отаси келди* ёки б) *Тоҳир, Салим ва Одилнинг отаси келиш-*  
*ди* (бунда – *иш* биргаликни ифодаловчи аффикс кўплик  
маъносини ҳам англатади.) в) *Тоҳир, Салим ва Одилнинг*  
*оталари келди*. (уларнинг уч киши эканлигини билдиришни –  
*лар* қўшимчаси ўз зиммасига олади.) г) *Тоҳир, Салим ва*  
*Одилнинг оталари келишди* (–*лар* ва –*иш* биргаликда уч ки-  
ши эканлигини яна ҳам асослайди). Энг ишончли вариант:  
*Тоҳирнинг, Салимнинг ва Одилнинг оталари келишди*. Аммо  
бу вариант ёзма нутқ меъёрига хос бўлиб, оғзаки нутқда  
кўпроқ юқоридаги вариантлар қўлланилиши мумкин. Нутқий  
вазият эса фикрнинг аниқ реаллашувига кўмаклашади.

Нутқда қаратқич ва тушум келишиклари  
фарқланмасдан ишлатилишини ҳам ижобий ҳодиса сифатида  
қараб бўлмайди. Ғ.Каримов китобидаги мисолларнинг тас-  
диқлашича, бу камчилик аввал ҳам бўлган: *узумни* шираси,  
*ўзини* бутун ташаббусини, *меҳнатқашларни* қўшарни савод-  
сизликлари, *секциянинг* қўмитасининг, *ҳамманинг* ҳам

---

<sup>6</sup> *Шомақсудов А.* ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси –  
Т., 1983, 81-бет.

хайрон қолдирар, пайғамбарнинг ҳақлигининг танитадирга каби.<sup>7</sup>

Бу сингари фарқламаслик тилимизда, айниқса оғзақ нутқда ҳозир ҳам давом этмоқда. Аслида эса улар маъноси кўра ҳам, вазифасига кўра ҳам бир-бирларидан жиддат фарқланади. Қиёслайлик: *Директорни кабинетида кўрдим* / *Директорнинг кабинетида кўрдим*. Иккала гап ҳам кимга кўрганлик ҳақидаги сўроққа жавоб бўлади, аммо айнан ан шу -ни ва -нинг кўшимчаларининг фарқланиши натижасидан икки хил маъно англашилади. Биринчи мисолдан директорнинг ўзини, иккинчи мисолдан эса бошқа бир кишини кўрганлик тушунилади. Шу сабабли ҳам уларни бир-бирдан фарқламасдан қўллашни меъёрнинг бузилиши деб тушунилса тўғри бўлади.

Нутқ жараёнида баъзан уларнинг фарқланмаслигида ёзувчи А.Қаҳҳор саводсиз бир санъаткор образини яратишда яхши фойдаланган. «Хизматчиси савод мактабида ўқиётган бир кишини тракторист саводсиз, деса алам қилмайдими? - деди санъаткор ўзича бўғилиб, - «лабингдан бўлса олсам, э шакарлаб», деганим у кишига ёқмабди, «бўлса» эмас, «бўса» эмаш! Ўзи билмайди-ю, менга ўргатганига кўяман! Сенга ўхшаган саводсизлар «бўса, бўмаса» дейди. Артист культурний одам – гапни адабий қилиб айтади «бўлса», «бўлмаса» дейди. Пожарни «гугуртни ерга ташламанг дейди, режиссёримиз эса «гугуртнинг ерга ташаманг» дейди. Қандай чиройлик! Пожарними, Пожарнингми? Шошма, нима учун пожарни? Пожарни, албатта!». Кичкина бир парчада нутқий бузилишлар анчагина: *бўса-бўлмаса, гургутни-гургутнинг, ташламанг-ташаманг, чиройли-чиройлик, пожарни-пожарнинг* каби. Улар нафақат сўз қўллаш, шу билан бирга, кўшимчаларни (*ни - нинг, ли - лик*, ҳатто *пожарни* сўзини

<sup>7</sup> Каримов Ф. Юқордаги асар, 34- бет.

ҳам ўзбекча англаб, тилимизга мослашган *-ний* ўрнида *-ни* на *-нинг* ни қўллаш) бузиб ишлатиш натижасида содир бўлган

Қаратқич келишиги баъзан қарашлилик, маъхум эгаллик маъносини англатадиган *-ники* дўшимчаси билан синонимик муносабатга киришади: *Самовий ва ердаги бор нарса Унингдир, кеча ва кундузга жо бўлган бор нарса Унингдир* (Қуръони Карим). Бу каби синонимлик бадий-тарихий асарлар тилида узраб турса ҳам, вазифа нуқтаи назаридан ҳозирги тилимизнинг бошқа услублари учун меъёр ҳисобланмайди.

Тушум келишиги қўшимчаси *-ни* нинг қўлланиш доираси анча кенг бўлган. Ғ.Каримов унинг *-н* шаклида ва белгисиз ишлатилиб келинганлигини таъкидлаш билан биргаликда, бу қўшимчани сўз таркибида ортиқча қўллаш (*Магбуот ёшларни тарбиялашда катта ўринни тутадилар*), жўналиш келишиги (*Ўз акасини ишламаса ҳам 48 меҳнат кунини ёзган*), чиқиш келишиги (*Йўллари нингизни лдашмангиз*), ўрин-пайт келишиги (*Раҳмат акамусо бақани ютиб чиқди*) ва қаратқич келишиги (*Ташкилотнинг мизини сифат томони*) вазифаларида ишлатиш 20-30- йиллар тили учун хос хусусият бўлганлигини кўрсатиб ўтган.<sup>8</sup>

Ҳозирги адабий тилимиз материаллари тушум келишигини қўллашдаги бу номувофиқликлар барҳам топиб, баъзи ҳолларда қаратқич келишиги билан фарқланмасдан ишлатилаётганлигини эътиборга олмаганда, *-ни* шаклида меъёрлашганини кузатамиз.

Вазифавий услублар нуқтаи назаридан қараганда унинг *-ни* шакли адабий асар тилида меъёрлашган ва қўлланиши бадийят талабига кўра ниҳоятда фаол: *Эрка маллак аччиғланмам сенга / Учирсанг-да кўкка қорак қулнинг /*

<sup>8</sup> Ғ.Каримов. Юқоридаги асар, 34-35-бетлар.

*Аччиғланмам сенга нозли кўёш, / Ёндирсанг-да умидимнинг гулини* (Фитрат). Қолган услубларда адабий меъёрлашган шаклда, масалан, сўзлашув услубида баъзан *нон едим, милтиқ отдим* каби белгисиз қўлланилади.

Бу келишик белгили-белгисиз қўлланишининг ўзбек тилида шундай меъерий ҳолатлари вужудга келганки, уларнинг бирини иккинчиси билан мазмун манфаати нуқтаи назаридан мутлақо аралаштириб бўлмайди. Масалан, *нон едим – нонни едим, от миндим – отни миндим, китоб ўқидим – китобни ўқидим* тарзида барабар ишлатилавериши мумкин бўлгани ҳолда, *қўл қўйди – қўлни қўйди, бола кўрди – болани кўрди, от қўйди – отни қўйди, милтиқ отди – милтиқни отди* бирикмаларини бир-биридан фарқлаш керак. Уларнинг ҳар иккала кўриниши ҳам тилда ўз ҳолича меъёрлашган ва бошқа-бошқа мазмунларга эга. Бу ҳақда Р.Қўнғуров шундай деган эди : «Тушум келишигидаги сўз ўзи алоқага киришган сўз билан шундай зич боғланадики, ҳатто баъзан улар ана шу феъллар составига сингиб кетганга ўхшайди. Кўпинча эса улар ўзини бошқарган феъл билан тамоман бирикиб кетадилар ва улар ўртасидаги синтактик алоқа йўқолади (яъни *бола кўрди, қўл қўйди* каби турғун бирикма ҳолига келади – С.К.). Натижада бирикма ягона қўшма сўзга айланади. Бу бирикма ягона қўшма сўзга айлангандан кейин уларнинг умумий маъноси сифатида бошқа маъно келиб чиқади».<sup>9</sup>

*-ни* ўрнида *-ми* нинг қўлланиши адабий тил меъерининг бузилиши ва шевачилик деб баҳоланиши керак : *Топ... топ... топберасизлар-а дубулғамми ?* (М.Мансуров). *Шоирри китоби; емасанг, заҳарри е* мисолларидаги *-ри* хусусида ҳам шу гапларни айтиш тўғри бўлади.

<sup>9</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975, 79-бет.



Тушум келишигининг ўрин-пайт, жўналиш, чиқиш келишиклари билан синонимиясига ҳам синчковлик билан қараш лозим. *Машинани миндим – машинага миндим* мисолида иккинчиси – жўналиш келишигининг қўлланиши, *эпакни миндим, отни миндим, машинани миндим, қайиқни миндим* ва, шу билан бирга, *эшакка миндим, отга миндим, машинага миндим, қайиққа миндим* дейиш мумкин бўлган ҳолда, *поездни миндим, кемани миндим, пароходни миндим, самолётни миндим, верталётни миндим* дейиш одат эмас. Нега шундай? Фикримизча, тушум келишиги ишлатилганда мишиш воситасини сўзловчининг ўзи бошқарган, жўналиш келишиги қўлланганда эса бу воситани бошқа бир киши бошқарган бўлиб чиқади. Бинобарин, ҳаракатнинг бажарилишида бу каби фарқлар мавжуд экан, уларни келишиклар ўртасида синонимия деб тушуниш тўғри бўладими ёки икки хил меъёрий ҳолат, дебми? Биз иккинчисининг тарафдоримиз.

Тушум ва чиқиш келишиклари муносабати ҳам таҳлил талаб: *Нонни енг – нондан енг, нонни олинг – нондан олинг. Нонни енг – унинг ҳаммасини енг, нондан енг – бир қисмини енг, нонни олинг – турган битта нонни олинг, нондан олинг – турган кўп нондан бир қисмини олинг.* Демак, уларнинг ҳар икки кўринишини ҳам алоҳида мазмун ифода этувчи меъёрий ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин.

Мана бу мисолни эса тушуниш осон бўлмади: *Айниқса шуниси туриб-туриб алам қилардики, б а ф р и д а г и л а р н и ҳамдардлашадиган кишиси йўқ эди* (Шарқ юлдузи, 1986, 8), *Муаллиф кўнглида бор гапларни дардлашадиган кишиси йўқ эди*, демоқчидир.

Жўналиш келишиги кўшимчаси – *га* ўзбек тилида *-ка, -қа, -га, -а, -на* сингари бир қатор фонетик ва лаҳжавий кўринишларга эга. Уларнинг қўлланилиши вазифавий услублар меъёри жиҳатидан фарқланади. *-га, -ка, -қа* адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шаклиларида, *-га, -а, -на* эса бадиий ус-

лубда ишлатилади: *укамга, мактабга / мактапка, қишлоққа, туфроғима, йўлингга, устина* каби.

-га нинг томон, сари кўмакчилари билан синонимик муносабатга киришиши ёзма нутқ учун асосий меъёр саналади: *Хоразм Жалолиддин хаёлидек қизиқ туш, / Таъбирга пар бермаса на бир пари на бир қуш, / Содда Г у р л а н с а р и бор, келар бир босиқ товуш : / "Кўнгилни кўтаргучи сабони кўрмоқ бўлсанг, / Бор Аму бўйларига, боргин дўстгинам* (О. Матжон).

Ғ. Каримов бу келишикнинг тушум келишиги (*Ҳар томонга томоша қилди*), чиқиш келишиги (*Дувёнинг бузилишига дарак берган*), ўрин-пайт келишиги (*...к о л х о з л а р ғ а чопиқ сифатсиз ўтаётир*) ўрнида қўлланиш ҳолларини таъкидлаб ўтган.<sup>10</sup> Ҳозирги тилимиз учун бу ҳолатлар меъёр саналмайди. Вақт ўтиши билан бу каби синонимик муносабатлар ўртасидаги маъновий фарқлар тобора ойдинлаша бораётганини кузатамиз: *бирлашмага бошляқ - бирон ташкилотнинг ўзига бошлиқ, бирлашмада бошлиқ - ташкилот қарамоғидаги бирон-бир бўлимга бошлиқ, институтда домла - институтдаги факультетдан бирида ўқитувчилик қилади, институтга домла - ҳам грамматик, ҳам услубий жиҳатдан меъёрнинг бузилиши, шевачилик*. Яна қиёслаймиз: *институтда ректор, институтга ректор*. Вазифа ифодалаш нуқтаи назаридан *ректор ва домла* сўзлари бир-биридан фарқ қилганлиги туфайли, *-га ва -да* ўртасидаги синонимия ҳам ўзига хос тарзда кечмоқда. Услубий ғализлик иккинчи ҳолатда сезилмайди. Институтни, айтайлик, университетдан ажратиб кўрсатишга хизмат қилаяпти, холос. Шу ўринда у қиймат жиҳатдан *-нинг* га тенг келиши мумкин: *институтга ректор, институтнинг ректори*.

Сўзлашув ва бадий услубларда унинг белгисиз қўлланишига меъёр сифатида қараймиз: *мактаб бордингми*

<sup>10</sup> Каримов Ғ. Юқоридаги асар, 37-бет.

(аммо уй бордингми эмас). *Мақтаб бордик, оғир бўлиб қолдик дафъатан* (А. Орипов). Аммо мана бу мисолдаги жўналиш келишигининг белгисиз қўлланишини меъёр деб бўлмайти: *Қизил сарбон бир далаларим қаради, бир мен қаради* (Т. Мурод).

Чикиш келишиги қўшимчаси 20-30 - йиллардаёқ -дан тарзида меъёрлаша бошлаганини Ф. Каримов кўрсатиб ўтган. Унинг олим келтирган *Ўзларидан гапиртириш дозим, Ўқитувчилар икки ойлик отпускadan анча дам оладилар, Тупроқдан қарасам, бир неча илонларнинг изи бор*<sup>11</sup> мисолларидаги тушум, ўрин, жўналиш келишиги вазифасида қўлланишлар ҳозирги адабий тилимиз учун ҳос эмас.

Бу келишикнинг -дин шакли ҳозирги пайтда фақат бадий услубда меъёрлашган. *Ватан севмакдинь ортиқ Менга оламда шиор бўлмас* (Э. Воҳидов).

Ўрин-пайт келишиги ҳам иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни ва пайтини билдирувчи восита сифатида тилимизда узоқ даврлардан бери ўз вазифасини бажариб келмоқда. Ф. Каримовнинг қайд қилишича, XX асрнинг бошларида унв қўллашда ҳозиргидан фарқ қилувчи томонлари бўлган : тушиб қолиш (*эски шаҳар ҳунарманл жуда кўп эди*), керак бўлмаганда ишлатиш (*У вақтда бобонгиз ҳам хаётда эдилар*), жўналиш (*Кўзда кўрсатиб*), чикиш келишиги (*масалалалар юзасида музокаралар бўлди*) ўринда<sup>12</sup> қўллаш каби. Ҳозирда эса бу қўлланишлар адабий тил учун меъёр эмас.

«Ўзбек тили стилистикаси» китобида -дининг -дан ва орқали кўмакчиси билан синонимик муқоабатга киришини айтиб ўтилади ва қуйидаги мисоллар келтирилади: *радио - да эълон қилди - радио орқали эълон қилди - радио дан эълон қилди*. Тушунишимизча, иккинчи ва учинчи

<sup>11</sup> Каримов Ф. Юқоридаги асар, 39-б.

<sup>12</sup> Каримов Ф. Юқоридаги асар, 40-б.

ҳолатда синонимия бор. Биринчиси эса оғзаки нутқдаги эътиборсизлик натижаси. Аммо *қўлда тарқатди, қўлда тарқатди, қўл билан тарқатди* дейилганда синонимия кузатилади.

Мана бу мисолда эса *-да* ва *-дан* муносабатларини ва фарқларини англаш яна ҳам қийин: *Х о л а м н и к и д а қолган рўмолимни олиб келаман деб бу ёққа чиққан эди* (А.Мажидий). «Холамникида қолган рўмолим»ми ёки «Холамникидан олиб келаман»ми? Биринчиси тўғри бўлса, *-дан*нинг ишлатилиши нотўғри, иккинчи фикр назарда тутилган бўлса, сўзларнинг жойлашиш тартиби бошқача бўлиши лозим эди.

Илмий адабиётларда эгалик қўшимчалари *-(и)м, -(и)нг, -и, -(с)и, -(и)миз, -(и)нгиз* эканлиги кўрсатилиб, уларнинг вариантлари кўп эмаслиги айтилади. Вариантларнинг озлиги эса уларнинг тилда меъёрлашишини осонлаштиради. Бу ўринда *бизнинг мактаб, сизнинг уй* сингари бирикмаларда ҳам *-нинг* туфайли англашиладиган эгалик мавжудлигини эътироф этган ҳолда, морфологик меъёр бузилганлигини айтиб ўтиш лозим. Албатта, бу нутқий, масалан, поэтик талаб билан бўлади ва услубий ғализлик ҳисобланмайди. *Ватаним маним, мактабинг сенинг, уйинг сенинг* бирикмалари тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Бу ерда ҳам поэтик матн талаби билан аниқловчи-аниқланмиш ўзаро ўрин алмашади.

Сўзларда баъзан *П* шахсда эгалик ва кўплик қўшимчалари ёнма-ён келади : *китобларинг, китобларингиз каби*. Оғзаки нутқда баъзан *китобинглар* сўзи ҳам кулоққа чалиниб қолади. Бу ерда кўплик маъносини бераётганими ёки ҳурмат маъносиними? Одатда ҳурмат маъноси инсонларга нисбатан билдирилади : *опаларим – опамлар, оналарим – онамлар, тоғаларим – тоғамлар* мисолларидаги биринчи сўздаги *-лар* кўплик, иккинчисидagi эса ҳурмат маъносини англатмоқда. Бунинг устига ҳурмат сўзловчининг ўзидан

ёши катталарга нисбатан эканлиги ҳам сезилиб туради. Яна қиёслашда давом этамиз : *укаларим – укамлар, сингилларим – синглимлар, жиянларим – жиянимлар* мисолларидаги иккинчи сўзларда қўшимчаларнинг жойлашиши гализроқ ва улар нутқда ҳурматни билдириш мақсадида шу тарзда қўлланилмайди. Нутқда уларга нисбатан эркалаш маъқул кўринади ва меҳрибонликни ифодалашнинг махсус воситалари бор. Масалан: *укажонларим, сингилжонларим, жиянжонларим* каби. Шундай экан, *синглинглар, жиянинглар, китобинглар, мактабинглар* деб ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас. «Ўзбек тили грамматикаси»да айтилган мана бу фикр ҳам мулоҳазанинг тўғрилигини тасдиқлайди : «Асли ҳурмат формаси эгалик аффикси таркибидаги сон кўрсаткичини ўз ўрнидан ортга томон силжитиш натижасида юзага келган деб изоҳлаш мумкин : аввал эгалик аффиксининг иккинчи қисми ҳолатида бўлиб, кейин эса эгалик аффиксининг ҳар икки қисмидан сўнг қўшилувчи аффикс ҳолатига ўтган»<sup>13</sup> Ўзбек тилида морфологик кўрсаткичлар орасида *-ча, -гина, -чоқ, -чак, -чиқ, -лоқ, -жон, -хон* сингари субъектив баҳо шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар «асосан, оғзаки сўзлашув нутқи учун хос бўлган ҳодисадир. Бадий асар тилида тез-тез учраб турувчи бу формаларни ҳам оғзаки сўзлашув нутқи учун хос бўлган элементлар сифатида қараш маъқул»<sup>14</sup> Шундай экан, уларни бошқа вазифавий услубларда меъёр сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Ё.Тожиёвнинг «Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси» асари ҳам от сўз туркуми доирасидаги меъёрий ҳолатларни белгилашда ишончли манба саналади. Масалан, биргина *-чи* аффиксининг *-фуруш, -соз, -каш, -кор, -боз, -паз, -шунос, -гўй, -хўр, -дор, -навис, -парвар, -дўз,*

<sup>13</sup> Ўзбек тили грамматикаси, 1 том, 188-бет.

<sup>14</sup> *Шомақсудов А.* ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси, 103-бет.

-*бон*, -*хон*, -*параст* каби қўшимча ва аффиксоидлар билан синонимик муносабатга киришиши мумкинлиги, улар қайси сўзлар қўшилганда меъерий ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги семантик-услубий жиҳатдан бой фактик материаллар асосида кўрсатиб берилган : *туячи* – *туякаш* – *туябон*, *кирачи* – *киракаш*, *кемачи* – *кемакаш*, *меҳнатчи* – *меҳнаткаш*, *тилчи* – *тилшунос*, *қонунчи* – *қонуншунос*, *дўппичи* – *дўппифуруш* – *дўппидўз*, *ҳолвачи* – *ҳолвафуруш*, *муқовачи* – *муқовасоз*, *тунукачи* – *тунукасоз*, *сомсачи* – *сомсапаз*, *мантичи* – *мантипаз*, *маслаҳатчи* – *маслаҳатгўй*, *қасидачи* – *қасидагўй*, *этикчи* – *этикдўз* кабилар.<sup>15</sup>

Мисоллар таҳлилидан келиб чиқиб, сифат сўз туркуми доирасидаги грамматик бирликлар анчагина меъёрлашганлигини айта оламиз. Уларда фақат қўлланишдаги услубий фарқларни ажрата билиш лозим. Масалан, сифат ясовчи қўшимчаларнинг асосий қисми умумистеъмолдаги бирликлар бўлиб, барча услубларда ишлатилса-да, -*дор*, -*кор*, -*манд*, -*омуз*, -*параст*, -*парвар*, *ба-*, *сер-*, *но-* лар адабий тилда сўзлашувчилар нутқида, -*ий*, -*вий*, -*ган*, -*симон*, -*он*, -*ик*, -*ив*, -*ал*, -*шунос* аффиксларининг илмий, оммабоп ва расмий услубларда бир мунча фаоллиги сезилади. Бадиий услубда эса – *лик* қўшимчасининг -*лиқ*, -*лиғ*, -*луқ*, -*луғ* каби вариантлари ажралиб туради.<sup>16</sup> Бинобарин, вазифавий услублар нуқтаи назаридан улар ана шу тарзда меъёрлашган.

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътиборни қаратиш зарурияти бор. Айниқса, сўзлашув нутқида отларга қўшилиб, сифат ясайдиган –*ли* ва турли сўз туркумларига қўшилиб от ясайдиган –*лик* қўшимчасини бир-биридан фарқлаймиз : *айтарли* – *айтарлик*, *бандли* – *бандлик*, *деярли* – *деярлик*, *даста-*

<sup>15</sup> Тоғжиев Ё. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синовимияси. – Тошкент, 1987, 12-62-бетлар.

<sup>16</sup> Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд, 1992, 53-54-бетлар.

ли – дасталик, жиддли – жиддлик, саллали – саллалик, сербаргли – сербарглик, серзардали – серзардалик, фарзандли – фарзандлик, ширали – ширалик, ҳафтали – ҳафталик каби. Уларнинг вазифалари ва аниқлашган маънолари хусусида ҳар бир мисол асосида гапириш мумкин.<sup>17</sup>

Сонлар ўзбек тилида озчиликни ташкил қилади (улар 23 та). Шунинг учун ҳам бу сонларнинг морфологик меъёри хусусида сўз юритиш осон кечади. Лекин сонларни маъно ва грамматик жиҳатдан фарқлашга хизмат қиладиган *-та, -ов, -ала, -лаб, -ларча, -(и)нчи* каби махсус шакл ясовчи қўшимчалар мавжудки, уларнинг сонларга қўшилишида ўз меъёрлари бўлиб, ана шу меъёрий ҳолатларни бир-бирига аралаштирмаслик лозим бўлади. Масалан, *-та* ва *-(и)нчи* қўшимчалари ўзбек тилидаги барча сонларга қўшилади ва бу меъёр саналади. *-ов* қўшимчаси *икки, уч, тўрт, беш, олти, етти* сонларига қўшилади ва жамлик маъносини билдиради. *Бир* сонига қўшилганда эса сонлик доирасида чиқиб, олмошга ўтади.<sup>18</sup> Унинг бошқа сонларга қўшилиши меъёрнинг бузилиши саналади. *-ала* қўшимчаси ҳам иккидан еттигача бўлган сонларга қўшилади. Қолган ҳолатларда меъёр бузилади.

Саноқ сонларга қўшиладиган ва чамани билдирадиган *-лаб, -ларча, -тача* қўшимчалари ҳам одатда *ўн* дан бошлаб *юз, минг, миллион* каби йирик миқдордаги сонларга қўшилади.<sup>19</sup> *Олтилаб, олтиларча, олтитача, ўн биртача, ўн бирлаб, ўн бирларча* дейиш ўзбек тилида одат эмас. Чунки бирдан *ўн*гача бўлган сонларда аниқлик маъноси кучлидир.

Олмошлар меъёрига келганда Ф.Каримовнинг «Совет даври ўзбек адабий тили тараққиёти» асарига таяниб айтиш

---

<sup>17</sup> Фуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем лугати. – Тошкент, 1977, 428-429-бетлар.

<sup>18</sup> Бу ҳақда яна қаранг : Ўзбек тили грамматикаси, 1 том, 327-бет.

<sup>19</sup> Ўзбек тили грамматикаси, 1 том, 324-бет.

мумкинки, кейинги юз йилликда жиддий ўзгаришлар содир бўлган эмас. Фақат *у, бу, шу* кўрсатиш олмошларининг таркибиде асримиз бошларида битта –*н* товуши орттирилиб, меъёр саналган *он* – *онинг* (*онларнинг, они*), *онларни, онга/онларга, онда/онларда, ондан/онлардан; бун* – *бунинг/бунларнинг, бунни/бунларни, бунга/бунларга, бунда/бунларда, бундан/бунлардан; шун* – *шунинг/шунларнинг, шунни/шунларни, шунга/шунларга, шунда/шунларда, шундан/шунлардан, мун* – *мунинг/мунларнинг, муни/мунларни, мунга/мунларга, мунда/мунларда, мундан/мунлардан* сўзларининг кўпликни ифодаловчи ҳамда му билан бошланувчи шакллари ҳозирги адабий тилимизда тамоман қўлланмаслигини, фақат бирликда қўлланадиган *бунга, бунда, бунда, шунга, шунда, шундан* шакллари сақланиб қолганлигини кузатамиз.

Олмошларнинг қўлланилиши барча вазилавий услубларга хос. Шу билан бирга, уларнинг бири ўрнида иккинчисининг қўлланилиши айрим услубий чегараланишларни, ҳосликларни келтириб чиқаради. Масалан, илмий услубда *мен* ўрнида *биз* ишлатилади ва у камтарлик аломати саналади : *Зеро, ҳар бир фикримиз исботи учун бадий адабиётдан кўплаб мисоллар келтиришга ҳаракат қилдик ёки М.Н.Кожина морфологик синонимларнинг ҳаммасини стилистик синоним сифатида қараш мумкин эмас демоқчи бўлса, биз унга қўшламиз* (Р.Қўнғуров). Илмий услубда *биз* сўзи камтарлик ифодаси сифатида меъёр саналса, сўзлашув ва бадий услубда мақтанчоқлик, ўзини катта олиш маъносиде меъёр саналади : - *Ма, ич, амир, - деди ва кулди. – Билиб қўй, б и з д а й амирул-мўмин қўлидан ёлғиз сен май ичурсен* (О.Ёкубов).

Кўринадик, ҳатто бир сўз мисолида бир услуб учун меъёр ҳисобланган ҳолат иккинчи бир услубга мос келмайди.

Меъёрнинг, шу ўринда олмошни қўллашдаги грамматик меъёрнинг атайлаб бузилиши бадий адабиёт тилида



кучли услубий воситага айланиши мумкин. Масалан, К.Яшиннинг «Нурхон» пьесасида ҳамиша хотинини сенлаб гапирадиган Ҳожки бир ўринда унч сизлайди ва бу усулни нутқий вазиятдаги ҳолат ва кайфиятни ифода этишнинг фавқулодда кучли қуролига айлантиради:

К и м ё. Жон отаси, қизимга раҳм қилинг. Ёш нарсани сил қилиб, ажалидан беш кун бурун ўлдирманг!

Ҳ о ж и. Овозингизни кўтарманг, жим... Эшитилади!!

К и м ё. Етти ухлаб тушига кирмаган кунларни кўрадимиз энди шўрлик қизим...

Ҳ о ж и. Жим!! ...Гап битта, индинга тўй, бу ҳақда бирровга оғзингизни оча кўрманг! Шу кундан бошлаб хотиним касал, деб гап тарқатаман, агар бирор нарса пайқаб қолсам, ортага хотиним ўлди, деб овоза қилиш ҳам қўлимдан келади! Уқдингизми, айланай хотин!..

Йирик сўз туркумларидан саналадиган феълнинг қўлланишида меъёрий ҳолатларни белгилаш катта тадқиқотларни талаб қилади. Бу ўринда биз ишнинг ҳажмини ҳисобга олиб, айрим феъл кўрсаткичлари мисолида меъёрий бузилишларнинг юз беришини ва бунинг нутқда салбий натижаларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб ўтамиз, ҳолос.

Нутқда, айниқса сўзлашув жараёнида ўзаро фарқланмайдиган *-каз* ва *-қаз* қўшимчаларини олиб кўрайлик. «Ўзбек тили грамматикаси»нинг феълга бағишланган қисмида ҳам, А. Фуломов, А. Тихонов, Р. Қўнғуровларнинг «Ўзбек тили морфем лугати» да ҳам улар *-газ* қўшимчасининг вариантлари, феълнинг орттирма даражасини кўрсатувчи бирликлар сифатида талқин қилинади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Аммо улар бу вазифани алоҳида - алоҳида олинган сўзларда бажаради. *Кетказмоқ*, *битказмоқ* дейилиш мумкин бўлган ҳолда *кетқазмоқ*, *битқазмоқ* дейиш меъёرنинг бузилиши саналади.

Шу ўринда бир мисол характерли ҳисобланади. Бу кўшимчалар бир сўз ўзагига кўшилиши ҳам мумкин: *ўтказ-ўтқаз* каби. Аммо бу юқоридаги фикрни инкор қилмайди. Чунки улар бу ерда ҳам бир хил грамматик вазифани бажармоқда. Айни пайтда, сўзлардаги маъно икки хил: *ўтқазмоқ - электр симларини ўтқазмоқ, ўтқазмоқ - дарахт кўчатларини ўтқазмоқ*. Бу икки хиллик аслида *-газ* кўшимчасининг юқоридаги вариантлари билан эмас, балки сўз ўзагидаги маънолар билан боғлиқ. Омонимлик ҳолатни юзага келтирган *ўт* сўзи биринчи ҳолатда *ўтиш* (ў юмшоқ, тил олди), *ўтиртириш/ўтиргизиш* (ў қаттиқ, тил орқа) ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда юзага келгандир. *Ў* товушининг икки хил талаффузи нафақат маънонинг, шу билан бирга, унинг иштирокидаги сўзга кўшиладиган кўшимчанинг ҳам фарқланишига олиб келган. Ана шунинг учун ҳам уларни фарқламасдан ишлатиш маънонинг, бинобарин, меъёрнинг бузилишига олиб келади.

Таҳлилни давом эттираемиз. Шу ўринда *-каз, -қаз* кўшимчаларининг бир кўриниши сифатидаги *-кар, -қар* (аммо бу *мискар* сўзидаги *-кар* эмас, у аслида *мисгар*) кўшимчасини ҳам эслашга тўғри келади. Чунки луғатларда *битқазмоқ-битқармоқ, ўтқазмоқ-ўтқармоқ, чиқазмоқ-чиқармоқ, қутқазмоқ-қутқармоқ* каби вариантлар мавжуд.<sup>20</sup> Аммо бу кўшимча ҳақида номи юқорида тилга олинган икки адабиётда ҳам ҳеч нарса дейилмаган. Бу нарса уни *-каз / -қазнинг* диалектал вариантини сифатида тушунишимизга асос бўлди.

Мисоллар таҳлили бу кўшимчанинг ҳамма вақт ҳам *-каз* ва *-қаз* нинг ўрнини боса олмаслигини кўрсатади. Чунки уларни юқоридагидай тарзда ишлатиш мумкин бўлгани

<sup>20</sup> *Иброҳимов С., Бегматов Э., Аҳмедова А.* Ўзбек тилининг имло луғати - Тошкент: ФАН., 1976; *Қўнгуоров Р., Тихонов А.* Ўзбек тилининг чаппа луғати - Самарқанд, 1968.

ҳолда *кетқармоқ*, *ютқармоқ*, *ўтқармоқ* деб ишлатиш жоиз эмас. Шу сабабли улар луғатларда ҳам акс этмаган.

Айни пайтда яна бир нарсани таъкидлаб қўйиш лозимки, *-кар/-қар* қўшимчаси айрим сўзлар мисолида тилимизда *-каз/-қаз* га нисбатан турғунлашиб ва фаоллашиб бормоқда: *Онадек тугма азобларни, очликларни ўтқарди - нгиз* (Н. Қобул). Бу ҳол айниқса *чиқармоқ* ва *қутқармоқ* сўзларида яққол сезилади. Масалан, Зулфия «Асарлар» тўпламининг II томлигида *қутқармоқ* ни 7 марта, *чиқармоқ* ни 14 марта қўллагани ҳолда, *қутқазмоқ* ва *чиқазмоқ* сўзларини қўллаган эмас.<sup>21</sup>

Энди бир неча оғиз сўз *-лан* ва *-лаш* қўшимчалари хусусида. Улар аслида *-ла+н*, *-ла+ш* шаклида бўлиб, биринчиси сифат ва сонларга қўшилиб, феъл ҳосил қилади ва олатда ўзлик даражада бўлади: *шолланди*, *отланди*, *тингланди* каби. Иккинчиси биргалик даражадаги феъл ҳосил қилади: *ёрдамлашмоқ*, *гаплашмоқ*, *хайрлашмоқ* сингари.<sup>22</sup>

Аммо, бу ўринда гап бутунлай бошқа масалада - уларнинг ўзаро синонимлашуви борасида кетаяпти. «Ўзбек тили грамматикаси»да «Ўзлик даража формаси асосан - *(и)н*, баъзан - *(и)л* аффикси ёрдамида объектли феъллардан ясалди: *ташланмоқ*, *мақтанмоқ*, *қўшилмоқ* ва бошқалар. Бириккита феълдагина ўзлик даража формасинини - *(и)ш* аффикси ёрдамида ясалиши учрайди: *жойла - жойлаш*, *кер - керил* каби» дейилган.<sup>23</sup> Аммо тил материаллари бундай ҳолатларнинг ҳам анчагина эканлигини кўрсатади: *асабийланмоқ* - *асабийлашмоқ*, *бутунланмоқ* - *бугунлашмоқ*, *вахшийланмоқ* - *вахшийлашмоқ*, *дадилланмоқ* - *дадиллашмоқ*, *енгилланмоқ* - *енгиллашмоқ*, *ёвузланмоқ* - *ёвузлашмоқ*,

<sup>21</sup> Қўнғуров Р., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1981, 210 ва 259-б.

<sup>22</sup> Фуломов А. ва бошқ. Ўзбек тили морфем луғати, 427 -б.

<sup>23</sup> Ўзбек тили грамматикаси, 1 том, 445-446-бет

жарангсизланмоқ - жарангсизлашмоқ, жойланмоқ - жойлашмоқ, жипсланмоқ - жипслашмоқ, жуфтланмоқ - жуфтлашмоқ, зичланмоқ - зичлашмоқ, лойланмоқ - лойлашмоқ, лойқаланмоқ - лойқалашмоқ, мойилланмоқ - мойиллашмоқ, мосланмоқ - мослашмоқ, мувофиқланмоқ - мувофиқлашмоқ, ойдинланмоқ - ойдинлашмоқ, равшанланмоқ - равшанлашмоқ, руҳсизланмоқ - руҳсизлашмоқ, разилланмоқ - разиллашмоқ, соғломланмоқ - соғломлашмоқ, суюқланмоқ - суюқлашмоқ, соддаланмоқ - соддалашмоқ, сийқаланмоқ - сийқалашмоқ, секинланмоқ - секинлашмоқ, тарангланмоқ - таранглашмоқ, тетикланмоқ - тетиклашмоқ, такомилланмоқ - такомиллашмоқ, тезланмоқ - тезлашмоқ, тартибланмоқ - тартиблашмоқ, тартибсизланмоқ - тартибсизлашмоқ, уланмоқ - улашмоқ, узоқланмоқ - узоқлашмоқ, увоқланмоқ - увоқлашмоқ, хасталанмоқ - хасталашмоқ, хосланмоқ - хослашмоқ, харобаланмоқ - харобалашмоқ каби.

Сўзларнинг ана шу шакллари имло лугатларда ўз ифодасини топган ва уларда ўзлик нисбатда қўлланилаётган *-лан/-лаш* қўшимчаларини синонимлар сифатида қараш, бинобарин, бундай қўлланишларни меъёрий ҳолат сифатида англаш мумкин.

Аммо уларнинг қўлланилишида *айланмоқ - айлашмоқ, аччиқланмоқ - аччиқлашмоқ, ишқаланмоқ - ишқалашмоқ, судланмоқ - судлашмоқ* сингари ҳолатлар борки, уларда юқоридаги қўшимчаларни ўзаро синоним сифатида қараш мумкин бўлмайди. Чунки сўзларнинг маъносидаги ва феъллар нисбатидаги икки хиллик бунга имкон бермайди. *Гавдаланмоқ, фойдаланмоқ, шодланмоқ, ривожланмоқ* ҳамда *қудалашмоқ, сизлашмоқ, розилашмоқ, кўмаклашмоқ* сўзларида эса мазкур қўшимчаларнинг ўрнини алмаштириш ҳам мумкин эмас. Агар шундай қилинса, меъёр бутунлай бузилади.

*-лан/-лаш* қўшимчалари масаласида учинчи бир нозик жиҳатга ҳам эътибор қилишга тўғри келади : *текисланмоқ -*

*текислашмоқ* сўзларини олиб қарайлик: *ер текисланди*, *ер текисланди* гапларида ер ўз-ўзидан текис бўлиб борган ёки текис бўлиб қолган маънолари англашилади. Бунда ҳар иккала қўшимча ўзлик нисбати маъносини беради. *Ерни текислашди* гапида маъно ҳам, нисбат ҳам ўзгаради. Демак бу ўриндаги *текислашмоқ* ни биринчи гаптаги *текислашмоқ* билан бир нарса деб бўлмайди. Яна бир жиҳатга эътибор берайлик – *ер текисланди*. Бу гаптаги –*лан* да мажхуллик ҳам бор. Шундай экан бу қўшимчаларнинг меъёрийлик даражасини белгилаш анча қийин кечади. Аммо у белгиланиши лозим. Чунки бу ҳам тилимизнинг нутқ жараёнидаги имкониётларини кўрсатишга хизмат қилиши табиий.

Ўзбек тилида равишлар услубияти ва меъёри ҳақида олимларимиз ҳалигача ўз мулоҳазаларини билдиришган эмас. Бунинг сабаблари бор, албатта. «Равишнинг асосий белгиси унинг ўзгармаслигидир,- дейилади «Ўзбек тили грамматикаси»да,- яъни равиш бирор сўз билан боғланиб, бирикма ҳосил қилганда, ўз формасини ўзгартирмайди, ҳеч қандай сўз ўзгартувчи аффикс олмайди».<sup>24</sup>

Равишлардаги ана шу ўзгармаслик унинг қўлланишидаги услубий хилма-хиллик бўлишини чегаралайди. Шу билан бирга, уларнинг нутқ жараёнидаги меъёрлашишини, турғунлашишини осонлаштиради.

Шунга қарамасдан, айрим мисоллар ёрдамида равиш сўз туркумига оид сўзларда ҳам меъёр муаммолари мавжудлигини кузатиш мумкин. Чунончи форс-тожик тилидан кириб келган –*она* қўшимчасининг ишлатилиши мисолида ана шу масала мавжуд. Бу қўшимчанинг ўзбек тилидаги –*лар* ва –*часига* қўшимчаларига тенг келиши илмий адабиётларда қайд қилиб ўтилган.<sup>25</sup> Дабдурустдан қараганда шундайлиги ҳам тўғри. Аммо қатор мисолларни таҳлил қилиб, тил факт-

<sup>24</sup> Ўзбек тили грамматикаси, 1 том, 528-бет.

<sup>25</sup> Ўзбек тили грамматикаси, 1 том, 532-бет.

ларини меъёр призмасидан ўтказга бошлагандан сўнг бу қарашнинг айрим изоҳгалаб ўринлари ҳам маълум бўлиб қолади. Мисолларга мурожаат қиламиз: айёрона – айёрларча – айёрча – айёрчасига, бедабона – бедабларча, биродарона – биродарларча, баҳодирона – баҳодирларча, ботирона – ботирларча – ботирчасига, гўдакона – гўдакларча – гўдакчасига, дўстона – дўстларча – дўстчасига, золимона – золимларча, иблисона – иблисчасига – иблисларча, мағрурона – мағрурларча, мардона – мардларча – мардчасига, мастона – мастча, мағрурона – мағрурчасига, моҳирона – моҳирларча – моҳирчасига, паҳлавонона – паҳлавонларча, тажовузкорона – тажовузкорларча, фирибгар – фирибгарларча – фирибгарчасига, фақирона – фақирларча, хоинона – хоинларча, қаҳрамонона – қаҳрамонларча – қаҳрамончасига каби вариантлар тилимизда яшаб келаётганлиги имло лугатларда қайд этилган. Аммо адибона, бадбахтона, бетарафона, донишмандона, дилбарона, диловарона, девкорона, жоҳилона, жинояткорона, жасурона, зоҳидона, заифона, игвогарона, исёнкорона, камгарона, лутфкорона, мулойимона, маъсумона, мажнунона, музаффарона, маккорона, мутакаббуруна, муғомбирона, маъюсона, намойишкорона, ожизона, одилона, ошкорона, оқилона, пайгамбарона, разилона, риёкорона, ситамкорона, санъаткорона, ташаббускорона, такаббуруна, фидокорона, холоскорона, хиёнаткорона, холисона, эҳтиёжкорона, гойибона, голибона, гарибона каби сўзларга –ларча, -часига қўшимчаларининг қўшилишини ўзбек тили имло ва морфем лугатларида учратмадик. Бундан ана шу сўзлар доирасида улар синоним эмас экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Фақатгина шу нарсани таъкидлаш зарур бўладики, мисоллар таҳлилида бу уч қўшимча синонимиясида нутқий меъёр асосий ўринга чиқиши маълум бўлиб қолади.

Бошқача айтганда, бу сўзларнинг деярли барчасига, фақатгина *ошкор* ва *гойиб* сўзларини истисно қилган

қолда, *-ларча* кўшимчасини кўшиш тўғри бўлади ва уларнинг ишлатилишини меъёр ҳисоблаш мумкин. Лекин *-часига* кўшимчаси ҳақида бу гапни айтиш ҳамма вақт ҳам тўғри эмасдай, кўринади. Мас., биз нутқимизда сўзларни, гарчи грамматик жиҳатдан кўпол хато ҳисобланмаса-да, *бадбахтчасига, бетарафчасига, гўдакчасига, дадилчасига, жохилчасига, шифчасига, муҳибчасига, мулойимчасига, масъумчасига, муваффарчасига, маъносчасига, намойишкорчасига, ожизчасига, ошкорчасига, оқилчасига, олимчасига, разилчасига, ситамкорчасига, тажовузкорчасига, хоинчасига, холисчасига, гойибчасига, гарибчасига* тарзида қўлланган одатланган эмасмиз. Айрим ҳолатларда баъзи шахслар ва бадий адабиёт тилида қўлланганда ҳам уларни оммалашган, бинобарин, меъёрлашган деб айтиш қийин.

Бу кўшимчаларнинг ишлатилишида баъзан юқорида айтилганларнинг аксини кўриш ҳам мумкин. Мас.: *деҳқончасига, деҳқонларча* тарзида тилимизда фаол ишлатилиши билан бирга *деҳқонона* дейиш меъёрлашган эмас.

Маълум бўладики, чегараланган тарзда бўлса-да, равишлар меъёри ҳақида ҳам сўз юритиш мумкин. Уларнинг меъерий ҳолатларини белгилашда худди бошқа сўз туркумларида бўлгани сингари, матн - нутқий жараён ҳал қилувчи вазифани ўтайди.

Шундай қилиб, юқорида билдирилган мулоҳазалардан хулоса қилишимиз мумкинки, тилимиз морфологик шакллари-нинг сўзлардаги ясалиш, шакл ҳосил қилиш ва ўзаро грамматик муносабатларга киришиш имкониятининг кенглиги табиий равишда айрим меъерий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

### *Адабиётлар:*

*1. Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси.- Тошкент, 1973.*

2. *Каримов С.* Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд, 1992.

3. *Каримов Ф.* Совет даври ўзбек адабий тили тарқиети. – Тошкент: Фан, 1985.

4. *Тожиев Ё.* Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси. – Тошкент, 1987.

5. *Шомақсудов А.* ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент, 1983. Ўзбек тили грамматикаси, 1 том. – Тошкент, 1975.

6. *Қўнғуров Р.* Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975.

7. *Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонov Т.И.* Нутқ маданияти асослари, 1-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1985.



## ГРАММАТИК МЕЪЁР. СИНТАКТИК МЕЪЁР

Р е ж а:

1. Синтактик меъёр тушунчаси.
2. Гап қурилишининг синтактик меъёри.
3. Инверсия.
4. Синтактик меъёрнинг вазифавий чегараланганлиги.
5. Бадий матнда синтактик меъёр.
6. Поэтик синтаксис.
7. Илмий, сўзлашув услубларида меъёр.

*Таянч сўз ва иборалар : Синтактик меъёрнинг амал қилиш доираси. Сўз бирикмаларида, гапда сўз тартиби. Тўғри тартиб. Инверсия. Наср ва назмий матн ва меъёр. Услублар ва гап қурилиши.*

Синтаксис доирасида меъёрнинг амал қилиниши деганда, аввало, грамматик жиҳатдан тўғри тузилган нутқни кўз олдимизга келтирамиз. Грамматик жиҳатдан тўғри бўлишлик гап таркибидаги сўзларнинг ўзаро мазмуний мувофиқ келишига – валентлигига боғлиқ бўлади.

Бу хусусият, айниқса сўз бирикмаларига тегишли бўлиб, улар таркибидаги семантик ва грамматик алоқанинг кучлилиги, улардаги аъзолар яхлит ҳолда гап таркибида парадигма ҳосил қилиши ана шу аъзолар ўртасидаги алоқаларнинг турғунлигини, бинобарин, меъёрнинг мунтазамлигини тақозо қилади.

Ана шу мунтазамлик тилимиз бойлигининг турғун бирикмалар деб аталадиган қисмида мавжуд ва улар асрлар давомида тилимизда деярлик ўзгаришга учрамасдан *абжағини чиқармоқ, авжига минмоқ, авзойи бузилмоқ, адабини емоқ, эди-бади айтишмоқ, амалга оширмоқ, асабга тегмоқ* тарзида қўлланилиб келинмоқда.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керакки, улар ҳам ўрни билан ўзгаришларга учраши мумкин. Бадий нутқ ва сўзлашув нутқида шундай ҳолатларга дуч келамиз. Мас., бадий нутқда муаллифни тилда мавжуд бўлган тургун бирикманинг айнан шу ҳолати қаноатлангирмайди, деб ҳисоблайлик. Шундай пайтда у ўз фикри ёки ҳиссиётини тўлароқ ифода этиш учун бирикмани қисман ўзгартиришларга учратиб ишлатади ёки мавжуд қолиш асосида янгиларини яратади. «Одатда, - дейди А.Мамамов. - тилда мавжуд фразеологик бириклар образи асосида яратилган фразеологик характердаги сўз бирикмаларида норма доирасидаги фразеологизмларнинг структураси ва унинг умумий компонентлари сақлашиб қолади. Шунингдек, асл фразеологик бирикшнинг умумий маъноси ҳам окказионал вариантда ўз ифодасини топади».<sup>1</sup> Шундан сўнг улар қиёсланади : *меъёрий вариант – муаллиф варианты : хотин деб қўйнимга солганим илон бўлиб чиқди – булбул деб қафасга солганим олақарга бўлиб чиқди; билдим дедим тутилдим, билмадим дедим кутилдим – қатиқ ичган кутулди, айрон ичган тутилди; тили қичимоқ – тилини бурга чақмоқ; жанжал бошлаган Турдали, калтак еган Бердали – аравани от тортаркан-у, ит ҳансираркан; жоним-жоним деб жонини олмоқ – бошини қашлаб туриб қорнига муштламоқ каби.*

Бу ҳолатларни грамматик меъёрнинг бузилиши деб бўлмайди. Демак, сўз бирикмаларидаги меъёрий ўзгаришларни тургун бирикмалар таркибидан ахтариш тўғри эмас. Айни пайтда, юқоридаги ўзгаришларни фразеологик меъёрнинг бузилиши деб қарашга ҳам шошилмаслик керак. Чунки уни қўлланиш жараёнининг ўзи белгилаб беради. Агар тавсия этилган, яратилган янги вариант нутқда эриш туюлса, муомалада эммалашмасдан, лугатга кирмасдан қолиб кетаве-

<sup>1</sup> *Мамамов А.Э.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991, 266-267-бетлар.

ради. Бинобарин, тилимиз меъёрий бузилишдан сақланиб қолади. Мабодо қабул қилиниб, оммаланиса, уни меъёрлашди деб ҳисоблашга асос пайдо бўлади.

Эркин сўз бирикмаларининг битишувли, бопқарувли, мослашувли шакллари мавжуд. Улар орасида битишувли бирикмалар меъёрга муносабати билан ажралиб туради. От+от типигаги бирикмаларни олиб қарайлик : *кумуш қошиқ, мовут чакмон, чилвир белбоғ, зар дўппи, гишт девор* каби. Бу бирикмалар онгимизда *кумуш (мегалл)дан ясалган қошиқ, мовут (материал)дан ясалган чакмон, чилвир (арқон)дан бўлган белбоғ, зардан тикилган дўппи, гишtdан қурилган девор* тарзида шаклланади. Аммо уларни айнан шу тарзда қўллаш меъёр саналмайди. Тилдаги тежамкорлик, қисқаликка интилиш қоидалари уларни дастлаб қўллаган шаклларда айтиш ва ёзишни тақозо қилади.

Нисбий сифат + от типигаги бирикмалар орасида уларнинг юзага қелишига хизмат қилувчи – *ли* қўшимчали шакллари мавжуд: *мазали овқат, ақлли одам, кулгили ҳолат, ғайратли йигит* каби. Бу бирикмаларнинг аниқловчи қисми икки аъзодан иборат бўлган кўринишлари ҳам учрайди: *ўткир тигли пичоқ, қора кўзли бола, жигар рангли сумка, ўта ақлли одам, жуда ғайратли аёл, пиҳоятда кучли шамол* сингари. Уларнинг бир қисмини белгисиз – *ўткир тиг пичоқ, қора кўз бола, жигар ранг сумка* тарзида қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, иккинчи қисмини бундай қўллаш мумкин бўлмайди, меъёр бузилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, белгили-белгисиз ҳолатларнинг нутқда ўзаро ўрин алмашилиб қўлланиши грамматик меъёр нуқтаи назардан мумкин бўлса-да, услубий меъёр жиҳатдан улар бир-биридан фарқланади. «Ўзбек тили грамматикаси» да бу фикрни тасдиқловчи бир таҳлил келтирилган: *қора кўзли (бола)* умуман боланинг кўзи қора, лекин *қора кўз (бола)* бирикмаси ўзаро жипслашганда, рангни эмас, бутун бир тушунча – гўзалликнинг белгисини ифодаловчи

қўшма сўздир.<sup>2</sup> Бу таҳлилни бошқа мисоллар асосида ҳам давом эттириш мумкин.

Бошқарувли ва мослашувли бирикмаларда ҳам белгилли ва белгисиз ҳолатларга дуч келамизки, уларга грамматик меъёр қоидалари асосида муносабат билдириш мумкин. Масалан, жўналиш келишиги учун асосан белгили ҳолат меъёр саналади: *ватанга муҳаббат, дўстга ишонч, хўжалик раҳбар, оилага бош каби*. Фақат айрим ҳолатлардагина белгисиз қўлланиши мумкин: *Кунларимиз жилғалардай ўтдила оқиб, / М а к т а б б о р д и к – о г и р бўлиб қолдик дафъата* (А. Орипов).

Мана шундай белгисиз қўлланиш қаратқич ва тушум келишиклари учун ҳам меъёр саналиши тилимизда кўп учрайди: *мактаб боғи, синф журнали, китоб варағи, орден лентаси, китоб ўқимок, кино кўрмоқ, мол боқмоқ, сигир соғмоқ, пахта термоқ* каби. Яна: *Қаршингда турибди умрим бикуни* (Ж. Камол), *Элга сабр бардошдан бўлак нарсаси берди* (Х. Худойбердиева). Аммо юқоридаги сингари белгисиз шакллар ўрин-пайт ва чиқиш келишикли бирикмалар учун меъёр саналмайди.

Сўзларни ўзаро грамматик муносабатга кириштирувчи келишик қўшимчаларининг, масалан тушум келишигининг *-и(н)*, жўналиш келишигининг *-а, -на, -қа, -ға*, чиқиш келишигининг *-дан*, қаратқич келишигининг *-(и) м, -н, -нунг, -инг* шакллари ҳам мавжуд ва уларнинг нутқда қўлланиши адабий тил нуқтаи назаридан меъёрнинг бузилиши саналади. Аммо вазифавий услублар нуқтаи назаридан бундай эмас. Улар бадиий ва сўзлашув услубларида ишлатилиши мумкин.

Иккинчи навбатда эса сўз ўзгартувчилар ёки ёрдамчи сўзлар шаклидаги грамматик воситаларнинг ўз ўрнида ишлатилиши муҳим саналади. Эгалик қўшимчаларини олиб

---

<sup>2</sup> Ўзбек тили грамматикаси, 1 том – Тошкент, 1975, 36-бет.

кўрайлик. Бу кўшимчаларни олган сўзлар одатда қаралмиш саналади ҳамда грамматик жиҳатдан шаклланган-шаклланмаганлигидан қатъий назар, унчиг олдида қаратқич бўлади: *менинг укам, сенинг уканг, унинг укаси, укам, уканг, укаси* каби. Бундай ҳолатларда меъёرنинг бузилиши кузатилмайди.

Меъёрий грамматика қондасига мувофиқ аниқловчи-аниқланмиш қурилишли бирикмаларда аниқловчи қаратқич келишиги шаклини олганда аниқланмиш ҳам унча мос шаклда турланиши лозим бўлади. Аммо айрим ҳолатларда, масалан бадий матнда мисралардаги бўғинлар сонининг қатъий бўлиши ҳақидаги қондадан келиб чиқиб, бундай бўлмаслиги ҳам мумкин: *Фуруринг сизмайди пўлат терингга, / Шарафлар юки бор сенинг бункерда* (Ғ. Ғулом). Эгаликнинг бу тарзда ифодаланиши бадий услуб меъёрига тўғри келар, аммо умуман грамматик меъёр ёки бошқа вазифавий услублар нуқтаи назаридан уни меъёр ҳисоблай олмаймиз.

Айрим тадқиқотларда таҳлил материали сифатида *дасилар келдилар, тоғасилар гапирдилар* мисоллари келтирилади. Бу ердаги эгаликни ифода этувчи – *си* кўшимчасининг –лар дан олдин келтирилиши сунъийлик бўлиб, грамматик меъёр тарозисига тўғри келмайди.<sup>3</sup>

Эгаликнинг кўплик шаклда ифодаланиши ҳам юқорида таъкидлаганимиз аниқловчи-аниқланмиш бирикуви қондасига мувофиқ келиши лозим: *бизнинг севгимиз, сизнинг севгингиз, уларнинг севгиси* каби. Аммо нутқда ҳамма вақт ҳам бундай бўлавермайди. Улар *бизнинг уй, бизнинг маҳалла, бизнинг мактаб* тарзида қўлланиши, *эгалик* кўшимчаси бажарадиган вазифани қаратқич келишиги кўрсаткичи ўз зиммасига олиши ҳам мумкин ва бунда грамматик қоида – *кинг эмас – биз ўз устимга олган*.

<sup>3</sup> Қаранг: *Ҳожиева Ҳ*. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Самарқанд, 2001, 17-бет.

матик меъёр бузилган ҳисобланмайди. Ҳатто бизнинг у бизнинг маҳалла шаклида қўлланишлар сўзлашув нутқи оммалашиб кетган. Ушбу бирикмаларнинг аниқловчи қисм нутқда қўлланилмаганда эса уларни эгалик қўшимчаларис ишлатиш мумкин бўлмайди.

Сўз бирикмаларининг шаклланишига хизмат қилувч грамматик воситалар орасида келишик қўшимчаларининг ўрни алоҳида эканлиги маълум. Улар ҳақида «Морфология» мавзусида алоҳида тўхталганимиз. Бу ўринда фақат уларнинг кўмакчилар билан синонимик муносабатидаги меъёрий ҳолатларга тўхталамиз.

Ўзбек тилида келишиклар ва ёрдамчи сўзлар тадқиқига оид кузатишларга таяниб айтиш мумкинки, тўрт келишик қўшимчаси кўмакчилар билан синонимик муносабатга киришади:

- га / сари (душманга юзланди / душман сари юзланди, кўчага отланди / кўча сари отланди), - га /узра (оламчиққанда қуёш / олам узра чиққанда қуёш), - га /томон (қизга қаради / қиз томон қаради, унга бурилди / у томон бурилди, ўзига тортди / ўзи томон тортди), - га /билан (қаҳқаҳа тўлди, қаҳқаҳа билан тўлди), - га /учун (укамга олдим / укам учун олдим) каби. Мана шу тарзда – ни қўшимчаси билан ҳақда, - да қўшимчаси бўйлаб, ичра, билан, - дан қўшимчаси сабабли, орқали, туфайли, оша, бўйлаб, узра, ичра, бўйича тўғрисида, билан, учун кўмакчилари билан синонимик муносабатга киришади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, улар бир матнда бири иккинчисининг ўрнини боса олиши, иккинчи бир ҳолатда ана шу вазифани тўлиқ бажара олмаслиги мумкин. Бу масаланинг услубий томонлари, албатта. Гапда сўзларнинг ўзаро бирикишига хизмат қиладиган грамматик восита сифатида меъёрий галабларга жавоб бериш-бермаслик эса бошқа масаладир.

Р.Кўнгуоровнинг куйидаги гапларига эътибор берайлик: «Хозирги ўзбек тилида *мактаб томон кузатиб борди*, дейиш мумкин бўлган ҳолда, функцияси бир хил бўлишидан қўғий назар, *қараб, қадар* каби кўмакчиларнинг белгисизлушум билан *мактаб қараб, мактаб қадар* тарзида қўллаб бўлмайди. Бу кўмакчилар келганда тобе сўз, албатта белгили қўлланилиши керак. Акс ҳолда фикр ноаниқлиги келиб чиқади, айтилмоқчи бўлган фикр эшитувчига етиб бормайди. *Мактаб* сўзини жўналиш келишиги қўшимчасисиз юқоридаги кўмакчилар билан биргаликда қўллаб кўрайлик: Карим Салимани *мактаб қадар* кузатиб борди; Карим Салимани *мактаб қараб* кузатиб борди; Карим Салимани *мактаб томон* кузатиб борди. Бу гапларнинг фақат учинчиси адабий тил нормасига тўлиқ мос келади. Қолган иккитаси эса хозирги ўзбек тили нормасига унчалик мос келмайди».<sup>4</sup> Олимнинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда фақат бир нарсани қўшимча қилиш мумкинки, *мактаб томон* бирикмасининг меъёрлашуви унинг кўпчилик томонидан қўлланиш частотаси билан боғлиқ. *Қадар, сари* кўмакчилари ўз синонимлари *қараб* ва *томон* га нисбатан нутқда, айниқса сўзлашув нутқида кам қўлланилади. Сўзлашув нутқи эса тил бириликларининг меъёрлашуви учун энг қулай имконият саналади. Шу маънода ҳатто *қараб* кўмакчисининг *қадар* ва *сари* га қараганда — *я* ўрнида қўлланишнинг оммалашиб, меъёрлашиб бораётганини кузатиш қийин эмас.

Хулоса сифатида шуни қайд қилиш мумкинки, нутқий жараёнда сўзларнинг ўзаро бирикувини ташкил қилувчи сўз ўзгартувчи қўшимчалар ва уларнинг айрим кўмакчилар билан синонимияси ўзбек тилининг фикрни энг позик жиҳатлари билан ифода этишдаги имкониятлари нақадар кенглигидан далолат беради. Бинобарин, улар услубшунос-

---

<sup>4</sup> Қўнгуоров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. — Самарқанд, 1975, 97-бет.

лик учун қимматли материал бера олади. Масалан, уларнинг ўзаро алмашилиб қўлланишига меъёр нуқтаи назардан қараганимизда эса грамматик меъёр номувофиқлиги услубий меъёр бузилишларига қараганда нисбатан кам диққатни тортади.

Учинчи томондан, гап таркибидаги синтактик бўлақларнинг жойлашиш ўрнининг турғунлик даражаси ҳам меъёрни белгилайди.

Биз бу ўринда ўзбек тилида гап қурилишининг оғзаки ёки ёзма нутқ шаклларида ва вазилавий услубларида намоён бўлиш хусусиятларини унутмаган ҳолда дастлаб гап тизимида сўзларнинг одатдаги жойлашуви ҳақидаги қарашларни эслаймиз. «Сўзлар тартиби, - дейилган «Ўзбек тили грамматикаси»да, – гап бўлақларининг нутқда ўринлашишини билдирадиган синтактик ҳодисадир. Ўзбек тилида сўзлар тартиби асосан эркин, лекин унда сўзларнинг боғлиқ тартиби ҳам учрайди. Бу ҳол ўзбек тили гап қурилишининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади».<sup>5</sup> Ўзбек тили грамматикаси тадқиқига оид адабиётларда гап таркибидаги сўзларнинг жойлашиши асосан эркин эканлиги таъкидланса ҳам<sup>6</sup>, бу эркинликнинг маълум мантиқий-грамматик қонуниятлар доирасида бўлишини унутмаслигимиз керак. Гап қандай шакллар ва бирликлардан ташкил топган бўлишидан қатъий назар, у шаклланиш жараёнида ўз табиатидан келиб чиқиб, маълум меъёрларга бўйсунди.

Демак ўзбек тили синтактик меъёрларини белгилашда гапларнинг эркин тартибини назарий асос қилиб олсак тўғри бўлади. Чунки, *Самарқанд – вилоятимиздаги йирик шаҳар* ёки *Вилоятимиздаги йирик шаҳар – Самарқанд* гапларида ёки *Мен қишлоғимиздан кеча келдим / Мен кеча қишлоғимиздан келдим / Қишлоғимиздан кеча мен келдим* гапларида

<sup>5</sup> Ўзбек тили грамматикаси, II том. – Тошкент, 1975, 178-бет.

<sup>6</sup> Ўзбек тили грамматикаси, II том, 184-бет.



сўзлар ва уларнинг ўрин алмашилиши мазмунни ўзгартириб юборган эмас. Шундай экан бу ерда грамматик меъёр бузилган деб айтиб ҳам бўлмайди. Содир бўлган маълум матний ўзгаришлар эса услубга тегишлидир.

Тилимизда гаплар тугалланган бир фикрни ифода этиши, предикативлик хусусиятига эга бўлиши билан бир қаторда улар маълум грамматик шакллар ва кўринишларни ҳам олади. Шу маънода улар бир таркибли ва икки таркибли сингари турларга ажратилади. Гапнинг бу шакллари нутқда, табиийки, ўзига мос имло ва талаффуз меъёрларининг бўлишини тақозо қилади. Бу меъёрлар гарчи бир гап доирасида бўлса ҳам бир-бирига ўхшамаслиги мумкин.

Модомики, гапда сўзларнинг жойлашиш тартиби ҳақида мулоҳаза юритилаётган экан, биз одатда тўлақонли грамматик шаклланиш намунаси деб ҳисоблайдиган икки таркибли гапларни таҳлил материали қилиб олсак, тўғри бўлади.

Гапнинг бош бўлаги саналадиган эга ўзига оид сўзлар билан гапнинг бошида келиши, кесим эса худди шундай сўзлар билан гапнинг охирида келиши, ҳар қайси бош бўлакка оид сўзлар эса улардан олдин қўлланилиши ўзбек тили учун одатдаги тўғри тартиб, яъни меъёр эканлиги тилшунослигимизда аллақачон маълум. Демак, ана шу тартибнинг бузилишини меъёрнинг бузилиши деб баҳолаймиз. Айрим мисоллар келтириш билан чекланамиз: *Газета ўз саволларига қониқарли жавоб тополмайди миллат ичидан* (Ҳ. Гафуров. Миллатнинг биллурланиши), *Ит - инсоннинг дўсти - Инсоннинг дўсти - ит. Мен гадо Хонзодага кўнглимни бердим, дўстларим* (қўшиқдан), *Ўлмоқ учун сен тугилган эмасан, /Зах тупроқнинг бағрига сен уволсан* (Ҳ. Олимжон). Кейинги икки мисолдаги, айниқса унинг биринчисидagi гадо сўзининг кимга қаратилганини аниқлаш учун алоҳида диққат ёки интонация зарур бўлади.

Грамматик меъёрларни белгилаш жараёнида мантиқий фикрлаш ва унинг натижасида юзага келадиган грамматик қурилишлар, шакллар ўртасидаги муносабат масаласи ҳам муҳим. Чунки уларнинг ўртасида ажратилиб бўлмайдиган боғлиқлик мавжуд. Шу билан бирга, мантиқ ва тил қонуниятларига кўра уларни айнан бир нарса деб ҳам бўлмайди. Тафаккурда умумий тарзда, фикр эгасининг ифода мақсади ва ниятидан келиб чиқиб, юзага келган ҳосила мулоҳаза нутқда турли грамматик шаклларда ифодаланиши мумкин. Масалан, *олинг, олиб туринг, олиб ўтиринг, овқатга қаранг, овқатдан олинг, овқатни олинг, бошланг, бошладик, дастурхонга қаранг, дастурхонга қараб ўтиринг, қани-қани, қани, меҳмон; марҳамат, марҳамат қилинг, қолмасин, шу қолиб нима бўлади, олинг меҳмон, еб ўтиринг, еб туринг, олиб туринг* ва ҳоказо шакллардаги грамматик қурилмалар сўзлашув услубида меъёр саналади ва битта «емоқ» семаси атрофида бирлашади. Айни пайтда, шу маънони берадиган *овқатдан истеъмол қилиб туринг, меҳмон; овқатдан тановул қилиб туринг, меҳмон; истеъмол қилинг, тановул қилинг* сингари қурилмалар ҳам гарчи «емоқ» маъносини берса-да, сўзлашув нутқи учун меъёр ҳисобланмайди.

Бунинг устига, агар синчиклаб таҳлил қилинса, юқоридаги синтактик бирикмаларнинг ҳар бири матнда алоҳида маъно нозикликларини, услубий фарқланишларни ҳосил қилиши ҳам мумкин. У яна ўз навбатида ҳар бир ҳолатдан келиб чиқадиган грамматик меъёрлар ҳақида мулоҳаза юритишимизга имкон беради.

Агар синтактик меъёр ҳажминини ана шу қамров доирасида тасаввур қиладиган бўлсак, алоҳида олинган гап, кичик ёки катта матн таркибидаги тил бирликларини уларга синоним бўлган бошқа бирликлар билан ёки ўзаро ўрнини алмаштириб қўллашнинг мумкинлиги нутқ жараёнида катта услубий имкониятларни келтириб чиқариш билан бирга, маълум

даражада меъерий бузилишларни пайдо қилиши мумкинлиги ҳам аниқ бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир тилнинг ўзига хос меъери мавжудлиги ҳақидаги фикр, айниқса, синтактик меъёр билан алоқадор бўлади. Дарҳақиқат, ҳар бир миллий тилдаги гап қурилиши ўзига хос тарзда шаклланади, жумладан ўзбек тилида ҳам.

Нутқ учун фақат маълум сўзлардаги турлича маъноларни билиш эмас, балки улардан муомала жараёнида фойдалана олиш, муносабатларнинг, фикр-мулоҳазалар, ҳиссиётларнинг энг нозик жиҳатларини ҳам ифодалаб беришга хизмат қилдириш муҳим саналади. Нутқни шакллантиришдаги пираворд мақсад ҳам ана шу. Аммо кўзда тутилган матнни шакллантириш учун сўз ва унинг маъноларини билишнинг ўзигина етарли бўлмайди. Сўзловчи ёки ёзувчи нияти ана шу омиллар билан бир қаторда тил бирликларининг матнда ўзаро грамматик алоқасини таъминлаш туфайлигина амалга ошади. Бошқача айтганда, нутқ жараёнидаги тил бирликлариаро синтактик муносабат фикрнинг тўлақонли ифодасида катта мавқени эгаллайди. Масала ана шу тарзда қўйилар экан, тилимиз ривожда синтактик меъёрларни белгилаш ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Гапларнинг ифода мақсадига кўра бўлинишларида меъерий мустаҳкамлик турлича эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, дарак гапларда шакл ва мазмун муносабати зич боғлиқликда бўлади, «синтактик дарак маъноси гапнинг синтактик дарак шакли орқали ифодаланаяди».<sup>7</sup> Лекин сўроқ гаплардаги мазмуний ифода доирасининг кенглиги, яъни бир синтактик шаклдаги гапнинг матнда ҳар хил маъноларни ифодалаши мумкинлиги бу гапларнинг турли нутқий вазиятлардаги меъерий ҳолатларни белгилаб олишга зарурат

---

<sup>7</sup> Маҳмудов Н., Нурмонова А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. – Тошкент, 1995, 49-бет.

туғдиради. «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» асарининг муаллифлари бу хилдаги гапларда соф сўроқ мазмунининг бўлишидан ташқари таажжуб, гумон, буйруқ, дарак ташвиш, азаб, киноя сингари бир қатор қўшимча маънолар ифодалаш ҳақида мулоҳаза юритишиб, уларни мазмун гап шакл жиҳатдан мутаносиб ва номутаносиб бўлган сўроқ гаплар, деб иккига ажратишади.<sup>8</sup>

Шу билан бирга, таҳлиллар, гарчанд шаклдан бир бўлса ҳам, бу гаплардаги мазмун имкониятларининг кенглиги уларнинг ҳаммасига бир хил меъерий ўлчовларни қўллаб бўлмаслигини кўрсатади. Бошқача айтганда, кўзда тутилган мазмунни ифодалаш учун улар махсус оҳанг ёрдамида ижро этилиши лозим бўлади.<sup>9</sup> Мас.: *Баҳор келдими? «Баҳор келдими?» - дедингми? «Баҳор келдими?» эмиш! «Баҳор келдими?» экан. «Баҳор келдими?» ҳам гапми! «Баҳор келдими»нинг ниманг? Баҳор келди? Баҳор келди?! гаплари умумий маънода баҳорнинг келиши ҳақидаги сўроқ мазмунини ва унга муносабатни билдирса ҳам юқоридаги ҳар бир грамматик шакл самимий, холисона сўраш, эшитмаганини билиб олиш учун сўраш, менсимаслик, аччиқланиш, таажжубланиш, таъкидлаш сингари турли хил маъно оттенкаларини оҳанг ёрдамида фарқлайди.*

Дарҳақиқат, оҳанг хусусида. Тилимизда, гарчи унутқининг барча кўринишларида яққол билиниб турадиган восита саналмаса ҳам, сўзлашув жараёнида ҳақамияти жуда сезилиб қолади. Гап шаклига сиртдан қараб бу дарак, сўроқ, ёки ундов гап деб дастлабки юзаки баҳони берамиз. Аммо юқоридаги сингари сўроқ гаплардаги маслаҳат, илтимос, ялиниш, кўндиришга ҳаракат қилиш, авраш, ташвиқот қилиш сингари маъноларни гап таркибидаги ҳеч бир грамматик ёки

<sup>8</sup> Маҳмудов Н., Нурмонова А. Ўша асар, 51-52-бетлар.

<sup>9</sup> Маҳмудов Н., Нурмонова А. Ўша асар, 51-бет.

тиниш белги ифода эта олмайди. Бу масалани фақат оҳанг ҳал қилиши мумкин.

Ушбу гапларни қиёслайлик: *Қўй, менга у кунларни эслатма! Менга у кунларни эслатма, қўй! Қўйгин, менга у кунларни эслатмагин! Менга у кунларни эслатмагин, қўйгин! Қўйгин, у кунларни эслатма менга! Қўйгил, у кунларни эслатма менга!* Бу гаплар ҳам худди юқоридаги сўроқ гапларда кузатилгани каби, гарчи умумий маънода ўтган воқеа-ҳодисаларни эслатмасликка даъват қилаётган бўлса-да, бу даъват ҳар бир гапда оҳанг кўмагида сўзловчи мақсадига мос тарзда ифода этилмоқда, вазифавий услублар жиҳатидан ҳам фарқланмоқда.

Нутқда оҳангнинг нақадар муҳим омил эканлигини мана бу мисоллар ҳам яна бир бор тасдиқлайди: *И м о н - с и з, в и ж д о н с и з, с и з а з и з и н с о н / Камолим, ҳаётим, азиз онажон* (Д.Комилова). Парчадаги *имонсиз, виждонсиз* сўзларини ўзбек тилида урғу одатда охирги бўғинга тушади, деган қоидага амал қилиб, *имонсиз, виждонсиз* тарзида талаффуз қиладиган бўлсак, ниҳоятда хунук ифода келиб чиқади. Агар бу сўзлардаги *-сиз* қисми таъкид юклагаси вазифасини бажараяпти, шунинг учун урғу сўзнинг ўзак қисмидаги иккинчи бўғинга тушиши лозим деган мулоҳаза билан талқин қилиниб, *имонсиз, виждонсиз* тарзида талаффуз этилса, муаллиф кутган маъно келиб чиқади. Аслида шеърни бу қоидалардан беҳабар оддий киши ҳам ўқиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, *Сиз имон, сиз виждон, сиз азиз инсон* тарзида тузилганда эди мунозарага ҳам, ноаниқликка ҳам ўрин қолмасди. Бу каби ноқисликларни нутқда кўплаб учратамиз.

*Киши с а н ч и қ сўз айтса, с а н ч и қ андин. Ёмондин қоч, ёмондин қоч, ямондин* (Сўфи Оллаёр) мисолидаги *санчик* сўзини ҳам биринчи ҳолатда (урғу охирги бўғинга тушганда – *санчиқ*) от, иккинчи ҳолатда (урғу биринчи бўғинга тушганда – *санчик*) сўзнинг олмош ва феъл бўлиб

ажралишини ва бошқа-бошқа маънолар ифода этишини ҳам талаффуз, оҳанг фарқлайди.

Нутқда баъзан шундай бўладики, бир маъно атрофида турлича оҳанглар, айтайлик, ҳар бир киши нутқда, ўзига хос тарзда юзага келиши, маънолари вазиятга қараб кучли ва кучсиз, таъсирли ва бетараф ҳамла бефарқ ифодаланиши мумкин.

Демак, нутқ жараёнида оҳангга эътибор бериш меъёрга эътибор беришнинг асосий шарти бўлиб қолади.

Синтактик услубият доирасида эга ва кесим мослиги ҳамда унинг меъерий муносабати хусусидаги мулоҳазалар ҳам муҳим ўрин тутди. Нутқимизда фаол ишлатиладиган бир гап мисолида меъерий муносабатни таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз: *дадам келди – дадамлар келди – дадам келдилар – дадамлар келдилар*. Сонда мослашувидagi сезилмас даражадаги номувофиқликни ҳисобга олмаганда, уларнинг ҳеч бирида грамматик муносабат бузилган деб бўлмайди. Дарвоқе, бу қурилмаларда эга ва кесим мослигига нутқий зарурат ҳам йўқ. Одатда ўзбек тили истеъмолчилари уларнинг ана шу кўринишларининг барчасидан ҳам фойдаланаверишади. Шундай экан, уларда грамматик меъёр бузилмаган деб бемалол айтиш мумкин. Аммо услубий меъёр нуқтани назаридан бундай деб бўлмайди.

Услуб нуқтани назаридан ҳар биримизнинг нутқимизда уларнинг ўз ўрни ва баҳоси бор: *дадам келди* – шунчаки хабар, *дадамлар келди* – айтайлик, ўзининг ва турмуш-ўртоғининг (ҳар иккаласининг) дадаси келганлигини ҳақида хабар, *дадам келдилар* – хабар билан биргаликда ўз отасига бўлган ҳурмат ифодаси, *дадамлар келдилар* – грамматик меъёрнинг сақлангани, аммо услубий меъёрнинг бир ҳолатда -- битта ота назарда тутилган ҳолатида бузилиши. Шундай экан, нутқ учун энг маъқул вариант сифатида *дадам келдилар* танланиши маъқул бўлади.

Эга ва кесим мослиги ҳақидаги қарашларни синчиклаб таҳлил қилган Ф.Зикриллаев «Назария куруқ оғоч...» мақоласида – лар кўшимчасининг бу борадаги хизмати ҳақида маъқул фикрни айтади: « Бундай ҳолда -лар синтактик вазифа бажармайди, яъни сўз ўзгартувчи кўшимча бўла олмайди. Шунга кўра эга-кесим мослигига даҳли йўқ. У ҳурмат категорияси шаклини ҳосил қилади».<sup>10</sup> Шу ўринда, вазият талабидан келиб чиқиб, Ф. Зикриллаевнинг бир фикрига муносабат билдиришга мажбур бўлаёмиз. А.Фуломовнинг шу мавзуга оид фикрлари ҳақида у куйидагиларни ёзган: «Эга кўплик формасида келганда (учинчи шахс) от кесим бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўллана олади деб (А. Фуломов томонидан – С.К.) куйидаги мисоллар берилади: *Улар студентлар – Улар студент. Бу қизлар шахматчилар – Бу қизлар шахматчи. Кўшнилари ҳам ҳалол одамлар («С. Ўзб»).* Бу қоида бошқа саҳифада яна такрорланади: *Учқун ва Толиб артистлар. – Учқун ва Толиб артист.* Таъкид назарда тутилса (яъни ҳиссий баёнда), фақат газетадан олинган мисолда кўшимча қўлланса бўлади. Бошқа мисолларда – лар ишлатилиши рус тилининг хусусиятига мос келади : *Они – студенты. Они – шахматисты.* Ўзбек тилида баён оддий, ноҳиссий бўлса, кўшимча тежаллади, таъкид назарида тутилса, –лар эмас, бошқа восита қўлланади.

Адабий норманинг намунавий умуммажбурий ҳодиса (Э.Бегматов) эканлигини инобатга олсак, А.Фуломов миллатнинг барча аъзосига русча фикрлашни намуна қилиб кўрсатаётган экан-да, барчани русча фикрлашга ажбур қилаётган экан-да, деган хулоса келиб чиқади».<sup>11</sup>

---

<sup>10</sup> *Зикриллаев Ф. Назария куруқ оғоч... / «Истиклол ва она тили курилиши талқини» тўплами. – Бухоро, 1998, 24-бет.*

<sup>11</sup> *Зикриллаев Ф. Юқоридаги мақола, 25-бет.*

Бизнингча, у даражада эмас. Негаки, ўзбек тилида *улар студентлар, улар студент; улар шахматчилар, улар шахматчи* дейиш мумкин бўлгани ҳолда рус тилида фақат *они – студенты; они – шахматисты* дейиш шарт, *они – студент; они – шахматиста* дейиш мутлоқо мумкин эмас. Шу фактнинг ўзиёқ А.Ғуломовни юқорида қўйилган айблардан қутқаради. Бунинг устига кишининг тили қайси тилда чиққан бўлса, аслида ана шу тилда тафаккур қилади. Унинг ифода этилишида эса ўзи таълим олган ва тарбияланган, яшаётган муҳитнинг таъсирида бошқа тил намуналаридан фойдаланиш мумкин.

Мисоллар таҳлилидан яна бир нарса - ўзбек тилининг нафақат грамматик, шу билан биргаликда услубий имкониятлари ҳам нақадар кенглиги аён бўлиб қолади. Ўзбекча вариантларда таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш каби маънолар оддий хабардан ана шу *-лар* туфайли фарқланаётган бўлса, рус тилидаги шаклда маъно оҳанг ёрдамида ажратилмоқда. Бу нарса ҳар икки тилнинг ўз меъёрий хусусияти саналади.

Бир таркибли гаплар нафақат грамматик тузилиши, шу билан бирга, мазмунига, фикрни ифода этиш хусусиятига кўра ҳам икки таркибли гаплардан фарқ қилади. Айни пайтда, бу унинг меъёрий хусусияти ҳамдир.

Шахси номаълум гапларни олиб кўрайлик. Илмий адабиётларда бундай гапларда иш-ҳаракатни бажарувчи шахс грамматик жиҳатдан ифодаланмаслиги таъкидланади. Масалан: *Маҳмудовни жамоа хўжалигининг раиси этиб тайинлашди, Ҳиссбот йиғилишида қарши овоз беришди* каби. Бу гапларга грамматик эгани қўйиш мумкин. Аммо у аниқ бир шахс бўлмаганидан, номаълум бўлганидан қўлланилмайди. Кесимнинг одатда III шахс, биргалик нисбатда бўлиши бундай гапларнинг мантиқий грамматик табиатидан келиб чиқади ва бу ҳолат улар учун меъёр саналади: *Эртага соат 10 да университетга чет элдан меҳмонлар келишини айтишди*. Бу гапни *Улар эртага соат 10 да университетга чет элдан меҳмонлар келишини айтишди* шаклида тузиш ҳам мумкин.



Эта грамматик жиҳатдан шакилланган бўлса-да, ҳаракатни бажарувчи ҳақиқий шахс (шахслар) барибир номаълумлигича қолмоқда.

Кесими ифодаланмаган гапларга эътибор берайлик: *Баҳор*. Атрофда қушлар чуғурлашади; *Тонг*. Оппоқ тонг. Орзуларим мавжланар шу дам. Қиёслаймиз: *Баҳор келди*. Атрофда қушлар чуғурлашади; *Тонг отмоқда*. *Оппоқ тонг отмоқда*. Орзуларим мавжланар шу дам. Гапларнинг кесими грамматик жиҳатдан шакллантирилганда ҳам мазмунда ўзгариш бўлмаганини пайқаш қийин эмас. Аммо услуб нуқтаи назаридан ўзгариш бўлганлиги, маълум даражада гапнинг таъсирчанлиги йўқолганлиги сезилади. Кесим грамматик жиҳатдан шаклланамаган бўлганда ҳам бу ҳаракат онгимизда мавжуд бўлади. Нутқда уни тингловчи ва ўқувчи ҳам пайқайди. *Баҳор*, *тонг* сўзларининг гапга айланишидаги асосий омил ҳам ана шу кесимларнинг шаклланмаслиги бўлиб ҳисобланади. Бу сўзлар ҳукми ифодалаш, гапга айланиш жараёнида кесимнинг вазифасини, мазмунини ҳам ўз зиммасига олади. Фақат фарқи шундаки, бу алоҳида сўз гап бўлганда алоҳида бир тугалланган оҳанг билан, эҳтирос, ҳаяжон билан талаффуз этилади ҳамда баҳорнинг келиши, тонгнинг отиши ҳақидаги хабарни бериш билан биргаликда баҳор ва тонгнинг мавжуд ва ҳукмрон бўлиб турганлиги ҳам таъкидланади.

Шунинг учун ҳам гаплардаги эа ёки кесимнинг шаклланмаганлигини грамматик меъёрнинг бузилиши деб эмас, аксинча, маълум бир нутқий вазиятда кўзда тутилган мақсаднинг ифодаланиши учун зарурат деб тушуниш керак.

Мақоллар таҳлили мисолида халқ оғзаки ижоди намуналарининг синтактик хусусиятлари ҳақида йирик тадқиқотлар олиб борган Х. Абдурахмонов бу жанр нутқий меъёрларининг ўзига хос кўринишлари тўғрисида ишонарли хулосалар берганки, уларга таянган ҳолда гапларнинг икки

таркибли кўринишидан бошқа айрим турларининг меъерий хусусиялари ҳақида мулоҳаза билдириш мумкин бўлади.

Масалан, мақолларнинг буйруқ гап шаклида берилиши (*Аввал ўйла, кейин сўйла*) меъерий ҳолат, сўроқ ва ундов гаплар шаклида келиши эса тилимиз учун хос хусусият эмас. Гапда эга кўпроқ отлашган сўз ёки сўз бирикмалари орқали ифодаланади ва у нечта сўз ва сўз бирикмалари билан ифодаланса, кесим ҳам шунча сўзли бирикма орқали ифодаланади. (*Оз сўз – соз сўз, ёз меваси – қиш хазинаси*). Изоҳловчилар учрамайди. Кўп ўринларда сўз қаратқич, тушум ва бошқа келишиқлар билан шаклланиши лозим бўлганда, белгисиз ишлатилади.

Бир таркибли гапларнинг шахси умумлашган тури мақоллар синтаксиси учун асосий меъерий хусусият саналади (*Олим бўлсанг, олам сеники; Мард бир ўлар, номард юз ўлар каби*). Мақолларнинг боғловчисиз кўшма гап шаклида келишини ҳам уларнинг муҳим меъерий белгилари деб ҳисоблаш лозим (*Кўшнинг тинч – сен тинч; Гап кўп – кўмир оз; Раҳмат олган омондир, лаънат олган ёмондир сингари*).

Шу нарса ҳам муҳимки, бу типдаги гапларда қиёслаш, зидлаш мазмуни, параллелизм ёрқин сезилиб туради. Сўз тартиби эса турғун. *Кўшнинг тинч – сен тинч* тартибида шакланган гапни *Сен тинч – кўшнинг тинч*, деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас. Демак, компонентлар турғунлиги бундай гаплар учун меъерий ҳолат ҳисобланади.

Тадқиқотчи кўшма гап шаклидаги мақоллар оҳангига ҳам алоҳида эътибор беради ва бунда ҳам меъернинг бузилиши сўзловчи ёки ёзувчини кутилган натижага олиб келмаслиги мумкинлигини уқтиради. Гапларнинг ифода мақсадидан келиб чиқиб, тенглик, давомлилик, жимлик, чўзиқлик, сокинлик ва жиддийлик каби маънолар оҳанг ёрдамида юзага келиши ҳамда уларнинг кўшма гапнинг маълум турларига хосланиши ҳақида мулоҳазалар билдирилади.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ўзбек тили синтаксиси доирасида меъёрий чегараларни белгилаш ниҳоятда мураккаб вазифа. Тилдаги ҳар бир синтактик категория, ҳар бир синтактик бирлик матн хусусиятига қараб, вазифавий услублар доирасида қўлланишига кўра ўзига хос мазмун ва шакл касб этиши мумкин. Демак, келажакда синтактик меъёрлар ҳар бир услуб, уларнинг алоҳида тур ва жанрлари мисолида батафсил тадқиқ этилиши лозим бўлади.

Алишер Навоий насрий асарларининг синтаксиси юзасидан тадқиқотлар олиб борган С.Аширбоев хулосалари тил меъёрларининг даврий характерини, синтактик меъёрларининг бир мунча турғунлик хусусиятига эга эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Олимнинг таъкидлашича, «Алишер Навоийнинг насрий асарларида қўлланган содда гапларнинг таркибий ва маъно амаллари ХҲ аср насрининг ажойиб намунаси бўлиб, ўша давр нормасини ақс эттиради». (Унинг) «насрий асарларидаги қўшма гапларгина эмас, балки содда гапларнинг шаклланишида ҳам форс-тожик адабий тилининг таъсири кучли бўлган»лиги сезилиб туради. Бунинг устига «ўрта аср адабиёти ва тилини диний тушунчаларсиз тасаввур қилиб бўлмас эди, бинобарин, дунёвий тушунчалар диний тушунчалар билан боғланиб келинган эди. Шу туфайли ҳам Алишер Навоийнинг насрий асарларида бундай сўз шакллари ва бирикмаларининг қўлланиши табиийдир».<sup>12</sup>

Тадқиқотда келтирилган «Ва сарт орасида аҳли таъбу дониш ва зумраи илму зехну бийниш кўпракдур», «Чун тахти анга муваффақ бўлди, алар ҳасаддин иттифоқ қилиб, Эражни ўлтурдилар», «Барча садот ва машойих ва уламо ва фуқаронинг маҳбуби қулуби эрди», «Ўз намозин мақбул тахайюл қилган жамоат намози қабулиятин ҳам тақаффул

---

<sup>12</sup> Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол.ф.д-ри ... дис.автореф. – Тошкент, 1990, 39-41-бетлар.

қилган» сингари гапларга кўз югуртириш бу фикрнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Табиийки, орадан 500-600 йил ўтгандан кейинги ўзбек тили гап қурилиши ва уларда иштирок этаётган лексик-грамматик бирликларда бошқача манзарани кузатамиз.

Синтаксис назарияси асосчилари томонидан асосий синтактик бирликлар – сўз бирикмаси ва гап ўртасидаги грамматик фарқ етарли кўрсатиб берилган. Аммо нутқий жараён шундай кенг қамровли ва мураккабки, айрим ҳолатларда улар бир-бирига тенг келиб қолиши мумкинлигини кўрсатади. Қийёслаймиз: *оппоқ тонг, ойдин кеча, кеч куз* сўз бирликмалари. Гап: *Қайси йил эди, ёдимда йўқ. Кеч куз. Дарахтлар барглари деярли тўкиб бўлган. Кўринадики, кеч куз* бир ҳолатда сўз бирикмаси, иккинчи ҳолатда гап. Қайси ҳолатни меъёрий бузилиш деб баҳолаш мумкин? Қандай белгиларига кўра уларнинг бирини сўз бирикмаси, иккинчисини гап деб атаймиз? Албатта, бу масалани ана шу грамматик бирликлар шаклланаётган нутқий қуршов ҳал қилади.

Тил тизимидаги синтактик меъёрларни белгилашда гап қурилишининг назарий асосларига таяниб иш кўриш ва бунда ҳар бир тилнинг ўз грамматик табиатини ҳисобга олиш тўғри бўлади.

Гап қурилишида турли грамматик воситалар ёрдамида шаклландиغان грамматик муносабатлар, ҳоким-қобелик хусусияти мавжуд экан, меъёрийликни белгилашда ҳам ана шу мазмуний ва шаклий муносабатлар эътиборга олиниши шарт. Тилдаги эга-кесимлик, бирикмалардаги сўзлараро мослик ва мувофиқликлардан ҳар қандай чекиниш ҳам меъёрнинг бузилиши деб қаралиши лозим.

Тўғри, тил фақатгина алоқа ва хабар воситасигина эмас, у таъсир ўтказиш қуроли ҳамдир. Ана шу вазифани амалга ошириш йўлида, масалан поэтик матнда, айрим грамматик қоидалардан чекинишга йўл кўйилиши табиий. Шунинг учун бу чекинишларга вазифавий услублар нуқтаи назар

ридан баҳо берилса, улардаги меъёр масаласи ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Ўзбек тилчи услубларининг вазифавий чегараланишида синтактик меъёрларнинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Чунки ҳар бир вазифавий услубнинг муттасил амалда бўлиб туриши табиий равишда уларнинг нутқий меъёрини белгилаб қўяди ва унинг тилда яшовчанлиги ҳам ана шу меъёр асосида мустаҳкамланиб бораверади ҳамда бу меъёр уни бошқа услублардан фарқлашга имкон беради.

Шу ўринда вазифавий услубларнинг умумий ва хусусий томонлари борасида сўз юритишига зарурат сезилади. Бу масалага А.И.Ефимов бир қадар аниқлик киритиб, адабий тилнинг барча услублари учун тилнинг даставвал грамматик қурилиши ва умумистеъмолдаги сўзлар умумий саналишини таъкидлаган эди.<sup>13</sup> Унинг барча вазифавий услублар учун грамматик қурилишнинг умумий эканлиги ҳақидаги фикри назарий жиҳатдан тўғри эканлигини таъкидлаган ҳолда, бу қарашнинг ҳам нисбий эканлигини, умумийлик ҳар бир вазифавий услубда жузъий тарзда юз беришини айтиб ўтиш ҳам лозимдир. Чунки, ўз-ўзидан аёнки, айтайлик, сўзлашув ва илмий услубда шаклланган матнларни бир-бирига таққослашдан айнан ана шу грамматик қурилишда ҳам фарқлар яққол сезилиб туриши маълум бўлади.

М.Н.Кожина ҳам вазифавий услубларнинг барчаси учун умумий бўлган белгилар – тўғрилиқ, аниқлик, таъсирчанлик, мантиқийликни кўрсатиб ўтади ва уларнинг ҳар бирининг қайси вазифавий услубга қўпроқ хос эканлигини ва уларнинг акс этиш меъёрини белгилаб беришга ҳаракат қилади. Масалан, аниқлик илмий ва расмий услубга хос хусусият, аммо у бадиий образ яратиш учун ҳам зарур, деб

---

<sup>13</sup> *Ефимов А.И.* Стилистика художественной речи. – М., 1961, с.66.

ҳисоблайди ва мантиқийлик бадиий нутқда образ, образли фикрнинг изчил тузилиши бўлса, илмий нутқда у фикрлар ифодасининг қатъий тартиби билан фарқ қилади, деган ҳулосага келади.<sup>14</sup> Мана шу фарқларнинг эса ҳар бир вазифавий услубга оид матнларнинг грамматик қурилишида реаллашуви ўз-ўзидан аён бўлиб қолади:

Ҳар бир вазифавий услубнинг синтактик ўзига хослиги уни бошқа услублар билан қиёслаганда очилади. Масалан, оғзаки нутқ меъёрини олиб кўрайлик. Одатда суҳбатдошлар нутққа тайёр бўлишмайди, уни кутилмаган тарзда ижро этишади. Масалан: *Холмат. Йўқ...ахир, бу, кўйинг – эй. Шўдратов. Холмат ота ... Холмат ота (К. Яшин), Мактабни неча билан битириб эдинг? Ай, кўрсавод-е! Дотация, бу... хў-ўш... муттаҳамларча яшаш ... йўқ, давлат қарамоғида яшаш..., йўқ, қарз бўлиб яшаш демакдир, ҳа!* (Т. Мурод). Бу услуб доирасида шаклланган гаплар қанчалик узук-юлук, бир-бирига боғланмаган бўлмасин, нутқий вазият, суҳбатдошларнинг ўзаро муносабати бу гапларни тушунишга кўмаклашади, сўзларни ёки гапларни вазият бир-бирига боғлайди.<sup>15</sup> Баъзан оғзаки нутқ матни асл ҳолатида қоғозга туширилса, у ўқувчи учун умуман тушунарли бўлмаслиги мумкин. Чунки, бундай пайтда оғзаки сўзлашув жараёнидаги имтиёзлар – нутқий вазият, сўзловчининг ҳаракатлари, энг муҳими, оҳангнинг иштирок этишига имкон бўлмайди. Шундай ҳолатни ҳам сўзлашув услуби гап қурилиши учун меъёр деб тушунишимиз лозим бўлади.

Илмий услубни ҳам олиб кўрайлик. Бу услуб ўзининг синтактик хусусиятларига ва меъёрнинг бир қадар турғунлигига кўра бошқа вазифавий услублардан фарқ

<sup>14</sup> *Кожина М.Н.* Стилистика русского языка. – М., 1983, с.80.

<sup>15</sup> Бу ҳақда кўшимча маълумот олиш учун қаранг: *Ўринбоев Б., Ўринбоева Д.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг сўзлашув услуби. – Тошкент. 1991.

қилади. Бу нарса илмий матндаги фикрнинг тугаллиги, тўлиқлиги, мантиқий изчиллигида, бир таркибли ва қўшма гапларнинг фаоллигида, фикрни ва гапларни ўзаро боғловчи махсус воситаларнинг ишлатилишида, ўзбек тили гап қурилишининг одатдаги тартибига риоя қилинишида кўринадди.<sup>16</sup> Мисол: «*Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, милоддан аввалги III- VI асрларда Ўзбекистон ҳудудида суғдийлар, бактрияликлар, хоразмликлар, сак ва массагет элатлари яшаганлар. Зарафшон ва Қашқадарё водийсида деҳқончилик билан шуғулланувчи кўплаб аҳоли истиқомат қилган. Ёзма манбаларда бу ҳудуд Сўғда («Авесто»да), Суғуда (Беҳистун ёзувларида), Арриан, Страбон, Курций Руф асарларида Суғдиёна деб номланган. Бу ҳудудда яшовчи аҳоли суғдийлар деб аталган*» (Ўзбекистон тарихи, 6 - синф).

Биз одатда тўғрилиқни, яъни грамматик қурилишининг тўғри бўлишини нутқнинг энг асосий хусусиятларидан бири сифатида эътироф этаяпмиз. Аммо юқорида келтирилган мисоллардан шу нарса ҳам маълум бўладики, мазмун ва шакл муносабатидаги бирламчилик ва иккиламчилик қондасидан бу ҳолатда ҳам четга чиқиб бўлмайди.

Нутқий ифода жараёнида фикрий мукамаллик, мақсадга мувофиқлик асосий муддао саналар экан, барча грамматик воситалар ва қурилмалар ана шу вазифага хизмат қилиши лозим бўлади.

Демак, синтактик меъёр доирасида тилдан фойдаланувчилар учун тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, мақсадга мувофиқлик ва таъсирчанлик каби нутқий лингвостилистик омиллар доирасида амал қилиши зарур бўлган жиҳатлар анчагина. Бу ўринда уларнинг айримлари санаб ўтилди, холос. Аммо ўзбек тили грамматикаси қондаларини, уларни амалда қўллашни бошқа курсларда ҳам ўрганиш давомида талабалар

---

<sup>16</sup> Бу ҳақда яна қаранг: *Мукаррамов М.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий услуби. – Тошкент, 1984, 111-151-бетлар.

ана шу айтиб ўтилган масалаларга эътиборни кучайтирсалар, синтактик меъёр муаммоларини тушуниш янада осонлашади.

### *Адабиётлар:*

1. *Аширбоев С.* Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол.ф.д-ри ...дис.автореф. – Тошкент, 1990.

2. *Ефимов А.И.* Стилистика художественной речи. – М., 1961.

3. *Зикриллаев Ф.* Назария куруқ оғоч... // «Истиқлол ва она тили қурилиши талқини» тўплами. – Бухоро, 1998.

4. *Кожина М.Н.* Стилистика русского языка. – М., 1983.

5. *Маматов А.Э.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991.

6. *Маҳмудов Н., Нурмонова А.* Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. – Тошкент, 1995.

7. Ўзбек тили грамматикаси; II том. – Тошкент, 1975.

8. *Қўнғуров Р.* Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975.

9. *Ҳожиева Ҳ.* Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Самарқанд, 2001.



## УСЛУБИЙ МЕЪЁР

Р е ж а:

1. Услубий меъёр тушунчаси.
2. Адабий меъёр ва услуб.
3. Услубий мезонлар.
4. Услубий меъёрларнинг эркинлиги.
5. Нутқий оппозициялар.
6. Услубий меъёр ва тил услублари.
7. Услублардаги меъёрий ва номеъёрий воситалар.

*Таянч сўз ва иборалар: Вазифавий услубилар : сўзлашув, илмий, расмий, оммабоп, бадний услублар ва меъёр. Нутқнинг шаклланишида шароит, мавзу, ижтимоий муҳит, дунёқараш, тилни билиш даражаси. Услубий мезон.*

Услубий меъёр тўғрисида маълумотга эга бўлиш ҳам филолог талабалар учун муҳимдир. Аммо бу меъёрнинг нозик томонларини тушуниб олиш адабий тил меъёри тизимидаги бошқа хусусий меъёрларни англашга нисбатан бир қадар оғир кечади. Бунинг сабабини Э.Бегматов шундай изоҳлаган эди : «Маълумки тил соҳаларига кўра нормалар ўз материали, яъни ўз тил бирликларига эгадир. Масалан, фонетик нормалар – фонема, график нормалар – графема, морфологик нормалар – морфема, лексик нормалар – сўз (лексема), синтактик нормалар – сўз бирикмаси, гап; сўз яшаш нормалари – янги сўз ва сўз формалари сингари. Услубий нормаларда ҳам мана шу каби материал, бирикмалар борми? Биринчи қарашда ҳар бир услуб ўз мустақил воситаларига эгадек туюлади. Аслида эса бундай воситаларнинг йўқлигини кўра-миз».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Бегматов Б. ва бошқ. Адабий норма ва нутқ мадавияти. – Тошкент, 1983, 78-79-бетлар.

Демак, ўзбек тили соҳаларидаги меъёрни намоён этувчи тил воситаларининг услубий меъёр доирасида яққол кўзга ташланиб турмаслиги уни алоҳида меъёр сифатида тушунишимиз ва фаҳмлашимизни қийинлаштиради. Лекин бу мушкулликдан қатъий назар услубий меъёр тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз учун уни адабий тил меъёрлари қаторида ҳисоблай оламизми, у умумий меъёр сирасидаги хусусий меъёрларнинг бир кўриниши ҳисобланадими, агар ҳисобланса, бу хусусий меъёрлар орасидаги мавқеи қандай ва унинг ўзбек нутқи маданиятининг такомиллашиб борувида хизмати нимадан иборат бўлади, деган саволларга жавоб топишимиз лозим бўлади.

Хўш, услубий меъёрнинг ўзи нима ва уни қандай тушунишимиз керак? Маълум бир нутқий вазиятда, у оғзаки ва ёзма бўлишидан қатъий назар, сўзловчи ва ёзувчининг ўз нияти ва муддаосидан, нутқ мавзуси ва мазмунидан келиб чиқиб, тил бирликларини қўллаш, танлаб ишлатиш имконияти услубиятни юзага келтиради. Бу бирликларни танлаб ишлатишга бўлган сўзловчи ёки ёзувчининг индивидуал эҳтиёжи уларнинг ўз услубини, агар кенгроқ доирада олиб қараладиган бўлса, ана шу элементларни ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаларида қўллаш бу соҳаларда тобора хослана борадиган вазифавий чегараланганликларни, бинобарин, функционал – вазифавий услубларни келтириб чиқаради. Юқориданги саволларга жавоб бериб бўлганимиздан сўни масаланинг ана шу жиҳатига кенгроқ тўхталамиз.

Англидикки, тилдаги ҳар бир восита услубнинг шаклланиши учун материал бўла олиши мумкин. Бошқача айтганда, нутқий жараёнда ҳар бир тил бирлиги услубий восита бўла олади. Уларнинг меъерий даражасини эса, худди бошқа тил меъёрларида бўлгани сингари, нутқий жараён ва вазият белгилайди.

Айтилганларни услубий меъёрни англашдаги биринчи босқич дейиш мумкин. Қисқа хулоса шу бўладики, услубий

меъёр деганда тилдаги бирликларнинг ҳар бир нутқий мавзу ва вазиятга мос тарзда қўлланилиши тушунилади.

Навбатдаги босқичда уни адабий тилнинг умумий меъёри доирасида хусусий меъёрлардан бири сифатида қараш-қарамаслик масаласига аниқлик киритилиши зарур бўлади. «Тилшуносликда услуб тушунчасини нутқ олдига қўйилувчи мезон деб билишдан кўра, уни тилнинг ўзига, тил нормасига тегишли ҳодиса деб баҳолаш, шунга кўра услубни ҳам худди конкрет нормалар каби реал нормаларга тенглаштириш устун туради. Услуб билан боғлиқ реал нормалар услубий нормалар деб юритилади. Услубий нормалар келтирилган маънода тилнинг фонетик, морфологик, талаффуз, орфографик, синтактик нормалари билан бир қаторда қайд этилади».<sup>2</sup>

Олимнинг ўз мулоҳазаларини қанчалик эҳтиёткорлик билан билдираётганидан қатъий назар услубий меъёрни ҳам юқорида санаб ўтилган адабий тил меъёрлари қаторида ҳисоблашга асослар бор. Фақат унинг нутқ жараёнидагина реаллашувини эътибордан четда қолдирмасак бас. Аслини олганда, юқорида тил меъёрлари сифатида эътироф этилаётган фонетик, талаффуз, орфографик, лексик ёки грамматик меъёрларнинг қайси бири нутқдан ташқарида шаклланади? Савол шу тарзда қўйилгандагина масалани тушуниш бир-мунча ойдинлашади.

Услубий меъёрнинг бошқа хусусий меъёрлар билан умумий, айти пайтда, фарқли томонларини аниқлаш ҳам муҳим. Масалан, ҳар бир тил бирлиги, айтайлик, бирон бир морфологик бирлик ҳам морфологик, ҳам услубий меъёр учун объект бўлса, уларни бир-биридан қандай фарқлаш мумкин? Масала шу тарзда қўйилганда морфологик меъёрнинг ҳолатларни аниқлашга қараганда услубий меъёрларни

---

<sup>2</sup> Бегматов Э. ва бошқ. Юқоридаги асар, 78-бет.

аниқлаш анчагина мушкул эканлиги маълум бўлиб қолади. Бунинг устига, қай ҳолатда морфологик меъёр бузилгану, қай пайтда услубий меъёр бузилаётганлигичи пайқаш ҳам осон кечмайди. Қиёслаймиз : *укамни китоби, китобни ўқимоқ*. Биринчи мисолда морфологик меъёрнинг бузилганлиги кўриниб турибди. Нутқда *-нинг* ва *-ни* келишик қўшимчаларининг фарқланмасдан ишлатилиши оқибатида бу бузилиш содир бўлмоқда. Фарқланмасликнинг оқибати мана бу мисолда яна ҳам аниқ билинади: *(Уни) укамни уйда кўрдим. (Уни) укамнинг уйда кўрдим. Укамни (ўз) уйда кўрдим*. Маълум бўлаяптики, морфологик меъёрнинг бузилиши иккинчи навбатда услубий меъёрнинг бузилишига, яъни фикрнинг ноаниқ ифода этилишига олиб келмоқда. Таалаб эса бошқача. Нутқда кимни кўрганлик аниқ ифода этилган бўлиши керак : уканинг ўзиними ёки унинг уйда бошқа бировними?

Энди сўз қўллаш меъёрига ҳам диққат қилиб кўрайлик. Завқийда шундай мисралар бор : *Юзингни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг* мисолидаги юз сўзини унинг синонимлари билан алмаштириб кўрамиз: *Ж а м о л и н г кўрсатиб аввал..., Р у х с о р и н г кўрсатиб аввал...* Яна: *Т у р қ и н г н и кўрсатиб аввал ўзингга бандалар қилдинг, Б а ш а р а н г кўрсатиб аввал...* ва ҳоказо. Гарчи бир синонимик қаторда жойлашган сўзлар мисрада ўрни алмаштирилиб қўлланилаётган ва бу сўзларнинг лексик маъно даражаси тенг бўлса ҳам, уларнинг услубий қийматини бир хил деб айтиш мутлақо мумкин эмас. Ҳатто кейинги алмаштиришлар туфайли ифодада мантқиқсизлик рўй бермоқда, услубий меъёр кўпол равишда бузилмоқда.

Таҳлилдан шу нарса маълум бўладики, адабий тил доирасидаги ҳар бир меъёрий бузилиш нутқий ифода ва мазмунга, бинобарин, услуб ва тил маданиятига ҳам салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Айтилганлардан, услубий меъёр адабий тилнинг бошқа хусусий меъёрлари билан бир хил экан-да, деган хулоса асло келиб чиқмайди. Нутқда бошқа меъёрлар бузилмаса ҳам услубий меъёрнинг бузилишини кузатиш мумкин : *Ит - одамнинг дўсти. Одамнинг дўсти – ит.* Гапларда сўзларнинг ўрни ва вазифаси алмашган бўлса ҳам, грамматик меъёр бузилган эмас. Аммо сўзларнинг ўрни алмаштирилиши билан гапнинг мазмуни бутунлай ўзгариб кетди, бинобарин услубий меъёр бузилди. Агар биринчи гапдан итнинг инсонга вафодорлиги, садоқатли эканлиги англашилаётган бўлса, иккинчи гапдан тескари маъно тушунилади. Мазмун ўзгариб кетиб, умуман одам итга тенглаштирилади.

Кўринадики, адабий тилнинг бошқа меъёрлари билан услубий меъёр чамбарчас алоқадорликда, айти пайтда, уларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида хусусиятларига ҳам эга. Бу нарса услубий меъёрни ўзбек адабий тили умумий меъёрининг алоҳида – хусусий кўриниши сифатида қарашимизга асос бўла олади.

Услубий меъёрни адабий тил умумий меъёрининг бир кўриниши эканлигини эътироф этиш билан биргаликда унинг бошқа хусусий меъёрлар билан тенг мавқеда эмаслигини ҳам айтиб ўтиш лозим бўлади. Чунки услубий меъёрлар тилда белгиланган барча хусусий меъёрларнинг вазифавий услубларда матн талаби ва манфаатидан келиб чиқиб яшаш шакли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам меъёр таҳлилига оид адабиётларда уни ҳар бир вазифавий услуб доирасидаги фонетик, лексик-семантик ва грамматик ҳодисалардаги меъёрлар ва уларнинг матн услубига таъсиридан излаш керак, деган фикрлар баён қилинади.

Кўринадики, услубий меъёрни бошқа меъёрлардан фарқли ўлароқ, тил меъёри деб аташдан кўра, нутқ меъёри деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки услубий меъёрларни матндан ташқаридаги бирон бир ҳолатда аниқлаш мушкул эканлиги таҳлиллардан аён бўлиб қолаверади. Шу-

нинг учун ҳам Э.Бегматов услубий меъёрларда адабий меъёрга мос бўлмаган ҳолатларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб, уни «адабий норманинг ти» соҳаларига кўра белгила-нувчи нормалари билан бир қаторда туриши мумкин эмас»лигини таъкидлайди. «Услубий норма, - дейди у, - бу – адабий норма, диалектал норма, содда сўзлашув нормаси ка-би кўринишларда намоён бўлиши мумкин».<sup>3</sup>

Демак, меъёр ҳақида гап кетган пайтда, авваламбор, адабий тил қонун-қоидаларига риоя қилишни англар экан-миз, адабий тилнинг амалда бўлиш жабҳаси кенг эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Ана шу кенг жабҳани вазифавий услублар маъносига билсак, услуб ва меъёр муносабатлари-ни тушунишимиз ҳам осонлашади. Бинобарин, услубий меъёрлар ҳақида гап кетганда уларнинг вазифавий услублар-да намоён бўлиши асосий диққат марказида туриши зарур.

Тилдаги вазифавий услубларни дастлаб нутқ шаклла-рига – ёзма ва оғзаки нутқ шаклларига бўлиш бу услублар-нинг фаолият доираси ва қўлланиш кўламини аниқроқ тасав-вур қилишимизга кўмаклашади. Бундан ташқари, қайси ус-лубда бўлмасин, нутқнинг ёзма ёки оғзаки шаклда ифода этилиши маълум маънода ҳар бир услубдаги меъёрларнинг ҳам ўзига хос кўринишларда юзага келишига туртки бўлиши мумкин. Масалан, биргина бадиий матннинг жанр кўринишлари сифатида роман ёки халқ дostonларини олиб қарайлик. Катта бир сюжетга эга бўлган, йирик ҳажмдаги асарни майдонга келтириш учун ёзувчи ойлаб, ҳатто йиллаб ўйлайди, ҳар битта тил бирлигини ўз жойига қўйиш, айна муддаосига хизмат қилдириш учун бош қотиради. Биноба-рин, тилдан фойдаланишда аксарият ҳолда адабий тил меъё-рининг бузилишига йўл қўйилмайди. Мободо қўйилганда ҳам бунда маълум бир бадиий-эстетик мақсад кўзда тутилган ёки

---

<sup>3</sup> Бегматов Э. ва бошқ. Юқоридаги асар, 78-бет.

бадий асарнинг юзага келиш талабларига итоат қилинган бўлади.

Оғзаки ижод намунаси бўлган дostonлар матнининг шаклланишида эса бошқача бир ҳолатни кузатамиз. Кейинги пайтларда ўзбек халқ оғзаки ижодига тегишли бўлган дostonларнинг барчаси ёзма матн ҳолига келтирилган бўлса ҳам, боринги дostonчи — бахши уни ёдлаб олиб, дoston мазмунини ёзма матн асосида ҳикоя қилаётган бўлса ҳам, унда матнни ижодий ўзлаштириш ва баён қилиш эркинлиги бор. Табиийки, бундай ҳолатда адабий меъёрнинг бузилишига шароит яратилади. Бадий услуб доирасидаги ўтириб, ўйлаб ёзилган шеър билан бадиҳа тарзда айтилган шеърни таққослашимиз ҳам бу фикрни исботлайди. Бадиҳа шеърлар жанр сифатида мавжуд бўлса-да, ниҳоятда кам учрашиниш сабабларидан бири ҳам аслида адабий меъёрни бузиб қўйишдан қочишга интилиш бўлиши мумкин.

Бундан ташқари бирон-бир илмий материалнинг ёзма баёнини у қандай бўлса, шундайлигича ўқиб бериш билан бу матннинг мазмунини оғзаки баён қилиш ҳолатларини ҳам таққослайлик. Ёки бўлмасин телевидение эшиштиришларидаги, айниқса «Ахборот» дастуридаги журналистларнинг маълум бир воқеа-ҳодиса, янгиликлар тўғрисида хабар бериш жараёнидаги аввал ўзи камера қаршисида туриб эркин гапириши ва кадр орақасида туриб, аввалдан тайёрлаб қўйилган матнни ўқиб бериши ўртасида, гарчи бу нутқнинг ҳар иккаласи бир муаллифники бўлса-да, бир-бирларидан айнан меъёрга муносабатда фарқланишини кузатамиз.

Айтилганлар шундан далолат берадики, меъёрни вазифавий услублар доирасида ўрганиш жараёнида уларнинг ёзма ва оғзаки шакллари эътибордан қочириб бўлмайди. Меъорий бузилишлар асосан вазифавий услуб материалларининг оғзаки ифодасида кўпроқ кузатилади. Бу эса, ўз наъбатида ёзма нутққа нисбатан оғзаки нутқнинг ўзбек тилида талаблар даражасида такомиллашмаганидан далолат беради.

Услужий меъёрлар чегарасини белгилашда мана бундай мулоҳазаларга ҳам дуч келамиз : «услуг – бу умумий норманинг индивидуал татбикидир»<sup>4</sup> Бу фикрни икки хил маънода тушунишимиз мумкин. Биринчидан, тил воситаларининг ҳар бир вазифавий услуб доирасида қўлланилишидан келиб чиқиб белгиланадиган меъёр бўлса, иккинчидан, ҳар бир индивид (шахс)нинг тилдан фойдаланишдаги меъёри.

Маълумки, одамнинг шахс, инсон сифатида шаклланишида қатор омиллар билан биргаликда тилдан фойдаланишдаги ўзига хослиги ҳам ҳисобга олинади. Чунки она тилдан фойдаланиш маҳорати унинг кўпгина фазилатларини ўзида мужассам қилади. Гарчи маълум тилдан фойдаланувчилар учун бу тилнинг адабий меъёрларидан фойдаланиш талаб қилинса-да, ўзи тарбияланган ижтимоий муҳитнинг таъсирида унда табиий равишда ўз меъёрлари ҳам шаклланади. Худди табиатда бир нарса иккинчисига айнан ўхшаш бўлмагани сингари бир кишининг нутқи иккинчи бир киши-никига айнан ўхшаши ёки уларнинг адабий тил меъёрларига бир хилда риоя қилиши амалда қийин бўлади. Шунга қарамасдан, умуми адабий тил маданиятига бўлган интилиш бу меъёрларга амал қилишни тақозо этади. Ҳар бир инсон ёки миллат маданиятининг тобора юксала бориши унинг бу борада ҳам мукамаллашиб боришига олиб келади.

Масаланинг иккинчи томони эса ҳар бир миллат ҳаётида ижтимоий муносабатларнинг, фаолият соҳаларининг шаклланиши ва кенгая бориши, бинобарин, бу йўналишларда тилдан фойдаланишнинг ўзига хос усуллари шаклланиши, бунинг натижасида тил элементларнинг ана шу соҳалар ва йўналишлараро тақсимланиши билан боғлиқ бўлади. Оқибатда уларда тилдан фойдаланишда ўзига хос услублар

---

<sup>4</sup> Бегматов Э. ва бошқ. Адабий норма ва нутқ маданияти, 83-бет.



вужудга келади. Жамият тараққий эта боргани сари бу услубларнинг миқдори, ундаги чегараланишлар тилнинг барча сатҳлари бўйича тобора ойдинлашиб бораверади.

Турмуш шароитига, ижтимоий-иқтисодий ва илмий тараққиёт даражасига кўра, тилнинг қанчалик ривожланганлиги ва ундан фойдаланиш маданиятига қараб турли тилларда вазифавий услублар миқдори турлича бўлиши мумкин. Масалан, тадқиқотчилар томонидан уларнинг сони адигей тилларида учта деб кўрсатилса,<sup>5</sup> озарбайжон тилида олтигача эканлиги айтилади.<sup>6</sup>

Ҳозирги ўзбек адабий тили вазифавий услублари миқдори ва таснифи ҳақида ҳам турлича қарашлар мавжуд. А. Сулаймоновнинг «Тил стиллари ҳақида» номли мақоласи ана шу масалага ойдинлик киритиш йўлидаги дастлабки уринишлардан биридир. Муаллифнинг «Стилистиканинг вазифаси у ёки бу стилда ёки нутқ формасида, яъни оғзаки ва ёзма нутқда, қандай тил ҳодисалари кўпроқ қўлланишини аниқлашдан иборатдир»<sup>7</sup> деган гапларидан тушуниш мумкинки, у тил ёки нутқ стилларини ёзма ва оғзаки – сўзлашув услубларига ажратган. Ғ. Абдурахмонов таснифида ҳам ана шу фикр етакчи ўринда туради: «Маълумки, нутқ икки хил (ёзма ва оғзаки) нутқдан иборат.

Ёзма нутқ: 1) бадиий нутқ, 2) илмий нутқ, 3) публицистик нутқ, 4) расмий нутқ, 5) нейтрал нутқдан иборатдир (Бу нутқ турлари айрим адабиётларда стилистик қатламлар сифатида талқин қилинади).

---

<sup>5</sup> К о к о в Д.Н. З.Ю.Кумахова, М.А.Кумахов. Функциональная стилистика адыгейских языков. Рецензия // Вопросы языкознания, 1981. № 3, с.148.

<sup>6</sup> Азэрбайжан бэди дилинин услубијаты. Очерклар. – Бақы, 1970, 16-17-бетлар.

<sup>7</sup> Сулаймонов А. Тил стиллари ҳақида // Совет мактаби, 1964, №6. 21-23-бетлар.

Оғзаки нутқ эса турли ижтимоий қатламларнинг нутқларидан, турли шева нутқларидан ташкил топади.

Нутқ стили бўлса қуйидагича қатламлардан иборат бўлади : 1) нейтраль стиль, 2) тантанали стиль, 3) интим стиль, 4) юмористик стиль ва сатирик стиль, 5) расмий стиль.

Нутқда (хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки бўлсин) бу стиль қатламлари аралашиб келади, нутқ жанрига кўра бирор стилистик қатлам етакчи, асос бўлади».<sup>8</sup>

И. Қўчқортоев бу масалага анча эҳтиёткорлик билан ёндошади: «Ўзбек адабий тилининг стилистик ихтисослашуви, унинг функционал услублари илмда ҳам қатъий чегаралаб берилган эмас. – дейди у. – Шунинг учун бу масала юзасидан ҳозирча аниқ, изчил бир фикр айтиш қийин, албатта. Лекин ўзбек адбий тили доирасида бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий услубларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни бири-биридан фарқлайдиган белгилар маълум даражада аниқ сезилиб туради».<sup>9</sup>

Вазифавий услублар таснифи масаласига оид фикрлар С. Муҳамедов томонидан ҳам айtilган.<sup>10</sup>

Б. Ўринбоев ҳам «Функционал услубият ва унинг моҳияти» асарида ушбу масалага тўхталади: «Ҳозирги ўзбек тилидаги услублар қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

I. Тил услублари.

1. Китобий услуб; 2. Сўзлашув услуби.

II. Нутқ услублари.

1. Асосий коммуникатив услуб. Бу услубга ўз навбатида: а) сўзлашув нутқи услуби; б) илмий нутқ услуби; в) газета

---

<sup>8</sup> Абдурахмонов Ф. Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, № 6, 51-бет.

<sup>9</sup> Қўчқортоев И. Адабий тилнинг стилистик табақланиши ва нутқ маданияти // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973, 110-бет.

<sup>10</sup> Муҳамедов С. Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, № 4, 58-бет.

– публицистик услуби; г) расмий – иш нутқи услуби киради»

<sup>11</sup>

Н.А. Баскаковнинг куйидаги мулоҳазалари туркий тилларда унинг яна бошқа турлари мавжуд бўлганлигидан далолат беради: «Туркийнинг ҳар бир маҳаллий варианты стилистик системалари, биринчидан, ҳам прозаик, ҳам поэтик жанр типлари ва кўринишларининг улкан ривожини ва мураккаблашиши билан, иккинчидан, барча функционал услубларнинг; 1. илмий – публицистик, (тарихий) жуғрофий, филологик характердаги прозаик ва поэтик трактатлар, табиий ва аниқ фанлар бўйича прозаик ҳамда поэтик асарлар ва бошқалар; 2) бадиий (прозаик ва улкан даражадаги поэтик асарларнинг кўплаб поэмалар, дostonлар, газаллар, мухаммаслар, соқийномалар, қитъалар, рубоийлар, туюқлар каби ҳар хил турлари ва хиллари); 3) хизматга доир (фармонлар, тархон ёрлиқлари, номалар, турлича дипломатик ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар); 4) диний услуб (вақф ҳужжатлар, диний фалсафий ва ҳуқуқий асарлар, тафсирилар, имомларнинг диний мурожаатлари каби) ларнинг кўплаб поэтик ва прозаик жанр кўринишлари шаклланиши билан характерланади.

Функционал услубларнинг бу барча типлари ва кўринишлари ўрта ва янги давр ёзма ва оғзаки туркий тилларда сезиларли даражада кўпчилик туркий халқлар учун расмий дин бўлган ислом таъсирида, у орқали эса ўша даврда амалда бўлган қоидалар – адабий ёзма, қисман оғзаки, араб ва форс тиллари таъсирида шаклланди».<sup>12</sup> Кўринадики, ўзбек тилидаги вазифавий услубларга доир қарашлар умумлашти-

---

<sup>11</sup> Ўрнибоев Б. Функционал услубият ва унинг моҳияти. –

Тошкент: Фан, 1992, 32-33-бет.

<sup>12</sup> Баскаков Н.А. Структурные и функциональные стилистические модификации в современных тюркских языках // Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968, с.57.

риладиган бўлса, услублар дастлаб оғзаки ва ёзма шаклларга, уларни яна ўз навбатида илмий, расмий, оммабоп, бадиий, диний ва сўзлашув каби кўринишларга ажратиш ҳақида қарашлар мавжуд. Ҳозирча улардан бештаси – илмий, расмий, оммабоп, бадиий, сўзлашув услублари ва уларнинг меъёрий хусусиятлари, тил материали сифатидаги ҳамда нутқ жараёнидги ўзига хосликлари ўзбек тилшунослигида моно-график йўналишда ўрганилган.<sup>13</sup> Аммо диний услуб ўзбек тилида ҳақиқатдан мавжудми, агар мавжуд бўлса, унинг лингвостилистик хусусиятлари нималардан иборат, деган масала ҳозирча ўрганилган эмас.

Мавжуд материаллар асосида ҳар бир услубнинг меъёрий хусусиятлари тўғрисида қисқача маълумот бериш мумкин бўлади. Бу ўринда биз Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбоновларнинг «Ўзбек тилининг функционал стиллари» китобидан ҳам фойдаланамиз.<sup>14</sup>

*Расмий услуб* ҳозирги ўзбек тилининг давлат-маъмурий, ҳуқуқий муассасаларида, расмий дипломатик муносабатларида намоён бўладиган кўринишидир. Қонун матнлари, фармонлар, фармойишлар, буйруқлар, хуллас барча расмий иш қоғозлари ана шу услубда шаклланади. Бу услубнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари, бинобарин, ушбу кўринишларнинг ўз меъёрлари мавжуд.

Жумладан, аниқлик. Ушбу услубда шаклланган матнда ноаниқликка, изоҳталаб ўринларга йўл қўйилмаслиги ло-

---

<sup>13</sup> *Ўринбоев Б.* Ўзбек сўзлашув нутқи масалалари. ДД. – Тошкент, 1974; *Мукаррамов М.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий услуби семантик-функционал аспектда. ДД. – Тошкент, 1985; *Каримов С.А.* Ўзбек тилининг бадиий услуби. ДД. – Тошкент, 1994; *Бобохонова Д.А.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг расмий-иш услуби. НД. – Тошкент, 1978; *Қурбонов Т.И.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг публицистик услуби. НД – Тошкент, 1987.

<sup>14</sup> *Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А., Қурбонов Т.И.* Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Самарқанд, 1984.

зим. Фикр ва мазмун содда, аниқ ва тушунарли тилда баён қилиниши керак: *Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзтаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берадиган идоралар томонидангина амалга оширилади.* (ЎЗР Конституцияси, 7 - модда).

Қолип. Фикр – мулоҳаза, баён асосан бир қолипда ифодаланadi. Солиштирамиз: *Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида.*

*Бетакрор истеъдоди ва ўлмас ижодий мероси билан ўзбек миллий маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўнган, бутун ҳаётини эл-юрт тараққиёти, халқимиз маънавиятининг юксалишига бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, уларни Ватан олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар «Булок хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.* (ЎЗР Президентининг 2001 йил 22 август Фармони).

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида.*

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлиқ тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан қарор қиламан* (ЎЗР Президентининг 2001 йил 22 август Фармони).

Шу тарзда ариза, қарор, билдиришнома, маълумотнома, шартнома, табрикнома сингари турли характердаги расмий ҳужжатларнинг ҳар бирининг ўзига хос баён этиш қолипи бўлади. Айни пайтда уларнинг ҳар бирининг алоҳида сўз ва турғун бирикмалари ҳам мавжуд бўлади. Масалан, ҳуқуқий ҳужжатлар матнига кўз югуртирсак, уларда бошқа вазифавий услубларда деярли учрамайдиган атамаларга дуч келамиз: *маъмурий жавобгарлик, фуқаролик ҳолати,*

*фуқаролик жавобгарлиги, айбдор, гумондор, жабрланувчи, судланувчи, гувоҳ, жамоат кафиллиги, суриштирув, жабрланувчи билан ярашув ва бошқалар.*

Иш қоғозлари ва ҳужжатларнинг хилма-хиллигига қараб уларга оид атамаларнинг меъёрлашуви ва чегаралануви ҳам кузатилади. Қиёс учун дипломатик муносабатлар доирасидаги сўз ва ибораларга кўз югуртирайлик : *аҳдлашувчи олий томонлар, элчи, элчихона, мухтор элчи, мухтор вакил, ишончли вакил, нота, ратификация, шартнома, баёнот, кўшма баёнот, декларация, ташриф, қароргоҳ* кабилар.

Ушбу услуб учун жаргонлар, оддий сўзлашувга хос сўзлар, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган сўзларнинг ишлатилиши меъёр саналмайди ва шу жиҳати билан бошқа услублардан кескин фарқ қилади.

Расмий услубнинг грамматик меъёри ҳам алоҳида хусусиятларга эга. Масалан, от сўз туркумига оид сўзлар кўп ишлатилади. Ноаниқликларга йўл қўйилмаслик мақсадида улар олмошлар билан алмаштирилмайди: *Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир* (1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 16 - моддасидан).

Бу услубда феълнинг ҳаракат номи шакли фаол қўлланилади, гапнинг кесими кўпинча ҳозирги замоннинг мажхул нисбатида ифодаланади, ҳужжатнинг характериға қараб шарт майли шаклиға тез-тез мурожаат этилади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари» ҳақидаги 78 – моддасида *ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, қабул қилиш, белгилаш, тасдиқлаш, тартибга солиш, ўзгартириш, жорий қилиш, комиссиясини тузиш, сайлов*

кунини тайинлаш, сайлаш, озод этиш, ратификация қилиш, таъсис этиш, амалга ошириш сингари феълли бирикмалар ишлатилган. Ушбу хужжатда амалга оширилади, асос бўлади, ташкил этади, белгиланади, асосланади, ҳисобланади, ҳимоя қилинади, амалга оширади, тан олинади, иш кўради, адо этади, қафолатланади. тақиқланади сингари феълларнинг фаол ишлатилиши ҳам юқоридаги фикрнинг тасдиғидир. Яна : *Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузасидаги концептуал қондалар ва хулосалар маъқуллансин ҳамда улар Олий Мажлиснинг келгуси фаолиятида инobatта олинсин. Маърузанинг ... дастурий хулосалари прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар фаолияти учун асос қилиб олинсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ... мустақиллик ва демократия қўлга киритган ютуқларни ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ҳамда тотувлигини таъминлаш ишларини кучайтириш т а в с и я э т и л с и н.* (ЎЗР Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий мажлисининг олтинчи сессиясидаги маърузаси юзасидан ЎЗР Олий мажлисининг 2001 йил 29 август қароридан).

Шу ўринда расмий услубда ёзилган матнлар учун барча морфологик воситалар ва категорияларнинг қўлланилиши бир хил даражада эмаслигини таъкидлаш ҳам мақсадга мувофиқ. Масалан, сонлар ва олмошлар бу услубда бошқа сўз туркумларига қараганда иккинчи даражали омил ҳисобланади.

Расмий услубнинг синтактик аломатлари ҳам матнда дарҳол кўзга ташланади. Унда дарак гаплар, унинг айниқса қўшма гап шакли кўп ишлатилади. Ёйиқ ва мураккаб сўз бирикмалари маҳсулдор ҳисобланади, мураккаб типдаги номлар кенг қўлланилади. Гап тузилишида ўзбек тилидаги одатдаги меъёрга амал қилинади ва юқорида саналган жиҳатлари билан илмий услубга ўхшаб кетади.

*Илмий услуб* илмий асарлар услубидир. Тил бирликларининг фан соҳасида, илмий баён жараёнида ишлатилиши мазкур услубнинг шаклланишига асос бўлади. Илмий тафаккур фикрлашнинг ўзига хос усули эканлиги, объектив борлиқни идрок этишда фақатгина далил ва фактларга таяниш, фикрий изчилик каби экстралингвистик омиллар ҳам нутқнинг ушбу турининг шаклланишида, бинобарин, нутқий меъёرنинг ўзига хос турининг юзага келишида муҳим омил саналади.

Юқорида бу каби хусусиятларнинг муштараклиги билан расмий услубга яқинлиги айтиб ўтилган эди.

Илмий услубнинг жанр хусусиятлари ҳам кенг. Монография, рисола, дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-методик қўлланма, дастур, маъруза матнлари, тақриз ва реферат сингарилар унинг ана шу жанр кўринишлари ҳисобланади. Гарчи уларнинг ҳар бирининг баён усули ва услуби маълум даражада бир-бирларидан фарқ қилса-да, тил бирликларидан фойдаланиш меъёрига кўра умумийликни ташкил этади.

Илмий услубга хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Аниқлик. Ҳар қандай илмий баён, хулоса, шубҳасиз, аниқликни талаб қилади. Шунинг учун бу услубда сўзларни аниқ, асосан бир маънода қўллаш, синонимик қатордаги вариантлардан масаланинг моҳиятини бирмунча аниқ ифода этадиган вариантни танлаш, ҳеч бўлмаганда нейтрал вариантни қўллаш тақозо этилади. Терминларни қўллаш бу услубнинг асосий хусусияти саналади: *Химиявий таркибига кўра гербицидлар аноорганик ва органик гербицидларга бўлинади. Аноорганик гербицидлар: натрий арсенит, аммоний сульфат, кальций цианамид, сульфат кислота ва бошқалар. Органик гербицидлар: трактор керосини, мочеви́на ҳосилалари, хлорфеноксисирка кислота, хлорфеноксимой кислота ва бошқалар. Ҳозирги вақтда кўпроқ органик*



бирикмали ва баъзан анорганик бирикмали гербицидлар қўлланилади (Дехқончилик, 134).

2. Объективлик. Илмий адабиётларда бу услуб доирасида тил материали фикрнинг ҳаққонийлиги, объективлигига хизмат қилиши лозимлиги уқтирилади.<sup>15</sup> Лекин «Мантиқ» дарслигидан бир мисол келтирамиз: «Эпименид «Мен ёлғон гапираман» деб айтди. Бу парадоксни мутлақо ҳал этиб бўлмайди. Айтайлик, Эпименид рост гапирди, бу ҳолда унинг ҳақиқатда ёлғон гапиргани аниқ бўлади. Айтайлик, у ёлғон гапирди. Бу ҳолда унинг ҳақиқатда ҳам рост гапиргани маълум бўлади».<sup>16</sup>

Маълум бўладиги, ҳаққонийлик, объективлик ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, унинг реаллашувида фақатгина тил бирликларига таяниб иш кўриш қийин. Уни вазият, суҳбатдошларнинг бир-бирларини билиши ва тушуниши каби экстралингвистик омиллар ҳам белгилаши мумкин.

3. Мантиқий изчиллик илмий баён услубининг ўзига хос хусусиятини ташкил этади. Матнда сўзлар, гаплар, абзацлар ўзаро мантиқий боғланган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам илмий матнлар бу изчилликни юзага келтирувчи маълумки, маълум бўладиги, таъкидлаш лозимки, таъкидлаш ўринлики, дарҳақиқат, бинобарин, шундай экан, биринчидан, иккинчидан, кўринадики, таъкидлаш жоизки, хулоса қилиб айтганда, хулоса қилганимизда, биргина мисол, фақат бугина эмас сингари кўплаб боғловчи вазифасини бажарадиган сўз ва бирикмалар қўлланилади.

4. Қисқалик. Бу хусусият айнан илмий баёнга хос хусусиятдир. Шунинг учун унда тилнинг тасвирий имконият-

<sup>15</sup> Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент, 1984, 17-бет.

<sup>16</sup> Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ, – Тошкент, 1993, 282 –бет.

ларидан деярли фойдаланилмайди. Гаплар дарак мазмунида бўлиб, асосан содда ёйиқ ҳолда бўлади. Агар фикр кўшма гаплар ёрдамида ифодаланса, боғловчиларнинг фаол ишлатилиши кузатилади: *Галла экинлари уруғларини сақлашга анча чидамли ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини сифатли уруғ билан таъминлашда уни сақлаш муҳим тадбирдир. Экиладиган галла уруғлари учун давлат стандарти белгиланган (Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси).*

Илмий услуб фонетик жиҳатдан бошқа услублардан фарқланиб турувчи ёрқин белгиларга эга эмас. Лексикасида эса фарқ қилувчи жиҳат соҳавий атамаларнинг кўплиги ҳисобланади. Бу услубда ҳам, худди расмий услубда бўлгани каби, сўзларни кўчма маъноларда қўллаш, тасвирий воситалардан унумли фойдаланиш хос хусусият саналмайди. Субъектив эмоционаллик, образлилик, оғзаки нутқ элементлари, умуман ғайри адабий унсурлар кам ишлатилади. Мумкин қадар баён бир хил меъёردа ифода этилади. Шу билан бирга, айрим ҳолатларда фикр юритилаётган манба, мавзу билан уйғун равишда баъзан бу услубда ҳам образли ифодалардан фойдаланиш истисно эмас. Масалан: *Дифференциал тенгламаларнинг хусусий ҳосилалари физикага чўри бўлиб ишга кирди, кейин у чўридан бекага айланиб кетди* (Р.Бекжонов).

Муаллиф индивидуаллигининг кам сезиларли бўлиши ҳам илмий услубнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Илмий услубнинг морфологик хусусиятлари тўғрисида М.Мукаррамовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили» монографиясида қуйидаги фикрлар баён қилинган:

Илмий услубда фақат адабий тилда меъёр сифатида эътироф этилган грамматик кўрсаткичлардан фойдаланилади. Сўз туркумларидан от фаол, айниқса такрор қўлланади. Субъектив баҳо шакллари хос эмас. —лар кўпликдан бошқа

семантик-услубий маъноларни ифодаламаси-да, атама ҳосил қилишда иштирок этади. Умумий эгаллик устун туради, I-II шахс кўнимчалари ишлатилмайди. III шахс шакли фаол. Ундов ва таклид сўзлар ҳам бу услубга хос эмас. Юкламаларнинг эса имконияти чегараланган.

Илмий нутқ учун дейилади, айтилади, ёритилади, баён қилинади, аниқланади, текширилади, фойдаланилади, таърифланади сингари хосланган феъллар мавжуд. Феълнинг мажхул даража шакли ҳам бу услуб учун хос. Аммо ҳозирги-келаси замон шаклидан ташқари характерли замон кўрсаткичи йўқ. Кишилиқ олмошлари кам қўлланилади. Бу гап фақат муаллиф ва мен маъноларида қўлланиладиган ҳамда камтарлик маъносини ифодаладиган биз олмошига тегишли эмас.

М.Мукаррамов ушбу монографиясида «Адабий тилнинг конкрет кўринишлари бўлган сўзлашув, бадний, публицистик, расмий-ҳужжат ва илмий нутқларнинг реал мавжудлигини тан олсак, у вақтда ҳар бир нутқ турининг ўз модал маъно ифодаловчи сўзларини ҳам тан олишимизга тўғри келади»<sup>17</sup> деган мулоҳазани айтиб, демак, хуллас, дарҳақиқат, ҳақиқатан, шубҳасиз, албатта, дарвоқе, масалан, жумладан, айниқса, хусусан, аксинча, афсуски сингари модал сўзлар ва модал маъно англатувчи бошқа бирликлар таҳлил қилинган.

Шу сингари илмий услубнинг аммо, лекин сингари ўз боғловчилари, билан, учун, каби, сингари, ҳақида, тўғрисида, туфайли, сабабли, доир, оид, биноан, ташқари, қараганда, асосан, мувофиқ, қадар сингари кўмакчилари борлигини ҳам қайд қилиш тўғри бўлади.

Илмий услубда баён этилаётган матннинг синтактик қурилиши фикрий тугалликка, мантиқий изчилликка хизмат қилади ҳамда баённинг табиатидан келиб чиқиб, бир таркиб-

---

<sup>17</sup> Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили, 108-бет.

ли гапларнинг шахсиз, шахси умумлашган турлари фаол бўлади. Ундов, атов гаплар қўлланилмайди, нутқ монологик характерда бўлади. Расмий услубдагига ўхшаб гап тузилишининг одатдаги тартиби қўлланилади. Қўшма гап фаол ишлатилади. Дарак гап асосий мавқени эгаллайди, сўроқ ва буйруқ гаплар деярли қўлланилмайди.

*Оммабоп услуб* ўзбек тилшунослигида Т. Курбонов томонидан монографик йўналишда ўрганилган.<sup>18</sup>

Тил тараққиётида муҳим омил саналадиган публицистика ўз навбатида тилнинг имкониятларидан ҳам кенг фойдаланади.

Оммабоп услуб имкониятларининг кенглигини лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг мустаҳкам алоқадорлигида кузатамиз. Публицистик жанрда ёзилган асарларнинг моҳиятан ҳозиржавоблиги, уларнинг ахборот ҳамда тарғибот-ташвиқот характерда бўлиши ва оммани дунё ёки мамлакатимиз миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан зудлик билан хабардор қилиш натижасида юзга келадиган новаторлик унда табиий равишда янги ижтимоий-сиёсий терминологиянинг қўлланилиши ва тилимизда меъёрлаштиришга сабаб бўлади. Бошқача айтганда, оммабоп услуб тилнинг янги сўз ва иборалар ҳисобига бойиб боришига кўмаклашади.

Оммабоп услуб маълум маънода оралиқ услуб саналади. Бу услубда шаклланган матнлар образлилиги, таъсирчанлиги, тасвирий воситаларнинг маҳсулдор қўлланилиши билан бадиий услубга яқинлашса, диалектизмлар, историзмлар, арга ва жаргонлар қўлланилмаслиги билан ундан узоқлашади. Ифоданинг аниқлиги ва публицистик жанрларга хосланган ҳамда ижтимоий-сиёсий терминологиянинг қўлланилиши билан илмий услубга ўхшайди. Айни пайтда ифодадаги

---

<sup>18</sup> *Курбонов Т.И.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг публицистик стили. НД. -Тошкент, 1987.

қисқалик, лўндалик, ихчамлик, ёрқинлик каби хислатлар ҳам уни илмий услуб билан ёнма-ён қўяди.

Радио ва телевидениедаги айрим чиқишлар бу услубдаги матнда сўзлашув услуби элементлари ҳам баъзан ара-лашиб кетиши мумкинлигини кўрсатади.

Маълумки, публицистика бадиий, сиёсий, илмий жабҳаларни қамраб олувчи йирик соҳа ҳисобланиб, оммавий ахборот воситалари саналадиган радио ва телевидениеда, га-зета ва журналлар саҳифаларида акс этадиган янгилик, хабар, репортаж, таҳлилнома, бош мақола, мақола, очерк, фельетон, памфлет, эълон, реклама сингари қатор жанрларни қамраб олади. Ана шу қамров доирасининг кенлиги ўз навбатида тил бирликларининг ҳар бир жанрда алоҳида тарзда меъёр-лашувини тақозо этади. Бу ўринда эса меъёрлаштиришнинг умумий жиҳатлари хусусида сўз юритиш имконияти мавжуд.

Т.Қурбоновнинг кузатишича, сифатдош оборотлар, феълларнинг шарт майли шаклларининг алмашилиб ишлати-лиши, риторик сўроқ, риторик мурожаат, ундов, бир бош бўлакли гапларнинг фаоллиги бу услубга хос хусусиятлар саналади.<sup>19</sup> Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий атамалар кўп қўлланилади. Ҳатто умумистеъмолдаги сўзлар ҳам оммабоп услубда ёзилган матнда атамага айланиши мумкин *овоз, очик овоз, ёпиқ овоз, ҳал қилувчи овоз, маслаҳат овози, қарши овоз, овозга қўймоқ, овоз бермоқ, Осиё овози* синга-ри.

Ижтимоий-сиёсий атамалар асосан *-чи, -параст, -парвар, -хона, -нома* қўшимчалари ёрдамида ясалади. Мисол-лар: *террорчи, қўпоровчи, ақидапараст, миллатпарвар, девон-хона, божхона, ҳиссадор, тadbиркор* каби.

---

<sup>19</sup> Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тили-нинг функционал стиллари. - Самарқанд, 1984, 35- бет.

Шу ўринда мазкур услубда сўз ясалиш имкониятининг бошқа вазифавий услубларга нисбатан маҳсулдор эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Турли метафорик турғун бирикмалар - *давр талаби, дўстона суҳбат, юқори ҳосил учун кураш, яратувчилик ишлари, дунё ҳамжамияти. мустақил мамлакатлар ҳамдўстлиги, мустақилликни мустаҳкамлаш сингариларни фаол қўллаш* ҳам оммабон услуб табиатига мосдир.

Сўроқ гапларнинг фаол ишлатилиши, уларнинг мурожаат ва диалог шаклда бўлиши, бунда савол берувчи ҳам, жавоб берувчи ҳам муаллифнинг ўзи бўлиши (*Фурур нима ўзи? Ранги қанақа? У ҳаммада бирдай бўладими ёки аксинчами? Менимча, фурурли одам мамлакат миқёсида амалга оширилаётган ҳар қандай муваффақиятни ўзига тегишли деб биледи ва ундан қувонади. Халқ сўзи, 2001 йил 20 сентябрь*), уюшиқ бўлакли гапларга кўпроқ мурожаат қилиниши (*Чунки ўқитувчи зоти машаққатли меҳнати, ҳаётини тажрибаси, беқияс меҳри билан ёш авлодга фақат илм-фан сирларини ўргатиб қолмай, унинг юрагида Ватанга муҳаббат, аждодлар руҳига ҳурмат, эл-юртга садоқат каби юксак туйғуларни камол топтиришда ибрат ва намуна бўлади. И.Каримов. Ўзбекистон ўқитувчиларига ва мураббийларига табрик. Халқ сўзи, 2001 йил 29 сентябрь*), ундовларнинг, кириш бўлақлар ва кириш гапларнинг (*Ваҳоланки, улар ўз мутахассислиги бўйича қаерга жойлашишни билмай юришганди. Албатта, бу билан муаммо бартараф этилди, деб айтиш нотўғри бўлар эди. Ишонч, 2001 йил 22 сентябрь*), шахси умумлашган гапларнинг кенг қўлланиши билан ажралиб туради.

Оммабон услубнинг бадий услуб билан муштарак томонлари, айниқса, унинг лексикаси ва фразеологиясида сезилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, янгиликни ёритишга бўлган интилиш оммабон услубнинг асосий хусусияти саналиб, бу хусусият тилнинг янги сўз ва иборалар билан

бойиб боришига сабаб бўлади. Т.Курбонов бу услубда сўз ясалишининг икки қўриниши – морфологик ва композицион усулининг маҳсулдор эканлигини таъкидлайди ҳамда бунда -чи, -шунос, -параст, -хона, -дош, -лик, -ча бирликларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

*Бадий услуб* ўзбек тили вазифавий услублари орасида ўзига хос мавқега эга бўлиб, айти пайтда ўзининг алоҳида маъёрларига ҳам эга. Тил материални қамраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча лингвистик бирликларнинг, шу билан бирга, бошқа вазифавий услубларга хос бўлган элементларнинг ҳам инплантилавериши ва уларнинг муҳим бир вазифага – бадий-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилиши бадий услубнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Табиийки, бундай имкониятлар бошқа вазифавий услубларда чегараланган.

Тил воситаларини қўллашдаги ана шу кенг қамровлилик бўлиши билан бирга бу услуб доирасида уларни қўллашнинг маълум меъёрлари ҳам амал қиладикки, фонетик, грамматик, лексик ва фразеологик хусусиятлар тарзида кўзга ташланадиган ана шу меъёрлар уни бошқа вазифавий услублардан чегаралаш имконини беради.

Бадий адабиёт тилидаги фонетик ўзгаришлар асосан матнда товушларнинг қисқарган ва орттирилган (*С ў р м а мендан, ким дилоро / Дўстми ё жанона деб. Э.Вохидов; Не балолоғ кун эдиким. О ш и н о бўлдим санго. Алишер Навоий; Ш а б б о д а мен сени кўрмайман. / Қўлимга тутмайман. Зулфия*), она тилимизнинг тарихий тараққиёт ва шеърининг қондаларига мос тарзда «з» нинг «й» га (*С ў й л а қуёш нималар бўлган, / Сен чиққанда биринчи марта. Ҳ.Олимжон*), «қ»нинг «ғ»га (*Қуёш орқасидан –беҳисоб ч и р о ф / Нурига киради мамлакат шу ч о г. Зулфия*) ўтган қўринишларда меъёрлашган.

Шунингдек, бадий услубда, хусусан поэтик нутқда ҳозирги адабий орфографик меъёр талабларига мувофиқ кел-

майдиган қаро, ямон, яро, ошно, талош сингари сўзлар ҳам ишлатилаверади.

Ўзбек тили сўз туркумларининг грамматик шакллари турли адабий, тарихий ҳамда диалектал вариантларга эга бўлиб, улар ҳозирги адабий тил меъёри нуқтаи назаридан бир томондан қўлланиш частотасига кўра фаол ёки аксинча бўлса, иккинчи томондан уларда вазифавий-услубий чегаралиниш ҳам сезилиб туради. Бу хусусиятлар сўз ясовчи ҳамда кўплик, эгалик, келишик, даража, шахс-сон, замон, майл, нисбат каби маъноларни ифода этувчи аффиксларнинг нутқдаги иштирокида, ёрдамчи сўзларнинг турлича кўринишлари ва вариантларида намоён бўлади. Уларнинг маълум қисмида бадиий услубга хосланганлик мавжуд.

Масалан, *-лар* кесим таркибида келган пайтда ҳурмат (*Дадам к е л д и л а р*), киноя, пичинг (*Мулла Эшмат, к е л с и н л а р*) каби маънолар сўзлашув услубига хос бўлса, таъкид, кучайтириш, муболага сингари маънолар бадиий услубда кўпроқ ишлатилади (*Шу к ў з л а р юлдуздай абадий кулсин, Баҳор й ў л л а р и н г г а тўшасин чечак*. Зулфия). Бу каби ҳолатлар илмий ва расмий услубларда кўзга ташланмайди.

Бундан ташқари бу услубларда грамматик шаклларнинг адабий-меъерий вариантлари қўлланилса, аксинча, бадиий услубда бу грамматик шаклларнинг барча кўринишлари – лаҳжа ва тарихий вариантлари ҳам асарнинг мавзу талаби билан қўлланилаверади.

Услубий хосланиш келишик қўшимчалари вариантларининг танланишида айниқса сезилади. Масалан, қаратқич келишигининг *-(и)м* (*Ахир ҳаяжонлар ўзлим м а - н и м*, / *Майли қалбингга ҳам кўчсин ҳаяжон*. К.Баҳромова), *-н* (*Қандай кўркам қизлар а в л о д и н* / *Хассос диди ва шоир дили*. Зулфия), *-инг* (*Шавқимнинг шухраси бошинг уза зар тора фидо*, / *К ў н г л у м и н г маҳзани гул орази гулнора фидо*. Жоний) тарзида қўлланиши, қаратқич-қаралмиш ин-



версияси (Ярқирар минг бир баҳор кўрки камолингда сенинг, /Офтобнинг акси бор ўтлуғ жамолингда сенинг. Ж.Жабборов), грамматик кўрсаткичларсиз келиши (Қаршингда турибди у м р и м бир куни, / Менинг увоқ шеърим менинг дилпорам. Ж.Камол); тушум келишигининг -(и)н (Учирсанг-да кўкка юрак к у л и н , / Аччиғланмам сенга нозли қуёш. Фитрат) ва белгисиз шакли (Улуғ Ҳокон. селдан сўров шу эрди. / Элга сабр, бардошдан бўлак н а р с а бер. Ҳ. Худойбердиева); жўналиш келишигининг - а (Тогларнинг юзи қора. На кўкат бор, на лола. Ул таажжуб эгарди. Кундуздаги а ҳ в о л а... Ҳ. Олимжон), - на (Соя тушса ногаҳон бу жисми бетоб у с т и н а. Навоий), -қа (Ҳажри ашким еткурур ҳар дам қ у ё ш қ а бир ҳаёт. Навоий), -га (Ё илоҳи, эмди қилгайсан бу банданга назар. Жандами, бир дўш этиб, кирдим й ў л у н г г а дарбадар. Машраб) ҳамда белгисиз ҳолатда бўлиши (Ма к т а б бордик - оғир бўлиб қолдик дафъатан. А.Орипов); чиқиш келишигининг -диш тарзида ишлатилиши (Ватан с е в м а к д и н ортиқ Менга оламда шиор бўлмас. Э.Воҳидов), ўрин келишиги қўлланганда у билан эгалик қўшимчаси ўртасида битта «н» товушининг орттирилиши (Сурхонингда анор гули каҳрабодур, Ёбонингда бодомларинг талх физодур, Қовун-тарвуз ҳ у р с о ф и н д а селитродур, Кимлар сени бемор этди. Табиатингни хор этди. О.Ҳожиева) шу услубга хос хусусиятлар саналади.

Сифат ва сон туркумлари доирасида қараладиган грамматик birlikларнинг кўпчилиги барча вазифавий услубларда ишлатилиши билан характерланса-да, уларда ҳам услубий фарқланишларни, стилистик оттенкаларни пайқал қийин бўлмайди.<sup>20</sup> Масалан, сифатдаги -лик қўшимчасининг

<sup>20</sup> Бу ҳақда яна қаранг: Қўнғуров Р. Сифат стилистикаси // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. - Самарқанд, 1982, 3-10 бетлар; Шумуаллиф. Олмош стилистикасига оид айрим

-лик, -лиғ, -лук, -луғ каби шакллари (*Шоҳигул эрмас бу ў т л у ф юзларинг ҳижронида. Э.Воҳидов*) ажралиб туради; *чарогон, шодон, заъфарон* каби сўзлар таркибидаги *-он*; *чиркин, оташин* каби сўзлардаги *-ин* аффиксларида бадий услубга хос чегараланганлик сезилади (*Сўнг бу ифлос зафардан Улар шодон юрдилар. Оламда мард йўқ экан. Бизлар мардмиз дедилар. О.Матжон*).

Олмошларнинг услубий чегараланишлари бадий адабиётда сезиларли ўрин тутади. Кишилиқ олмошларини олайлик. *Мен, биз, сен, сиз, улар* сингари олмошларнинг бири ўрнида иккинчиси, яъни *мен* ўрнида *биз* (*-Ма, ич, амир, -деди ва кулди. -Билиб кўй, б и з д а й амирул-мўмин кўлидан ёлғиз сен май ичурсен. О.Ёқубов*), *мен* ўрнида *сен* (*..Билмайдики... йўғ тўхта Муҳаммад Тарағай! Нечун с е н шаҳзодадан ранжийсен. О.Ёқубов*), *сиз* ўрнида *сен* (*Изн айла! Она. Дариғ тутма лутфингни, Аввал шуки, с е н г а қалқон бўла олмаган Бизни - ношуд фарзандларни афу этгайсен. Э.Самандар*) қўлланиши бу услуб учун меъёр саналади.

Феълда бадий услубга хос белгилар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *Эмоқ-эрмоқ* (*Кеча устод чақиртирган э р к а н. О.Ёқубов*), *кан-кин* (*Б ў л г а н м и - к и н е р узра бир кўз Кўрмак учун сени осмонда. Х.Олимжон*), *-гин/-гил/-ғил* (*Қ ў й г и л у кунларни эслатма менга. А.Орипов; Лекин ҳазар қ и л м а г и л. О.Ёқубов*), *-син/-сун* (*Жонлар сенинг юзгинангдан а й л а н с у н. Фитрат*) кабилар.

Услуб талаби билан ўзаро ўрин алмашишларни майл ва нисбат категориялари мисолида ҳам кузатамиз. Масалан, шарт майли - аниқлик майли: *Теримчи чеварлар этаклаб қоплаб Тоғдай хирмонларга келтириб т ў к с а, Мен беҳад севаман* (Зулфия). Ёки аксинча: *Мен ҳаёт э к а н м а н,*

---

мулоҳазалар// Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. –Самарқанд, 1981, 4-21-бетлар.

ҳаётсан сен ҳам (Зулфия). Буйруқ майли - шарт майли: *Бойсунқур мирзо... зўравонлик қилсин!* Мен мўминларча бош эгиб элчи юборай! (О.Ёкубов), буйруқ-истак майли – аниқлик майли (*Қайга борсин тақдирдан қочиб?*) (Зулфия).

Майл шаклларининг бу тарзда қўлланилиши илмий ва расмий услубларда чегараланган. Уларда феъллар асосан аниқлик майли шаклида бўлади.

Бадий услубда феълнинг барча нисбат шакллари ишлатилади. Аммо аниқ нисбатдаги феъллар бирмунча фаол. Илмий нутқда эса, ақсинча, феъллар асосан мажхул нисбатда қўлланилади.

Бадий асар баёнида замон шаклларининг барчаси иштирок этади. Лекин одатда бадий асарларда бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳикоя қилиниши туфайли унда феълнинг ўтган замон шакллари маҳсулдор ҳисобланади. Шу билан бирга, тасвирдаги кенг кўламлилиқ муаллиф тилида ҳозирги ва келаси замон шаклларининг ишлатилишини ҳам тақозо қилади.<sup>21</sup> Келаси замон - ўтган замон: *Қиш чилласи авжида. Изгиридли еллар эсади. Қўл оёқларига кишан солинган, кийимлари йиртиқ маҳбуслар Самарқанднинг Регистон майдонида совуқдан қалтираб шаҳар қозисининг ҳукмини тинглайдилар* (П.Қодиров).

Шеърин нутқда эса, асосан феълнинг ўтган ва келаси замон шаклларидан фойдаланиш маҳсулдор.

Ёрдамчи сўзлар ҳам тилимиздаги бошқа бирликлар сингари нутқ жараёнида ўзининг услубий имкониятларини намоён қила оладиган тўлақонли тил бирликларидир. Уларнинг ана шу кенг услубий имкониятларини биз, энг аввало, вазифавий чегараланишларда пайқаймиз.

---

<sup>21</sup> Садыкова М. Стилистика глагола в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис.... д-ра филол.наук. - Ташкент, 1991, с.34.

Бадийй услубга хослари куйидагилар: Қўмакчиларни олайлик. *Билан кўмакчисининг бирла, бирлан, ила, -ла, учун кўмакчисининг —чун, каби кўмакчисининг мисол, мисоли, мисли; ора кўмакчисининг аро, шунингдек янглиғ, узра, ичра кўмакчилари бадийй матн учун хос.*

*Лекин ва агар боғловчиларининг қисқарган шакли лек ва гар ҳамда вале, ёинки, ҳолонки боғловчилари ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин: Ёр истигносидан ўлмасману, куйдим ва л е к — Лобарим олдида назмим бу қадар беҳол учун (Э.Воҳидов); Г а р гуноҳ орттирсанг ўзингга оғир, Виждон азобида қоврилсанг бот-бот (А.Орипов), Мен худ ул тифли паривашга кўнгул бердим, в а л е. Хонумоним ногаҳон бузилмағай бошдин яна (Бобур), ...ҳаммани олиб борадимми ё и в к и хоҳлаган бориб, хоҳламаган қолаберадимми? (Ўзбек тили грамматикаси), Ҳ о л о н к и мен сизни хондан ҳам юқори қўйган эдим (А.Қодирий) кабилар.*

Юкламаларда услубий чегараланиш аниқ билиниб турмайди. *Фақат юкламасининг ўрни билан синоними бўлиб келадиган ёлғиз сўзидагина бадийй услубга хослик кўринади: Нечун ҳамма даричалар қоронғи, ё л ғ и з унинг даричаси ёруғ (О.Ёқубов)*

Синтаксисда тил birlikларини мазмунга мос равишда турли комбинацияларда қўллаш мумкинлиги уларнинг услубий имкониятлари ҳам нақадар кенглигидан далолат беради. Таъкидлаш ўринлики, прозаик асарлар синтаксиси ҳозирги ўзбек адабий тилининг синтактик меъёрларини ўзида акс эттиради. Буни айниқса гап бўлақларининг нутқда жойлашувида кузатамиз. Аммо поэтик нутқ синтаксиси бошқача. Шеърини нутқнинг асосий белгиларидан бири бўлган инверсия туфайли матнда кўплаб синтактик қурилишлар мажмуи вужудга келади.

Экспрессив-эмоционалликни вужудга келтирувчи воҳита сифатида инверсия сўзлашув ва бадийй услубга тегишлидир.

Сўроқ гапларнинг риторик тури, ушдов гаплар, ҳис-ҳаяжон гаплар ҳам сўзлашув ва бадий услубга хос. Бу услубдаги гап қурилиши ҳам маълум даражада фарқланади. Масалан, расмий ва илмий услубларда кўпроқ қўшма гаплар, уларнинг боғланган ва боғловчисиз турлари, сўзлашув услубида содда гаплар, айниқса уларнинг тўлиқсиз шакли ишлатилиши хос бўлса, оммабоп ва бадий асарларда гапнинг ҳар икки тури ҳам аралаш ҳолда келадигани мумкин. Тўлиқсиз гаплар драматик асарларда, хусусан диалогик нутқда маҳсулдор қўлланилади. Бир бош бўлакли гапларнинг шахси ноаниқ тури, атов гаплар, сўз-гаплар, киритма гаплар бадий матнда ижодкор индивидуал услубини юзага келтирувчи қулай грамматик воситалар саналади.<sup>22</sup>

Бадий услуб лексикаси ҳам алоҳида белгиларга эга. «...бошқа функционал стиллар учун хос бўлган лексика (масалан, илмий ва расмий иш услубига хос бўлган терминлар)нинг бадий стилда кенг қўлланилмаслиги ва фақат бадий стилда қўлланивчи махсус воситаларнинг мавжудлиги бадий стилга хосланган лексикани алоҳида ажратишга асос бўлади», дейди Э.Бегматов.<sup>23</sup> *Абру, албат, армуғон, базмаро, балқимоқ, баҳористон, бода, бўстон, гавҳарафшон, гирён, гулбаҳор, гулистон, гулрў, гулшан, дебеча, дилафрўз, дилхона, долға, дурафшон, дуто, жаҳонбахш, жондош, жўшмоқ, жўшқил, кабк, куйламоқ, либос, лолагун, лўливаш, майгун, мардонавор, мастона, маҳваш, маҳпора, мобий, моҳ, мужда* каби хосланган сўзлар луғатларда поэтизмлар номи билан юритилади.

Маълумки, ёзувчининг тил устида ишлаш меҳнати, энг аввало, синонимик бирликлар устида ишлаш маҳоратидир. Синонимик қатордан мос, керакли бирликни

---

<sup>22</sup> Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: *Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби*. - Самарқанд, 1992, 77-96-бетлар.

<sup>23</sup> *Бегматов Э. Ўзбек тили лексикологияси*, 186-б.

танлаб олиш экспрессивликни, субъектив баҳони аниқ ифода этишнинг энг тўғри йўли бўлганлиги туфайли у бадий адабиётда зарур лингвистик восита саналади. Бунинг устига тилда синонимик вариантлар борлиги учун услубий меъёрни белгилаш имконияти мавжуд. А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 1974) ана шу синонимик вариантларни фарқлашда амалий ёрдам беради.

Фразеологизмлар моҳият эътибори билан асосан сўзлашув ва бадий нутқ мевасидир. Улардаги бошқа услубга хос чегараланишлар эса маълум муддат кейин юзга келади. Масалан, биргина *ўлмоқ* маъносини англатадиган юзга яқин фразеологизмлар синонимик қаторининг пайдо бўлиши уларнинг вазифавий чегараланиш имкониятини туғдиради. Бу тизимга кирадиган *оламдан ўтмоқ, дунёдан ўтмоқ, омонатини топширмақ, қулоғи/остида қолмоқ, жон бермоқ* шакллари сўзлашув услубида ишлатилса, *вафот этмоқ, ҳаётдан кўз юммоқ, дунёдан кўз юммоқ, ҳаёт билан видолашмоқ* кабилар илмий, оммабоп ва расмий услубларда учрайди. *Аллоҳ раҳматига йўл тутмоқ, шаҳодат шаробини ичмоқ, дорилфанодан дорилбақога рихлат қилмоқ* сингарилар эса бадий матнга тегишлидир.

Агар бадий адабиётда, хусусан шеъриятда ишлатилиб келинаётган эскирган сўзларни бу услубнинг муҳим лисоний аломатларидан деб ҳисоблаш мумкин бўлса, диалектизмларнинг ишлатилиши адабий тил меъёрига мувофиқ келмайди.

Кичик бир хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бадий услубда адабий тил бойликларидан фойдаланибгина қолинмасдан, ундаги кўплаб бирликларнинг тилда меъёрлашувиغا, адабий тилнинг бойиб, ривожланиб боришига доимий равишда таъсир ўтказиб туради.

*Сўзлашув услуби* кишиларнинг кундалик расмий-норасмий, эркин муомалалари доирасида тил бирликлари-

нинг ўзига хос тарзда амал қилишидир. Уни маълум маънода тилдаги бошқа услубларга қарама-қарши қўйиш мумкин.

Бу услубнинг ўзига хос хусусияти нутқ жараёнида тил ва тилдан ташқари омилларнинг уйғун бўлишида кўринади. Айни пайтда, бу ҳолат сўзлашув услубидаги меъёрий ҳолатларни белгилашни қийинлаштиради. Чунки тилдан фойдаланувчининг шахси, бунинг устига, нутқий вазият ягона бир меъёрни тайин этишга имкон бермайди.

Шундай бўлса-да, сўзлашув услубининг ўзига хос меъёрлари ҳақида мулоҳаза юритиш учун ҳам тилимизда далиллар етарли. Аммо нима бўлганда ҳам бу меъёрларни сўзлашув услуби учун муҳим бўлган тил ва тилдан ташқари омилларнинг уйғунлигидан ахтариш бизни асл мақсадга яқинлаштиради.

Хўш, сўзлашув услуби қандай ўзига хосликларга эга? Биринчидан, нутқ эллиптик характерда эканлиги. Лекин бундай ҳолатда ҳам тингловчига фикр тушунарли бўлади. Чунки у олдин айтилган фикрнинг мантиқий давоми саналади. Масалан, *қорами? кўкми?* шаклида бериладиган саволни икки хил вазифада олиб кўрайлик. Агар биз уни уй бекаси тилидан эшитсак, *қора чой дамлайми ёки кўк чой дамлайми?* деган маънода тушунишимиз мумкин. Худди шу саволни дўкон сотувчиси тилидан эшитсак, *қора чой олсизми ёки кўк чой сотиб олмақчимисиз?* маъносида тушунамиз.

Иккинчидан, сўзлашув нутқида тил бирликлари ўзининг экспрессивлик имкониятларини кенг намоиш қилади. Масалан, *улгурамизми?* деган саволга *йўқ, улгурмаймиз* дейишдан кўра вазиятдан келиб чиқиб, *улгуриб бўпмиз, улгуриш қаёқда, улгуриб ҳам бўлдик* сингари жавоблар бирмунча табиий ва экспрессивроқ бўлиб чиқади.

Учинчидан, бу услубда оҳанг - интонциянинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Оҳанг оғзаки нутқнинг реаллашувида тил бирликларидан кейинги муҳим, ҳал қилувчи воқеа бўлиб, унинг нутқ темпи, пауза, тон, мелодия, товуш

тембри, сўз ва гап урғуси каби кўринишлари маънони фарқлашда, оттенкаларни ажратиб кўрсатишда, ҳаяжонни кучайтиришда хизмат қилади.

Сўзлашув услуби ҳам бошқа вазифавий услублар каби фонетик, лексик, грамматик ўзига хосликларга эга.

Нутқда товушларнинг уйғунлашуви (*кетти, отган, йиғичча*), бир товуш ўрнида иккинчисининг талаффуз қилиниши (*трактир, зарил, биронта*), товушларнинг ўрин алмашиши (*турпоқ, айналмоқ*), товушларнинг орттирилиши (*ўрамол, фикир, банка*), тушириб қолдирилиши (*газет, бурни, эғни*) каби фонетик ҳодисалар аввало сўзлашув услубида намоён бўлади.

Сўзлашув услуби лексикасида икки қатлам алоҳида ажралиб туради. Биринчи қатлам – бу кундалик турмуш муомаласида фаол қўлланиладиган ижтимоий ҳаёт ва уй-рўзгор юмушлари билан боғлиқ сўзлар. Бундан ташқари бу услубда «...сиёсат, санъат, маданият, спорт ва сўзловчининг касб-хунарга мансуб хилма-хил нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи умумодабий лексика кўплаб ишлатилади».<sup>24</sup>

Иккинчи қатлам - оғзаки нутқдаги экспрессив бўёққа эга бўлган сўзлар. Улар нейтрал қийматдаги сўзлар билан синонимик муносабатга кириша олади: *кичкина (болагина), йиқилди (қулади), бузоқ (иш билмас, галварс), оғзи очик (йиғлоқи)* каби.

Бу услубнинг *бурнини кўтармоқ, кўзини шира босмоқ, қўли қалталиқ қилмоқ* сингари ўз фразеологизмлари мавжуд. Киши номларинг *Абди, Бек, Зули, Дили* сингари қисқартириб ишлатиш мумкин. Сўзларнинг метонимик кўлами жуда кенг тарқалган. Масалан: *аудитория қулди, кенгаш бўлди, дастурхонга ўтирди, самоварга чиқди* каби.

---

<sup>24</sup> Ш о м а қ с у д о в А. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983, 15-бет.



Сўзлашув услубида нутқий вазиятнинг аҳамияти жуда катта. *Салом, ассалому алайкум, ваалайкум ассалом, хайр, ҳа, йўқ, албатта, аҳа, хўп* сингари сўзлар нутқда кўн ишлатилади.

Сўзлашув нутқи ўзбек тилшунослигида Б.Ўринбоев томонидан анчагина дуруст ишланган.<sup>25</sup> Бу нутқ китобий нутқдан бир қадар фарқ қилади: *Асал, асал, бармоғингни тишлаб оласан; Иш, фақат тугмачани боссанг бас; Кечадай кеча; Боладай бола* каби.

Китобий нутқ учун боғловчисиз қўшма гаплар одатда хос эмас, оғзаки сўзлашув нутқи учун эса, аксинча, характерлидир. Сўзлашув нутқидаги содда гаплар кўпинча феъл билан ифодаланган кесимнинг йўқлиги билан характерланади. Ҳатто баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бундай гапларга феъл-кесимни қўйиб ҳам бўлмайди. Масалан, *Биз сизни кига. Биз магазинга; Мен, одатда ишга автобусли, ишдан пиёда* каби.

### *Адабиётлар:*

1. *Абдурахмонов Ф.* Стилистик нормалар ҳақида // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1969, № 6.

2. *Бегматов Б.* ва бошқ. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1983.

3. *Баскаков Н.А.* Структурные и функциональные стилистические модификации в современных тюркских языках // *Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР.* – Ашхабад, 1968.

4. *Бобохонова Д.А.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг расмий-иш услуби, НД. – Тошкент, 1978.

5. *Каримов С.* Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд, 1992.

---

<sup>25</sup> *Ўринбоев Б.* Ўзбек тилининг сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент: Фан, 1975; *Ўринбоев Б., Ўринбоева Д.* Ўзбек тилининг сўзлашув услуби. – Тошкент, 1991.

6. *Мукаррамов М.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент, 1984.

7. *Муҳамедов С.* Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983.

8. *Садыкова М.* Стилистика глагола в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис.... д-ра филол.наук. - Ташкент, 1991.

9. *Сулаймонов А.* Тил стиллари ҳақида // Совет мактаби, 1964, №6.

10. *Хайруллаев М., Ҳақбердиев М.* Мантиқ, – Тошкент, 1993.

11. *Шомақсудов А.* ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983.

12. *Ўринбоев Б.* Ўзбек сўзлашув нутқи масалалари. ДД. – Тошкент, 1974.

13. *Ўринбоев Б.* Ўзбек тилининг сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. –Тошкент: Фан, 1975.

14. *Ўринбоев Б.* Функционал услубият ва унинг моҳияти. - -Тошкент: Фан, 1992.

15. *Ўринбоев Б., Ўринбоева Д.* Ўзбек тилининг сўзлашув услуби. – Тошкент, 1991.

16. *Қурбонов Т.И.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг публицистик услуби. НД – Тошкент, 1987.

17. *Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А., Қурбонов Т.И.* Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Самарқанд, 1984.

18. *Қўнғуров Р.* Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар// Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. –Самарқанд, 1981.

19. *Қўнғуров Р.* Сифат стилистикаси // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. - Самарқанд, 1982.

20. Қўчқортоев И. Адабий тилнинг стилистик табақаланиши ва нутқ маданияти // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973. № 4.

## ЎЗБЕК ТИЛИ МЕЪЁРЛАРИ ВА ЛУГАТЧИЛИК

Р е ж а:

1. Ўзбек лугатчилиги ҳақида маълумот.
2. Оғзаки ва ёзма нутқ меъёрлари ҳамда лугатлар.
3. Имло лугати ва унинг амалий аҳамияти.
4. Оғзаки нутқ маданияти.
5. Орфоэпик лугатлар.
6. Паронимлар лугати ва унинг аҳамияти.
7. Варианглилик. Варианглиликнинг имло, изоҳли ва фразеологик лугатларда акс этиши.

*Таянч сўз ва иборалар: Лугат турлари : қомусий, филологик. Имло, изоҳли, фразеологик, синоним, омоним, антоним, пароним, чаппа, конкорданс. Лугатчилик ва меъёр Аҳамияти.*

Тилшунослик фанининг алоҳида соҳаси бўлган лексикография лугат тузиш йўлларини ўргатади ва унинг илмий асослари ҳамда усулларини ишлаб чиқади. Туркийшуносликда лугат тузиш қадимдан бошланган. XI асрда Маҳмуд Кошғарий томондан тузилган машҳур «Девону луғотит турку» лугатчилигимизнинг нодир намунасидир. «Мен бу китобни маҳсус алифбо (ажам ҳарфлари) тартибида ҳикматли сўзлар, сазълар, мақоллар, кўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган шарчалар билан бегадим, - деб ёзади Маҳмуд Кошғарий, - қаттиқ жойларини юмшатдим, қийин ва қоронғи жойларини ёритдим. Сўзларни ўз жойига қўйиш, керакли сўзларни осонлик билан топиш учун бу иш устида бир неча йиллар машаққат торгдим. Ниҳоят, керакли сўзларни ўз жойида кўзлайдиган, қийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим.

Китобни саққиз асосий бўлимга чекладим:

Ҳамзалик (алиф билан бошланадиган сўзлар) бўлими.

Солим (таркибида алиф, вов, ёй бўлмаган сўзлар) бўлими.

Музаф (бир ҳарфи икки марта такрорланган сўзлар) бўлими.

Мисол (бошида ёй бўлган сўзлар) бўлими.

Уч ҳарфли сўзлар бўлими.

Тўрт ҳарфли сўзлар бўлими.

Фунналилар бўлими.

Икки ундош қатор келган сўзлар бўлими.

Ҳар бир бўлимни отлар (исмлар) ва феъллар тарзида икки қисмга ажратиб бердим. Отларни олдин, феълларни эса отдан кейин ўз сирасига қараб, бобларга ажратиб, ўз ўрнида олдинма-кетин кўрсатдим. Тушунилиши осон бўлиши учун асарда арабча истилоҳлар қўлладим». <sup>1</sup>

7500 га яқин сўзни қамраб олган ушбу луғат араблар тажрибасига таяниб, туркийшуносликда илк бор луғат тузиш усулларини белгилаб берганлиги билан қимматлидир. Ана шу анъананинг давом этиши ҳамда Алишер Навоий ижодига бўлган қизиқиш кейинчалик XV аср ва ундан кейинги даврларда Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонда ўзбекча ва форсча луғатлар тузилишига сабаб бўлди. Мас., Толий Ҳиравийнинг «Бадойиул-луғат», Мирзо Маҳдийхоннинг «Санглоҳ» асарлари майдонга келди. <sup>2</sup> XVI асрда муаллифи номаълум бўлган Алишер Навоий асарларидан фойдаланувчилар учун «Абушқа» номли изоҳли луғат тузилди.

Таъкидлаганимиздек, кўп асрлик анъаналарни давом эттириб келаётган ўзбек луғатчилиги бугунги кунда катта тажриба тўплади. Ўзбек тилида қомусий ва таржима луғатларининг кўплаб турлари мавжуд. Ўзбек Миллий Энциклопедиясининг I ва II томлари нашр қилинди (Тошкент,

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, I том. —Тошкент, 1960, 44-45-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбек Совет Энциклопедияси, 6 том. —Тошкент, 1975, 313-бет.

2000). Турли фан соҳалари бўйича изоҳли луғатлар майдонга келди. Шу ўринда айрим лингвистик луғатларни санаб ўтиш тўғри бўлади. Олим Усмоннинг «Қисқача интернационал сўзлар луғати» (Тошкент, 1959), Р.Қўнгуоров ва А. Тихоновларнинг «Ўзбек тилининг чаппа луғати» (Самарқанд, 1968), А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 1974), «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 2002), С.Иброҳимов, Э.Бегматов ва А.Аҳмедовларнинг «Ўзбек тилининг имло луғати» (Тошкент, 1976), А.Фуломов, А.Тихонов ва Р.Қўнгуоровларнинг «Ўзбек тили морфем луғати» (Тошкент, 1977), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» (Тошкент, 1978), Ш.Раҳматуллаев, Н. Маматов ва Р.Шукуровларнинг «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 1980), А.Ҳожиёв ва Л.Решетоваларнинг «Ўзбек тили грамматик терминларининг қисқача изоҳли луғати» (Тошкент, 1980), З.Маърупов таҳрири остида нашр қилинган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I ва II томлар» (Москва, 1981), М.Асомиддинова, Э.Бегматов, А.Бобоева, С.Иброҳимов, Ў.Усмоноваларнинг «Ўзбек адабий талаффузи луғати» (Тошкент, 1984), Ҳ.Бердиёров ва Р.Расуловларнинг «Ўзбек тилининг паремиологик луғати» (Тошкент, 1984), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 1984), А.Ҳожиёвнинг «Лингвистик терминларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 1985), Ш.Раҳматуллаев ва М.Қодировларнинг «Ўзбек тилининг қисқа этимологик луғати», (I-IV қисмлар. -Тошкент, 1998-1999) каби луғатлар шулар жумласидандир.

1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» ги Қонун қабул қилиниши билан ана шу алифбода янги луғатлар майдонга келди. Масалан, Э.Д.Панасенко в Э.Умаровларнинг «O'zbek tilining imlo lug'ati» (Тошкент, 1998) каби.

Шубҳасиз, ўзбек лексикограф олимларининг жуда катта меҳнатлари туфайли юзага келган бу луғатларнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда хизматлари беқиёсдир. Биринчидан, кишиларнинг ёдлаш қобилияти қанчалик кучли бўлмасин, тилдаги барча сўз ва ибораларнинг ҳамда уларнинг турли-туман маъноларини ёдда сақлаб қолишнинг имкони йўқ. Ана шундай пайтларда луғатлар инсонларнинг яқин ҳамроҳи бўладилар. Иккинчидан эса, луғатлар сўзларнинг тўғри ёзиш ва талаффуз қилинишига кўмаклашади, тил бирликларининг асл ва кўчма маънолари, услубий имкониятлари тўғрисида кенг маълумот беради.

Қайд этилган иккинчи масалада луғатчилик адабий тил меъёрлари билан чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқликни икки йўналишда тушуниш тўғри бўлади. Бир томондан, луғатлар ёзма ва оғзаки адабий тил меъёрларини белгилашда ҳар бир сўзнинг ёзма ва талаффуз шаклини ўзлаштиришда асосий манба ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, луғатлар тузишда тилдан фойдаланиш жараёнида шаклланган меъёрлар ўлчов саналади. Бу меъёрий ҳолатлар муайян қонун-қоидалар билан мустаҳкамлаб кўйилади.

Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилининг ёзув меъёрлари, аввал қайд этиб ўтганимиздек, Ўзбекистон ССРнинг 1940 йил 8 майда қабул қилган «Ўзбек ёзувини латинлаштирилган алифбодан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» га таянади. Унда унли ва ундошлар имлоси, айириш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгилари имлоси, ўзак ва негизлар, кўшимчалар, кўшма, жуфт ва қисқартма сўзлар имлоси, бўгин кўчириш ва бош ҳарфларни ёзиш тартибини кўрсатиб берувчи 72 параграфдан иборат қоидалар киритилган.<sup>3</sup> Бу қоидалар ҳозиргача амалда

<sup>3</sup> Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари. —Тошкент, 1956.

бўлиб, орфографик меъёрларни тартибга келтиришга, мукаммаллаштиришга хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликни қўлга киритиши муносабати билан амалга оширилаётган туб ижтимоий-сиёсий ислохотлар «Асосий қоидалар»нинг маънавий жиҳатдан эскирганлигини кўрсатди.

Шу боисдан мустақил Ўзбекистон Республикасининг юқорида тилга олинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни ва 1995 йил 6 майда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда бевосита бу қонунларнинг ижросига қаратилган 1995 йил 24 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, тилимиз имло қоидалари ҳам соддалаштирилди, ҳам такомиллаштирилди, айни пайтда, ўзбек тилшунослиги фани янги атамалар билан бойитилди. Масалан, *негиз ўрнида асос, сонор товуш ўрнида овоздор товуш, қаратқичли бирикма ўрнида қаратувчи бирикма, апостраф ўрнида тутуқ белгиси, тире ўрнида чизик*, шунингдек *кўчиш белгиси, ўзлашма сўз* атамалари қўлланиладаган бўлди.

Бинобарин, бундан буён тилимиз орфографик меъёрларини белгилашда ана шу қоидаларга амал қилиш мажбурий саналади ва улар имло луғатларида мустаҳкамланиб борилади. Ана шу қарорга биноан 1940 йил 8 майда қабул қилинган Қонун ва 1956 йил 4 апрелда қабул қилинган «Асосий қоидалар» 2005 йилнинг 1 сентябридан эътиборан ўз кучини йўқотади.

Рус графикаси асосидаги ўзбек ёзувидан воз кечилиб, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси қабул қилинаётган ҳозирги ўтиш даврида, айниқса, матбуот саҳифаларида ўзбошимчаликлар, сўзларни бузиб ёзишлар кузатилмоқда. Тилдан фойдаланувчилар маълум муддат амалдаги ҳар икки



«Имло қоидалари»га ҳам риоя қилишлари умуммажбурий эканлигини унутмасликлари, лозим бўлганда меъёрий луғатларга кўз югуртириб туришлари зарур.

Гарчи тил меъёрларининг мустаҳкамланишида луғатлар хизмат қилса ҳам, бу хизматларнинг даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, қомусий-энциклопедик луғатларни олиб кўрайлик. Табиийки, бундай луғатлар филологик ёки лингвистик луғатлардан фарқ қилади. Бундай луғатларда муайян бир миллат, мамлакат, ҳудуд ёки фан, техника, маданият ва маънавиятнинг барча соҳаларига оид тушунчалар, табиий ва ижтимоий ҳодисалар, воқеалар ҳамда машҳур кишилар ва жой номлари тўғрисида атрофлича маълумотлар берилади. Ўз вазифасидан келиб чиқиб, қомусий луғатлар олдига тил меъёрларини белгилаш вазифа қилиб қўйилмайди. Аксинча, уларнинг ёзилиши жараёнида тил меъёрларига амал қилиш талаби қўйилиши мумкин. Аммо бу дегани қомусий луғатлар тил меъёрини кўрсатувчи ўлчов бўла олмайди деган гап эмас. Улар бу борада ҳам маълум вазифаларни бажаради.

Бундан ташқари, ўзбек тилшунослиги баъдий адабиёт ҳамда шoir ва ёзувчилар тили луғатларини тузинида ҳам етарли тажрибага эга. Бунга «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» (Тошкент, 1953), «Навоий асарлари луғати» (Тошкент, 1972), «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 1-1У томлар» (Тошкент, 1983-1985), С.Ризаевнинг «Ўзбек совет болалар адабиёти тилининг частотали луғати» (Тошкент, 1980), Р.Қўнғуров ва С.Каримовларнинг «Зулфия поэзияси тилининг луғати. Конкорданс» (Тошкент, 1981), Ш.Махматмуродовнинг «Словарь

языка поэтических произведений Хамзы» (Тошкент, 1989) луғатларини мисол тариқасида келтириш мумкин.<sup>4</sup>

Бу типдаги луғатлар маълум даражада лингвистик луғатларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Чунки бу каби луғатларда адабий меъёр доирасидаги сўзлар билан биргаликда умумхалқ тилига, бадий услубга ҳамда шоир ва ёзувчилар услубига хос бўлган сўз ва иборалар ҳам келтирилган бўлади. «Зулфия поэзияси тилининг луғати»га мурожаат қилайлик. Унда келтирилган *алқамоқ* (II.142), *ардоғ* (I.244), *арслонтўш* (I.206), *бахмалтўш* (I.113), *бетахлит* (I.II.55), *бетенг* (I.250), *бетуман* (I.44), *бетус* (II.133), *бехалол* (I.237), *бехусн* (I.300), *биода* (I.211), *бойбека* (I.212), *беодоб* (II.183), *булоғ* (I.137); *буркимоқ* (II.151) каби сўзлар ва уларнинг айримларининг ёзилиши «Ўзбек тилининг имло луғати» да (Тошкент, 1976) учрамади. Агар қиёси «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» мисолида амалга оширсак, бу каби бирликларнинг миқдори кўпчиликни ташкил қилиши аниқ.

Ана шундай ҳолатда бу каби луғатлар меъёр учун намуна бўла оладими, деган саволга бир хилда жавоб бериб бўлмайди. Чунки материал қамровининг кенглиги ва ҳар хиллиги уларга ҳам диахроник, ҳам синхроник нуқтаи назардан муносабатда бўлишни тақозо қилади.

Лингвистик луғатларнинг мақсади эса тамоман бошқача: Уларда асосий диққат ҳарфлар имлосига, сўзлар ва уларнинг таркибий қисмларига, сўз бирикмаларига ва уларнинг имлосига, талаффузига ҳамда умуман тил бирликларининг лексик-семантик-услубий маъноларининг изоҳланишига қаратилади. Ҳозирги пайтда ўзбек тилида ана шундай луғатларнинг изоҳли, имло, талаффуз, морфем, частотали,

---

<sup>4</sup> Бу ҳақда қўшимча маълумот олиш учун қarang: *Нурмонов А., Йўлдошев Б.* Тилшунослик ва табиий фанлар. –Тошкент, 2001, 125-132-бетлар

терс-чаппа, ўзлашма сўзлар, фразеологик, синонимлар, антонимлар, омонимлар, диалектал, терминологик сингари кўплаб турлари мавжудки, уларнинг айримлари юқорида санаб ўтилди.

Лингвистик луғатлар орасида З.Маъруфов таҳрири остида 1981 йилда Москвада нашр қилинган икки томлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» салмоқли мавқега эга. У йигирма йил давомида халқимизга беминнат хизмат қилди. Аммо айтиш мумкинки, бу луғат бугунга келиб маънавий жиҳатдан эскирди. Изоҳли луғатларда тилимизда кейинги йигирма йилда юз берган ўзгаришлар ҳам ўз ифодасини топиши лозим. Шу билан бирга, у эътибордан четда қолиб кетган сўзлар ҳисобидан тўлдирилиши зарур.

Изоҳли луғатларнинг сўз маъноларини тўлиқ англашда, уларнинг этимологияси ва ҳозирги маъно тараққиётини белгилашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Мас., луғатдаги *авлиё* сўзини олиб кўрайлик. Унинг уч маъноси қайд этилган: 1. дин. Эътиқодли диндор кишилар назарида гўё каромат, башорат қила оладиган, мўъжизалар кўрсага оладиган муқаддас, азиз одам. 2. кўчма, кесатик. Улуғ, зўр фахмли одам ёки нарса. 3. с.т.да, ҳазил. Дарвешсифат, дарвешнамо, ҳеч нарса билан иши йўқ одам.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг имло меъёрлари, юқорида таъкидлаганимиздек, 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари» ҳамда 1995 йил 25 августда қабул қилинган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида белгиланган. Бу қоидалар ҳозирги ўзбек адабий тилининг ёзма шаклидан фойдаланувчи барча кишилар учун мажбурий саналади.

Шу пайтга қадар нашр қилинган барча луғатларда нутқ услубларида қўлланиладиган сўзлар, ўрни билан уларнинг ясаллиши ва вариантлари берилган.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, тўғри ёзиш қоидаларини шунчаки ёд олиш билан ёзма нутқ маданияти ва унинг меъёрларини белгилаб бўлмайди. Бунинг учун имло лугатлари билан ишлаш, уларга тез-тез мурожаат қилиш, ҳар бир сўзнинг талаффуз қоидаларини билиш ва имло лугатларидаги тавсияларга риоя қилиш зарур. Тўғри ёзиш меъёрларини ўзлаштиришда кўпроқ имло лугатлари билан биргаликда адабий манбаларни ўқиш, матнларни кўчириб ёзиш ҳам ёрдам бериши шубҳасиздир.

Демак ҳар биримиз саводхон бўлишимиз, тўғри ёзишимиз, фикримизни бошқаларга аниқ тарзда етказишимиз учун имло лугатларга ҳар доим мурожаат қилиб туришимиз зарур бўлади. Чунки нотўғри ёзилган ёки талаффуз қилинган сўз ўқувчи ёки тингловчи томонидан нотўғри, ноаниқ тушунилади.

Имло лугатлари шаклан ёки талаффузда бир-бирларига яқин бўлган, аммо маъноларига кўра турлича бўлган сўзларни фарқлашга кўмаклашади. Масалан, *адиб* (ёзувчи, шоир) - *адип* (кўрпача ёки кўрпанинг четига тикилган материал), *азо* (бирор ташкилот ёки бирор жамиятнинг вакили) - *аза* (марҳум учун тутиладиган мотам, маросим), *амир* (давлат бошлиғи) - *амр* (подшоҳ томонидан чиқариладиган буйруқ, фармон), *аср* (юз йил) - *асир* (тутқун) каби сўзларнинг ёзилиши, талаффузи ва маъноларини фарқлашда лугатларгина ёрдам бериши мумкин. Имло лугатлардан самарали фойдаланган киши нафақат адабий сўзларни, балки уларнинг лаҳжавий шаклларини фарқлайди, уларни қўллашда эҳтиёт бўлади. Масалан, *ата* (ота), *човамиз* (чопамиз), *келли* (келди), *ечки* (эчки) каби.

Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтилиши эса имло лугатлар борасида ҳам улкан ишларни амалга оширишни тақозо қилмоқда.

Муболағасиз айтиш мумкинки, кейинги йилларда, гарчи нуқсонлардан ҳоли бўлмаса-да, ўзбек адабий тили

фақат ёзма адабий тил шаклида эмас, балки оғзаки адабий тил шаклида ҳам ривож топмоқда. Оғзаки нутқ маданиятининг такомиллашиб борувида, унинг меъёрий жиҳатларининг сайқал топишида бир қатор омиллар муҳим роль ўйнамоқда. Бунда, айниқса узлуксиз таълим тизими алоҳида ўрин тутати.

Табиийки, биз бугун бундан 10-20 йил аввалги одамлар эмасмиз. Бугунги зиёлиларимиз, олиму муҳандисларимиз, тadbиркорларимиз дунё миқёсида фикрлашмоқда, жаҳон халқларининг кўпчилик тилларида мулоқотда бўлишмоқда, музокаралар олиб боришмоқда. Бу эса, ўз навбатида, умуммиллий маданиятимизнинг таркибий қисми бўлган тил маданиятига, оғзаки нутқ маданиятига таъсир кўрсатмоқда.

Оғзаки нутқ меъёрларининг оммавий суратда ёйилиши ва сингишида аввало мактабгача ва мактаб таълими катта аҳамиятга эга. Бунинг устига, оммавий ахборот воситаларининг радио ва телевидение сингари турларининг роли салмоқли.

Оғзаки нутқ маданияти мавқеени кўтариш учун адабий тил оғзаки шакли қонуниятларини ўрганиш, бу нутқ шаклини кўринишларига қараб меъёрлаш ва силлиқлаш, оғзаки нутқ кўринишларининг намунавий шаклларини юзага келтириш, унинг лингвистик ва тилдан ташқарида бўлган ўлчовларини белгилаш муҳимдир.

Шунга кўра, оғзаки нутқни адабий тил талаблари асосида меъёрлашда орфоэпик қоидалар, адабий талаффуз лугатлари, қўлланмалар муҳим роль ўйнайди. Ана шу маънода талаффуз (орфоэпик) лугатлар адабий тилнинг талаффуз меъёрларини ёки сўзларни адабий тил қоидаларига мувофиқ талаффуз қилишни белгилаб берувчи восита саналади. Талаффуз лугатлари фонетика ва нутқ маданияти билан бевосита алоқада бўлиб, маълум маънода бири иккинчисини тўлдиради.

Ҳозирги кунда, айниқса ёшларимиз ўртасида, иеърхонлик кечаларида, тўй-томошаларда, турли учрашувлар ва телеконкурсларда, китобхонлар анжуманларида тилимизнинг адабий меъёрларидан фойдаланишга интилиш кучайиб бораётгани сезилади.

Кишиларнинг сўзларни тўғри талаффуз этиши, адабий тил меъёрларига амал қилиши, нутқ маданияти талабларига эътибор бериб, чиройли сўзлаш, ўз фикрини бошқаларга аниқ, раво, ифодали қилиб етказишда талаффуз луғатининг аҳамияти катта.

Ўзбек тилида ана шундай луғат бор. У «Ўзбек адабий талаффузи луғати» деб аталиб, 1984 йилда «Фан» нашриётида chop этилган. Унда 20 мингга яқин сўз ва сўз шаклларининг адабий талаффуз меъёри белгилаб берилган.

Ушбу луғат муаллифларининг таъкидлашича, луғатни тузиш жараёнида бир қатор қийинчиликларга дуч келинган. Жумладан, адабий талаффуз доирасида вариантдорликнинг кучлилиги маълум бўлган. Бу хусусият ўзбек адабий нутқи меъёрларининг ҳам етарли шаклланиб етмаган ва қатъийлашмаганини кўрсатади. Дарҳақиқат, адабий нутқ ва кундалик сўзлашув нутқи, адабий нутқ ва диалектал нутқ, нейтрал адабий нутқ ва адабий нутқнинг вазифавий-услубий кўринишлари, тўлиқ услуб ҳамда нотўлиқ услуб ва бошқаларга оид талаффуз вариантларини тўғри баҳолаш анчагина мураккаб вазифадир. Адабий талаффуз доирасида сўз ургуси, анъанавий ва янгича талаффуз, кекса ва ёш авлод талаффузи билан боғлиқ бир қатор қийинчиликлар ҳам мавжуд.

Сўзларнинг лексик меъёрини белгилашда ва улардаги маъно нозикликларини фарқлашда ҳамда умумий жиҳатларини пайқашда синоним, омоним ва антоним луғатларнинг хизмати катта бўлади. Ўзбек лексикографиясида юқорида санаб ўтилган бу каби луғатларнинг изоҳли кўринишлари мавжудлиги қувонарли воқеадир. А.Ҳожиёв «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент,

1974) ининг 223-бетидан мисол келтирамиз: *Чиройли, гўзал, хусндор, хуснли, хушрўй, кўҳлик, кўркам, барно, сулув, зебо, латофатли, соҳибжамол*. Улар гарчи маъноларининг яқинлиги билан бир синонимик қаторда жойлашса-да, меъёрий ўлчовларига кўра тенг эмас. Луғат худди ана шу жиҳатлар ҳисобга олинганлиги билан қимматлидир. Фикри-мизнинг исботи учун синонимик қатордаги сўзларга берилган изоҳларни тўлиқ келтирамиз: «Хусни одатдагидан ортиқ, хунукниг акси. *Чиройли* стилистик жиҳатдан нейтраль. Бу сўз одамга, бошқа жонли нарсаларга нисбатан ҳам қўлланилаверади. *Гўзал* одамга ва жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланади. Бу сўзда белги даражаси кучли. *Хусндор, хуснли* сўзлари нисбатан кам қўлланади. *Хушрўй, кўҳлик* фақат одамга нисбатан қўлланади ва «ёқимлилиқ» оттенкаси бор. *Барно, сулув, зебо* сўзлари ҳам одамга нисбатан қўлланади. *Сулув* – кам қўлланади. *Зебо* китобий. *Кўркам* «сосан жонсиз нарсаларга, кам даражада одамга нисбатан қўлланади».

Кўринадики, семантик ва вазифавий услубий нуқтаи назардан бу сўзларнинг экспрессивлик ва қўлланиш имкониятлари бир хил эмас. Уларнинг қўлланиши сўзлашув, бадий ва оммабон услубларда меъёр саналса, расмий услуб учун хос эмаслиги маълум бўлиб қолади. «Луғат» да келтирилган бадий адабиётлардан олинган мисоллардаги *чиройли саман, чиройли оёқ, гўзал қиз, кўркам аёл, хуснли аёл, хушрўй йиғит, барно қиз, зебо безанмоқ, кўркам ҳаёт, латофатли Саодат, соҳибжамол қиз* бирикмаларидаги аниқловчи бўлиб келган сўзларни уларнинг синонимлари билан алмаштиришнинг ҳамма вақт ҳам имкони йўқлиги бунинг далилидир. *Чиройли юз ёки чиройли саман* дейиш мумкин бўлгани ҳолда *кўркам юз ёки оёқ, соҳибжамол саман* дейишга нутқда асло йўл қўйиб бўлмайди. Ана шу ҳолатлар меъёр тушунчасининг қанчалик нозик ва мураккаб қамровли эканлигини ҳамда

уларни пайқаш ва фарқлашда луғатларнинг, айниқса, изоҳли луғатларнинг роли беқиёс эканлигини яна бир бор кўрсатади.

Ш.Раҳматуллаев томонидан тузилган «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 1984) дан тилдаги мазкур бирликлар тўғрисида ҳам назарий, ҳам амалиётда қўл келадиган маълумотлар олишимиз мумкин.

Олимнинг таъкидлашича, бир тил доирасида сўзларнинг шаклий ўхшашлиги, метонимияга учраши, маъно тарққиётида ўзгаришлар, ўсишлар рўй бериши, ўзга тиллардан бирликлар қабул қилиниши каби омиллар омонимларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Масалан, ушбу луғатдан дам сўзи ҳақида қуйидаги маълумотларга эга бўламиз:

1. от – ҳаво; 2. от - темирчилик атамаси; 3. от-лаҳза, нафас; 4. боғловчи – дам., дам.; 5. от-тиғ, ўткир жой, юз; 6. предикатив сўз – дим маъноларида келган.<sup>5</sup> Луғатдаги мақолалар статистикаси ҳам лексемаларнинг мазкур туркуми ҳақида баъзи фикрларга келишга асос бўлади. «Луғат»да берилган 497 омонимнинг 372 таси икки омонимлик, 93 таси уч омонимлик, 21 таси тўрт омонимлик, 7 таси беш омонимлик ва 4 таси олти омонимлик бўлиб, 1160 дан ортиқ лексемани бирлаштиради»<sup>6</sup> Тилдаги омонимларнинг озлиги ёки кўплиги, бир мақолада 2 тадан тортиб 6 тагача маънонинг фарқланиши тилимиз учун ижобий ҳодисами ёки салбийми, бу ҳақда шу ўринда бир нарса деб бўлмайди. Аммо айрим сўз шаклларидаги маъноларида фарқланишини кўрсата олишда мазкур типдаги луғатларнинг хизматини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

«Нутқ маданияти ва норматив луғат» асарининг муаллифи С.Ақобиров меъёр ва луғат муносабатларини ойдинлаштиришга ҳаракат қилар экан меъёрлар тилда икки

---

<sup>5</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати.-Тошкент, 1984, 49-50-бетлар.

<sup>6</sup> Раҳматуллаев Ш. Юқоридаги луғат, 13-14-бетлар.



кўринишда - *ноошкор* ва *ошкор* равишда мавжуд бўлишини таъкидлаб, қуйидагиларни қайд қилади: «Нормаларнинг но-ошкор мавжудлиги шундан иборатки, тилдан фойдаланувчилар ўзаро фикр алмашилиш жараёнида, хусусан, сўзлашувда тилнинг қонун-қоида ва нормаларига риоя қилаётганликларини ҳатто сезмайдилар ҳам. Ҳақиқатда эса барча тил соҳиблари тилдан фойдаланиш тажрибаси орқали тилнинг қоида ва нормаларини у ёки бу даражада ўзлаштириб олган бўладилар ва уларга «умумий одат» бўйича амал қиладилар. Бусиз ҳеч қандай алоқанинг бўлиши мумкин эмас, чунки «умумий одат»га мувофиқ келмайдиган ҳар қандай нутқ бошқаларга англашилмайди, бинобарин, унга жавоб (реакция) ҳам бўлмайди.

Умумий одатга айланган нормалар (ёки, қисқача, одат ҳукмидаги нормалар) тил соҳибларининг тилдан фойдаланиш тажрибаси орқасида орттирган малака ва кўникмаларидан иборат. Улар тилдан фойдаланувчиларнинг нутқ фаолиятидагина намоён бўлади, шунинг учун ҳам ноошкордир.

Ошкор нормалар тилнинг грамматика дарсликларида ва турли хил луғатларида тавсифланган ва тавсия этилган нормалардир. Дарсликлар ва луғатлар тилнинг объектив нормаларини тавсифлаш билан бирга, уларни қонун (кодекс) ҳукмига киритади, қонунлаштиради».<sup>7</sup>

Демак, тузилган имло, талаффуз ва бошқа филологик луғатлар тил бирликларининг амалда мустаҳкамланиши, бинобарин, адабийлашиши, барқарорлашиши ва бир хиллиги учун хизмат қилади. Агар масала шу тарзда тушуниладиган бўлса, луғатларнинг хизмати нақадар улкан эканлигини тасаввур қилиш қийин бўлмайди.

Меъёр муаммоси қаерда ва қачон пайдо бўлади? Тил бирликлари ўртасида ҳар хиллик ва вариантлар бўлган жой-

---

<sup>7</sup> Ақобиров С. Нутқ, маданияти ва норматив луғат. - Тошкент, 1977, 11-бет.

да Тилшунослар бу ҳар хилликларни тилнинг табиатидан ва амалдаги қоидалардан келиб чиқиб таҳлил қилишади, барта- раф этишининг йўлларини ахтаришади ва тўғри келадиганла- рини меъёрий вариант сифатида оммага тавсия этишади. Ана шу тавсиялар нафақат грамматикага, лексикология ва стили- стикага оид адабиётларда, шу билан биргаликда, лугатлар орқали ҳам қонулаштирилади - квалификациялаштирилади. Бир вақтнинг ўзида тил маданияти талабларидан келиб чиққан ҳолда омма учун мажбурийлаштирилади.

Шундай ҳолатларга ҳам дуч келамизки, нутқ жараёни- да сўзларнинг лексик-грамматик вариантлари сақланиб қолинган бўлади. Масалан, «Имло лугати»да (Тошкент, 1976) биргина «А» билан бошланадиган сўзларда куйидаги сўз ва- риантлари ва улардан ясалган шакллар мавжуд: *авр/абр, алаб/одоб, айқирриш/ҳайқирриш, алифбо/алфавит, арава/ароба, аста/оҳиста, аш-паш/ҳаш-паш* ва ҳоказо. Тилимизда бу каби вариантлар мавжуд экан, уларни меъёр сифатида яна сақлаб туриши, анъанани тузилажак лугатларда ҳам давом эттиришга тўғри келади.

С.Акобиров юқорида номи тилга олинган китобида ўзбек тили тизимида илгари бўлмаган ва уларнинг қўлланилиши ўзбек адабий тили учун меъёрий ҳодиса сана- ладиган birlikлар сифатида таҳлил учун келтирган *объек- тив, нормал, аграр, проекцион, кроват, план, практика, про- ект, труба* сўзларини<sup>8</sup> тилимизнинг ҳозирги меъёр ўлчовлари асосида олиб қарайдиган бўлсак, орадан чорак аср вақт ўтгач, манзаранинг ўзгарганини кузатиш қийин эмас. Ҳозирда *объектив* ва *труба* сўзларининг бир маъно йўналишида *халисона* ва *қувур, нормал* ўрнида *меъёрий, план* ўрнида *режа, практика* ўрнида *амалиёт, проект* ўрнида *лойиҳа* birlikларини ишлатиш аста-секинлик билан одат тусига кириб бормокдаки, буни тилимиз тараққиётига мус-

<sup>8</sup> *Акобиров С.* Нутқ маданияти ва норматив лугат, 7-бет.

тақилликнинг бевосита таъсири, она тилимизга бўлган янгича муносабатнинг меваси, деб айтишимиз мумкин.

Келтирилган маълумотлар тилдаги меъёрий ҳолатларни мутлақ ва ўзгармас ҳодиса деб тушуниш тўғри бўлмаслигини кўрсатади. Маълум бўладики, бир даврда меъёр саналган тил бирлиги бошқа бир замонда шундай бўлмаслиги мумкин экан. Бу нарса тил тараққиёти жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ, деган қонданинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди.

Мустақиллик шарофати билан ўзимизда тилимизни тозалашга, «ўзбекчалаштириш»га рағбат ва мойиллик сезаётган эканмиз, муомала жараёнида ўз ўрнини эквивалентига бўшатиб бераётган тил birlikларини янги нашр қилинадиган луғатларда қолдириш-қолдирмаслик устида ўйлаб кўришимизга ҳам тўғри келади.

Ҳатто 70-йилларда, жумладан С.Акобировнинг китобида ҳам фаол қўлланган *норма, норматив, позиция, реакция, система, стабиллашув, тенденция, традицион* каби сўзларнинг нутқимиздан аста-секинлик билан чекинаётганлигини, уларнинг ўрнини *меъёр, меъёрий, мавқе, ўрин, ҳолат, таъсирланиш, тизим; барқарорлашув; ғоя, фикр, интилиш, майл, хоҳиш; анъанавий* сингари сўзлар эгаллай бошлаётганини кузатамиз. Бинобарин, бундан кейин яратиладиган луғатларда ана шу жараён ҳисобга олиниши лозим бўлади.

Аммо аввалги имло луғатларида бўлмаган *аудитор, компьютер, компьютерхона, менежер, менежмент, брокер* сингари янгидан пайдо бўлган сўзларни келажакда тузиладиган имло луғатларида акс эттириш масаласи баҳс талаб қилмайди.<sup>9</sup>

---

<sup>9</sup> Ўзбек луғатшунослигида бу ишларнинг аллақачон бошлаб юборилганлигини таъкидлаганмиз. Қ а р а н г : O'zbek tilining imlo lug'ati. Tuzuvchilar: E.Panasenko, E.Umarov, -Toshkent, 1998.

Ҳарқалай, мавжуд лингвистик луғатлар халқимизнинг эҳтиёжини тўлиқ қондирмоқда, деб айтиш қийин. Бунинг устига лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтилиши муносабати билан турли мазмундаги луғатлар масаласида ҳам ислохотлар ўтказиш ҳаётий зарурат бўлиб турибди. Ана шундай луғатларни нашр қилиш эндигина бошланди дейиш мумкин. Турли мутахассисликдаги, касбдаги кишиларнинг иш фаолиятида, ўқиш-ўқитиш, адабий меъёрларни мунтазам равишда тартибга келтириб туришда, ҳар хилликларни бартаф қилишда луғатларнинг аҳамияти катта эканлигини ҳисобга олиб, янги ёзувдаги луғатларни яратиш ва нашр қилиш ишини ҳам жонлантириш зарур. Негаки, таъкидланганидек, тилнинг меъёрий ва маданий даражасини белгилашда луғатлар асосий ойна ҳисобланади.

### *Адабиётлар:*

1. *А к о б и р о в С.* Нутқ маданияти ва норматив луғат.- Тошкент, 1977.
2. *К о н о н о в А.Н.* Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луғатит турк» асари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, №2.
3. *Н у р м о н о в А., Йўлдошев Б.* Тилшунослик ва табиий фанлар. –Тошкент, 2001.
4. *Р а ҳ м а т у л л а е в Ш.* Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати.-Тошкент, 1984.
5. Ўзбек Совет Энциклопедияси, 6 том. –Тошкент, 1975.

## АДАБИЙ МЕЪЁР ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

Р е ж а:

1. Нутқ жараёнида меъёрнинг бузилиши ва уларни тузатиш йўллари.

2. Меъёрга амал қилиш шу тилда сўзлашувчилар учун мажбурий эканлиги.

3. Ўзбек тилининг ҳозирги меъёрий ҳолати унинг маданийлик мезони.

*Таянч сўз ва иборалар: Нутқий камчилик : оғзаки ва ёзма нутқдаги камчиликлар. Оғзаки нутқда : нотўғри талаффуз, диалектизмлар, варваризмлар, вульгаризмлар, кокофимизмлар, жаргонизмлар. Ёзма нутқда: орфографик, пунктуацион меъёрларнинг бузилиши.*

Ўзбек миллатининг узоқ асрлик тарихида кейинги ўн йилликда эришган мустақиллигимиз алоҳида ўрин тутди. Мустақиллик неча асрлар давомида яратилган бой маънавий-маърифий меросимизни нафақат ўрганиш, балки уни давр талаблари асосида қайтадан идрок этиш ва миллий манфаатимизга хизмат қилдириш вазифасини олдимизга қўйди. Бой тажрибаларимиз негизида миллий истиқлол мафкурасининг янгича тамойиллари яратилди. Бизнинг пировард мақсадимиз – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш экан, таълим-тарбия, маънавий-маърифий соҳалардаги фаолиятимизни улкан бир вазифага – халқимиз онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришимиз, уларда узоқ йиллар давомида шаклланган ва улуғланган умуминсоний ва миллий қадриятларни қайта ўзлаштиришимиз, эъзозлашимиз ҳамда унинг ақидаларини ҳаётда қўллашга қаратишимиз лозим. Бу борада қиладиган ишларимизни Президентимиз И.А.Каримов аниқ-равшан кўрсатиб берганлар: «Эндиги вазифамиз шун-

дан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафқурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онгига ва қалбига сингдиришга қарағилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур».<sup>1</sup>

Муҳтарам Президентимиз белгилаб берган вазифаларни амалга оширишдан тилшунослар четда тура оладими? Йўқ, албатта. Давр барча зиёлилар қатори тилшунослар олди-га ҳам янги ва улкан вазифаларни кўйди. Бу вазифаларни пўнда қилиб, бир томондан, тилшуносликнинг назарий масалаларини жаҳон андозалари даражасида таҳлил қилиш, иккинчи томондан, унинг амалий жиҳатлари, аниқроғи, нутқий маданият масалалари билан шуғулланиш тарзида тушуниш тўғри бўлади.

Дарҳақиқат, тилнинг барча қатламларидаги бирликларни тартибга келтириш, яъни адабий тилимизнинг қатъий меъёрларини белгилаш, уларни имло ва талаффуз қоидалари асосида ёзиш ва сўзлашни халқимиз орасида оммалаштириш, бу қоидаларни луғатлар шаклида мустаҳкамлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Булар орасида халқимизнинг нутқ маданиятини юксалтириш муҳим бўлиб қолади. Чунки миллий истиқлол ғояси юртдошларимизни маънавий янгилашни ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш, ёшларимизни эса эркин, шу билан бирга, одатдаги, анъанавий усуллардан воз кечиб, янгича фикрлашга ўргатишни мақсад қилиб кўяр экан, бунга тил маданиятисиз эришиб бўлмайди.

Тўғри, нутқ маданияти муаммоси инсоният цивилизациясининг барча босқичларида ўртага қўйиб келинганлиги ҳам сир эмас. У таълимот сифатида қадимги Рим ва Афинада

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Сўз боши. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 8-бет.

шакаланган бўлса ҳам, шунга қадар Миср ва Ассирияда, Хиндистон ва Хитойда мавжуд бўлганлиги нотиклик санъати тажрибасидан маълум. Гап шундаки, у пайтларда давлат ар-бобларининг обрў-эътибори ва юқори лавозимларга кўтарилиши уларнинг нотиклик маҳоратига ҳам боғлиқ бўлган. Грек нотиғи Демосфен (эрамиздан олдинги 384 - 322) ва Рим нотиғи Цицерон (эрамизгача 106 - 43) ларнинг ҳаёти бунга мисол бўла олади.

Ўрта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти билан шуғулланиш ўзига хос мавқега эгадир. Улуғ турколог олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» ва Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарлари бу масаланинг жуда қадимдан ўртага қўйиб келинганлигидан гувоҳлик беради. У даврларда шартли равишда «Нутқ одоби» деб юритиладиган қоида ва кўрсатмаларда содда ва ўришли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост ва дадил гапириш, ёлғовчилик, тилёғмаликни қоралаш ва бошқалар ҳақида гап борган.<sup>2</sup>

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»ида нутқ одоби учун аҳамиятли бўлган тил маълумотлари билан биргаликда нутқ, нутқ маданияти, нутқий гўзалликка оид қимматли маълумотлар мавжуд. Биргина мисол:

Кўп сукутга қуш қўнар,

Кўрклик кишига сўз келар,

яъни, шохи кўп, шохлари ўралиб кетган дарахтга қуш қўнади, яъни кишига сўз (мақтов) келади. Яна: Ардам боши тил, яъни одоб ва фазилатнинг боши тилдир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида ҳам «Тил фазилатлари, фойда ва зарарлари ҳақида», «Тил ар-

---

<sup>2</sup> Бу ҳақда яна қаранг: Бегматов Э. Нутқ одоби. - Ўқитувчилар газетаси, 1969 йил 25 май

дами» деб номланган боблари бўлиб, улар сўзлаш маданиятига бағишланган. Айрим намуналар келтирамиз.

Сўзингни кўдазгил бошинг бормасун,  
Тилингни кўдазгил тишинг синмасун...

(Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,  
Тилиннга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин...)

Эсанлик тиласа санинг бу ўзунг,  
Тилингда чиқарма яроғсиз сўзунг.

(Сенинг ўзинг эсонлик тиласанг,  
Тилингдаги яроғсиз сўзингни чиқарма).

Билиб сўзласа сўз билигга сонур,  
Билигсиз сўзи ўз бошини еюр.

(Билиб сўзласа, сўз донолик саналади,  
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди).

Бу ўринда биз улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг номини алоҳида эҳтиром билан тилга оламиз. Ўз ижоди билан сўз қудрати ва нотиклик санъатини юксак даражага кўтарган аллома нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган. У «Маҳбуб-ул қулуб» асарининг 24-бобини воизликка (нотиклик санъатига) бағишлаган «Муҳокамат-ул луғатайн» ва «Мажолис-ун нафоис» асарлари эса бевосита тилшуносликнинг назарий муаммоларини ҳал қилишга, туркий (ўзбек) тилининг бошқа тиллар орасидаги ўрнини белгилаб беришга ҳамда нутқ маданиятини ўрганишга қаратилган эди.

«Хамса» нинг ҳар бир достонида Алишер Навоий сўзга бўлган эҳтиромини алоҳида қайд қилади. Қуйида достонларнинг насрий баёнидан айрим парчаларни келтирамиз. «Ҳайратул - аброр»дан:

«Сўз гавҳарининг шарафи шунчалик юксакки,  
гавҳардек қимматбаҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди.

Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир. Танида руҳи бор одам унга эҳтиёж сезади. Сўз дунёда бор барча кўнгиллارнинг кутисидаги жавҳар, ҳамманинг оғиз



қутисидаги қимматбаҳо гавҳардир. Агар тил бамисоли бир пўлат занжир бўлса, сўз унга қадалган инжулардир. Тил шу чаманнинг очилган лоласи бўлса, сўз дурлари унга қўнган шабнамлардир. Сўз ўлган одамнинг танасига пок руҳ бағишлайди. Сўздан тандаги тирик руҳ ҳалок бўлиши мумкин.

Яхши сўз билан ўлганни тирилтириб олгани учун Исо пайғамбар ўзини «Жонбахш» лақаб билан атаган. Сўз туфайли Халил ўзини ўтга ташлаган. Жаброил ҳам сўз юкига ҳаммол бўлган. Тангри инсонни сирлар хазинаси даражасига кўтарган экан, уни сўзлаш қобилиятига эга бўлгани учун ҳайвонлардан ортиқ қилиб яратди.

Агар, қўл билан бериб хайр қилиш иложи бўлмаса, тил билан ҳам наф етказиш мумкин. Одамни бир оғиз яхши сўз билан хурсанд қилиш керак бўлган вақтда унга хазина берсанг ҳам, у қарамайди. Сўз билан эл ўлимдан нажот топади, сўз билан ўлик тан қайта тирилади. Сўз билан динсизлар муслмон бўлади, сўз билан ҳайвон деганинг инсонга айланиши мумкин. Бир сўз билан қанча балолар даф бўлади, қанча бойлик сочсанг ҳам бундай нафъга етишмайди. Инсонга хос коннинг гавҳари, бу – сўздир, одамзод гулшанининг меваси ҳам шу сўздир».<sup>3</sup>

«Сабъаи сайёр» дан: «Ҳар бир инсон дунёга келгач, у сўз билан нажот топади. Энг аввал сўзни тавҳид сўзи (ҳудога етишув) деб бил, чунки ваҳдат аҳлида (бирлик аҳлида) бунга иккиланиш йўқдир. Аввалу охиригга назар солиб, боши ҳам, охири ҳам сўз эканлигини англаб ол !

Ҳақ инсонни ҳайвондан мумтоз айлаб (ажратиб, саралаб), уни ўзига маҳрам қилди.

Агар камолотли хоҳиш билдириб, маъно дуррига интилиб, сўз либосини кийса, ул товланиб турган ипак матодай

---

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Тошкент, 1989, 222-223, 303-бетлар.

туюлади. Чунки у сўзнинг нозик ипагидан кийиб, гўзалнинг жамолини ўзига ёқимли қилади.

Буларнинг барчаси сўздаги мўъжиза, унинг ҳикматлари эса элни ожиз қолдиради. Унинг бири ўликка сўзи билан жон бериб, сўз билан жонга руҳ киргизади

Оллоҳ, оллоҳ қандай сўздур бу сўз, бундан ортиқ ҳам яна бўлурму сўз! Сўз жисм бўстонидаги дарахтдир, сўз дарахтлардаги мевадир. Инсоннинг жисми гулшан бўлса, нутқ ундаги хушовоз булбулдир. Агар сўз бўлмаганда бахтсизлик юз берган бўлур эди.

Маъноли сўз нозикликда жон риштасидай, унинг роҳати риштага сарришта жондайдир».<sup>4</sup>

Алишер Навоийнинг тил маданиятига оид фикрлари унинг бошқа асарларида ҳам айtilган. Уларнинг айримларинигина келтириш билан чегараланамиз: *Тилга йхтиёрсиз, элга эътиборсиз. Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтирма, ва ҳар неким, кўнгилда бор тилга сурма. Маъдани инсон гавҳари сўз дурур, гулшани одам самари сўз дурур. Кўп демак сўзга мағрурлик Ва кўп емак нафсга маъмурлик. Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, гар нописанд заҳир бўлса, тилнинг офатидур.*<sup>5</sup>

Яна бир алломанинг нутқ маданияти ва нутқий меъёр, нутқ қоидаларига оид қарашларига қисқача тўхталамиз. Бу XV – XVI аср маънавиятининг йирик вакили Мавлоно Хусайн Воиз Кошифийдир. Унинг «Футувватномаи султони» асарикинг «Тариқат аҳлининг одоби» деб номланган бешинчи бобида инсон маънавияти ва маданиятига оид қарашлари эътиборга моликдир. Олим бу бобда инсоннинг етти аъзоси – кўз, қулоқ, тил, қорин, оғиз, қўл ва фарж (тано-

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. – Тошкент, 1991, 363-365-бетлар.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. – Тошкент, 1985, 58-73-бетлар.

сил аъзоси) ни сақлаш одоби ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларни инсон организми деб эмас, балки маънавияти ва ахлоқи намоён бўлувчи рамзий белгилар сифатида талқин қилади.

Жумладан, унинг муомала маданияти ва мулоқот одоби ҳақидаги қарашлари ана шу умуминсоний фазилатларнинг таркибий қисми сифатида қаралади. Кошифий қўйидагиларни ёзади: «Тилнинг одоби қайси деб сўрасалар, бу олти нарсага тилни очиш ва саккиз нарсадан тилни сақлаш деб айтгил. Тилни очиш керак бўлган нарсалар қайси деб сўрасалар, айтгил: ҳожат зарурати юзасидан кўнгишларда яширин бўлган розни изҳор этиш, мазлумлар фарёдига жавоб бериш ва марҳумлар имдоди учун сўз айтиш. Чунки бу сўзлар орқали зolimнинг зулми мазлумлар бошидан кўтарилиши мумкин.

Тилни сақлаш лозим бўлган нарсалар қайси деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, ёлгон гапиришдан, зеро ёлгончи худонинг душманидир. Иккинчи, ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан. Учинчи, гийбат ва бўҳтон гаплардан, чунки бўҳтон фосихлар ишидир. Тўртинчи, беҳуда баҳсу муноқашадан, айб қилишдан ва гап ташишдан. Булар шайтон васвасасига киради. Бешинчи, ўзини мақташ ва таърифлашданки, бу худбинликка олиб келади. Олтинчи, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан. Еттинчи, қаргашдан, дуои бад қилишдан, чунки бу жону дилнинг офатидир. Саккизинчи, мазах-масхара қилиш ва ҳазил-ҳузудан».<sup>6</sup> Олим шу бобнинг «Сўхбат одоби ҳақида» деб номланган олтинчи фаслида тил одоби ҳақидаги мулоҳазаларини давом эттириб, қўйидагиларни баён қилади: «Билгилки, одамзоднинг шарафи нутқ билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебахрадир. Сўз ҳамма вақт

---

<sup>6</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футуватномаи султоний // Шарқ юлдузи, 1993, № 3-4, 165-бет.

савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъкул. Шайхлар ва бошқа мартабага эришганлар учун ҳам, ҳали мартабага эришмаган кишилар, муридлар учун ҳам рияз қилиниши зарур бўлган бир қанча суҳбат одоби мавжуд. Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак деб сўрасалар, айтгилки, қуйидаги саккиз қоидани сақлаш керак: биринчидан, ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафъи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзнинг қиммати — қадрни бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қай ерга экманг, униб чиқмайди.

Агар мартабага етмаганларнинг суҳбат одоби нечта деб сўрасалар, бу ҳам саккизта деб айтгил. Биринчидан, сўрамагунча гапирмасин. Иккинчидан, гапираётганда овозини баланд кўтармасин. Учинчидан, гапираётганда ўнгу-сўлига қарамасин. Тўртинчидан, ғаразли ва кинояли гапларни гапирмасин. Бешинчидан, қаттиқ гапирмасин ва бетга чопарлик қилмасин. Олтинчидан, пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин. Еттинчидан, одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин. Саккизинчидан, кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам сөз гапиришни шиор этсин.

Агар қайси тил билан сўз сўзлайсан деб сўрасалар, сидқу-садоқат тили билан деб айтгил. Агар сўзни қайси қулоқ билан эшитасан деб сўрасалар, қабул қулоғи билан деб айтгил.

Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими деб сўрасалар, айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик

дарахтининг мевасидир. Дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди».<sup>7</sup>

Воиз Кошифий мана шу тарзда асарнинг олтинчи бобининг иккинчи фаслида маърака тузувчи сўз аҳли, яъни нотиклар ҳақида маълумот бериб, уларни уч тоифага ажратади: «биринчи тоифа – маддоҳлар, газалхонлар ва саққолар (мешкобчилар). Иккинчи тоифа – хоссағўйлар (дорифурушлар) ва бисотандозлар (кўргазмачилар). Учинчи тоифа – қисса сўйлагувчилар ва афсона айтувчилар.

Уларнинг ҳар бирининг фазилатлари ҳақида сўз юритиб, адаб шаклларини бирма-бир кўрсатиб, нутқ сўзлаганларида меъёрни сақлаш лозимлигини бир неча бор такрорлайди.<sup>8</sup>

Ўрта Осиё нотиклигининг ўзига хос хусусияти унинг халқ оммаси ҳаётининг турли жабҳаларини қамраб олганлигида эди. Ўша давр нутқий санъат усталарининг надимлар, қиссағўйлар, масалғўйлар, бадихағўйлар, қирсатхонлар, муаммоғўйлар, воизлар, гўяндалар, маддоҳлар, қасидахонлар деб юритилганликлари ҳам шундан далолат беради.

Афсуски, ўзбек нутқи маданиятининг шаклланиши, нотиклик санъати тарихи ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Бу ишнинг амалга оширилиши эса бой маданий тарихимиз янги қирраларининг очилишига, ўзига хос миллий маънавиятимиз доирасидаги тил маданиятимизнинг қоронғу жиҳатларини ойдинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ҳарқалай, бугунга келиб нутқ маданиятига бўлган талаб тубдан ўзгарди. Чунки мустақил Ўзбекистон келажакда ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу

---

<sup>7</sup> *Хусайн Воиз Кошифий*. Юқоридаги манба, 168 -- бет.

<sup>8</sup> *Хусайн Воиз Кошифий*. Юқоридаги манба, 176 --179 - бет.

Йўлда адашмай бориш учун миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқди. Ана шу миллий истиқлол ғоясини халқимиз қалби ва онгига сингдиришда нутқий таъсирчанлик ҳам алоҳида мавқега эга, албатта. «Ўрнида ишлатилган сўзлар, ёрқин ва дилдан баён этилган нутқ, бамаъни фикр ҳар доим одамларнинг хулқ-атворига ижобий таъсир кўрсатади. Мулоқот жараёнида фикрга, соғлом ғояга эга бўлиш масаланинг бир жиҳати. Унинг бошқа бир муҳим жиҳати ана шу фикрларни баён эта олиш қобилиятидир».<sup>9</sup>

Хўш, нутқ маданияти нима? Уни етарли даражада эгаллаш учун қандай вазифаларни амалга ошириш лозим ва бунда адабий тил меъёрларининг ўрни қандай бўлади? Бу саволга жавобларни, аввало таниқли тилшунос олимларнинг асарларидан топамиз. С.И.Ожегов шундай деган эди: «Юқори нутқ маданияти нима? Юқори нутқ маданияти - бу ўз фикрларида тил воситалари билан тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олишдир. Тўғри нутқ деб эса ҳозирги адабий тил меъёрларига риоя қилиб тузилган нутққа айтилади. Аммо юқори нутқ маданияти фақатгина меъёрга риоя қилишдан иборат эмас. У яна фикрни ифодалашнинг аниқ воситасини топишдангина иборат бўлиб қолмасдан, бирмунча таъсирчан ва мақсадга мувофиқ воситаларни топиш укувини ҳам ўз ичига олади».<sup>2</sup>

Л.И. Скворцов : «Нутқ маданияти» тушунчаси бир томондан нутқнинг адабий тил меъёрларига мос келиш даражасини билдирса, иккинчи томондан тилшунослик фанининг маданият қуроли бўлган адабий тилни мукаммаллаштириш

---

<sup>9</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Олий таълим муассасалари учун қўлланма. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2001, 191-бет.

<sup>2</sup> Ожегов С.И. Лексикология. Лексикография. Культура речи. – М., 1974, с.287-288.

мақсадида меъёрлаштириш муаммолари билан шуғулланувчи соҳадир».<sup>3</sup>

Маълум бўладики, нутқ маданияти, агар масалага лингвистик нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бу дастлаб нутқнинг грамматик тўғрилиги демакдир. Иккинчидан эса, у услубий жиҳатдан ҳам тўғри бўлиши керак, яъни яхши нутқда ноаниқликка, икки маънолилиқка, узундан узокликка йўл қўйилмаслиги, қисқалик, аниқлик ва соддалик унинг ўлчови бўлиши лозим. Кенг маънода эса нутқ маданияти нутқий таъсирчанликни, ижодий ёрқинликни, ўткирлик ва образлиликни ифода этади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, нутқ маданияти муаммолари билан олимлар ҳамма замонларда ҳам шуғулланиб келишган. Бу соҳада Прага лингвистик тўғараги, рус тилшунослиги катта ютуқларга эришганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Кейинги 40-50 йил ичида бу соҳада ўзбек тилшунослигида ҳам маълум ишлар амалга оширилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбек тилшунослиги эришган ютуқлардан бири шу бўлдики, нутқ маданияти алоҳида ўрганиш объекти қилиб олинди ва у алоҳида фан сифатида назарий асосга қўйилди, илмий ўрганиш методлари ишлаб чиқилди, у билан алоқадор тушунчаларнинг чегаралари белгиланди. Бу борада Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида ташкил этилган Нутқ маданияти секторининг, айниқса бир неча йиллар шу секторнинг бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган Э.А. Бегматовнинг хизматлари катта бўлди. Олимнинг қаламига мансуб «Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши» (1973), «Тилшуносликнинг муҳим соҳаси» (1973), «Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида» (1975), «Нутқ маданияти мезонлари» (1976), «Ўзбек нутқи мадания-

---

<sup>3</sup> Основы культуры речи. Хрестоматия. — М.: Высшая школа, 1984, с.29.

ти масалалари» (1980), «Нотикнинг нодир бойлиги» (1980), «Адабий норма ва нутқ маданияти», «Ўзбек нутқ маданияти очерклари» (1989), «Ўзбек нутқи маданияти асослари» (1991), «Нутқ маданияти ва услубият асослари» (1992), «Адабий норма назарияси» (1997, 1998, 1999) сингари асарларида<sup>4</sup> нутқ маданиятига оид кўплаб илмий-назарий фикрлар баён этилган.

Нутқ маданиятини юксалтиришнинг олдида турган муаммоларни аниқ кўра билган олим бундан 30 йил муқаддам қуйидагиларни ёзган эди: «Бизнинг фикримизча, нутқ маданияти соҳаси ўз ўрни ва фандаги мавқеини тўла эгаллаши учун у назарий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Биринчидан, бу тушунчанинг тил ҳодисаси ва илмий проблема сифатида тарихи ёритилмоғи керак. Иккинчидан, нутқ маданияти соҳасини ўрганувчи асосий объект бўлган тил ҳодисаси аниқланиши керак. Учинчидан, нутқ маданиятининг илмий-тадқиқий объекти билан боғлиқ проблемалар белгиланиши лозим. Тўртинчидан эса, нутқ маданиятини ўрганиш аспекти (лингвистик ва экстралингвистик) чегараланиши зарур».<sup>5</sup>

XXI асрнинг бошларига келиб бу масалаларнинг кўплари ҳал бўлди. Бу борада яна Э.Бегматовнинг хизматлари катта эканлигини таъкидлашимиз зарур.

Биргина «тил маданияти» ва «нутқ маданияти» тушунчаларини чегаралаш масалаларини олиб қарайлик. Олимнинг фикрларини келтирамиз: «...нутқ маданияти ту-

---

<sup>4</sup> Уларнинг айримлари ҳаммуаллифликда ёзилган. Бу ҳақда қаранг: Қўнғуров Р., Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 1984; Каримов С., Жўраев Т. Ўзбек тили услубияти ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 2001.

<sup>5</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973, 156-бет.



шунчаси бу, аввал тўғри, шу билан бирга, яхши сўзлаш, яъни маданий нутқий процесс демакдир. Аммо маданий гапириш учун нутқда хизмат қилувчи маданий воситалар, яъни аниқроғи маданий тил воситалари лозим бўлади. Шунга кўра айтиш мумкинки, маданий нутқ икки фактор асосидагина юзага чиқа олади: а) маданий тил (адабий тил) воситаларининг мавжудлиги, ушбу маданий тил воситаларидан гапирганда ёки ёзганда мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олиш.

Келтирилган икки омил асосида нутқ маданияти ҳодисаси ҳам, бизнингча, икки хил талқин қилиниши ва номланиши лозим бўлади.

1. Тил маданияти. 2. Нутқ маданияти ёки сўзлашув маданияти.

Нутқ маданияти тушунчасини тил маданияти ва сўзлаш маданияти тушунчасига ажратиш тилшуносликда изчилликка эга эмас. Умуман, бу икки тушунча, асосан, бирга ёки қориштирилган ҳолда нутқ маданияти ёки тил маданияти термини билан юритилмоқда. Демак, бу ҳолда тил маданияти термини нутқ маданияти терминига эквивалент бўлиб келмоқда. Шу сабабли ҳам, биз нутқ маданияти номи билан умумий тарзда юритилаётган тушунча (ҳодиса)даги икки ҳолатни тил маданияти ва нутқ, яъни сўзлаш маданиятини фарқлаш тарафдоримиз. Нутқ маданияти тушунчаси ва термини келтирилган икки ҳодиса учун умумий тасаввур ва умумий ном тарзида тушунилиши мумкин. Хўш, тил маданияти тушунчаси нима ?

Тил маданияти тушунчаси нутқ маданияти соҳасида тил системасининг ўзини, масалан, ўзбек адабий тилининг восита ва имкониятларини, «маданийлаштиришни» кўзда тутади. Демак, тил маданияти термини билан аталувчи тушунча тил системасининг маданийлик даражасини, яъни унинг

қанчалик ишланганлиги, нормаланганлигини кўрсатади».<sup>6</sup>

Кўринадики, гарчи «тил маданияти» ва «нутқ маданияти» тушунчалари тилга оид атама сифатида бир-бирларидан фарқланса ҳам, аслида уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайдиган, бири иккинчисини тақозо қиладиган тушунчалардир. «Нутқ маданияти» аниқ маънода тил бирликларини нутқ жараёнида қўллашнинг меъёри, мақсадга мувофиқлигини аниқлаётган ҳам, умумий маънода маълум миллатнинг умумтил доирасида қаралади. Тўғри, нутқ тил ва тилдан ташқаридаги (лингвистик ва экстралингвистик) омилларни ўз ичига оладиган мураккаб жараён бўлиб, у мантик, руҳшунослик, педагогика, этика, эстетика масалалари билан ҳам боғлиқ. Аммо нутқ учун тилнинг биринчи даражада туришини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Маълум бўладики, тил бирликларини меъёрлаштириш, ҳамма учун умумий ва тушунарли бўлган бир қолипга келтириш умуман тилшуносликнинг вазифаси саналса ҳам, у нутқ маданияти соҳасининг хизматларини инкор этмайди. Бинобарин, меъёр муаммолари ҳаминиша ушбу соҳанинг тадқиқот объекти бўлиб қолаверади. Нутқ маданияти тилда маълум меъёрда келтирилган тил бирликларининг нутқда қўлланиш шарт-шароитларини, қонуниятларини назарий жиҳатдан асослайди ҳамда бу меъёрга амал қилишни маълум маънода назорат ҳам қилиб боради. Нутқдаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, камчиликларни тугатишнинг энг маъқул йўллари кўрсатиб турилади. «Нутқ маданияти кенг миқёсидаги тил тарбиясини ва оммавий стилистик саводликни, бошқача айтганда, сўзловчи ва ёзувчи омма орасида

---

<sup>6</sup> Бегматов Э. «Нутқ маданияти» тушунчаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, № 5, 50-58-бетлар.

тил ҳақидаги фаннинг ҳозирги замон ютуқларини тадбиқ этишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди».<sup>7</sup>

Тил элементларининг меъёрлашишидек узлуксиз жараёнда эскилик билан янгилик ўртасида кураш ҳамиша давом этади. Тилда яшаб турган сўз ва иборалар уларнинг ўрнига келаётган янгиларига осонликча ўрнини бўшатиб бермайди. Маълум муддат улар тенг даражада, параллел яшаб туриши ва вақтлар ўтиши билангина ўрнини бўшатиб бериши мумкин.

Баъзан бунинг акси ҳам кузатилади. Бундай birlikлар орасида тил тизимига тўғри келмайдиган, тасодифийлари учраб қолиши, омма ўртасида меъёрлашмасдан, адабий тил доирасининг ташқарисида қолиб кетиши ҳам мумкин.

Шу тариқа амалдаги меъёр ва янгилик ўртасида доимий кураш давом этади. «Биз янги меъёрларнинг грамматика ва луғатларда қойдалаштирилиши (кодификация) ва жойлашиш вақтини қайд қилишимиз мумкин, - деб ёзади В. А. Ицкович. - Аммо эски меъёрни янгисининг сиқиб чиқариши узоқ ва кўп босқичли жараёндир. Янги birlik адабий қўлланишнинг ташқарисида - жонли сўзлашувда, касб-хунарга оид ва кундалик маиший нутқда пайдо бўлиб, фақат аста-секинлик билангина адабий тилдан ўрин олади».<sup>8</sup>

Худди мана шу эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш ва бу курашда тилдаги меъёрий кўринишларнинг танлана бориши жараёнида адабий тил шаклланиб боради. Ўзбек миллий адабий тили гарчи умумхалқ тилидан ўсиб чиққан бўлса ҳам, унда мавжуд бўлган диалектлар ва шевалардан, жаргонлардан, оддий сўзлашув тилидан, умуман халқ тилидан баъзи жиҳатлари билан фарқ қилади. Чунки умумхалқ тили ўзбек тилида учрайдиган барча элементларни ўз ичига олади ва ишланмаган шаклда бўлади. Адабий тил эса ундан

---

<sup>7</sup> Основы культуры речи: Хрестоматия, с.39.

<sup>8</sup> Ицкович В.А. Языковая норма. - М., 1968, 47- 48- бетлар.

Ўзбек миллати учун тушунарли бўлган ва фойдаланишда қулай деб топилган вариантларини танлаб олади ҳамда уларни миллат вакиллари учун меъёр сифатида тавсия этади.

Гарчи умумхалқ тилининг ҳамма кўринишларида, барча тил жамоаларида ўзига хос тарзда амал қиладиган меъёрлар мавжуд бўлса ҳам кодификациялаштирилган, яъни маълум қоидаларга киритилган меъёрлар фақат адабий тилга хос хусусиятдир. «Фақат адабий тилдагина, - дейди В.А. Ицкович, - қандай гапириш ва қандай гапирмаслик; меъёрий грамматикаларда, лугатларда, маълумотномаларда қайд этилган; мактабларда ўрганиладиган қоида ва кўрсатмалар амал қилади».<sup>9</sup> Шунинг учун ҳам адабий тилнинг умумхалқ тилидан фарқ қилувчи томони унда ягона меъёрнинг қатъий амал қилиши ҳисобланади.

Тилнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси халқ ҳисобланса ҳам, унинг тараққиётида олимларимизнинг, шоир ва ёзувчиларимизнинг, давлат ва жамоат арбобларининг, педагоглар ва матбуот ходимларининг, кино, театр санъати усталари ва нашриёт ходимларининг ҳамда журналистларнинг хизматларини қайд қилиш лозим. Айниқса мустақиллик даврида тилшунос олимларимиз, шоир-ёзувчиларимиз ва журналистларимизнинг хизматлари катта бўлди. Уларнинг самарали меҳнатлари туфайли тилшуносликнинг кўпгина йўналишлари бўйича қатъий меъёрлар белгиланди, она тилимиз ривожига оид янги қоидалар ва қарорлар инobatга олинган ҳолда тил бирликларининг ёзув ва муомала жараёнидаги намунавий вариантлари тавсия этилди, тил тизимидаги кўпгина мунозарали масалалар ўзининг назарий асосига қўйилди.

Аmmo адабий тил мунтазам тараққиёт ва такомиллашув жараёнини бошидан кечирар экан, бу жараёни фақатгина сўз усталарининг хизматларига боғлаб қўйиш ҳам

---

<sup>9</sup> Ицкович В.А. Юқоридаги асар, 8-бет.

тўғри бўлмади. Шу ўринда А.И. Ефимовнинг «Агар адабий тил тарихан тараққий этган ўзаро ҳамкорликда бўлган ва бўлиб келаётган услубларнинг мураккаб тизими ҳисобланар экан, унда алоҳида бир кишининг родини улар орасидаги маълум бир услубнинг ишлануви доирасида эътироф этиш мумкин»<sup>10</sup>, деган фикрини эсга олишимиз лозим. Олимнинг таъкидлашича, адабий қайта ишлаш (бинобарин, меъёрлаштириш - С.К.) умумхалқ тилининг жуда катта захирасидан нисбатан ёрқин, ҳаётий ва типик нутқий воситаларни танлаб олиш ва ижодий бойитишдан иборатдир.

Сўз усталари, ижодкорлар адабий тилнинг бойишига, ундаги ифода имкониятларининг кенгайишига хизмат қилса, танланган ушбу тил бойликларининг адабий нутқда мустақамланишида жамиятдаги яна бир катта куч- зиёлилар, айниқса, ўқитувчилар ёрдамга келади. «Айнан шу мактаб, - дейди Т. А. Дегтерева, - сўз усталари томонидан кўпроқ умумий, камроқ индивидуал нутқий воситаларни тилда мустақамлайди, уларни адабий нутқ меъёрларига айлантиради, авлоддан авлодга ўтишини таъминлайди. Биронта ёзувчи, биронта сиёсий ва илмий асар муаллифи, биронта нотиклик санъатининг даҳоси у ёки бу маънода нутқий маданият тайёргарлигининг мактаб босқичини четлаб ўтган эмас».<sup>11</sup>

Тил бирликларининг адабий шаклда меъёрлашувида шоир ва ёзувчилар ижоди намуналари кўринишидаги бадий адабиётнинг ўрни ҳам алоҳида. Айни пайтда, бадий адабиёт тилидаги меъёрни белгилашнинг ўзи мураккаб вазифа эканлигини таъкидлаш лозим. Чунки бадий матнда ижодкор нияти, ўй-хаёлига боғлиқ равишда адабий меъёр доирасидан ташқарида бўлган тил шакллари ишлатилиши ҳам мумкин.

---

<sup>10</sup> Ефимов А.И. История русского литературного языка. Курс лекций. - М.: изд. Московского университета, 1954, с.7.

<sup>11</sup> Дегтерева Т.А. Становление норм литературного языка. - М., 1963, с. 170.

Аммо гап шундаки, бу меъёрдан ташқарида бўлган ҳолатлар бадий-эстетик жиҳатдан ўзини оқлайдиган, китобхон томонидан тушунарли ва қабул қилинадиган бўлиши лозим.

Бадий ижод жараёнида шоир ва ёзувчилар ўз фикр ва ҳиссиётларини бошқа ижодкорлардан фарқ қиладиган, фавқуллода оригинал ифодаларда беришга интиладилар. Бу йўлда улар янги сўз ва иборалар яратадилар. Яратилаган birlikлар ўша матннинг ўзида қолиб кетавериши, оммалашмаслиги, адабий тилдан ўрин олмаслиги, бир сўз билан айтганда, тилда меъёрлашмаслиги мумкин. Уларнинг меъёрлашишини шароит, вақт ва омманинг қабул қилиши каби омиллар белгилайди.

Аммо бир нарса равшанки, бу birlikлар ўзи қўлланган матнда бадиият учун, образли тасвир ва ифода учун хизмат қилади. Шундай экан уларни бир услуб доирасида меъёрий деб ҳисоблашга асосимиз бўлади. Адабий асарлардан намуналар келтирамиз: *Шовиллайди тун бўйи шамол. Қалдирғочлар учун л а р з а к о р* (А.Орипов. Шовиллади тун), *Лекин фақирга энг улуғ туюлган фазилатлари - Ҳазрат Мирнинг истеъдодшунослик - лари - ю, заковат парварликлари эди* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар), *Аммо само ўғли яшинвор, Ташланмасдан охуга ёвқур, Чангалидан кетганди мадор, Кўзларида сўнган эди нур* (О. Матжон. Акс-садо) каби.

Лекин бадий адабиёт матнида баъзан бошқа манзарага ҳам дуч келиб қоламиз. Оллаёр Бегалиев «Йўқолган табассум» ҳажвий ҳикоясида (Шарқ юлдузи, 1988,7) қўллаган айрим сўз ва ибораларни тил меъёри ва мантиқ меъёри нуқтаи назаридан қандай тушуниш лозимлигини аниқлашга ўқувчи қийналади. Жумладан ҳикояда шундай ибора ва жумлалар бор : *табассумни ташлаб кирмоқ; табассумини катта-кичик, қалин ва юпқа, бўялган ва табий, самимий ва ғаразли табассумлар тартибсиз қалашиб ётган котибанинг столи устига*

ташлаб кетмоқ; табассумларини қабулхонада қолдирмоқ; табассумидан айрилмоқ; мўъжаз табассум; табассумини ечиб қийиб юрмоқ; табассуми билан кирмоқ; табассумидан айрилмай ўтирмоқ; табассумини уйига ташлаб келмоқ; табассумини супуриб, ўрага ташлаб келмоқ; табассумларини ўз жойига қўндирмоқ; ўз табассумини олиш учун котибанинг столига энгашмоқ; тепкиланган табассумини букилиб олмоқ; табассумининг чангини қоқмоқ; табассумини жойига ўрнатмоқ; эллигинчи размер табассум; янги табассум; баркашдек юзидаги қовуннинг тилимили эслатувчи табассум; бахтсиз табассум; кичкина табассумни катталаштирмоқ; ўз табассумига тикилмоқ; табассумли кулишни ўрганмоқ кабилар.

Бу иборалар ва жумлалардан табассумнинг нима эканлигини била олмай қоласан киши. Ҳикояни кулгили чиқариш мақсадида тасвири бу қадар бачканалаштириб юборган қаламкашнинг бадиятдан хабари бор-йўқлиги ҳақида ўқувчида шубҳа туғилади.

Л.В.Шчерба меъёрдан чекинмаган ёзувчининг бўлмаслиги, чекинилмаса асарнинг зерикарли бўлиши мумкинлиги ҳақида ёзиб, «Инсонда меъёрни ҳис қилиш хусусияти тарбияланган бўлса, у яхши ёзувчилардаги асосли чекинишларни бутун гўзаллиги билан ҳис қила бошлайди», деб таъкидлаган эди.<sup>12</sup>

Тилдаги бирликлар ва ҳодисаларнинг реаллашуви, мустақамлануви ҳамда меъёрлашувида ёзувнинг хизмати катта бўлиб келаётганлиги шубҳасиз. Нафақат тилнинг меъёрлашуви, балки дунё халқлари тараққиётида ҳам ёзувнинг ўрнини четлаб ўтиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир халқ, миллат цивилизацияси у яратган ёки фойдаланган ёзувга ҳам боғлиқ.

---

<sup>12</sup> Шчерба Л.В. Спорные вопросы русской грамматики // Русский язык в школе, 1939, №1, с.10.

Ў. Ҳ. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ҳамда халқимизнинг дунё фани ва маданиятида, бинобарин, тил ва нутқ маданиятида тутган ўрни, эгаллаган мавқеи ҳақида сўз юритганда бу халқнинг неча минг йиллар давомида фойдаланиб келган оромий, юнон, карошта, суғд, хоразм, кушон, эфталит, паҳлавий, сурия, ҳинд, урхўн (руник), уйғур, араб, лотин, рус (кириллица) ёзувларини ва яна лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтаётганлигимизни эслаш кифоя. Шундай экан, ўзбек адабий тилининг шаклланиши, шубҳасиз, ўзбек халқи асрлар давомида фойдаланиб келган ёзув маданиятининг такомили ҳамдир.

Тил тадқиқотчиларининг тасдиқлашича, давлатчилик даражасида, яъни расмий муомалада тилдан фойдаланиш унинг меъёрлашувини, бинобарин, адабий тилнинг шаклланишини тезлаштирган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, қаерда давлатчилик тараққий этган, мустақамланган ва бу давлатнинг бошқа давлатлар билан муносабатлари яхши йўлга қўйилган ва ривожланган бўлса, шу ерда тилнинг меъёрлашуви ва маданийлашуви ҳам тезроқ амалга ошган. Худди ана шу фикрни дунё цивилизациясига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшган халқларнинг бадиий ва илмий тафаккури ҳақида бемалол айтиш мумкин.

Дарҳақиқат, давлат олиб борган ижтимоий сиёсатнинг тил ривожини ва меъёрлашувига таъсири сезиларли бўлиши мумкин. Буни собиқ СССР ҳудудида яшовчи халқлар тилларига бўлган муносабатдан ҳам англасак бўлади. «Рус тили – иккинчи она тилимиз» деган сунъий шиор бир асрга яқин вақт мобайнида аста-секинлик билан тилимизга рус ёки у орқали бошқа тиллардан сўз қабул қилиш ва уларнинг меъёрлашиб боришини таъминлади. Биз ҳеч иккиланмасдан, худди шундай бўлиши керакдек, *абсолют, авангард, авантюра, авария, автобиография, автоном, автор, агитатор, агрессив, агрессор, актив, актуал, алфавит, альянс, амнистия, аноним, арбитр, аристократ, аристократия, арсенал, архаик, ата-*



ка, аттестат, аудитория, афоризм сингари сўзларни қўллаш ва шундай қўллашга кўникдик. Уларнинг тилимизда муқобиллари йўқмикан деб ўйлаб кўрмадик. Тўғриси, бунга имкон ҳам, умумий оқимдан четга чиқишнинг иложи ҳам йўқ эди. Лоқайдлигимиз эса бунга қўмаклашди.

Рус тилининг тазйиқи кучайиб борган сари, аста-секинлик билан, ўзимиз сезмаган ҳолда ўз сўзларимиз ва ифода усулларимиздан воз кеча бошладик. *Ўнта сигир, ўнта қўй* дейиш мумкин бўлгани ҳолда *ўн бош қўй, ўн бош сигир, ўн бош қорамол* деб ишлата бошладик. Чунки баъзи раҳбарларимизнинг бош қотириб, тилимизда мавжуд бўлган сўз ва ибораларни ахтариб ўтиришдан кўра стол устида турган рус тилида ёзилган айрим бирликларни сўзма-сўз таржима қилиб қўя қолиш осон туюлди-да. Бу русча матнларда эса «десять голов овец», «десять голов корова» деб ёзилган бўлган. Шу даражага бориб етдикки, тилимиздаги оддий *совлик, қора мол, улоқ* сўзларини унута бошладик. Уларни рус тилидан калькалаб, *она қўй (овцематок), йирик шохли қорамол (крупный рогатый скот), майда шохли мол (мелкий рогатый скот)* тарзида ишлатишдан тортинмадик. Ачинарлиси шу бўлдики, оддий қишлоқи ўзбек чорвадорларимизнинг, чўпону молбоқарларимизнинг ўзлари ҳам газета ёки радиодан мухбир келиб суҳбатлашганда шундай деб гапирадиған бўлдилар.

Газета тилининг тадқиқотчиси А. Абдусайдов бу нохуш жараённинг халқимиз ўртасида тарқалиб кетганлиги ҳақида сўз юритиб, *она товуқ, она чўчқа, она қуён, она бия, йирик шохли мол, майда шохли мол, майда туёқли мол* сингари ўнлаб жумлаларни таҳлил қилиб беради ва уларнинг бу тарзда қўлланилишини қоралайди.<sup>13</sup>

---

<sup>13</sup> Абдусайдов А. Газета тили ва адабий норма. – Самарқанд. 1986, 39–42-бетлар.

Хаттоки, 80-йилларда ёзилиб, ўзимиз ҳаммуаллифлик қилган «Нутқ маданияти асослари», «Ўзбек тилининг функционал стиллари» сингари асарларда қуйидаги сўзларни ишлатганмиз: *агитация, актуал, анализ, диапазон, идеология, информация, конструкция, контекст, коллектив, норма, обзор, область, оператив, оттенка, персонаж, принцип, принципал, публицистик, публицистика, сенсация, сенсацион, социал, структурал, тематика, территория, форма, функция, функционал* каби.

Ўзбек тилига четдан кириб келган бирликларнинг меъёрлашиш сабабларини шу тарзда англайдиган бўлсак, унинг луғат таркибидаги грекча-юнонча, мўғулча, айниқса, арабча сўзларининг пайдо бўлиш омилларини ҳам тўғри тушунамиз. Хайриятки, мустақиллигимизни қўлга киритиб, биз бу камчиликлардан қутулдик. Ҳеч бўлмаганда, аста-секинлик билан қутулиб бораёпмиз. Буни юқорида танқид қилганимиз чорвачилик соҳасида атамалар ишлатишдаги ўзгаришларда ҳам кузатамиз. Масалан, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг 70 йиллигига бағишлаб нашр этилган «Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари ва фермерлар учун амалий қўлланма ва тавсиялар» (Самарқанд, 1999) китобининг «Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси» бўлимида юқорида келтирилган атамалар ўрнида *қорамол, сигир, бузоқ, тана, гуъажин, буқа, қўй, қўчқор, совлиқ, қўзи, эчки, улоқ* сўзлари қўлланганини кузатамиз (138-221-бетлар).

Шундай қилиб, ўзбек адабий тилининг қанчалик меъёрга келтирилганлиги ва унга қай даражада амал қилиниши умуммиллий ўзбек маданиятининг тараққиёт даражасини белгиловчи омиллардан саналар экан, бу муаммо билан шуғулланиш зиёлилар, хусусан тилшуносларнинг бундан кейин шуғулланиши ва ҳал қилиши лозим бўлган долзарб вазифаси бўлиб қолаверади. Келажакда ўзбек тилида унинг барча сатҳлари бўйича меъёрий ҳолатлар аниқланган ва уларнинг натижаси ўлароқ меъёрий фонетика, меъёрий лек-

сикология, меъёрий фразеология, меъёрий грамматика, меъёрий стилистика сингари йўналишлар тадқиқ этилади ва уларда тил фактлари вазилавий-услугий жиҳатдан таҳлил қилинади деб умид билдирамыз.

### *Адабиётлар:*

1. *Каримов И.А.* Сўз боши. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент : Ўзбекистон, 2000.

2. *Абдусайдов А.* Газета тили ва адабий норма. – Самарқанд, 1986.

3. *Бегматов Э.* Нутқ одоби. – Ўқитувчилар газетаси, 1969 йил 25 май.

4. *Бегматов Э.* Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.

5. *Бегматов Э.* «Нутқ маданияти» тушунчаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, № 5.

6. *Дегтерева Т.А.* Становление норм литературного языка. - М., 1963.

7. *Ефимов А.И.* История русского литературного языка. Курс лекций. - М.: изд. Московского университета, 1954.

8. *Ицкович В.А.* Языковая норма. - М., 1968.

9. *Каримов С., Жўраев Т.* Ўзбек тили услубияти ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд, 2001.

10. *Ожегов С.И.* Лексикология. Лексикография. Культура речи. – М., 1974.

11. Основы культуры речи. Хрестоматия. – М.: Высшая школа, 1984.

12. *Шчерба Л.В.* Спорные вопросы русской грамматики // Русский язык в школе, 1939, №1.

13. Қўнғуров Р., Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. — Самарқанд, 1984.

14. Хусайн Воиз Кошифий. Футуватномаи султоний // Шарқ юлдузи, 1993, № 3-4.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат универ-  
ситети

«Ҳозирги ўзбек тилининг меъёрий  
муаммолари» предметидан  
ўтиладиган дарсларнинг  
р е ж а – д а с т у р и

Мазкур ўқув дастури В – 220100 ва  
5 – 220100–филология (ўзбек тили  
ва адабиёти) – бакалаврлик  
йўналишида таҳсил олаётган  
талабалар учун тузилган

## МАЪРУЗАЛАР

Биринчи мавзу: *Кириш. Меъёр ҳодисасининг лингвистик тушунча эканлиги.*

*Тил ва нутқ меъёри (2 соат)*

Тил ва нутқ тушунчаси. Уларнинг ижтимоий ҳодисалар эканлиги. Ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари. Тил - тизим бўлиб, бу тизимнинг нутқда қўлланилиши, яъни амалга ошишининг ўзи аслида меъёр эканлиги. Бошқача айтганда, меъёр - тил тизимининг объектив реаллашуви саналиши. Тил тизимидан фойдаланишнинг жамоа характерга эгаллиги.

Нутқий эҳтиёж ва унинг даврийлиги. Бу эҳтиёжни белгиловчи тарихий шароит, халқнинг маиший, маънавий-маърифий турмуши, ижтимоий-фалсафий дунёқараши, этнографияси сингари омиллар.

Тил меъёрлари шаклланиши ва ривожланишининг ҳар бир миллий тилда ўзига хос тарзда кечиши ҳамда бу жараённинг тиллар меъёрларининг ўзаро фарқларини аниқловчи ўлчовга айланиши. Тил меъёрининг миллий характери.

Тил меъёридаги тарихийлик ва анъанавийлик.

Миллий тил потенциали, ундан фойдаланишдаги чегараланганлик. Тил тизимидаги идеал шакллар, эталонлар ва улардан фойдаланиш йўллари ва этикаси.

Нутқнинг мураккаб ва индивидуал жараён эканлиги. Унинг юзага келишидаги конкрет шароит, ижтимоий муҳит, сўзловчининг шахсига, нутқнинг шаклланишига боғлиқ бўлган омиллар. Улардан келиб чиқувчи нутқий услублар.

Индивидуал нутқ ва жамоа нутқи. Нутқий кўникмалар, узус тушунчаси.

Узус ва адабий меъёр, уларнинг мувофиқлик ва номувофиқлик даражаси.

**Иккинчи мавзу: Ўзбек тилшунослигида меъёр масаласининг ўрганилиш тарихидан (2 соат).**

Тил меъёри масаласи ўзбек тили тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлганлиги. Умумхалқ тилининг такомиллашиб, ягона миллий адабий тилни шакллантиришга бўлган интилиш тилни маълум меъёрга солиш учун кураш эканлиги.

Ўзбек тилининг такомиллашиб, тараққий этиб, бинобарин, меъёрлашиб боришида зиёлиларнинг - олимлар, хусусан тилшунос олимларнинг, шоир ва ёзувчиларнинг, маориф ва маданият, адабиёт ва санъат ходимларининг, ноширларнинг роли.

Гарчи меъёр масаласи ўзбек тили тарихида қадимдан ўртага қўйилиб келинаётган бўлса-да, унинг амалий ва илмий-назарий жиҳатларини тадқиқ этиш кейинги 30-40 йилнинг маҳсули эканлиги. Бу борада тилшунос олимларимизнинг олиб борган ва олиб бораётган тадқиқотлари. Нашр қилинган илмий ишларнинг умумий таҳлили ва уларга муносабат.

**Учинчи мавзу: Адабий тил ва адабий меъёр (2 соат)**

Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. Унинг бойиб боришидаги ички ва ташқи омиллар. Юнон, ҳинд, мўғул, араб, форс-тожик, рус ва у орқали бошқа тилларнинг ўзбек тилига таъсири. Диалект ва шева элементларининг умумхалқ тили таркибий қисми эканлиги.

Тил ривожини ва тараққиётидаги ички омиллар.

Адабий тил, унинг тараққиёт давлари. Ундан фойдаланишнинг ўзбек халқи учун мажбурийлиги.

Адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари, уларнинг бугунги маданийлик даражаси.

Адабий тил - тилнинг яшаш шаклларида бири эканлиги. Унинг миллат учун муштараклиги, меъёрга солинганлиги, поливалентли, яъни кўп вазифали эканлиги, услубий тармоқланганлиги.

Адабий тил умумтил меъёрининг ўзига хос кўриниши эканлиги. Бу меъёрнинг онгли тарзда бошқарилиши. Адабий меъёрнинг қатъий қоидаларга солинган, ёзувда мустақамланган, намунавий, умумхалқ характерида бўлган, умум томонидан баравар қўлланиладиган, умуммажбурий, турғун, барқарор, анъанавий ва тенденциоз, динамик, вариантдор, реал меъёр эканлиги.

Адабий меъёрнинг типлари: умумий ва конкрет кўринишлар. Умумий тарзда: а) ёзма нутқ меъёри: ёзма адабий тил меъёри, ёзма услуб меъёри; б) оғзаки нутқ меъёри: оғзаки адабий тил меъёри, оғзаки услуб меъёри. Конкрет тарзда: лексик-семантик, талаффуз, акцентологик, фонетик, грамматик, сўз ясалиши, офографик, график, пунктуацион, услубий меъёрлар.

Бу кўникмаларнинг анъаналар, маълум умумий интизом ва тартиб-қоидаларга риоя қилишдан иборат эканлиги.

### Т ў р т и н ч и м а в з у : *Умумий меъёр ва хусусий меъёр тушунчалари (2 соат)*

Умумий меъёр тил воситалари ва имкониятлари тизи мида маълум тилда сўзлашувчи омма учун тушунарли бўлган, жамоа кўникмасига асос бўлган воситалаф йиғиндиси. Бу воситалар йиғиндисининг муайян даврда бу тилдан фойдаланувчилар учун умуммеъёр саналиши. Шундан келиб чиқиб, тил ўз ижтимоий вазифасига кўра меъёрий тизим эканлиги.



Умуммеъёрни аниқлашда қардош ва қардош бўлмаган тиллар меъёрларини солиштириш.

Хусусий меъёр умумий меъёрнинг нутқ типлари ва шаклларидаги ҳамда тилнинг шаклларидаги қонкрет кўриниши эканлиги. Бу кўринишларнинг: а) адабий тил, б) диалект ва шевалар, в) сўзлашув нутқи, г) ўзбек тилининг ижтимоий тармоқлари, яъни «социал диалектлар», «социал арголар» меъёри шаклида намоён бўлиши.

Хусусий меъёрнинг индивидуал кўринишлари. Масалан, ёзувчилар, журналистлар, дикторлар нутқи тарзида.

Ўзбек тили меъёрини ўргатишнинг тўрт йўли: 1. Ўзбек тилининг умумий меъёри ёки ўзбек умумтил меъёри. 2. Ўзбек адабий тили меъёри. 3. Ўзбек тилининг диалектал меъёри. 4. Ўзбек тилининг социал типлар меъёри.

Хусусий меъёр кўринишлари: адабий меъёр ва адабий бўлмаган меъёр. Жамоа ва индивидуал нутқни баҳолаш мезонлари.

### **Бешинчи мавзу: Ҳозирги ўзбек адабий тили кўринишлари ва уларнинг муҳим белгилари (2 соат)**

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг товуш ва график тизими. Товуш меъёри ва унинг ёзувда акс этиши масаласи. Амалда бўлиб келаётган рус графикасига асосланган ёзув. Унинг ютуқ ва камчиликлари.

Ўзбекистон Республикасида «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг кучга киритилиши, аста-секинлик билан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш масаласи. Бу ёзувнинг афзаллик томонлари. Фонетик меъёр муаммоларининг босқичма-босқич ҳал этилиши: Бинобарин, орфографик меъёрнинг йўлга қўйилиши.

Орфоэпик меъёр, яъни ўзбек адабий талаффуз меъёри ва ундаги ҳозирги камчиликлар. Бу камчиликларнинг юз бериш сабаблари. Орфоэпик меъёрнинг кўпчилик томонидан тўла эгалланмаганлиги. Уни бартараф этиш йўллари.

О л т и н ч и м а в з у: *Лексик-фразеологик  
меъёр (4 соат)*

Лексик меъёр тушунчаси ҳақида. Унинг сўз танлаш меъёри эканлиги. Бу танлашдаги лексик-семантик камчиликлар.

Тилдаги диалектизм, окказионализм, плеоназм, тавтология, пароним сингари лексик бирликлар ва уларнинг адабий меъёрга муносабати.

Тилдаги вариантдорлик. Уларнинг танланиш имкониятлари. Вариантдорликнинг турлари: фонетик, морфологик вариантлар, синонимлар ва дублетлар. Вариантдорликнинг кўринишлари: доимий ва матний.

Ўзбек тилининг кенг истеъмол сўзлари меъёри. Масалан, кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат номлари меъёри кабилар.

Вариантлардаги услубий, маъновий нозикликлар. Тилда лексик вариантлар мавжудлигининг ижобий ва салбий жиҳатлари.

Фразсологик меъёр. Фразеологик меъёр тушунчаси. Фразеологизмлар структурасидаги меъерий бузилишлар, маънодан четга чиқишлар, улар компонентларининг алмашиши, эллиптик ҳолатлар.

Фразеологизмларда окказионал вариантлар ва адабий меъёр.

**Еттинчи мавзу: Грамматик меъёр. Морфологик меъёр (4 соат)**

Морфологик меъёр тушунчаси. Тилдаги аффикслар синонимияси ва нутқий меъёр масаласи.

Отлардаги кўплик, эгалик, келишик категорияларининг, субъектив баҳо шакллариининг қўланишида адабий меъёр.

Сифат даражалари, кишилик олмошлари, феъл замонлари, шахс-сон қўшимчаларининг қўлланилишида грамматик ва услубий меъёр масаласи.

**Саккизинчи мавзу: Грамматик меъёр. Синтактик меъёр (4 соат)**

Ўзбек тилининг синтактик меъёри. Гап қурилишининг одатдаги меъёри, уларда сўзларнинг жойлашиш тартиби. Бу меъёрнинг бузилиши, инверсия.

Синтактик меъёрларнинг вазифавий чегараланганлиги. Унинг ҳар бир вазифавий услубда ўзига хос тарзда шаклланиши.

Бадий матнда синтактик меъёр масаласи. Поэтик синтаксис. Илмий, сўзлашув услубларида меъёр.

**Тўққизинчи мавзу: Услубий меъёр (4 соат)**

Услубий меъёр тушунчаси. Адабий меъёр ва услуб, уларнинг ўзаро муносабати. Бу муносабатни аниқлашдаги қийинчиликлар. Улардан бири - вазифавий услубларда меъёрни белгиловчи лингвистик воситаларнинг аниқ қўрилиб турмаслиги. Услубий мезонлар - нутқнинг шароит, мавзу,

сўзловчи ёки ёзувчининг ижтимоий муҳити, дунёқараши, тилни қанчалик эгаллаганлик даражаси.

Тил меъёрларининг аниқ бир услуб кўринишларига алоқадорлиги.

Услубий меъёлар тил меъёрларининг айнан ўзи эмас, балки ўша меъёрларнинг қўлланиш ҳолати эканлиги. Уларнинг тил меъёрлари вазифавий, яъни яшаш шарти эканлиги.

Услубий меъёрларнинг эркинлиги. Уларнинг умумий меъёрнинг индивидуал кўринишлари эканлиги.

Нутқий оппозициялар. Адабий меъёр тушунчасининг услубий меъёр тушунчаси билан тенг эмаслиги. Услубий меъёрнинг ҳар бир услубда алоҳида намоён бўлиши, уларнинг бирининг иккинчисига тўғри келмаслиги. Услублардаги меъёрий ва номеъёрий воситалар,

### Ў н и н ч и м а в з у : *Адабий тил меъёрлари ва лугатчилик (2 соат)*

Ўзбек лугатчилиги ҳақида маълумот. Адабий тил ёзма шаклининг такомил ва меъёрлашувидаги, шунингдек, оғзаки нутқ билан ёзма нутқ меъёрлари орасидаги боғлиқлик, яқинлик ва мувофиқликни мустаҳкамлашда имло лугатларининг аҳамияти. Уларнинг адабий тил ёзув ва талаффуз маданиятини кўтаришдаги лизматлари.

Оғзаки нутқ маданияти. Уни кўтариш учун адабий тил оғзаки шакли қонуниятларини ўрганиш, бу нутқ шаклини меъёрлаш ва силлиқлаш, оғзаки нутқнинг намунавий кўринишларини ахтариб топиш, унинг лингвистик ва нолингвистик мезонларини белгилашнинг муҳимлиги. Адабий тил қонуниятларини меъёрлаш ва энгли бошқаришда орфоэпик қоидалар ва орфоэпик лугатларнинг аҳамияти.

Сўз маъноларининг ҳамда талаффузнинг фарқланишида паронимлар лугатининг ўрни.

Вариантлик. Нутк маданиятида уларнинг тутган ўрни ва бу вариантликнинг имло, изоҳли ва фразеологик лугатларда акс этиши масалалари.

**Ўн биринчи мавзу: Адабий меъёр ва ўзбек нутқи масалалари (2 соат)**

Нуткда учрайдиган турли характердаги, масалан орфоэпик, орфографик, грамматик нуқсонлар. Уларни тузатиш йўллари ва бунга асос бўладиган ўлчов адабий тил меъёри эканлиги.

Меъёр тилнинг ижтимоий вазифа бажаришининг асосий шarti бўлиб, унга амал қилиш шу тилда сўзлашувчи ва ёзувчилар учун мажбурий саналиши. Миллий тилнинг меъёрий ҳолати ва унга қай даражада амал қилиш ўзбек миллий маданиятининг тараққиёт даражасини белгиловчи омил саналиши.

## ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

*Ажратилган соат – 10*

**1 - машғулот. Ўзбек тилшунослигида меъёр масаласининг ўрганилиш тарихидан (1 соат)**

Саволлар:

1. Тил меъёри масаласи ўзбек тили тараққиётининг барча босқичларида ўртага қўйиб келинаётганлиги.
2. Тилнинг меъёрлашувида зиёлиларнинг роли.
3. Ўзбек тилшунослигида тилнинг меъёрий муаммоларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар таҳлили.

### Адабиётлар

1. *Бегматов Э., Маматов А.* Адабий норма назарияси, 1 қисм - Тошкент : Наврўз, 1997, 4-92-бетлар.

### 2-м ашғуло т. Адабий тил ва адабий меъёр (1 соат)

Саволлар:

1. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.
2. Тил ривож ва тараққиётидаги ички ва ташқи омиллар.
3. Адабий тил умумтил меъёрнинг ўзига хос кўриниши эканлиги.
4. Адабий меъёрнинг типлари. Умумий ва конкрет кўринишлари

### Адабиётлар

1. *Ғуломов А.* Адабий тил нормалари // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами.- Тошкент : Фан, 1973, 55-65 - бетлар.

2. *Ёқубов О.* Тил ва меъёр // Тил ва адабиёт таълими, 1993, №3-4, 40-бет.

3. *Маматов А.Э.* Нутқ маданияти ва тил нормаси бўйича атама ва тушунчалар изоҳи. - Тошкент, 1991. - 52 бет.

4. *Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т.* Нутқ маданияти асослари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1985. - 48 бет.

5. *Турсунов У., Ўринбоев Б.* Ўзбек адабий тили тарихи. -Тошкент, 1982.

### 3-м ашғуло т. Умумий меъёр ва хусусий меъёр (1 соат)

Саволлар : 1. Умумий меъёр тушунчаси. Тилнинг меъёрий эканлиги.

2. Хусусий меъёр тушунчаси. Унинг кўринишлари.

3. Ўзбек тили меъерини ўрганиш йўллари.

4. Жамоа ва индивидул нутқни баҳолаш йўллари.

### *Адабиётлар*

1. *Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М.* Адабий норма ва нутқ маданияти. - Тошкент : Фан, 1983, 15-21 - бетлар.

2. *Бегматов Э., Маматов А.* Адабий норма назарияси, II қисм - Тошкент : Наврўз, 1998, 57-64-бетлар.

### 4-м а ш ғ у л о т. *Имло ва талаффуз мсъёрлари* (1 соат)

Саволлар :

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг товуш ва график тизими.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрда қабул қилган Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» ги қарори.

4. Ўзбек тили орфоэпик меъёри ва унинг ҳозирги босқичдаги камчиликлари. Уни бартараф этиш йўллари.

### *Адабиётлар*

1. *Абдуллаев И.* Совға.-Тошкент, 1996, - 80 б.

2. *Ўринбоев Б.* Совға. - Самарқанд, 1995. - 44 б.

3. *Узоқов Ҳ.* Ўзаро муомала ва орфоэпик нормалар // ТошДУ илмий асарлари, 586. - Тошкент, 1979, 132-143 - бетлар.

4. *Усмонова Ў.* Талаффуз нормаларини белгилаш масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, №6, 28-29 - бетлар.

5. *Усмонова Ў.* Талаффуз маданияти - Тошкент : Фан, 1976. -59 б.

6. *Иброҳимов Н.* Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида. – Тошкент:Фан, 1972.

### 5- м а ш ғ у л о т. *Лексик-фразеологик меъёр* (1 соат)

Саволлар :

1. Лексик меъёр тушунчаси.

2. Тилдаги лексик birlikлар ва уларнинг меъёрга муносабати.

3. Тилдаги вариантдорлик. Унинг доимий ва матний кўринишлари.

4. Фразеологик меъёр тушунчаси. Унинг таркибидаги меъёрий бузилишлар ва адабий меъёр.

### *Адабиётлар*

1. *Турсунов У. Ўринбоев Б.* Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик нормаларнинг белгиланиши // СамДУ асарлари, янги серия, 188. - Самарқанд, 1971, 3-7 - бетлар.

2. *Шоабдурахмонов Ш.* Ўзбек адабий тилининг нормалари // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. - Тошкент: Фан, 1973, 47-51 - бетлар.

3. *Қўчқортоев И.* Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, №3, 34-38- бетлар.

4. *Абдуллаева Л.* Лексическая стилистика узбекского литературного языка. - Ташкент: Фан, 1979.

5. *Маматов А.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. - Тошкент, 1991 -274 б.



6. *Абдусайдов А.* Газета тили ва адабий норма. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1986. -100 б.

7. *Бафоев Б.* Алишер Навоий асарлари тилида сўз варианти ва адабий норма // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1988, №1, 30-36 – бетлар.

8. *Йўлдошев Б.* Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабати // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1992, №3-4, 37-42 - бетлар.

9. *Маҳкамов Н.* Адабий норма ва плеоназм. - Тошкент, 1983.

10. *Маҳмудов Н.* Сўз вариантлари ва саводли нутқ // Совет мактаби, 1990, №10, 63-64-бетлар.

#### 6 – м а ш ғ у л о т. *Морфологик меъёр (1 соат).*

Саволлар :

1. Морфологик меъёр тушунчаси.
2. Аффикслар синонимияси ва меъёр.
3. Сўз туркумларидаги грамматик ва услубий меъёр.

#### *А да б и ё т л а р*

1. *Турсунов У., Ўринбоев Б.* Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик нормаларнинг белгиланиши // СамДУ асарлари, янги серия, №188. - Самарқанд, 1971, 3-7 - бетлар.

2. *Тожиёв Ё.* Ўзбек тилида аффиксал синонимия. - Тошкент: ТошДУ нашри, 1991.

3. *Тожиёв Ё.* Ўзбек тилида шахс оти ясовчи аффикслар синонимияси. -Тошкент: ТошДУ нашри, 1991.

4. *Шукуров Р.* Сўзнинг морфологик вариантлари. - Тошкент: Фан, 1990. -93 б.

#### 7 – м а ш ғ у л о т. *Синтактик меъёр* *(1 соат)*

Саволлар :

1. Синтактик меъёр тушунчаси.

2. Гапда сўзлар тартиби ва меъёр.
3. Синтактик меъёрларнинг вазифавий чегараланганлиги.

4. Бадий матнда синтактик меъёр. Поэтик синтаксис.

### *Адабиётлар*

1. *Турсунов У., Ўринбоев Б.* Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик маъноларнинг белгиланиши // СамДУ асарлари, янги серия, №188. - Самарқанд, 1971, 3-7 - бетлар.

2. *Мамажонов А.* Кўшма гап стилистикаси. - Тошкент: Фан, 1990.

### **8- машғулот. Услубий меъёр (1 соат)**

Саволлар :

1. Услубий меъёр тушунчаси.
2. Услубий меъёрнинг ҳар бир вазифавий услубда намоён бўлиш хусусиятлари.
3. Услублардаги меъёрий ва номеъёрий воситалар.

### *Адабиётлар*

1. *Абдурахмонов Ф.* Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960, №1, 49-54- бетлар.

2. *Абдурахмонов Ф.* Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, №6, 50-52 - бетлар.

3. *Тошалиев И.* Стилистик норма ва унинг асосий белгилари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, №2, 27-33 - бетлар.

4. *Мамажонов А.* Ўқувчиларга стилистик норма қоидаларини ўргатиш // Совет мактаби, 1988, №6, 20-21 - бетлар.

5. *Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М.* Адабий норма ва нутқ маданияти. - Тошкент: Фан, 1983, 77-89 – бетлар.

9-м а ш ғ у л о т. *Адабий тил меъёрлари ва  
луғатчилик (1 соат)*

Саволлар:

1. Ўзбек луғатчилиги ҳақида маълумот.

2. Адабий тил ёзма ва оғзаки нутқ шаклларининг меъёрлашувида луғатларнинг аҳамияти.

3. Сўз маънолари ва талаффузнинг фарқланишида пароним луғатларнинг роли.

*Адабиётлар*

1. *Ақобиров С.* Нутқ маданияти ва норматив луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 16 б.

2. *Шоабдурахмонов Ш.* ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1980.

3. *Мирзасев М.* Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1966.

10 – м а ш ғ у л о т. *Адабий меъёр ва нутқ  
маданияти (1 соат)*

Саволлар :

1. Нутқ маданияти тушунчаси.

2. Тилдаги нутқий бузилишларнинг характери ва уларни бартараф этишда меъёрнинг аҳамияти.

3. Ўзбек миллий тили тараққиётида тилни илмий ўрганиш ва меъёрий ҳолатларни белгилашнинг роли.

*Адабиётлар*

1. *Бегматов Э.* Сўзлашув нутқи ва норма // Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. СамПИ асарлари, янги серия, № 241. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1972, 384-бет.

2. *Бегматов Э.* Нутқ маданияти ва адабий норма. Лекторга ёрдам. – Тошкент: Ўзбекистон, 1973. -21 б.

3. *Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М.* Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983. – 152 б.

## СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ

*Ажратилган соат – 6*

Семинар машгулотларида 1983 йилда Э.Бегматов, А.Бобоева, М.Асомиддиновалар томонидан нашр этилган «Адабий норма ва нутқ маданияти» асарини ўқиб ўрганиш мақсад қилиб қўйилади.

### *1- машгулот. Адабий меъёр (2 соат)*

Саволлар:

1. Тил меъёри тушунчаси.
  2. Адабий меъёр ва унинг хусусиятлари.
- Манба: китобнинг 8-15, 21-62, 66-71 саҳифалари.

### *2 – машгулот. Адабий меъёрнинг вариантдорлиги (2 соат)*

Саволлар:

1. Лексик дублетлар.
  2. Лексик вариантлар.
- Манба: китобнинг 90-120 саҳифалари.

### *3 – машгулот. Ўзбек тилининг кенг истеъмол сўзлари меъёри (2 соат)*

Манба: китобнинг 136-150 саҳифалари.

## МУСТАҚИЛ · ТАЪЛИМ

### *Ажратилган соат – 6.*

**1 – м а ш ғ у л о т.** Меъёр ҳодисасининг лингвистик тушунча эканлиги, тил ва нутқ меъёри, ўзбек тилшунослигида меъёр масаласининг ўрганилиши, адабий тил ва адабий меъёр, умумий ва хусусий меъёр, адабий тил меъёрлари кўринишлари мавзулари бўйича 20 тадан белгиланган тартибда тест тузиш.

**2 – м а ш ғ у л о т.** Лексик-фразеологик, грамматик ва услубий меъёрларнинг бузилиш ҳолларига оид бадиий адабиёт матнларидан 15 тадан мисол топиш ва карточкаларга манбаси аниқ кўрсатилган ҳолда ёзиш.

## Рейтинг баҳолашларининг технологик харитаси

Факультет: Ўзбек филологияси

Фан: Ҳозирги ўзбек адабий тилининг меъёрий муаммолари

Максимал балл (М)- 50,0. Минимал балл (Ж) – 27,5

Семестр: VI Баҳолаш мезони – «5» - 43,0 – 50,0

«4» - 35,5 – 42,9

«3» - 27,5 - 35,4

«2» - 0 – 27,4

Тр	Ишчи дастурга мувофиқ бош маъруза ёки бўлимлар	Соат					Тури	Шак-ли	балл		Утказиш мдлати
		Маъруза	Семинар	Лаборатория	Муст. Таълим	Жами			Минимал	Максимал	
1	Кириш. Меъёр ҳодисасининг линг.тушунча эканлиги. Тил ва нутқ меъёри.	2				2					
2	Ўзб.тил-да меъёр мас.сининг ўрг. тар.	2	2			4					
3	Адабий тил ва адабий меъёр.	2		2	2	6					
4	Умумий ва хусусий меъёр тушунчалари.	2				2/14	ЖН	оғз	2,3	4,2	Дарс. д.
5	Ҳоз. ўзб. ад. тили кўринишлари ва уларнинг муҳим белги-и.	2		2		4/18	ОН	ёзм	3,96	7,2	жадв. а
6	Лексик-фразеологик меъёр	4	2			6					
7	Морф-гик меъёр.	4		2		6					
8	Синтактик меъёр.	4				4					
9	Услубий меъёр.	4		2		6					
10	Ад. тил меъёрлари ва дугатчилик.	2	2			4/36	ЖН	оғз	5,94	10,8	дарс. д.
11	Ад. меъёр ва ўзб. нутқи масалалари	2		2	2	6/32	ОН	ёзм	7,0	12,8	жадв. а
	<b>Ж а м и</b>	30	6	10	4	50	ЯН	ёзм	8,2	15,0	

Факультет рейтинг комиссияси раиси

Алиқулов З. Кафедра мудири  
Тузувчи

Қаримов С.А.  
Қаримов С.А.

**СамДУ ўзбек филологияси факультети III курс талабаларига танлама фан сифатида ўтиладиган «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг меъёрий муаммолари» предметида дарс ўтиш *схемаси***

Т/р		маъ- руза	ам али й	се- ми нар	му с. таъ		Маъ- руза	ам- лий	се ми нар	мус. таъл.	
1	1-мавзу	+				16.	+				
2	2-мавзу	+				17.		+			
3			+			18.	8-мавзу	+			
4	3-мавзу	+				19.		+			
5			+			20.			+		
6	4-мавзу	+				21.				+	
7			+			22.	9-мавзу	+			
8	5-мавзу	+				23.		+			
9.			+			24.			+		
10	6-мавзу	+				25.	10-мавзу	+			
11		+				26.		+			
12					+	27.				+	
13.			+			28.	11-мавзу	+			
14.				+		29		+			
15.	7-мавзу	+									
							<b>Ж а м и</b>	<b>26</b>	<b>20</b>	<b>6</b>	<b>6</b>

= 58 соат

### Умумий адабиётлар

1. *Каримов И.А.* Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. ЎЗР Олий Мажлиси 1X сессиясида сўзланган нутқ, 1997 йил 29 август.
2. *Абдуллаев Ф.* Ўзбек миллий адабий тили ва уни ўрганишга оид масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.
3. *Абдурахмонов Х.* Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Тошкент: Фан, 1971.
4. *Абдурахмонов Ф.* Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, №6.
5. *Асқарова М.* Республика мактабларида она тили ўқитиш ва нутқ маданияти // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент: Фан, 1973.
6. *Баскаков Н.А.* Структурные и функциональные стилистические модификации в современных тюркских языках. // Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968.
7. *Бегматов Э.* Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент: Фан, 1973.
8. *Бегматов Э.* Ўзбек нутқи маданияти масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, № 4.
9. *Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М.* Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983.
10. *Виноградов В.В.* Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963.
11. *Ефимов А.И.* Стилистика художественной речи. – М, 1961.
12. *Иброҳимов С.* Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973.



13. *Каримов С.* Ўзбек тилининг бадиий услуби.- Самарқанд: Зарафшон, 1992.

14. *Кожина М.Н.* Стилистика русского языка – М., 1983.

15. *Маматов А.Э.* Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.- Тошкент, 1991.

16. *Маҳмудов Н., Нурмонов А.* Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995.

17. *Мукаррамов М.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент, 1984.

18. *Мухторов А., Санақулов У.* Ўзбек адабий тили тарихи. -Тошкент, 1995.

19. *Муҳамедов С.* Ўзбек тили функционал стилларини белгилаш тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, №4.

20. *Неъматов Ҳ., Расулов Р.* Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

21. *Решетов В., Шоабдурахмонов Ш.* Ўзбек диалектологияси. - Тошкент, 1978.

22. *Розенталь Д.Э.* Практическая стилистика русского языка. – М., 1974.

23. *Садыкова С.* Стилистика глагола в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис.... д-ра филол.наук. - Тошкент, 1991.

24. *Сулаймонов А.* Тил стиллари ҳақида // Совет мактаби, 1964, №6.

25. *Турсунов У., Ўринбоев Б.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1982.

26. *Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент, 1995.

27. *Шоабдурахмонов Ш.* ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1980.

28. *Шоабдурахмонов Ш.* Ўзбек адабий тилининг лексик нормалари // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами - Тошкент: Фан, 1973.

29. *Шомақсудова А.* Ўзбек тили стилистикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1983.

30. Ўзбек тили грамматикаси. I ва II томлар. - Тошкент, 1975, 1976.

31. *Ўринбоев Б.* Функционал услубият ва унинг моҳияти. - Тошкент: Фан, 1992.

32. *Ўринбоев Б.* Ўзбек тилининг сўзлашув нутки синтаксиси масалалари. - Тошкент: Фан, 1975.

33. *Ўринбоев Б., Ўринбоева Д.* Ўзбек тилининг сўзлашув услуби. - Тошкент, 1991.

34. *Қиличев Э., Қиличев Б.* Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Бухоро, 2001.

35. *Қурбонов Т.И.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг публицистик услуби. НД - Тошкент, 1987.

36. *Қўнғуров Р.* Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. - Самарқанд, 1975.

37. *Қўнғуров Р.* Сифат стилистикаси // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. - Самарқанд, 1982

38. *Қўнғуров Р.* Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. - Самарқанд, 1981.

39. *Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А., Қурбонов Т.И.* Ўзбек тилининг функционал стиллари. - Самарқанд, 1984.

40. *Қўчқортоев И.* Адабий тилнинг стилистик табақаланиши ва нутқ маданияти // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. - Тошкент, 1973.

41. *Фулотов А.* Адабий тил нормалари // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. - Тошкент, 1973.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Меъёр ходисасининг лингвистик тушунча эканлиги.....	6
Ўзбек тилшунослигида меъёр масаласининг ўрганилиш тарихидан.....	18
Адабий тил ва адабий меъёр.....	44
Умумий ва хусусий меъёр.....	60
Ҳозирги ўзбек адабий тили кўринишлари ва уларнинг муҳим белгилари. Имло ва талаффуз меъёрлари.....	80
Лексик-фразеологик меъёр.....	94
Грамматик меъёр. Морфологик меъёр.....	117
Грамматик меъёр. Синтактик меъёр.....	145
Услубий меъёр.....	169
Ўзбек тили меъёрлари ва луғатчилик.....	204
Адабий меъёр ва ўзбек нутқи масалалари.....	221
Режа-дастур ва технологик хариталар.....	245

Каримов С.А. Тил таълими ва меъёр. Ўқув қўлланма

Ўзбек тилида

Муҳаррир	С.Ҳайитов
Мусаввир	Ҳ.Набиев
Тех. муҳаррир	Ҳ.Амриддинов
Мусахҳих	М.Абдуллаева

ИБ № 407

*Теришга берилди 22.09.2002 й. Босишга рухсат  
этилди 30.09.2002 й. Бичими 84x108 1/32. Шартли  
босма табоги 10,0. Нашр босма табоги 11,0. Адади  
200 нусхада. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 612*

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти  
Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30-уй

---

*СамДУ Нашр-матбаа маркази босмахонасида чоп этилди.  
703004, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15*